


297(091)  
№ 24

Сайфиддин Жалилов

# Бухоријлар қүссасы



Имом Бухорий республика  
илемий-маърифий маркази

САЙФИДДИН ЖАЛИЛОВ

**БУХОРИЙЛАР  
ҚИССАСИ**

(Муҳожират тарихидан лавҳалар)

«Тошкент ислом университети» Китобхонаси  
нашриёт-матбаа бирлашмаси  
Тошкент – 2006 15248 yil \*

*Бобур номидаги Андижон давлат университетининг 75 йиллигига бағишиланади.*

Илмий-тариҳий публицистика жанрида ёзилган ушбу китоб Саудия Арабистонида яшәтган ўзбек мұхожирлари ҳәётига бағишиланган. Китобда халқымыз тарихининг мұхим қисми бўлган мұхожират масаласи илк марта жиддий тадқиқ этилган. Унда баён этилган мұхожир ўзбекларнинг ўтмиши тарихимизнинг ҳанузгача ўрганилмаган жиҳатларига ойдинлик киритади, ўзбек илм-фани, адабиёти ва маданиятининг янги саҳифаларини очиб беради.

Китобда Ўзбекистон истиқлолининг қўлга киритилиши ва мустаҳкамланишидаги Президент Ислом Каримовнинг тарихий хизматлари таъсиранч услуг ва асосли равишда очиб берилган.

Китоб муаллифнинг мазкур мамлакатга қилган илмий сафарлари давомида тўпланган маълумотлар, Ўзбекистон тарихига оид тадқиқотлар ва архив хужжатларига асосланган.

Масъул мұҳаррир: З.Мунавваров  
сиёсий фанлар доктори, профессор.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита томонидан нашрга тавсия этилган.

*Мустабиб шўро зулмидан, унинг машъум «қулоқлаштириш» сиёсатидан безиб, унга қарши норозилик белгиси сифатида она-юртини ташлаб, хорижга чиқиб кетишга мажбур бўлган ва Ватан озодлигини қўмсаб, унга етолмай ўтган ажододларимиз хотирасига бағищланади. Уларнинг ҳозирда ҳаёт бўлган авлодлари номларини муаллиф катта ҳурмат ва мамнуният билан эсга олади.*

## Муқаддима

Мустақиллик бизга беҳисоб ижтимоий неъматлар берди. Тарихи, маънавияти, миллий фурури топталган халқимиз, мана, ниҳоят, ўзлигини англамоқда.

Минг йилларни қамраб олган тарихимиз асл манбалар асосида холисона тикланмоқда. Унинг камситилган ёки шўро даври foясига мослаб ёзилган боблари янгидан ўқилмоқда ва тўлдирилмоқда. Бой миллий маданиятимиз, анъана ва урф одатларимизга қайта жон бағищланмоқда, муқаддас динимизга эрк берилиб, унинг ҳаётий мақоми тикланмоқда. Шукурлар бўлсин, ўзимизни, ўзлигимизни танимоқдамиз. Асли ким эдиг-у, кимларнинг қўлида қолган эканмиз? Кўзимиз очила боргач, мана шу саволни ўзимизга бера бошладик. Хиралашиб кетган Ватан туйфуси янгидан ниш берди, энди у бутун вужудимизни қамраб олмоқда, қалбимизга шижаот бағищламоқда.

Президентимизнинг мустақиллигимизни XX аср охирида Ер юзида пайдо бўлган бало-қазолардан асраб-авайлаб, буюк келажак йўлида қилаётган тарихий хизматлари туфайли Ўзбекистонимиз барча жабҳаларда равнақ топмоқда. Истиқлол эса Юртбошимиз айтганларидек, «...халқимизга ниҳоятда қимматга тушган. Ҳурриятнинг баҳоси доимо авлодлар тақдири, иймони, виждони билан ўлчанади»<sup>1</sup>.

Президентимиз Ислом Каримовнинг изчил ташқи сиёсати туфайли Ўзбекистонимиз умумжаҳон билан бўйлашмоқда. «Темир панҷаралар» олиб ташланиб, фуқароларимиз, мана, ҳеч қандай тўсиқларсиз чет мамлакатларга бориб келмоқдалар. Минглаб ёшларимиз хорижда таҳсил олмоқдалар. Булар ва бошқа маънавий неъматларнинг барчаси фақат мустақиллик туфайли қўлга киритилди.

Яна бир улуғ маънавий неъмат муқаддас ислом дини ватани – Саудия Арабистонидаги барча мусулмонлар саждагоҳи бўлмиш Байтуллоҳни тавоф қилишдек ҳалқимизнинг эзгу орзуси ҳам ушалди: Ўзбекистон ҳукуматининг махсус қарори ҳамда шахсан Президентимизнинг кўллаб-қувватлаши билан ҳар йили минглаб фуқароларимиз муборак ҳаж сафарига бориб, динимизнинг фарзларидан бирини адо қилиб келмоқдалар. Бундан ташқари, ўн минглаб фуқароларимиз умра сафарига, муқаддас жойларни зиёрат қилишга бормоқдалар. Истиқлол берган бу имкониятлар Саудия Арабистонида истиқомат қилаётган ватандошларимиз – қон-қариндошларимиз билан дийдорлашувга, узоқ йиллар узилиб қолган қариндошлик алоқаларини қайтадан тиклашга ҳам сабаб бўлди.

Президент Ислом Каримов «Тафаккур» журнали мухбирига берган интервьюсида ва бир гурӯҳ тарихчи олимлар, адиллар билан қилган суҳбатида миллий мафкура ҳамда тарихий хотирага доир ластурий фикрларни айтган эди. Бу фикрларнинг ўзак қисми тарихимизга бўлган муносабатдир. «Тарихий хотирасиз келажак йўқ», – деди Президентимиз. Бу билан Ислом Абдуғаниевич ҳалқимиз, Ватанимиз тарихининг илдизларига диққатни жалб қилди ва тарих фани тараққиётининг ҳануз тилга олинмаган йўналишларини кўрсатиб берди. Бу эса янги-янги тадқиқот мавзулари, ечимини кутаётган долзарб муаммоларни ўртага ташлашга йўл очди.

Ана шундай долзарб масалалардан бири мухожират тарихи, яъни ҳалқимизнинг хорижда истиқомат қилаётган ватандошларимиз вакиллари тарихидир.

Маълумки, 1917 йили Русияда юз берган машъум давлат тўнтариши оқибатида она-юртимиз – Туркистонда ҳам шўролар ҳокимияти ўрнатилди. Шўро ҳукумати хусусий мулкчиликка асосланган асрий тузумнинг душмани бўлгани сабабли ер-сув эгалари, савдогар-дўкондорлар, хунармандлар ва бошқа мулкдорларнинг бойликлари зўравонлик билан тортиб олинди. Улар “кулоқ” деб эълон қилиниб, яхлит бир синф сифатида йўқ қилишга маҳкум этилди.

Шўро тузуми атеистик-даҳрий тузилма бўлгани сабабли диний арбоблар ҳам таъқиб қилинди – қувғин остига олинди. Христиан черковлари ходимларидан тортиб, ислом уламоларигача “шўрога ҳақсиз” деб эълон қилиниб, барчasi фуқаролик ҳуқуқларидан маҳрум этилди. Натижада

халқимизнинг маънавий пиру устозлари бўлмиш мунаввар кишилар—мадраса мударрислари, йирик масжидларнинг имом-хатиблари, мураттаб қорилар, олимлар таъқибга учради, уларнинг бошига оғир кунлар тушди. Масжиду мадрасалар, қориҳоналар бузиб ташланди ёки омборхоналарга, очарчилик сабабли Русиядан кўчиб келганларнинг ётоқҳоналарига айлантирилди. Асрлар давомида яратилган ва тўпланган араб имлосидаги қимматли битиклар ваҳшийларча йўқ қилинди: ўтда куйдирилди, ариқларга оқизилди, қабристонларга кўмиб ташланди... Бу ваҳшийликлар, ноҳақликлар халқимиз хотирасида ҳамон сақланади ва афсуслик билан ёдга олинади.

Машъум “қулоқ сиёсати” оқибатида таъқиб қилингандар эса қамоқقا олинди, олис ўлкаларга сургун қилинди, отиб ташланди. Диний уламоларимиз ҳам раҳмисизларча йўқ қилинди. Уларнинг бир қисми эса шўро ҳукумати сиёсатидан азиятлар чекиб мол-мулкидан ажраб, хорижга чиқиб кетишга мажбур бўлди. Муҳожират жараённида улар не-не азоб-уқубатларни бошдан кечирмадилар! Дастрлаб, айрим ватандошларимиз Хитойнинг Шинжон ўлкасига ўтди. Сўнгра Покистон ва Ҳиндистонга келдилар. Аксарияти эса Афғонистонга ўтиб, узоқ йиллар ушбу мамлакатда истиқомат қилдилар. Иккинчи жаҳон уруши бу ерда ҳам тинчликни бузди. Ватандошларимиз Саудия Арабистонига кўчдилар ва ниҳоят, шу юртда қўним топдилар.

Ачинарлиси шуки, шўро ҳокимияти даврида муҳожиратда юрганлар ноҳақдан «Ватан хоинлари» деб эълон қилинди. Бундай машъум сиёсат туфайли улар билан халқимиз алоқалари узилиб қолди.

Таъкидланганидек, истиқлолга эришиб, хорижга юз тутдик. Ниҳоят, ватандошларимиз билан алоқалар тикланди. Хориждаги қариндошларимиз орасидан олимлар, шоирлар, йирик ишбилармонлар, шунингдек, ислом оламига танилган диний уламолар етишиб чиққани, бизга мана, энди аён бўлмоқда. Гарчи улар Ватандан узоқда яшасалар ҳам, она-юртни асло унумадилар, унинг СССРдек даҳшатли давлат тобелигидан кутулиш орзуси билан яшадилар, Ватан истиқлолини ўйладилар. Айримлари хорижда бўлса ҳам мана шу эзгу мақсад йўлида имкон борича курашдилар, қурбонлар ҳам бердилар.

Хориждаги ватандошларимиз тарихи ўзбек халқи тарихининг ажралмас бобидир. Шўро тузумининг ноҳақ сиёсати туфайли Ватандан жудо бўлганлари етмаганидек, улар тақдири

ва аччиқ қисмати тарихини тилга олинмаслик инсофсизлик бўлади, инчунин, соғлом мантиққа ҳам тўғри келмайди. Бу масала тарихшунослигимиз олдидағи муаммолардан бири ҳисобланади. Ушбу камчиликни тузатиш, хориждаги ватандошларимизнинг тарихдаги ҳақоний ўрнини объектив ўрганиш биз – тарихчиларнинг вазифаларимиздандир.

Президент Ислом Каримов 1992 йили Саудия Арабистонига қылган сафари пайтида ватандошларимиз билан Жидда шаҳрида бўлиб ўтган учрашувда шундай деган эди: «Армонлар доти ювиладиган, яраланган кўнгиллар жароҳати малҳам топадиган замон келди. Энди сиз, тақдир тақозоси билан хорижда яшаётган ватандошларимиз билан алоқаларимизни кенг ривожлантиришга ҳамма имкониятлар яратилмоқда. Энди сизлар учун Ватанимизнинг ҳамма эшиклари доимо очиқ бўлади»<sup>2</sup>.

Русия, Украина, Белоруссия олимлари хориждаги ватандошлари тарихи билан кўпдан буён шуғулланмоқдалар. Олим, шоир ва ёзувчилари, шунингдек, диний уламолари, йирик ишбилармонлари билан алоқалар үрнатмоқда. Турли маълумотларни тўплаб, мақолалар тайёрлаб, китоблар чоп этилмоқда.

Биз эса хориждаги қариндошларимиз тарихи, уларнинг ҳаёти ҳақида шу вақтгача арзигулик илмий ишлар қилолганимиз йўқ. Мустақиллик туфайли бу жабҳада вужудга келган имкониятлардан фойдаланишга эндиGINA киришмоқдамиз.<sup>3</sup>

Иккинчи томондан, истиқлол туфайли хорижда, жумладан, Саудия Арабистонида истиқомат қилаётган ватандошларимиз билан алоқалар тиклангани сабабли муҳожират тарихи, муҳожирларимиз ҳаёти, турмуш тарзи, ижодий фаолияти ҳамда ҳозирда ҳаёт бўлган олиму шоирлар ҳақида кўпроқ билишга иштиёқимиз ҳам ортиб бормоқда. Эндиликда ватандошларимиз ҳаётини ўрганиш, уларнинг оғир қисматини ёритиш замонамиз талабларидан келиб чиқадиган ички эҳтиёжга айланиб қолди.

Ватанимиз тарихи саҳифасидаги мана шу «бўшлиқ»ни тўлдириш маъносида Саудия Арабистонида истиқомат қилаётган ва «бухорийлар» деб аталиб келинаётган ватандошларимиз ҳижрати тарихини ўрганишни режалаштириб, 1994–1997-йиллари ушбу мамлакатга уч марта

илмий сафар уюштирилди. 1992 йили муборак ҳаж сафарига борганимизда, ватандошлар билан алоқа боғлаб, бўлажак сафарларимизнинг мақсади ва вазифалари ҳақида уларнинг айрим зиёли вакиллари билан фикр алмашган эдик. Тузган режамизни улар жон-дили билан қабул қилдилар ва ишимизда кўмаклашишга дилдан хоҳиш билдирилар. Бу орада дўстларимиз кўмаги билан «ал- Мадина» номли арабча газетада мақоламиз ҳам босилди<sup>4</sup>.

Атиги беш ой давом этган сафарларимиз асосида Саудия Арабистонининг ўзбеклар кўпроқ истиқомат қиласиган муқаддас Макка ва Мадина шаҳарларида, шунингдек, Тоиф ва Жиддада, мамлакат пойтахти Риёз ҳамда Робиф шаҳарларида бўлиб, ватандош бухорийлар билан самимий мулоқотлар ўтказдик. Дўстларимиз илтимосимизга биноан фойдали суҳбатлар ташкил қилишга астойдил ёрдамлашдилар. Шунингдек, уларнинг ҳаётини чуқурроқ ўрганиш мақсадида ватандошларимизнинг тўйларида бўлдик, Мавлуди шарифга ва Қуръони карим хатмига бағишлиланган йигинларда иштирок этдик, ўлим маъракаларида қатнашдик...

Натижада олдимизга қўйган мақсадимизга доир кўплаб маълумотлар тўплашга мубаффақ бўлдик: кундаликлар тўлдирилди, эсдаликлар ёзиб олдик, баъзи ноёб фотосуратларни топдик. Айрим ватандош олим, шоирларнинг илмий-адабий меросларидан намуналар, нусхалар олиб келдик ва баъзиларини чоп эттирилди.<sup>5</sup> Ватандошимиз, тасаввуф олими, Арабистонда Олтинхон тўра номи билан машҳур бўлган улуф зот Сайид Маҳмуд Тарозий ҳақида алоҳида китобча яратдик.<sup>6</sup> Шунингдек, мамлакатимиз матбуотида сафарларимиз натижаларига бағишлиланган қатор мақолалар эълон қилдик.<sup>7</sup> Муҳожирликда вафот қилган айрим олим ва адиллар меросини эса нашрга тайёрлаб қўйдик<sup>8</sup>.

Ниҳоят, муҳожират тарихига оид ушбу китобни тайёрлаб, сиз, нуктадон ўқувчилар ҳукмига ҳавола этмоқдамиз. Китоб том маънодаги илмий тадқиқот эмас, албатта. Ишда аввал 1917 йилги давлат тўнтариши ва унинг оқибатлари қисқа баён этилиб, сўнгра муҳожирликка кетишга мажбур бўлган ватандошларимизнинг йўлларда тортган азоб-уқубатларини хотиралар асосида ёритишга интилдик.

Яна бир мақсад – ватандошларимиз ўзларининг она тили, урф-одати, ўзбекчилик анъаналарини ёт эл ва ўзгача жуғрофий

муҳитда қандай қилиб сақлаб келаётгани, кейинги авлодларга нималар қолдираётгани масаласини ёритишдир. Бундай ишга биринчи марта қўл урилгани сабабли, табиийки, у айрим камчиликлардан ҳам холи эмасдир. Арабистон шаҳарларини кезар эканмиз шу нарса маълум бўлдики, муҳожир ватандошларимизнинг кўпчилигини Фаргона водийсидан бориб қолганлар ташкил қиласди. Шунинг учун сұхбатлар кўпроқ улар билан уюштирилиб, маълумотлар ҳам улардан олинди.

Сафарларимиз чоғида сұхбатлар уюштиришда ва маълумотлар тўплашда бизга яқиндан ёрдам берган ватандошларимизга, хусусан, Сафохон Жалолхон (Макка), Мўминжон Исмоилжон (Риёз), Муҳаммад Сиддиқ ва Қори Абдулҳаким (Мадина), Комил Абдулло-Тошқин (Тоиф), Аҳмадали Тўлқин, Иноятилло Қудратиллохон ва Абдулҳамид Маҳдум (Жидда) ҳамда бу ерда номлари келтирилмаган бошқа дўстларга муаллиф ўз миннатдорчилигини билдиради.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, ватандошларимиз хорижда «бухорийлар» деган ном билан танилдилар. Бунинг боиси, биринчидан, қадимий исломий илм-фан марказларидан бўлмиш Бухоро шаҳрига эътибор берилгани бўлса, иккинчидан, улуф муҳаддис ватандошимиз Муҳаммад Исмоил Бухорий хотирасига эҳтиромдир. Шу сабабли қўлингиздаги китоб ҳам «Бухорийлар қиссаси» деб номланди.

---

<sup>1</sup> И.Каримов. Ўзбекистон: Миллий истиқбол, иқтисод, сиёsat, мафкура. I-жилд, Тошкент: Ўзбекистон, 1998, Б.88.

<sup>2</sup> «Халқ сўзи», 1992, 16 апрел.

<sup>3</sup> Ш.Ҳайитов, Н.С.Собиров, А.С.Легай. Хориждаги ўзбеклар. Тошкент: Фан, 1992 -106 б.

<sup>4</sup> С.Жалилов. Ватандошларимизга саҳоват. «Ал-Мадина», Жидда. 1994 йил; 13 апрел. Ўзбекча таржимаси: «Олтин водий» газетаси, 1995, 5 июнь сони.

<sup>5</sup> Қаранг: Комил Абдулло Андижоний-Тошқин. Ватан ишқида. Фазаллар тўплами. Нашрга тайёрловчи ва сўз боши муаллифи Сайфиддин ҳожи Жалилов. Тошкент, Ёзувчи, 1997 -246 б.

<sup>6</sup> С. Жалилов. Сайид Маҳмуд Тарозий-Олтинхон тўра. Тошкент, Мерос, 1997 -58 б.

<sup>7</sup> «Миллий тикланиш», «Ўзбекистон овози», «Адолат», «Соҳибқирон юлдузи», «Андижоннома», «Холис» газеталари ва «Фан ва турмуш» журнали саҳифаларида.

<sup>8</sup> Чунончи: Мусо Туркистоний. Улуф Туркистон фожиаси. (Мадина нашридан тайёрланди). Ўша муаллиф. Замзам тарихи ва шифобаҳш хусусияти (қўллэзмадан). Қудратиллохон тўра. Ҳижрат тарихи (қўллэзмадан). Ёкубхўжа Маҳжурий. Доғи Ватан. Шеърий девон (қўллэзма).

# I БОБ

## МУҲОЖИРАТ САБАБИ – НОҲАҚ ТУЗУМ

### 1-§. 1917 йил октябрь давлат тўнтириши ва унинг оқибатлари

Маълумки, 1864–1874-йиллари Русия империяси Туркистонни босиб олиб, ўз мустамлакасига айлантириди. 1917 йил октябр ойида эса Ленин бошлиқ большевиклар партияси Русияда давлат тўнтиришини амалга ошириб, ўлкада шўро ҳокимияти ўрнатилди. Бу воқеа совет тарих фанида «адолатли социалистик жамият қуриш учун кураш» деб талқин қилиб келинди. Аслида эса Туркистонда ҳокимиятнинг советлар қўлига ўтиши учун ҳаётий шарт-шароит йўқ эди<sup>1</sup>. Шунинг учун ҳам ҳокимиятнинг большевиклар ихтиёрига ўтишини маҳаллий жамоат арбоблари қатъий қораладилар. Улар туркистонликлар ўз тақдирини қўлларига олишлари лозим, деб чиқдилар.

1917 йилги машъум воқеадан сўнг большевиклар халқларни алдаш йўлига ўтди. Ленин эълон қилган «Миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш» ҳуқуқи ҳақидаги кўрсатма ёлғон бўлиб чиқди. Илгари Русия империясига қарам бўлган барча ўлкаларда, жумладан, Туркистонда ҳам таниқли маҳаллий жамоат арбоблари етакчилигида рус империясидан мустақил давлат сифатида ажralиб чиқиш учун жиддий ҳаракат бошланган эди. Афсуски, озодликни орзу қиласетган Туркистон халқлари Лениннинг бу тезиси сиёсий найранг эканлигини билмас эдилар. Мана, Лениннинг бир нутқида айтгани: «Ўз тақдирини ўзи белгилаш эркинлигининг сўзсиз тан олиниши бизни миллий ўзликнинг ҳар қандай талабини қўллаб-куvvatлашга мажбур этолмайди»<sup>2</sup>.

Шунга биноан, чоризм империясининг деярли ярмини ташкил этган рус бўлмаган халқларнинг, жумладан, Туркистон халқларининг ҳам мустақиллик учун ҳаракатлари аввал бошданоқ кескин зарбага учради. Большевиклар партияси маҳаллий миллиятчи кучларга биринчи кунларданоқ қарши чиқди ва ўлка халқлари тақдирини ҳал қилиш ҳуқуқини европалик аҳоли вакиллари қўлга олди.

1917 йил ноябрь ойида ишчи, солдат ва деҳқон депутатларининг «Туркистон ўлка совети» тузилиб, унинг олий давлат

органи сифатида Ўлка Халқ комиссарлар кенгаши барпо қилинди. Большевик Ф.И.Колесов унга раис этиб сайланди. Бу янги «инқилобий ҳукумат» таркибиға маҳаллий мусулмон аҳолидан биронта ҳам вакил киритилмади. Табиийки, бу маҳаллий аҳолига нисбатан адолатсизлик эди. Янги ҳокимият мусулмон халқларига ишонмади, уларнинг орзу-умидлари, туб манфаатларини назар-писанд қилмади.

Шу тарзда, ерли аҳоли ўз юртини бошқариш ишидан четда қолиб кетди. Бу эса ўлка сиёсий ҳәётидаги илгор миллий кучларнинг маҳаллий халқларнинг туб манфаатларини ҳимоя қиласидиган фидойилар бўлиб бирлашишига ва янги ҳукуматга нисбатан муҳолиф куч сифатида майдонга чиқишига олиб келди. Бу кучлар миллий ҳокимият масаласини ҳал этиш учун ғамалий ҳаракат бошладилар, Қўқон шаҳри бу ҳаракатнинг марказига айланди.

1917 йил 26 ноябрь куни Қўқон шаҳрида ўлка мусулмонларининг фавқулодда IV съезди чақирилди. Унда қатнашган икки юздан ортиқ вакиллар янги ҳокимият ҳақида қарор қабул қилиб, миллий давлат тузуми – «Туркистон Мухторияти»ни эълон қилдилар. Муваққат ҳукумат таркибиға ўзбек, қирғиз, қозоқ, туркман, яхудий ва тоҷик миллати вакилларидан 8 киши сайланди. Ушбу ҳукумат I декабрь куни халқа мурожаат қабул қилиб, «Туркистоннинг (миллатидан қатъи назар) барча фуқароларини, барча давлат, жамоат ва хусусий муассасаларини Туркистон халқ ҳокимияти теварагида жисплашишга ва шу ҳокимият зиммасига юклатилган фавқулодда оғир вазифаларни ҳал қилишда унга ёрдам беришга» чақириди.

Ушбу мухторият Туркистон халқлари кўпдан бери орзу қилган миллий давлат деб қабул қилинди. Ҳамма жойда оммавий бирдамлик ҳаракати бошланиб кетди. Шу йили 6 декабрь куни Тошкентда 60 минг кишилик митинг ўтказилиб, қатнашчилар Мухтор Туркистон ҳукуматини кутладилар. Митинг якунида қабул қилинган қарорда янги Туркистон Мухторияти Русиядаги инқилоб оқибатида шаклланган советлар ҳокимияти томонидан қўллаб-қувватланишига ишонч билдирилди. «Мухтор Туркистон учун» деган шиор остида 13 декабрь куни Тошкентда байрам намойишлари бошланди. Бундай шодиёна митинглар бошқа шаҳарларда ҳам бўлиб ўтди. Матбуотда таниқли маърифатчилар

ва жамоат арбоблари Мухториятни табриклаб, мақолалар эълон қилдилар.

Бироқ Ф.И. Колесов бошлиқ Туркистон ўлка Совети Ижроия қўмитаси буйруғига биноан 13 декабрдаги тинч намойиш пулемётлардан ўқса тутилди, бегуноҳ кишилар қурбон бўлиб, намойиш фожиа билан тугади. Шунга қарамай, янги Мухториятни қўллаб-қувватлаш ҳаракати тобора кенгайиб борди. 27 декабрь куни Кўқонда ишчи, солдат ва деҳқонларнинг фавқулодда I съезди чақирилиб, Петроградга – РСФСР Халқ Комиссарлари Советига телеграмма юборилди. Унда Туркистон Мухториятини мустаҳкамлаш, халқларнинг ўз ҳуқуқларини ўzlари белгилашлари тўғрисидаги шиорга мувофиқлиги таъкидланди. Кўқондаги янги Мухтор ҳукуматни тан олиш ва уни қўллаб-қувватлаш учун шахсий банклардан, жумладан, Андижон ва Наманган банкларидан анчагина маблағ ажратилди.

Бутун Русия мусулмонлари Советининг Ижроия қўмитаси ҳам Туркистон Мухториятини қўллаб-қувватлаб, 1918 йил 12 январда Тошкентга махсус мактуб юборди. Ушбу мактубда миллатлар ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқининг ижроси учун Мухтор Туркистон Муваққат ҳукуматини қўллаб-қувватлаш ҳамда бу ҳукумат билан «ўлка аҳолисининг атиги 2 фоизини ташкил этувчи рус аҳолиси сайлаган Халқ комиссарлари Тошкент Кенгashi ўртасидаги жанжалларга дарҳол хотима бериш учун кескин ва шошилинч чоралар кўрилсин» деган тавсия берилган эди.

Бироқ ушбу мактубни Тошкентдаги Ф.И. Колесов ҳукумати мутлақо эътиборга олмади ва уни жавобсиз қолдирди. Тошкентдаги Совет ҳокимияти Кўқондаги Мухтор Туркистон Муваққат ҳукуматини тан олмаслигини расмий равишда маълум қилди ва маҳаллий ҳукуматни яккалаб, унинг имкониятларини чеклаб қўйишга қаратилган амалий чораларни кўрди. Жойларда большевикларнинг фитналари, сунъий чиқишлари уюштирилди. Шу тарзда Кўқон Мухторияти билан Совет ҳокимияти – большевиклар ўртасидаги кураш кундан-кунга кескинлашиб борди.

1918 йил январ ойидан Кўқон шаҳрида ҳам вазият оғирлашди. Зоро, қўқонликлар большевиклар ҳокимиятини тан олмасликни ёзма равиша билдирган эдилар. Совет ҳокимияти Мухтор Туркистонни куч билан йўқ қилиш ҳаракатига тушди. К.Осипов қўмандонлигидаги артиллерия билан қуролланган

отряд 1918 йил 31 январга ўтар кечаси Кўқонга етиб келиб, Мухтор ҳукумат қароргоҳини замбараклардан бомбардимон қила бошлади, тинч аҳоли ноҳақ қирилди. Эски шаҳарга ўт қўйилиб, кучли ёнгинлар бошланди. Колесов ҳукумати вакиллари Мухторият ҳукуматидан Совет ҳукуматини тан олишни талаб қилдилар. Аммо Мухторият ҳукумати бу талабга рози бўлмади. Бундай ноҳақликка қарши маҳаллий аҳоли қўлга илингандарга қўшилди ва шиддатли кўча жанглари бошланниб кетди. Бироқ Мухториятнинг ҳарбий қудрати ҳали-ҳануз етарли эмас эди. Аҳоли кетмон, болта, теша-ю белкурак билан қуролланган эди, холос. Мухтор ҳукумат мағлубиятининг олдини олишга қодир мунтазам куч эндиғина шакланаётган эди. Шунинг учун барча уринишлар беҳуда кетди. Тошкентдан Туркистон ҳалқ комиссарлари совети томонидан юборилган ҳарбий қисмлар 5 февралдан 6 февралга ўтар кечаси Кўқонга етиб келиб, мухториятчиларга қарши бешафқат ҳужум бошлади. Эски шаҳар бутунлай вайрон қилиниб, ўн минглаб аҳоли бошпанасиз, озиқ-овқатсиз қолдирилди, бир қисми эса қирилди. Оқ гвардиячи арманларнинг «Дашнақцутюн» партияси отрядлари ҳам Қизил армия билан қўшилиб, тинч аҳолига ҳужум бошлади. Бир неча соат ичиди шаҳарда 6 минг киши ўлдирилди. «Улуғ Туркистон» газетаси Кўқон воқеаларига бағишлиланган мақоласи сўнгида: «Эндиликда, Кўқон ўликлар шаҳридир»,—деб ёзган эди. Қизил аскарлар ва арман дашнақлари томонидан ҳаммаёқ вайрон қилинди. 18 февраль куни эса тунда Мухторият ҳукумати ағдарилди.

Шундай қилиб, XX аср бошида Туркистонда ташкил топган биринчи миллий мустақил давлат тор-мор этилиб, қонга ботирилди. Туркистон мухториятнинг совет ҳокимияти томонидан маҳв этилиши ҳалқимиз хотирасида «Кўқон фожиаси» деган ном билан қолди. «Туркистон туркистонликлар учун» шиори билан чиққан мухториятчилар қаттиқ зарбага учрадилар. Ваҳоланки, Туркистон (Кўқон) Мухторияти миллатларнинг ўз тақдирини ўzlари белгилаш масаласини ҳал этишга бел боғлаган ҳалқ иродасининг амалий ифодаси эди.

1918 йилнинг 30 апрелида РСФСР таркибига кирувчи янги Туркистон Мухтор Республикаси эълон қилинди ва унинг марказий ижроия комитети раиси қилиб Марказдан юборилган П.А.Кобозев «сайланди». Эълон қилинган ушбу Мухтор

Республика советлар, большевиклар андозасидаги ҳукумат бўлиб, табиатан миллий эмас, балки ҳудудий эди, яъни бутун Ўрта Осиёни Русия манфаати нуқтаи назаридан бирлаштирас эди. Ушбу муҳторият самараларидан, аввало, унинг маҳаллий бўлмаган пролетар (яъни йўқсил) деб аталадиган ва асосан, рус миллатидан иборат ишчи синфи наф кўрди. Маҳаллий миллатдан эса бунаقا синф ҳали шаклланмаган эди. (Кейинчалик совет тарих фанида ўша йиллари Туркистондаги туб аҳоли орасидан чиққан жуда ҳам озчиликни ташкил қилган ишчилар сонини атайлаб кўпайтириб кўрсатиш учун кўп ҳаракатлар қилинди.) Туб аҳоли вакиллари, Туркистон Республикаси Марказий Ижроия қўмитаси ва Халқ Комиссарлари Советидаги раҳбарлик ўринларнинг бешдан бир қисмидан ҳам камроғини эгаллаган эди. Бу ва бошқа омиллар 1918 йилнинг иккинчи ярмидан Туркистонда сиёсий вазиятни янада кескинлашиб кетишига сабаб бўлди. Ҳисобсиз қурбонлар, вайронгарчиликлар оқибатида турмуш шароитининг оғирлашуви, очарчилик ва қаҳатчиликнинг кучайиши каби нохуш омиллар меҳнаткаш ҳалқда большевиклар сиёсатига бўлган нафратни кучайтириди. Маҳаллий аҳоли ва ватанпарварларнинг норозилигини келтириб чиқарди ва шу тарзда истиқлолчилик ҳаракати янгидан бошланиб кетди. Бу ҳалқ ҳаракатини совет тузуми даврида «босмачилик» деб аташ урф бўлди<sup>3</sup>. Истиқлолчилик ҳаракати бошланишига Туркистон муҳториятининг тор-мор қилиниши ҳам сезиларли туртки берган эди.

Истиқлолчилик ҳаракатининг асосини деҳқонлар, мардикорлар, майда ҳунармандлар ташкил қиласарди, шаҳар аҳолисининг анчагина қисми ҳам унга қўшилди.

Туркистонда Совет ҳокимияти ва большевиклар тузумига қарши озодлик учун олиб борилган ҳаракат гоҳ ғолиблиқ, гоҳ мағлублик билан 1930 йилларнинг ўргаларигача давом этди. Унинг энг ёрқин саҳифалари – дастлабки йиллар, яъни 1918 йил февралидан 1923 йилгача ўтган давридир. Ҳатто, Туркистон–Хитой чегарасидаги Эргаштом қишлоғида 1919 йил 22 октябрда қўрбошилар қурултойи чақирилиб, “Муваққат Фарғона ҳукумати” эълон қилинади ва Муҳаммад Аминбек (Мадаминбек) ҳукумат бошлиғи ва бош қўмондон этиб сайланади. Муваққат Фарғона ҳукумати миллий таркиби жиҳатидан 16 нафар мусулмон ва 8 нафар овруполиклардан

ташкыл топған әди. Бироқ большевиклар ва Қызил армия тазиикү туфайли бу сиёсий тузилмага атрофдан келадиган ёрдам йўли тўсиб қўйилди. Бунинг устига марказ — Россия билан Тошкент ўртасида, урушлар сабабли узилиб қолган алоқа қайта тикланиб, Петрограддан маҳсус «Туркистон комиссияси» (Турккомиссия) етиб келди ва ўлкада, айниқса, Фарғонада ҳарбий, сиёсий ва ташвиқот ишларини кучайтириб юборди. Бу чоралардан сўнг 1920 йилнинг январь—февраль ойларидан жанговар ташаббус Қызил армия қўлига ўта бошлади. Ҳарбий куч ва тазиик билан маҳаллий халқ шўро томонга ўтишга мажбур этилди. Атайлаб тарқатилган нотўғри ахборотлар, ёлғон ташвиқотлар билан алданган халқ советлар тузуми учун курашга чақирилди.

Оқибатда истиқолчилар ҳаракатининг асосий кучларига қарши бошланган жиддий ҳарбий операциялар советлар учун ижобий натижалар келтирди. Кетма-кет маглубиятлар бу ҳаракат қатнашчилари руҳига салбий таъсир кўрсата бошлади. Бунинг устига, водийда совет ҳокимиятининг сиёсати туфайли содир бўлган очарчилик истиқтолчиларни озиқ-овқат ва ем-хашак билан таъминлашда жиддий қийинчиликлар туғдирди.

Туркистондаги совет ҳокимияти Раҳбарияти Марказдан келган ёрдамга суюниб, Фарғонадаги фидойи истиқтолчиларга қарши курашни янада кескинлаштириди ва вилоятда ҳарбий ҳолат эълон қилди. Туб аҳоли орасида совет ҳокимияти фойдасига ёлғон ташвиқотлар авжига чиқди. Истиқдол ҳаракати раҳбарлари билан музокаралар олиб бориш тақиқлаб қўйилди ва уларни шафқатсиз равишда қириб ташлашга даъват этилди. Фарғона водийси аҳолиси ҳар томонлама қийноқда қолди. Истиқтолчилар ҳаракати секин-аста сўна бошлади.

Аммо уни тамоман бостириш мумкин бўлмади. Бу ҳаракат, гарчи уюшган ҳолда бўлмаса ҳам маҳаллий халқнинг, зиёлилар-у ислом дини уламоларининг большевикларга нафратини ифода қилиб, яна ўн йил давом этди. Ўлкада ўрнатилган совет ҳукумати истиқтолчилар ўртасига низолар солиб, уларнинг бирлашиб ҳаракат қилишига йўл қўймади. Оқибатда истиқтолчилар сафи аста-секин заифлашиб борди ва ниҳоят, улар тор-мор этилди. .

## 2-§. Машъум «кулоқ сиёсати»нинг жорий қилиниши

Ленин вафотидан сўнг Иосиф Жугашвили — Сталин большевиклар фирмасининг бош раҳбарлигини эгаллади.

Марказнинг сиёсий раҳоариятида Туркистонни бўлиб юбориш, уни ягона давлат тузилмаси сифатида йўқ қилиш foяси янада кучайди. 1924 йил кузида Ўрта Осиёда ўша foя асосида янги совет жумҳуриятлари ташкил этилди. Бунда маҳаллий халқларнинг хоҳиш-иродаси мутлақо ҳисобга олинмади. Натижада қони, имон-эътиқоди, ер-суви бир бўлган туркий халқлар азалий бирлигининг ўқ томирига болта урилди. Ўрта Осиёни миллий ҳудудий-чегаралаш сиёсатининг асл моҳияти – ўлкада яшовчи туркий халқларнинг бирлашиб, большевизмнинг сиёсий ва мафкуравий душмани бўлиб қолишини усталик билан олдини олиш эди. Туркистонда «мустақил» деб эълон қилинган янги жумҳуриятлар тузилишининг асл моҳиятини, большевикларнинг тактик устомонлигини ерли зиёлиларнинг катта авлоди, ислом уламоларининг ватанпарвар қисми билишарди, аммо ўша даврда авж олаётган сиёсий тўлқинда улар, афсуски, озчиликни ташкил қиласди.

Чоризм ҳукмронлиги ва ундан кейинги дастлабки даврларда Русия минтақасида гарчи ислом дини «етимга» ўхшаб турса ҳам, аммо Туркистон халқларида миллий-ижтимоий муштараклик тушунчаси бор эди. Халқларнинг дини, маданияти, тарихи, тили, анъаналари, ҳатто яшаб турган макони бўйича бирлиги деярли таъминланган эди. Фақат мустақиллик етишмас эди, холос. Большевиклар партияси ва Стalin Туркистон халқларидаги мана шу бирлик тушунчасини совет тузумининг узоққа мўлжалланган сиёсий дастурига ижтимоий хавф туғдирадиган омил деб билар эди. Ўрта Осиё жумҳуриятларининг ташкил қилиниши мана шу “хавф”га зарба бериш, ўша бирлик томирига болта уриш учун устомонлик билан кўрилган тадбир эдикӣ, комфириқа томонидан ҳар куни ташланётган шиорлар оғушида қолган омма бунга эътибор бермади. Бу сиёсатнинг асл моҳиятини ўз вақтида тушунганди зиёлилар ва руҳонийлар эса “ГПУ”чилар томонидан зимдан таъқиб қилиб борилди. Ушбу сиёсатга биноан кўрилган тадбирлар моҳиятини вақтинча тушуниб етмаган халқ оммаси зўр бериб олиб борилган ташвиқотлар билан аста-секин советлар томонига оғдирилди. Ҳатто, бир қисм дин арбоблари вақтинча тактик ён беришларга, ёлғон ташвиқотга ишониб қолдилар. Аслида эса большевиклар томонидан Русия империяси ағдарилиб, шўро ҳокимияти ўрнатилиши биланоқ “эски тузум” вакиллари “қулоқлар” деб

аталиб, 20-йиллар бошидан уларга қарши кураш бошланган эди. Чунончи, 1921 йилдан “Янги иқтисодий сиёсат” (НЭП) жорий қилиниб, мамлакатда савдо-сотиқ әркинлигини таъминлаш учун “капитализм” деб аталган эскича тартибларни бирмунча жонлантиришга йўл қўйилган бўлса ҳам бу сиёсат вақтинча эди. Аслида эса бу сиёсат “капиталистик унсурлар” деб аталган сармоядорлар, савдогарлар, ер-мулк эгалари, шунингдек, ислом диний муассасалари бўлмиш масжид-мадрасаларда ва уларнинг вақф мулкларида хизмат қилувчи руҳонийлар – умуман маҳаллий буржуазияга мансуб иқтидорли шахсларни кейинроқ узил-кесил тугатиш имкониятини яратишини кўзлаган эди. Туркистон советларининг 1920 йил сентябрда бўлиб ўтган IX қурултойи қарорларидаёқ «меҳнат билан шуғулланмайдиган бой қулоқ хўжаликлари»ни тугатиш биринчи вазифа қилиб белгиланди. Шунинг учун ҳам хорижга чиқиб кетган ватандошларимиз «НЭП»ни «қалампирга асал араплаштирилган сиёсат» деб таърифлайдилар.

Совет даври тарихнавислигига бу ва ундан кейинги давр ком фирмқа ва шўро ҳокимииятининг мутлақо ижобий хужумкорлиги руҳида ёритилиб, шўро тузуми зўравонлигига қарши кучлар аҳволи, улар фаолияти ҳақида ҳеч нима дейилмади. Мағлуб бўлган бутун бир синф, катта бир сиёсий куч ҳаёти ноҳақ топталди, унинг тақдири эса бутунлай ётиборсиз қолиб кетди.

Масалан, шўро тарихшунослигига ком фирмқага ва октябрь «инқилоби» натижаларига қарши турган маҳаллий зиёлилар (уларга “буржуа миллатчилари” деб таъриф берилган) бирлашган ҳолда миллий масалага доир ўз фикрларини ёзгани ва Ленин фикрларига қарши қўйилгани айтилади<sup>4</sup>. Бироқ Ленин фикрларининг тафсилоти берилади-ю, унга қарши кучлар дастури, уларнинг мақсади, юртпарварлик орзулари ҳақида лом-мим дейилмайди. Уларнинг миллий масалага доир дастурлари давлат архивларида ҳам маҳфий сақланган.

Шундай қилиб, шўро ҳокимияти Туркистонда маҳаллий савдогарларга, ер-мулки бор иқтидорли шахсларга ва ислом руҳонийларига қарши кескин кураш бошлади. Уларнинг фуқаролик ҳукуқлари чегараланиб, ҳаддан ташқари молиявий солиқлар солинди. Бундай тескари сиёсатнинг оқибати шунга олиб келдики, ўлкадаги меҳнат қилишга яроқли аҳолининг 90 фоизи қишлоқ хўжалигига банд бўлгани ҳолда

дәхқончиликдаги энг асосий миллий бойлик – бир млн. гектарга яқин суғориладиган ер экилмай, ташландық бўлиб қолди. Бу, аслини олганда, том маънодаги катта жиноят эди.

Иқтисодий ва сиёсий сиқувлар ислом дини арбоблари бошига ҳам тушди. Уларнинг масжид, мадрасалардаги фаолияти устидан қаттиқ назорат ўрнатилди. Динимизга, халқимизнинг асрлардан бўён анъана бўлиб қолган маънавий ҳаёт тарзига қарши кескин кураш авж олдирилди. Эски мактаблар ёпилиб, коммунистик руҳдаги янги мактаблар очилди. Ўқув дарслекларидағи диний-ахлоқий мавзулар бутунлай олиб ташланди. Натижада мактабларга болалар қатнови кескин камайиб кетди. Даҳрийлик руҳидаги клубларда, янги очилган кинотеатрларда, музейларда, шунингдек, матбуот воситаларида ислом динига ва унинг ахлоқий қадриятларига қарши ташвиқот ишлари авж олдирилди. Барча халқларнинг, жумладан ўзбек халқи маданиятини ҳам коммунистик руҳда ривожлантириш, ҳаммани “янги социалистик жамиятнинг фаол қурувчилариға” айлантириш комфирқа миллий сиёсатининг асосий вазифаларидан бирига айланди.

1925 йили октябрь ойида Андижонда Ўзбекистон Марказий Ижроия қўмитасининг III сессияси чақирилиб, унда бир йил илгари ташкил топган Ўзбекистон совет социалистик жумҳуриятининг (ЎзССР) Конституцияси лойиҳасини ишлаб чиқиши учун комиссия тузилади. Лойиҳада йўқсил бўлмаган (напролетар) бой-бадавлат табақалар ҳамда диний уламоларнинг ҳуқуқлари янада чекланиши лозимлиги кўрсатилди ва йўқсил (пролетар)лар ҳуқуқи бирмунча кенгайтирилди. Бунинг оқибатида камбағал деҳқонлар ва бадавлат қатламлар ўртасида атайлаб қарама-қаршилик авж олдирилди, сиёсий танглик кучайтирилди. Шу тарзда қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишда большевистик раҳбарлар марксизмнинг хаёлий ақидаларига таяниб, зўравонлик билан иш кўрдилар.

Саноат тараққиётида ҳам раҳбарликнинг маъмурӣ-буйруқбозлик усули билан иш кўрилиб, маҳаллий мулкдорларнинг хусусий сармояси ишлаб чиқариш жараёнидан сиқиб чиқарилди. Айниқса, қишлоқларда катта ўрин тутган савдогарлар фаолияти қатъий чегаралаб қўйилди. Молиявий усул билан уларга қарши муттасил равишда кураш олиб борилиб, давлатнинг солиқ сиёсати кучайди, бой-бадавлатларга, дин

арбобларига оширилган миқдорда солиқлар солинди. Натижада жамиятнинг бу тоифаси ҳам бундай сиёсатдан аста-секин енгилди, синди. Буларнинг барчаси марказ ишлаб чиққан асосий режа – ўлкани социалистик асосда индустрялаштириш мақсадига бўйсундирилган эди.

Қишлоқлардаги ер-суви бор фуқаролар шўро ҳокимияти томонидан «феодал бойлар, ўтмишнинг сарқити» деб эълон қилиниб, уларнинг мулклари ва тобора чекланиб бораётган ижтимоий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун чиқишилари ва ҳаракатлари «террорчилик» сифатида тавсифланди. Уларнинг ерлари, боғ-роғлари, қишлоқ хўжалик асбоблари, иш ҳайвонлари мажбуран тортиб олинди, қисман эса рамзий нархларда сотишга мажбур қилинди. Ваҳоланки, ҳар қандай «қулоқ» ўзига тегишли экин ерлари, иш ҳайвонлари, умуман мажбуран тортиб олинаётган барча мулкларини қачонлардир сотиб олган ёки уларга ота мерос бўлиб қолган. Шунинг учун хусусий мулкчилик руҳияти асрлар давомида барчанинг онгига сингиб кетган, бу руҳият, аслида, меҳнат унумдорлигининг асосий шарти бўлиб хизмат қилган. Бинобарин, ер-мулкларни, иш ҳайвонларини мажбуран тортиб олиш ва уларни «давлат мулки» деб эълон қилиш мулкдорларда норозилик туғдириши табиий ҳол эди.

1926 йил охири – 1927 йил бошларидан «хотин-қизлар озодлиги учун», тарихда «Ҳужум» деб аталган ҳаракат бошланди. Бу ҳаракатнинг асосий мақсади қилиб хотин-қизлар озодлиги масаласини узил-кесил ҳал қилишга қаратилган. Бироқ бу ишни ҳам сунъий равишда тезлаштиришга киришилди: уни «хужумкорлик» билан ҳал қилиш сиёсати қўлланди. Натижада бу ҳаракат ҳам ноҳақ қон тўклишишларга сабаб бўлди. Бу эса ҳалқнинг янгидан норозилигини келтириб чиқарди. «Ҳужум» компанияси мусулмон оиласига хос муносабатларнинг асосига болта урди. Умуман олганда, хотин-қизлар озодлиги ҳақидаги тўғри foялар ҳам шошма-шошарлик ҳаракатлари натижасида жамиятнинг газабини қўзғатди, тушунмовчиликлар келтириб чиқарди, қанчадан-қанча қон тўкилди. Аммо ҳалқнинг қаршилиги «синфий кураш» деб баҳоланиб, раҳмсизларча бостирилди.

Ниҳоят, шўро ҳукуматининг қишлоқ хўжалигини жамоа хўжалигига айлантириш, яъни тарихга «колхозлаштириш» номи билан кирган ҳаракат бошланди. Колхозлаштириш ҳам ихтиёрийлик асосида эмас, балки «юқоридан белгилаш» йўли

билин амалга оширилди. Камбағал деҳқонларни жамоа хўжаликларига мажбуран киритиб, бирлаштириш бошланди.

Сталиннинг 1929 йил охирида босилиб чиқсан «Буюк бурилиш йили» деган мақоласи, аслида, ушбу мажбурийлик йўлини оқлаш руҳида ёзилган эди. Шу йили декабрь ойидаги қақирилган аграр марксчилар конференциясида Сталин сўзга чиқиб, «ёппасига жамоалаштириш асосида қулоқларни синф сифатида тутатиш» вазифасини ўртага ташлади.

Ўшандан бошлаб ҳокимиятни қўлдан берган ва ижтимоий-сиёсий ҳимояга муҳтоҷ бўлиб қолган гурӯҳлар «қулоқ», «муштумзўр» деб аталадиган бўлди. Бу – илгари берилган Лениннинг “биз кулакларга қарши очиқдан-очиқ гражданлар уруши... олиб борамиз” деган кўрсатмасидан келиб чиқсан эди. Ушбу кўрсатмага биноан ҳамда Сталин қўйган вазифадан келиб чиқиб, қулоқлар фаолиятини мутлақ чегаралаб қўйиш ва ҳуқуқларидан маҳрум қилиш жараёни энди, уларни яхлит синф сифатида батамом тутатиш сиёсатига айланиб кетди. Натижада колхозга киришни хоҳламаган ўрта ҳол деҳқонлар ҳам қулоққа тортилди.

1929 йил охирида машҳур маърифатчи Мунаввар қори Абдурашидхонов раҳбарлигидаги «Миллий истиқлол» ташкилотининг аъзолари бирин-кетин қамоққа олинади, улардан 15 киши отиб ташланади ва олтмишдан ортиги бадарга қилинади.

Бадавлат хўжаликларнинг мол-мулкини мусодара қилиш, эгалари ва уларнинг оиласарини узоқ ўлкаларга бадарга қилиш оммавий равиша, зўрлик билан амалга оширилди. Бу ноҳақ сиёсатга норозилик билдирган диндорлар ҳам «оммавий ҳаракатга қарши унсурлар» деб қулоққа тортилди.

Аслини олганда, «қулоқлар»ни аниқлаш учун давлат томонидан ишлаб чиқилган аниқ бир мезон йўқ эди. Шунинг учун бу ишда ҳам кампаниячилик, суиистеъмолчилик авж олди. Ҳатто, бирон камбағал киши «кулоқ»қа раҳми келиб, унинг тарафини олса, ундейларни ҳам сургун қилиб юбордилар, шу тарзда тез орада, «кулоқнинг думи» деган атама пайдо бўлди.

Юртимизда бошланган ва ўша давргача тарихда кўрилмаган амалиёт, яъни ўзбек деҳқонларини мажбурий равиша ёппасига «колхоз»ларга бирлаштириш ишида ҳам кўп хатоликларга йўл қўйилди, шошма-шошарлик оқибатида дастлаб туар-жойлар, уй ҳайвонлари ва паррандалар, ҳатто, мевали дарахтлар ҳам «умумий» деб эълон қилинди. Ҳалқ

орасида ваҳима тарқалиб, уй ҳайвонларини ёппасига сўйиш бошланди. Оқибатда 1930 йилиёқ Ўзбекистонда қорамоллар сони 60 фоизга камайиб кетди<sup>5</sup>. Шўро ҳукумати эса буни «қулоқлар ифвоси» деб, ўз айбини уларга тўнкади.

Айни вақтда ислом дини руҳонийлари ҳам кучли таъқиб остига олинди. Уларнинг мол-мулки, ерлари тортиб олинди. Масжид ва мадрасалар оммавий равишда ёпилди. 1931 йили баҳорида ислом маърифатчилари одамлар орасида шўро тузумининг ички сиёсатидаги зўравонлик, хатолағ ҳақида варақалар тарқатади. Афсуски, тарих китобларимизда уларнинг мазмуни зикр этилмаган ва «шўрога қарши варақалар» деган қисқартма билан чекланилган (Совет даврида ёзилган асарларда қулоқларга қарши кураш оқибатида улар бошига тушган кулфатлар, уларнинг тақдирни ҳақида ҳам ҳеч қандай маълумот берилмаган). Аслини олганда, совет ҳокимиятининг руҳонийларга муносабати масаласида ҳам Ленин кўрсатмаларига амал қилинган эди. Унинг илк марта 1990 йили эълон қилинган махфий мактубларидан бирида, жумладан, шундай дейилган: «Диндор руҳонийлар вакилларидан қанча кўп одамни отиб ташлашга муваффақ бўлсак, шунча яхши»<sup>6</sup>.

Шу тариқа қулоқлар билан бирга диний уламоларимиз – мударрислар, олиму фозил кишилар, масжид имомлари ўша давр тили билан айтганда, «шўрога қарши унсурлар» ҳисобланиб, уларнинг ҳукуқлари, турмуш шароитлари қатъий чегаралаб қўйилди. Масжид-мадрасаларни моддий таъминлаб турган вақфлар тугатилди. Шунингдек, муқаддас ҳаж сафари, закот, рўза, ҳайит маросимлари ман этилиб, улар, ҳатто мазах қилинди. Эътиборли диний арбоблар, шайхлар ва қори-ю муллоларга «текинхўрлар» ва «алдамчилар» деган тамға босилди.

Сургун қилинганларнинг аҳволи ниҳоятда оғир кечган. Улар «ОГПУ» (Органы Государственного Политического Управления) назорати остида сақланарди. Концлагерлардан деярли фарқ қилмайдиган маҳсус посёлкаларга жойлаштирилган бечоралар озиқ-овқат билан дуруст таъминланмас, тиббий хизматдан мутлақо маҳрум эдилар. Оқибатда улар орасида турли касалликлар тарқалиб, кўплар ҳалок бўлиб кетган.

Ҳозирда 107 ёшли қаршилаган Абдурауф қори исмли отахон Сибирга сургун йилларини эслаб, ўз хотираларида шундай дейди: «Вафот қилиб кетган отам катта мулло бўлгани сабаб мени 1933 йили 37 ёшимда қамоққа олдилар. Қулоққа

тортилганлар ва муллолардан икки минг кишини тўплаб Сибирга «итоб» қилишди. Магадан деган ўлкада қишин-ёзин қарағай кесдик. Овқат стишмай очликдан касаллик тарқалиб, деярли ҳар куни 50–60 киши ўларди. Кечалари ўзимизга хандақ ковлатиб, барчасини бир жойга кўмиб юборишар эди. Ўн йил ишлаб икки минг кишидан ёлғиз ўзим қолдим. Ниҳоят, 1943 йили мени қайтариб юбордилар<sup>7</sup>. (1949 йили заводда оддий ишчи бўлиб ишлаётган чоғда яна қамоқقا олинади. Ниҳоят, 1956 йили – XX съезддан сўнг озод қилинган.)

Даҳрийлик зуғуми мусулмон халқимизни ўз эътиқодини яширишга ва ноиложликдан кундалик ҳаётга мослашишга мажбур қилди. Мамлакатда «худосизлар жамияти» таъсис этилиб, унинг шохобчалари жойларда динга қарши ташвиқоттарғибот ишларини авж олдириди.

Афсуски, 1930–1932-йилларда Ўзбекистонда юзага келган мудҳиш воқеилклар: эътиборли уламо-фозил кишиларга қарши «қизил милиция» ва совет ҳукуматининг таъқиблари, улардан омон қолганларининг кўркув остида яширин ҳаёт кечирганлари, қамоқقا олинганлари ва сургун қилинганлари, тўлиб кетган турмалардаги мудҳиш аҳвол, очарчилик туфайли юртда рўй берган ачинарли ҳолат, буларнинг барчаси, мустақилликка қадар тарих китобларимизда тилга олинмади. «Қулоқ сиёсати»нинг ҳақиқий оқибатларини акс эттирувчи архив ҳужжатлари эса яширин сақланди. Уларни илмий истеъмолга киритиш ишлари, мана, эндигина йўлга қўйилмоқда. Ўша йиллари «кўч-кўч», «қама-қама» иборалари билан шуҳрат топган мудҳиш воқеалар кўпчилик қарияларимиз хотирасида ҳамон сақланади.

30-йилларда фаол ҳаракат қилган машъум «ГПУ» ташкилотининг айғоқчилари томонидан муллолар хонадони тинтуб қилинганда, мабодо араб ёзувидаги биронта китоб топилса, ундан шахс «шўрога ёт унсур» деб айбланар эди. Ўз даврининг олимлари бўлмиш исломий уламоларимиз жон сақлаш учун энг қимматли маънавий бойликлари ҳисобланган барча илмий-исломий китобларини қопларга солиб, қабристонларга кўмиб яширишга мажбур бўлганлар. Тинтубларда қўлга тушганларини эса «ГПУ»чилар томонидан тўплаб куйдириб юборилган. Оқибатда аждодларимиздан қолган қимматли илмий ва маънавий-маърифий бойлигимиз бўлмиш қадимий китоблар шафқатсизларча йўқ қилинди.

Тарихимиз билағонларидан, 20-йилларда совет ташкилотларида ишлаб, сўнгра ноҳақдан бирмунча йил қамоқда

ётиб чиққан андижонлик қария Олимжон Саркаров хотираларида ўшандай ҳодисалар тафсилоти сақланган эди: «Қулоқ»ни синф сифатида тугатиш сиёсатига ўтилгач, жон сақлаш учун ватанни ташлаб чет элга чиқиб кетишига мажбур бўлган айрим бадавлат ва мулло-уламоларимиз Қошғар йўлидаги Эргаштом божхонасида ГПУ ходимлари томонидан тинтуб қилиниб, олиб кетаётган бойликлари ва ноёб китоблари тортиб олинган. Тинтуб натижасида тўпланиб қолган китоблар, Олимжон отанинг эслазича, «тоғ бўлиб кетган» ва уларга ўт кўйилиб бир гал уч кечакундуз ёндирилган<sup>8</sup>.

ВКП(б) Марказий Кўмитасининг 1930 йил 5 январдаги юқорида тилга олинган қарорида «қулоқларни синф сифатида тугатиш» сиёсатини турмушга татбиқ қилиш учун маҳаллий фирмә ташкилотларига аниқ вазифалар юклатилган эди. Ўзбекистон ҳукумати ҳам мазкур топшириққа биноан округ ижроқўмларига қишлоқларни қулоқлардан тозалаш учун қатъий кўрсатмалар берган. Маҳаллий шўро идоралари «қулоқларни қишлоқлардан 2–3 ой ичida ҳайдаш» ҳақида топшириқ оладилар<sup>9</sup>.

Бундай маҳаллий топшириқларда қулоқларнинг ҳар қандай фаолиятига, ҳатто, кундалик тирикчилигига доир фаолиятига ҳам сиёсий тус берилиши, улар оиласи устидан қаттиқ назорат ўрнатилиши лозим, деб таъкидланади. Андижон округига қарашли Ойим қишлоқда қиш фаслида ишлаётган камбағаллар қўмитасига совуқ қотмасин учун маҳаллий бойлар ўтин тўплаб беришган. Аммо бошлиқ «сенлар бизга пора беряпсанлар» деб ўтин берганларга жабр қилган<sup>10</sup>.

Шу баҳона билан 13 та хўжалик қўшимча равишда «қулоқ»قا тортилиб, озгина ери ва иш ҳайвони мажбуран тортиб олинган, ўзлари эса кўчирилиб, бадарға қилинган. Архив хужжатларида уларнинг номлари ҳам сақланган: Дардақ қишлоғидан – Султонхалфа Тошбоев, Абдуллажон Матисаев, Абдураҳмон Ҳамробоев, Ориф Холдорбоев, Жаъфар Абдужабборов; Тешиктош қишлоғидан – Омонбек Аҳмадбеков, Ҳолидбува Расулов, Йўлдошхон Ҳасанбоев, Қорахўжа Ҳасанбоев; «Ойим»нинг марказидан – Йўлдош Бобохўжаев, Абдураим Абдураззоқов<sup>11</sup>.

1930 йил охирида Ўзбекистон Ҳалқ Комиссарлари Кенгаши Московдан олинган кўрсатмага биноан, жойларда

«қулоқ»ларни қайта аниқлаш ҳақида қарор қабул қиласы. Ушбу қарорда ёппасига колхозлаштириш ҳаракатидан яширинган ёт унсурларни аниқлаш ва уларни камбағал хұжаликлардан ажратиб, құшимча тадбирлар күришни тезлатишиң қаратилған қуидагилар талаб қилинади:

— районлардан барча қишлоқтарға қайтадан янги вакиллар юбориш;

— бу ишларга районлардаги «Учлик» комиссияларини<sup>12</sup> масъул қилиб белгилаш;

— район прокурорлари ва фирмә ташкилотларининг назоратини янада кучайтириш;

— бу ишларни 1931 йил 15 январгача тутатиши<sup>13</sup>.

Ушбу қарорда «үй-жойларини ижарага берганлар, йилига 150 сүмдан ортиқ фойда күрадиган савдоғарлар ҳам қулоққа тортилиши лозим. Диндор кишилар эса (яғни собиқ мударрисшар, масжид имомлари, вақф мұлклари мутасадилари, сұғылар, қаландархона әгалари) «шүргөра ёт унсурлар» деб топилсин» — дейилган.

Шу тарзда ВКП(б) Сиёсий Бюросининг қишлоқ хұжалигини жамоалаشتаришиң доир 1929 йил ноябрь ойидан бошлаб қабул қылған қарорларини жойларда оғишмай амалга оширишиң қаттық топшириқтар берилди. Бутун Иттифоқ бўйлаб, жумладан, Ўзбекистонда ҳам инсоң руҳига мутлақо ёт бўлган раҳмисизлик билан хусусий мулкдорлар синфига хужум бошланиб, улар қисқа муддатда йўқ қилинди.

Собиқ зиёлилар қаттық таъқиб қилиниб, маҳаллий раҳбарлик лавозимларига чаласавод, билимсиз кишилар күтарилиши натижасида улар ўзларининг бошқарув ишларига яроқсизлигини яшириш учун жойларда фақат зўрлик ишлатишар эди. Оқибатда раҳбарликда турли тартибсизликлар, бузилишлар, ҳар-хил иллатлар кучайди. Туман, қишлоқтарда очиқдан-очиқ зўравонликлар бошланиб кетди. Юз берган бундай аҳвол бойлардан, айрим уламолардан ҳаёсизларча шахсий ўч олишларга йўл очиб берди, кўплаб кишилар ноҳақдан жаброна кўчириб юборилди.

Айрим хусусий мулкдорлар, пешқадам уламолар халқ бошига тушган раҳмисизликларни кузатар эканлар, мустабид совет тузумига ичдан норозилик билдириб, қатағонлик бошланишидан аввал бойликларидан воз кечиб, она-юртни ташлаб, хорижга

чиқиб кетишга мажбур бўлди. Бу ватандошларимиз ҳам кўп жабр-ситамларни бошдан кечирдилар, уларнинг катта қисми Саудия Арабистонига бориб ўрнашди.

<sup>1</sup> Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Т.:Шарқ, 2001. Б.71

<sup>2</sup> В.И.Ленин о национальном и колониальном вопросе. М., 1956, стр.13.

<sup>3</sup> Мустабид тузум мафкураси ҳукмронлик қилган совет тарихшунослик фанида 1917 йил октябрдаги давлат тўнтиши «улуг октябрь социалистик инқилоби», унга қарши кўтарилиган озодлик ҳаракати эса «босмачилик» деб аталди. Аслида, бу ибора советларга қарши кўтарилиган озодлик ҳаракатининг моҳиятини сохталаштириш ниятида коммунизм мафкурачилари тазиёни билан муомалага киритилган эди.

<sup>4</sup> Ўзбекистон ССР тарихи. Бир жилдлик. Тошкент, Фанлар академияси нашриёти, 1958. -540 б.

<sup>5</sup> Ўзкомпартия тарихининг очерклари. Тошкент, 1964, -241 б.

<sup>6</sup> КПСС МК ахборотлари, 1990, 4. -192 б. Мактубни марказкўмга Ленин 1922 йил 19 марта юборган, лескин у эълон қилинмаган.

<sup>7</sup> Абдурауф қори буванинг Андижон вилоят телевидснисида Қарияларни қадрлаш йилига бағишилаб 2002 йил 16 январдаги кўрсатувда айтган хотирасидан.

<sup>8</sup> Олимжон Саркаров атоқли ўзбек адаби Комил Яшиннинг тоғаси бўлиб, 1930 йиллари чегара томонларда хизмат қилган ва воқеани ўз кўзи билан кўрган. Муаллиф О.Саркаров билан кўп сухбатда бўлган эди. У киши 1970 йили 81 ёшида вафот қилган (Аллоҳ раҳмат қилисин).

<sup>9</sup> Ўзбекистон Марказий Давлат архиви (МДА), Ф. 86, рўйхат 1, иш № 5618, 48 в.

<sup>10</sup> Андижон вилоят давлат архиви, Ф. 16, 1-рўйхат, иш № 3, 61 в.

<sup>11</sup> Ўша жойда.

<sup>12</sup> «Учлик» комиссияси халқ орасида «тройка» номи билан машҳур бўлиб, барча районларда ижроқўм раиси, молия бўлими бошлиғи, пахта ва дон тайёрлаш қўмитаси вакилидан иборат бўлган. Комиссияга қулоқ ва диндор кишиларга нисбатан қатъий чоралар кўриш учун фавқулодда ваколатлар берилган эди.

<sup>13</sup> Ўз.Р МДА, Ф. 837, 1-рўйхат, иш № 9, 10 в.

## II БОБ

### ХАЙР ЭНДИ, ОНА-ЮРТ!

Ватанимиз тарихининг ҳали ўқилмаган боблари ёки чала ўқилиб, одилона хулосалар қилинмаган қисми анчагина. Жумладан, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, комфирқа ва шўро ҳукумати томонидан «қулоқ»قا тортилиб, сургун қилинганлар тақдири, қамоқхоналарда, ўзга юртларда чеккан азоблари, муҳожирликни ихтиёр этишга мажбур бўлган юртдошларимизнинг аянчли саргузаштлари тарихи ҳалигача тўлиқ ёритилмаган.

Мамлакат бўйича «қулоқ» қилинганлар ва «шўрога ҳақсиз» ҳисобланганларнинг умумий сонини аниқлаш ҳам анча мушкулдир. Русия телевидениесининг 1995 йил май ойи бошларида берган ахборотига қараганда, собиқ СССР бўйича шахсий хўжаликлари тугатилиб, ўzlари «қулоқ» қилинганлар сони 15 млн. кишини ташкил қиласди. «Агитатор» журналида ёзилишича, улардан икки млн.дан ортиғи қамалган ва отиб ташланган<sup>1</sup>.

Аммо Ўзбекистон бўйича буни аниқлаш, таъкидлаб ўтилганидек, ҳозирча мушкул иш, бу ҳақдаги тадқиқотлар энди бошланди. Яқинда эълон қилинган маълумотда айтилишича, 1934 йилгача бутун Ўрта Осиё бўйича хорижга чиқиб кетганлар 900 мингдан ортиқ.<sup>2</sup> Бизнинг тахминимизча, 1930–32-йиллардаги жумхурият аҳолисининг сони ва таркиби, шунингдек, диний эътиқоди ҳисобга олинса, Ўзбекистондан «қулоқ» деб бадарга қилинган давлатмандлар ва «шўрога ҳақсиз» деб тамға босилган ислом дини уламолари билан қўшиб ҳисобланганда, уларнинг сони 1 миллиондан ортиқ. Зеро, Ўзбекистонда азалдан сугорма деҳқончилик ривожланган ва шаҳарлар турли ҳунармандчиликка бой бўлгани сабабли ўзига тўқ хўжаликлар кўп бўлган. Шунингдек, Мовароуннаҳрда ислом динимизнинг тарихий томири мустаҳкам эди. Шунинг учун бадарга қилинганлар орасида ажойиб уламолар — собиқ қозилар, мударрислар, имомлар, мураттаб қорилар ва бошқа диний вазифадорлар ҳам кўп эди.

Биз кўрган бир архив ҳужжатида Фаргона вилоятининг айrim туманларидан 1931 йилнинг бошида «қулоқ» қилинган хўжаликлар сони берилган. Унда кўрсатилишича, Андижон

туманидан 1350 хўжалик, Жалақудуқ туманидан – 380, Избоскандан – 716, Марҳаматдан – 320, шунингдек, Норин, Марғилон, Наманган, Чуст, Попдан, ҳаммаси бўлиб 2740 хўжалик қулоққа тортилган. Ахборотда 15 та тумандан 8500 га яқин оила «кулоқ» деб кўчириб юборилгани ҳақида маълумот берилган<sup>3</sup>. Бу маълумотга вилоятнинг Қўқон атрофи туманлари, шунингдек, Кўрғонтепа, Хўжаобод, Пахтаобод каби ҳаммаси бўлиб ўнга яқин туманлардаги қулоқлаштирилганлар сони кирмаган. Бунга яна барча шаҳарлардаги савдогарлар, дўкондорлар, йирик ҳунарманд-косиблар, шунингдек, диний хизматдаги фуқаролар қўшилса, бу кўрсаткич бир неча баробар ортади. 1932–33-йилларда қўшимча «кулоқ» қилингандар сони ҳам жуда кўп. Буларнинг барчаси ҳисобга олинса, шунингдек, 20 йиллардан бошлаб отиб ташланганлар сони ҳам қўшилса, қулоқ сиёсати қурбонларининг сони бир нечага етади.

1931–1932-йиллардан «кулоқ» сиёсати қурбонларининг бир қисми хорижга чиқиб кета бошлади. Муҳожирликни ихтиёр қилган бундай фуқаролар орасида «шўргага ҳақсиз» (яъни фуқаролик ҳуқуқидан маҳрум қилинган), «ёт унсур» деб ҳисобланган ислом дини уламолари, имому мударрислар ва бошқа диний хизматчилар ҳам анчагина бўлган.

Саудия Арабистонида ватандошлар билан ўтказилган суҳбатларда шу нарса маълум бўлдики, юртдан кетиб «бухорийлар» сифатида танилган уламоларнинг аксариятини Фарғона водийсининг шаҳар ва қишлоқларидан боргнлар ташкил қиласи. Самарқанд ва Бухородан келганлар ҳам анчагина. Ҳозирда улар исмидан сўнг тугилган жойи номидан келиб чиқиб «Андижоний», «Намангоний», «Хўқандий», «Марғилоний», «Самарқандий», «Шаҳрисабзий» каби нисбаларни фарҳ билан тилга олишади.

Фарғона водийсидан хорижга асосий йўл Ўш шаҳридан шарқдаги «Эргаштом» довони орқали ўтган Қошғар йўли эди. Бу йўл қадимдан савдо-карвон йўли ҳисобланган. Шўро ҳукумати сиёсатидан безиб хорижга кетганларнинг асосий қисми шу йўл орқали Хитойнинг Шинжон-Уйғур ўлкаси томон юришган ва дастлаб чегарага яқин бўлган Қошғар ёки Фулжа шаҳарларида тўхташган.

Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларидан кетганлар эса, Амударё орқали Афғонистонга ўтишган. Бундан ташқари,

Фарфона водийсидан ўша йиллари Тожикистоннинг тоғли ўлкаси – Кўҳи Бадаҳшон томонга қочиб борганлар ҳам кўп бўлган. Кейинчалик улар ҳам Амударёдан ўтиб Афғонистоннинг шаҳар, Қишлоқларида жон сақладилар. Аммо бу сув йўли ўта хавфли ва ташвишли эди. Ҳам чегарачилар, ҳам ГПУ ходимлари ва уларнинг айғоқчилари дарё бўйларида, тоғ йўлларида пистирма қўйиб «қочоқлар»ни пойлашар, қўлга тушганларни эса аёвсиз отиб ташлардилар. Шунга қарамай, шўро зулмидан озор чекканлар, кўп мاشаққатлар билан бўлса ҳам, виждони ва диний эътиқодларини асрash учун мана шу хатарли йўллардан ўтиб, жон сақлаб қолишган. Улар, асосан, кеч куздан бошлаб йўлга чиқиб, асосан, қиши фаслида тунда юришган.

Муҳожират тарихи ҳали ёритилмагани сабабли, ватандошларимиз бошига тушган кулфатлар, йўл азоблари, қўлга тушгандаги қийноқлар ва уларнинг янчли ҳаётлари ҳақида, афсуски, ёзма маълумотларга эга эмасмиз. Мудҳиш воқеаларга бой бўлган бу тарихни фақат хотиралар орқалигина тиклаш мумкин. Биз Саудия Арабистонига қилган сафарларимиз чоғида кўп ватандошлар билан бу ҳақда суҳбатлашдик, сўзларини магнит тасмаларига муҳрлаш, кундакликлар ёзиш орқали ватандошларимиз дилларида чўкиб қолган ёрқин хотираларини «тирилтирдик» ва тарихнинг мажхул саҳифаларини «ўқий» бошладик.

Биз келтирган қўйидаги хотиралар шу тарзда тўпланган бўлиб, уларда Қошгарга элтадиган «Эргаштом» йўлининг азоблари ва шу йўлдан кетиб жон қутқазган айрим ватандошларимизнинг хавф-хатарга тўла ҳаёти тасвирланади. Суҳбатдошларимиз фикрича, шу хотиралар мисолида бошқа ватандошларимизнинг бошига тушган аччиқ саргузаштларни ҳам тасаввур қилиш мумкин. Афсус ва надоматлар бўлсинким, ҳаётлари азоб-уқубат билан тўлиб-тошган ватандошларимизнинг кўпчилиги вафот этишган. Суҳбатдошларимиз уларни кўз ёши билан эсга оладилар.

## 1-§. Мўминжон Исмоилжон ўғли Андижоний ҳикояси

— Шўронинг «қулоқ» сиёсати жорий қилиниб, барча ермулки борлар, савдогар-дўкондорлар, забардаст муллолар ва уламоларни таъқиб остига олиш бошланди, — деб ҳикоясини бошлайди бу ҳамюртимиз. Ўшанда Андижон шаҳридан «қулоқ»

деб топилганлардан бири Мўминжон аканинг катта оталари бўлмиш Мулла Қурбонали эди. У киши шаҳарнинг «Чуқур масжид» (ҳозирги Бобур) маҳалласида истиқомат қиласди. Мулла Қурбонали бадавлат бўлиб ўз даврининг алломаси Сомий халфа домладан таълим олган. Шу билан бирга, табиатан мулойим, саховатли ва хушфеллиги билан Андижонда танилган эди. Унинг Абдуллажон, Абдуқайюм, Исмоилжон ўғиллари ҳам қўли очиқ, отаси каби ўзгаларга меҳрибон йигитлар бўлиб тарбияландилар. Бирлари дўкондор, бири баззоз ва бири косибчилик қиласар, нисбатан ёш бўлсалар ҳам шаҳарда ўз ўрнига эга бўлган оиласи кишилар эди. Исмоилжон янгичага ўқишга интилиб, ўша йиллари урф бўлган «Нўғай мактаб»ида ўқиб, рус тилини ўрганган ва муомалада ишлата биладиган ёш иқтидорли савдогарлардан бўлиб, Андижоннинг Далварzin қишлоғидан уйланган эди.

Бизнинг сұхбатдошимиз, мулла Қурбоннинг набираси, яъни мазкур Исмоилжон ўғли Мўминжон ҳам (у киши 1923 йили туғилган) 1930—31-йиллари мактаб ёшига етиб, лотин алфавитида эндингина уч ой ўқиганида, оиласида беҳаловатлик бошланди. Отаси Исмоилжон Тошкент, Самарқанд, гоҳо Қошғар томонларга савдо иши билан бориб турарди. Шунинг учун ҳам 20-йилларда шаҳарнинг саводли, кўзи очиқ, шўро сиёсатининг асл моҳиятини касбдошлари орасида тушуниб етётган зиёли кишилардан ҳисобланарди. (Ўшандай зиёлилар «ёт унсурлар» деб 1937 йилда қамоққа олингани ўлкамиз тарихидан маълум).

Комфирқа ва шўро хукуматининг қулоқлаштириш зуғуми авж ола бошлаганда Исмоилжон Қошғар сафарида эди. Андижонда касбдошларини ҳўбсга олишлар бошланганини ўша ерда эшитган ва Андижонга — дадасига хат ёзиб, оила-аъзолари билан Қошғарга келишни таклиф қиласан, ўзи эса Андижонга қайтмаган.

Мулла Қурбонали 1932 йили куз кунларининг бирида хуфя тарзда Андижондан Ўшга келади ва шу бўйи уйига қайтмайди: чорвачилар билан қўшилиб, Чигирчиқ довонига боради. У ерда яшириниб юрган ўшлиқ айрим бадавлат одамлар билан бирга тунда Гулча қишлоғи томон ва ундан Сўфиқўргонга йўл олади. Улар кундузи яшириниб, тунда йўл юришар эди, чунки ГПУ айгоқчилари Эргаштом йўллари бўйлаб доимо изғиб юришар, қўлга тушғанларни «қочоқ» ҳисоблаб, отиб ташлашарди.

Мулла Курбонали шу тарзда яшириниб юриб, Эргаштом довонига етиб боради. Уйгурисоннинг Кошгар чегараси бу ердан яқин эди. Бир неча кун тоғларда яшириниб ётгач, бир гурух ўзига ўхшаш «қочоқлар» билан бўрон ва қаттиқ ёғингарчилик бўлган тун қоронғусида Кошгар чегарасидан эсон-омон ўтиб олади.

Андижондаги Мулла Курбонали оиласи эса бундан бехабар, «Ўшга кетган» деб уни кутишаётган эди. Бунинг устига уни «ёт унсур» деб маҳаллий ҳукумат қидиртираётган, оиласи хижолатчилик ва ташвиш бошланади. Уйларини айғоқчилар бутунлай талаб кетишади.

Ниҳоят, 1933 йил бошида Кошгардан хушхабар келади: Мулла Курбонали оила аъзоларига ўзи ҳақида хабар қилиб, уларни ҳам дарҳол сафар тараддудини кўриб, йўлини қилиб Кошгарга келишларини сўрайди. Бу, албатта, оила аъзолари учун кутилмаган «таклиф» эди. Йўл харажатлари учун маблағ керак, яқинда уйлари тинтув қилиниб, яроқли мол-мулкларини олиб чиқиб кетишган. Дард устига чипқон деганларидек, ўша (1933) йили ўғли Исмоилжоннинг хотини бандачилик қилиб, мотам маросимлари эндигина ўтган эди. Аммо сафардаги Исмоилжоннинг бу мусибатдан хабари йўқ. Хайрият, Мулла Курбонали ўғлининг дарагини Кошгардаги андижонликлар саройидан топди. Ота-бола кўришиб, оила аъзоларини Андижондан келишини кута бошлайдилар ва Кошгарнинг «Дўнг масжид» маҳалласидан чоққина бир ҳовлини ижарага олдилар.

Мулла Курбоннинг Андижондаги катта ўғли Абдуллажон ҳам отаси таклифига биноан сафар тараддулига тушади. Тайёргарликни тезлатиш керак, чунки Мулла Курбонни излаётган шўро ҳокимияти уларга зарар етказиб қўйишлари мумкин. Лекин куз фаслини кутишдан бошқа чора йўқ. Чунки Эргаштом орқали Кошгар йўли хуфялар учун куз-қиши мавсумида нисбатан хавфсиз бўлар эди: ёғингарчилик бошланиб, қаттиқ шамол ва бўрон авж олар, ўшанда чегара постларидан тунда ўтиб олишга имкон бўларди. Мулла Курбоннинг фарзандлари маслаҳатлашдилар, фақат Абдуқайюм онаси билан ота эшигини очиб қоладиган бўлди.

Ниҳоят, 1933 куз ойларининг бошида катта ўғил Абдуллажон хуфя сафарга отланди. Абдуллажон ўзининг тўрт ўғли ва чақалоқ қизи, шунингдек, укаси Исмоилжоннинг уч

ўғли – гўдак болалар – Мўминжон, Олимжон ва Азизжонларни ҳам олиб саҳар пайти йўлга чиқади. Ёпилган кулча нонларни майдалаб, тут толқонлар билан бирга бир эшакка юклашади. Андижондан Ўшга, ундан Чигирчиқ довонини ошиб, Гулча, ундан Сўфиқўргонга ўтишади ва бир ой деганда, эсон-омон Эргаштомга етиб келишади. Ҳам сиёсий, ҳам табиий об-ҳаво шароитини кутиб, хавф-хатарли бир неча кунни ўтказадилар. Ҳаво совуқ, озиқ-овқат танқис, бунинг устига беҳаловат кунлар – ҳар куни айғоқчилар ташвиши, қўлга тушганлар эса беаёв отилади.

Йўллардаги қийинчиликларни, хусусан, Сўфиқўргондан Эргаштомгача бўлган тоғ йўллари азобини, ГПУ айғоқчиларидан яшириниб ўтказган кунлар ва тунларни Мулла Қурбоналининг Саудия Арабистонида истиқомат қилаётган ва ҳозирда қариб қолган набиралари – И smoилjon ўғли Мўминжон ва Олимжон ҳамда Абдуллажон ўғли Комилжонлар (шоир Тошқин) ҳанузгача ҳаяжон билан эслайдилар, ёшлиқдаги хотираларини ҳаётларининг мудҳиш ва энг ташвишли кунларидан бири сифатида умрбод сақладилар.

Улар юкларини эшакка ортиб, кетидан ўзлари пиёда юришарди. Одамлар бир-бири билан ҳамкорлик қилиш учун 8–10 тадан бўлиб тунда йўлга чиқишарди ва Қошғар йўлидан адашмаслик учун онда-сонда уйи бор маҳаллий қирғизлардан «йўлбошчи-қоровул» ёллашарди. От ва эшаклар юришидан шарпа чиқмаслик учун, ГПУ айғоқчиларидан эҳтиётлик чорасини кўриб, улов туёқларини кигиз парчалари билан ўраб боғлаб қўйишарди. Саҳарга боргандা гуруҳ-гуруҳ бўлиб тўхташар ва қуюқ дарахтзор ёки йўлдан четдаги панароқ тоғ канорасида кун бўйи яшириниб ўлтиришар, тун яримга оққанида эса, яна йўлга чиқишар эди. Эсон-омон «Кўксув» постидан ўтиб олсалар, кўнгил бироз тинчиди. Негаки, Кўксув катта дарё бўлиб, кўприкдан ўтиш ҳам хавфли, ҳам барча йўловчиларни ўша ерда обдон текширишар эди. Шу тариқа бир ҳафта – ўн кун давомида тунда йўл юришиб, Қошғар чегарасига етиб келишади, «Кўксув» постидан ва чегарадан ҳам эсон-омон ўтиб олишади.

Қошғарга киргандарида аллақачон қиши совуғи бошланган эди. Захирага ёпиб, қуритиб олинган кулча нонлар ва тут толқонлар ҳам тугаган. Биринчи вазифа – отани қидириш ва бошпана топиш керак. Буларнинг йўлга чиққани ҳақида хабар топган Мулла Қурбон Раҳмон дўппифурӯш деган бир

қадрдонининг ўғелини Исмоилжон билан қўшиб, уларни кутиб олишга чиқаради. Улар ота билан эсон-омон учрашадилар.

Катта ота ўз «мехмонлари»ини – ҳаммаси бўлиб 7–8 кишини шаҳар ичидаги «Дўнг масжид» маҳалласидан сотиб олган кичик ҳовлига жойлади. Ўшанда, ушбу саргузаштларни каминага ҳикоя қилиб берган Мўминжон ака 9–10 ёшларда, амакиси Абдуллахоннинг ўғли Комилжон эса 4–5 ёшларда эди.

Ака-ука Исмоилжон ва Абдуллахонлар Қошғардаги савдо дўконларига аввал сотувчи бўлиб ишга жойлашадилар, сўнgra ўзлари дўкон очиб, иш бошлашади. Исмоилжон хотини вафот этганини эшитгач, удумга кўра дуо-фотиҳалар ўтказишади, олти ойдан сўнг, Қошғарга бориб қолган бир ўзганликнинг қизига уйланади.

Отаси Мўминжонни 1933 йили шу ерга қўқонлик Мамасиддиқ деган домлага ўқишига беради. Кейинчалик у дунёвий мактабга ҳам қатнади. Бир йилдан кейин амакисининг ўғли Комилжон ҳам мактабга боради.

Бироқ ўша йиллари Қошғар, умуман Уйғуристон ҳам нотинч эди: Шинжон-Уйғур ўлкасининг меҳнаткашлари Хўжа Ниёзҳожи ва Махсусохунлар бошчилигига озодлик кураши бошлаган эдилар. Қўзғолонга Шарифхон бошлиқ қозоқлар, шунингдек, қирғизлар, тунгонлар ҳам қўшилганди. СССР эса ўз ташқи сиёсатида ушбу ўлкани Хитойнинг ажралмас бўллаги деб ҳисоблар эди<sup>4</sup>.

Агарда уйғурларнинг ушбу озодлик ҳаракати ғалаба қилгудай бўлса, у ҳолда, СССР тасарруфидаги собиқ Туркистон, яъни Ўрта Осиёнинг шарқий чегарасида янги, мустақил Уйғуристон давлати пайдо бўлиши эҳтимоли бор эди. Бу, албатта, шўро сиёсатига тўғри келмасди. 1933 йилга келиб, Уйғуристонда озодлик ҳаракати анча кенгайди. Шинжон-Уйғуристон ўлкаси ерларининг деярли 80 фойизи, жумладан, ўлканинг бутун жануб қисми озод қилиниб, ҳокимият қўлга олинганди<sup>5</sup>. Бу «нохуш» ҳаракатларга қарши Гоминдан ҳукумати фавқулодда чоралар кўради.

1933 йил апрел ойида генерал Шен Ши-цай Урумчи вилоятида ҳокимиятни қўлга олиб, Совет Иттифоқи билан дўстона алоқалар ўрнатади<sup>6</sup>. Сталин бошлиқ шўро ҳукумати ҳам Хитой давлати билан ҳамкорликда озодлик ҳаракатларини дарҳол бостириш учун чоралар кўриши табиий эди.

Ўшандек чора кўрилди ҳам: уларнинг биринчиси Ўзбекистондан хуфя тарзда Уйғуристонга ўтаётган «қулоқ» ва «шўргага ҳақсиз» унсурларни маҳаллий халқларнинг озодлик ҳаракатига қўшилиб кетмаслиги учун кўрилган тадбир бўлди. Совет ҳукумати ГПУнинг маҳаллий халқдан чиқсан ходимларини Уйғуристонга юборди. Хотираларга қараганда, уларнинг айримлари ўзларини гўё ноҳақ «қулоққа тортилган»дек кўрсатадилар ва шўро ҳукуматидан озор чекканлар билан «дўстлашиб», чегарадан бирга ўтишарди. Қошғар, Фулжа каби қоюқлар энг кўп тўплланган шаҳарларда ГПУ жосуслари (сўнг НКВД жосуслари) ўз қонқариндошларини қўзғолонларга қўшилиб кетмасликлари учун улар орасида яширин тарзда қўпорувчилик ишлари олиб боришади.

Ниҳоят, Хитой ҳукумати СССР билан махфий тарзда келишгач, қўзғолончилар ҳукумати ағдарилади. Қўлга тушганлар, хусусан, уларнинг раҳбарлари, ўта қаттиқўллик билан жазоланади.

Саудия Арабистонида истиқомат қилаётган ватандошларимиз орасидан Уйғуристондаги воқеаларни ўз кўзи билан кўрган ва қўзғолон мададкорлари ҳисобланиб, жазодан тасодифан қутулиб қолганлар бу воқеалар ҳақида ҳаяжон билан сўзлашади. Ватанини мажбуран тарқ этиб, тинчлик излаб хавотирликда Фаргона водийсидан келган айрим ватандошларимиз ҳам турли жазоларга тортилган. Сабаби – қардош уйғур халқининг озодлик ҳаракатига ҳамдардлик билдиришган.

Бунинг устига, қўзғолончилар орасида ҳам ўзаро келишмовчиликлар юз беради. Оқибатда минглаб одамлар ўлдирилади. Афсуски, озодлик истаб бу ўлкага бориб қолган юртдошларимиздан ҳам анчагина қисми шулар қаторида шаҳид кетган. Ниҳоят, маҳаллий халқларга бирмунча ён беришлар билан қўзғолон бостирилади.

Шуни ҳам айтиш керакки, айрим ватандошларимиз – шароитни тушунмасданми ёки маҳаллий халққа вақтинча ён берилганидан фойдаланибми – тирикчилик учун Қошғарда ва Гулжада милиция отрядларига ишга киришган. Улардан иккичучтаси Саудия Арабистонида ҳамон ҳаёт, жуда ҳам қартайиб қолишган. Улар билан суҳбатлашганимда, ўзлари иштирок этган воқеаларни хижолат бўлиб эсладилар.

Сүхбатдошимиз Мўминжон аканинг отаси Исмоилжон анчагина саводхон, мустақил фикрлайдиган, кўзи очиқ киши бўлгани учун уни Қошғар банкига ишга қабул қиласидилар. Ҳалол ишлагани сабаб ўзбекларнинг Урумчидаги чақирилган йиғинига ҳам Қошғардан у кишини вакил қилиб юборадилар. Аммо қайтиб келганида «қўзғолонга хайриҳо бўлган» деб ишлаётган лавозимидан бўшатишади ва жосуслар иғвоси билан қамашади. Ўғли Мўминжон эса 8-синфда ўқиётганида мактабдан ҳайдалади. Исмоилжон 33 ой давомида қамоқда ётади. Кейин маълум бўлишича, уни «инглизлар жосуси» деб гумон қилишган экан. Шунинг учун қамоқда ҳам уни кўп қийноққа соладилар. Ниҳоят, ҳақиқат аниқланиб, 1939 йил охирида Исмоилжон оқланади ва яна тижорат ишига ўтади.

Бу орада Иккинчи жаҳон уруши ҳам бошланиб кетади. Мўминжон ўқиши ташлаб, отасининг тижорат ишларига қарашади. Амакиси Абдуллажоннинг ўғли Комилжон эса, уйғур мактабини битириб, 1947 йили Урумчи дорилфунунига ўқишига киради. Бироқ уруш йиллари Уйғур автоном ўлкаси яна алғов-далғов бўлгани сабабли (бу 1944 йили Алихонтўра бошлиқ мустақиллик учун иккинчи марта бошланган ҳаракат билан боғлиқ эди) ака-укалар оиласи билан Қошғардан Покистонга кетишига мажбур бўлдилар. Маккада истиқомат қилувчи Сафохон Марғилонийнинг хотирасига қараганда, ватандошларнинг Қошғардан чиқиб кетишига сабаб – СССРнинг Қошғардаги консуллиги муҳожирларни шўро фуқаролигига мажбуран қабул қила бошлагани эди. Бу эса уларни СССРга қайтариб юбориш ва жазога тортиш дегани эди. «Ўшанда дадамга – тиз чўкиб яшагандан кўра, тик туриб ўламиз, деганман», – деб эслайди Мўминжон ака.

Шундай қилиб, элликдан ортиқ ўзбек муҳожирлар оиласи Қошғардан Покистон томон юришган. Улар Тошқўргонга, сўнгра «Кўшбел» довонидан ўтиб, Гиргитга, ундан Читралга ўтишган ва «Дир» довони орқали Равалпиндига келишган. Равалпиндидан эса автомашинада Карочига келиш мумкин эди. Мўминжоннинг амакиси Абдуллажон ака ўғли Комилжон ва Мўминжоннинг укаси Олимжон билан бирга учковлари Кашмир томон юриб, йўлдаги Бандипур қишлоғида қолишган. 1948 йили Кашмирга келишган ва бу шаҳарда 7 ойча туриб қолишган. Бу орада Абдуллажон ака яна Қошғарга

қайтиб кетган. (Бу кишига Қошғардан қайта ҳижрат қилиш насиб бўлмади ва мусоғир юргда оламдан ўтди.)

Олимжон ва Комилжонлар ҳам Кашмирдан Карочига келишади ва бу ерда бир йил истиқомат қиладилар. Ўшанда Комилжон тиш техники касбини эгаллаш учун ўқишига кирган<sup>7</sup>.

Ниҳоят, 1949 йили муборак ҳаж сафарига отланишиб, Карочи – Жидда теплоходида 13 кун деганда Саудия Арабистонига етиб келадилар. Катта оталари Мулла Қурбон илгарироқ – 1947 йилиёқ ҳаж сафарига жўнаб, бир йилдан сўнг шу ерда вафот қилган.

Мана, 55 йилдирки, Мулла Қурбон авлодлари Саудия Арабистонида истиқомат қилишади. Неча ўн минглаб одамларнинг Ватандан жудо бўлиб, бундай дарбадарликда, саргардонликда юришлари халқларнинг ўрта асрларда бўлиб ўтган кўчишларини эслатади. Фарқи шуки, ўтмишда халқлар тирикчилик учун, ҳеч кимнинг тазиқисиз, ихтиёрий равишда кўчганлар. Юртдошларимиз эса ўз уй-жойларини, киндик қони тўкилган шаҳар, қишлоқларни шўро ҳукуматининг халқимиз бошига солган зулми, тараққиётга зид бўлган сиёсати туфайли ташлаб кетишга мажбур бўлдилар.

Суҳбатдошимизнинг отаси И smoилжон ака, юқорида айтилганидек, ҳушёр, замон талабларини англай биладиган киши бўлгани сабаб, ўғли Мўминжонга ҳунар ўрганишни маслаҳат беради. Аллақачон тиш техники мутахассиси бўлиб ишлаётган амакиваччаси Комилжон Тошқин каби Мўминжон ҳам шу касбни эгаллайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, И smoилжон ака ҳам ўғли Мўминжон ва Комилжон ҳам кўп ватандошлар қатори, Туркистоннинг шўролар зулмida, унинг даҳрий тузуми ҳукмронлигига абадий қолиб кетмаслигига ишончлари комил эди. Афсуски, Ватанда ҳукм сурган шўро ҳукуматининг тескари сиёсати узоқ давом этиб, истиқолни кўриш кўпчилик юртдошларимизга насиб қилмади. И smoилжон ака ва аҳлияларининг тупроғи Саудия Арабистонида қолиб кетди. Ватандошларимиз ушбу мамлакат ва унинг ҳалқидан ёмонлик кўрмадилар.

Шу аснода Комилжон – шоир Тошқин ҳақида қуйидаги маълумотни айтиб ўтиш жоиздир. Қошғардаги уйғур мактабларида таълим олган йилларданоқ (1936–1947) унинг

адабиётта, айниңса, шеъриятта бўлган истеъоди ниш бера бошлаган эди. Ўқувчилик йиллари қатор шеърий машқлар ёзади. Уйғур тилида чоп этилган Навоий, Фузулий фазалларини ўқыйди. 1947 йили Урумчи дорилфунунига ўқишига кирганидан сўнг бундай улуғ шоирларга эргашиб фазаллар ёза бошлайди. Бироқ тақдир у кишига тиш техники касбини насиб қилган экан – шу йўлдан кетди. Лекин бир вақтнинг ўзида шеърий машқларини ҳам давом эттирди.

Комилжон кейинчалик она-Ватандан жудо бўлиб, муҳожирликка маҳкум этилганларнинг руҳий кайфиятларини чуқур англаб, она-юрт фироқида ёнган ҳис-туйгуларини ўз фазалларида нозик бадиий тасвирлар воситаси билан моҳирона ифодалаб берди. Натижада, Комил Андижоний-Тошқин тахаллуси ила ўзбек шоири сифатида эътироф этилди.

Суҳбатдошимиз Мўминжон aka ҳақида яна шуни айтиш керакки, у киши мамлакат пойтахти Риёз шаҳрида истиқомат қиласиди. Узоқ йиллар тиш техники касби билан шуғулланди. Тўрт ўғил ва бир қизнинг отаси, йигирмадан ортиқ невара-чевараларнинг бобоси, пири бадавлат киши. Аҳлиялари Марғилондан. 1991 йилдан буён деярли ҳар йили киндик қони тўкилган Андижонга ва Марғилонга келишиб, Ватанни зиёрат қилиб кетадилар. Улар қалбida ҳеч нарса билан тўлғазиб бўлмайдиган катта бир кемтиклик бор. У – Ватан фироқи.

## 2-§. Сафохон Жалолхон Марғилоний ҳикояси

У киши билан биринчи суҳбатимиз 1991 йили Андижонда, илк маротаба Ватан зиёратига келгандарида бўлиб ўтган. Сафохон aka Марғилонда таваллуд топгани, ҳозирда эса Маккада истиқомат қилиши қаминага ўшанда маълум бўлган. Сафаримиз чогида у киши билан кўп марта учрашдик. Ҳар гал суҳбатлашганимизда мен у кишининг диққатини асосий мақсад – оиласининг муҳожирати тарихига бураман, бир неча марта кейинги учрашувларимизда ҳам асосан ушбу мавзуга ургу берар эдик.

Сафохон aka кенг маълумотли одам. Ҳар сафар суҳбат мавзуини олис тарихдан бошлайди: Туркистонда мавжуд бўлган учта мустақил давлат, яъни учта хонлик ўртасидаги келишмовчиликлардан, бунинг оқибатида келиб чиқсан ўзаро уруш-жанжаллардан чоризм ниҳоятда усталик билан

фойдаланди, — дейди Сафохон ака. Чор армиясининг бостириб келишига, Кавказда бўлганидек, кўп ҳам қаршилик кўрсатилмади. Сайид Шомил гарчи енгилган бўлса ҳам, 40 йил кураш олиб борди (Кавказ халқларининг Шомил бошлиқ қўзғолони назарда тутилмоқда — С.Ж.). Бизда бунақаси бўлмади, афсус, — дейди Сафохон ака. — Бунинг устига Скобелевга ўхшаган ўта бераҳм қотиллар юртимизга ҳоким тайинланиб, халқимизнинг қўзини очирмади, бошига доим муштлаб турди. Тўғри, Собир халфа ўғли Дукчи Эшон халқ норозилигини ифодалаб, қўзғолон кўтарди, лекин у енгилгач, чор подшоси жаллодлари жуда ҳам бераҳмлик қилишди. Натижада ҳамма писиб қолди, халқнинг Чоризмдан норозилиги алангаси ўча бошлади. 1916 йилги «Мардикор олди» тўполони ҳам узоққа бормади.

— 1917 йили, — давом этади Сафохон ака, — Русияда давлат тўнтариши юз бериб, шўролар ҳокимияти ўрнатилгач, улар «босмачи» деб атаган мард ўғлонларимиз озодликни қўмсаб, оёққа турдилар, большавойларга тиш-тирнофи билан қарши чиқдилар. Аммо ўтган ярим аср мобайнида юрак олдириб қўйган халқ довдираб қолди. Оқибатда Мадаминбек каби мард, фидойи ўғлонларимиз курашиб, эзгу мақсадларига етолмади, большавойлар зўравонлик билан юртимизда ўз ҳокимиятини ўрнатди. Уларнинг ташвиқотчилари шўро ҳукуматини оғиз кўпиртириб мақтадилар. «Сопини ўзидан чиқариб» деган ҳийла билан айrim ўзимизниклар ҳам бу ишга тортилди. Барча иш, юрт сўраш «қизиллар» қўлига ўтиб кетди. Муҳаммад Бухорийлар, Нақшбандлар, Яссавийлар, Хожа Аҳорори Валий, Маҳдуми Аъзам каби Шарққа донғай кетган улуғ зотлар юрти бўлмиш азим Туркистонда динни умуман тан олмайдиган даҳрийлар ҳукмронлиги ўрнатилди. Эл-улусдан барака кетди. Халқнинг имон-эътиқодига путур етди.

Шундай сўзлардан кейин Сафохон ака жим бўлиб қолди. Бир пиёла чой ичгач, ёнидан рўмолча олиб юзини, кўпроқ қўзойнаги остидан кўзларини артди, бошқа гапиролмади.

Ушбу суҳбатга 1996–97 йилги илмий сафарларимизда якун ясалди. Ҳар гал Саудия Арабистонига борганимда, аввало, умра амалларини бажарганимдан сўнг дарҳол Сафохон акага қўнгироқ қилардим.

Мана, бу сафар у кишининг ўн қаватли хусусий «доми»нинг тўққизинчи қаватида меҳмондамиз. Ватандошларимиз шоир

Комил Тошқин, тијоратчи Абдуллажон Туркистоний (у киши андижонлик машхур Аҳмадбек ҳожининг набираси), Олимжон aka Тоифдан, Мўминжон aka пойтахт Риёздан таклиф қилинган. Сафохоннинг катта акалари Тўрахон aka эса Макканинг ўзидан. Ўша куни мен шу ерда тунаб қолдим. Ниятим – муҳожират тарихи хусусида Сафохон акалар оиласининг Марғилондан чиқиб кетиши тафсилотларини ёзиб олиш эди.

Ниҳоят, мақсадимни айтиб икки йил олдин бошланган сұхбат мавзуини ёдларига солдим. (Бу кишининг ўзи ҳам эътироф қилган феълларидан бири – бирон воқеа ҳақида сўзласалар, гапга берилиб кетганидан, кўпинча, сұхбатнинг асосий мавзуи қолиб кетиб, унинг майда, кераксиз тафсилотларига берилиб, «ўтлаб кетадилар». Мен эса тез-тез савол бериб, мавзуни эслатаман.)

Бизни қизиқтирган тарихий воқеанинг асосий мазмуни – машъум «қулоқ сиёсати» жорий қилингач, юртда – Марғилонда туриш улар учун ҳам хавфли бўлиб қолгани.

1932 йил кеч кузда оталари Жалолхон тўра қамоқقا олинган. Отхоналари ўртасига «катта бойлик қўмилган» деган мишишига ишонган ГПУ ходимлари Жалолхонни турмадан уйга олиб келишган, бойликни топиб беришни талаб қилишган. Рус солдати милтиқ найзасини шундоққина унинг қулоғи остига тақаб турган – қимиirlашнинг иложи йўқ. Отасининг «бу ёлғон гап» деганига ишонмай, «яхшилаб ўйлаб кўр» деб банди қилиб уйга қамаб қўйишган.

Иккинчи куни тунда отасининг муҳлислари ва бошқа меҳрибонлар солдатни чалғитиб, отани қутқаришган ва Ўш томонга қочиришган. Мақсад – Жалолхонни учта ўғли билан бирга Қошғарга ўтказиб юбориш. Ўшда бир уйғур саройида 3–4 кун беркинишиб, йўл тараддудини кўришган ва бир қирғизни йўл кўрсатувчи қилиб ёллаб, Гулча, Сўфиқўрғон орқали кўпчилик қатори, Эргаштом томон йўлга чиқишиган. Йўл эса юқорида ёзилганидек, жуда хавфли. Дадаси Жалолхон каттагина бойликни юмалоқ тугун қилиб, қўлтиғига боғлаб олган. Кундузи беркинишиб, тунда йўлга чиқишар эди. Аксига олиб, бир тоф тепалигига тирмашганларида ота қўлтиғига боғлаб олган бойлик-тугуннинг иличилиб кетиб, пастгатубсиз жарликка юмалаб кетган. Йўл бошловчи қирғиз «тушиб топиб чиқаман» деб пастга тушган-у, аммо тун қоронғусида

тополмай қайтиб чиққан. Шу күйи асосий бойликтан ажралган Жалолхон тұра фақат 30–40 та кумуш танга билан қолған. Катта бойликтан ажралып қолған отасининг афсус-надоматларини Сафохон ва унинг акаси Тұрахон ҳамон эслайди. Нихоят, бир неча кун тунда йўл юришиб «Симхона» (чегара пости)га етиб келишган.

Йўл азоблари, айғоқчилардан ҳадиксирашлар, қўркув, тирикчилик ташвишлари – буларнинг барчаси юқорида битилган Мўминжон aka хотирасига монанддир. Улар ҳам Қошғарга эсон-омон ўтиб олишган. Жалолхон тұра бу ердаги таниш ҳамشاҳарлар билан топишиб, бирор ой ўтгач, майда тижорат ишларини бошлаган. Ўғли Сафохон уйғурча мактабга ўқишига кириб, бир йилда уч синфни битиради. Катта ўғли Тұрахон эса отасига қарашиб, унинг хизматида бўлади. Укаси Аъзамхон 4–5 ёнда эди.

Юқорида айтилганидек, уйғурлар ўлкаси ҳам нотинч эди. Бир томондан маҳаллий халқнинг Хитой ҳукуматига қарши озодлик ҳаракати, иккинчи томондан, совет айғоқчи, жосусларининг изқуварлик ишлари – булар муҳожирларга тинчлик бермас, уларни ҳар куни безовта қиласарди. Бу орада чақимчилар Жалолхонни тутиб бердилар. Сафохон эса мактабдан ҳайдалди. Сўроқларда шубҳалар асоссиз топилиб, отасини жазолашмади, бир йилдан сўнг қамоқдан бўшатишиди, ўғли Сафохон ҳам ўқишига қайта тикланди.

Шу тарзда йиллар кетидан йиллар ўтди, аммо кутилган нажот йўқ. Улар кутган нажот – шўро ҳукумати тезроқ даф бўлса-ю, тезроқ она шаҳри Марғилонга қайтсалар. Шунинг учун – соддаликни қаранг – юртдан ҳар куни хабар кутишарди. Мамлакатда эса оммавий сургун, қамоқ, отувлардан сўнг шўро ҳукумати ўз сиёсатини тобора авж олдирмоқда эди.

Улар эшилдиларки, деҳқонларнинг срлари мажбурий равишда тортиб олиниб, қишлоқ хўжалик жамоаларига бирлаштирилмоқда ва бутун хусусий мулклар – от, арава, мол, кўй, тегирмон-у обжувозлар ҳеч қандай тўловсиз «колхоз» деб аталган янги хўжалик ихтиёрига мажбурий ўtkazilmоқда. Шаҳарларда ҳам эшишиларича, барча хусусий йирик савдо дўконлари ёпиб қўйилган ёки давлат томонидан тортиб олинган, майда савдогарларга чидаб бўлмас даражадаги миқдорда солиқлар солинган. Ҳунармандлар, косибларни ҳам таъқиб қилиб, молия ва милиция идораларининг маҳсус

тайинланган айғоқчилари маҳаллаларда айланиб юрар эмиш. Эшишишларига қараганда, ҳунарманд косиблар ҳам «артель» деган жамоага бирлашган, якка косибчилик бутунлай ман этилганмиш.

Шўро ҳукумати ўз табиатига кўра дахрий қонунлар қабул қилиб, масжиду мадрасаларни ёпиб қўйган. Шаҳарларда уларни янги кўчиб келган гайридинларнинг ётоқхоналарига, қишлоқларда эса хўжалик омборхоналарига айлантирилган. Қори-ю имомлар, мударрислар – умуман, ислом дини аҳли қаттиқ таъқиб остига олинган ва қувгинга учраган, қўлга тушганлари эса ҳамон қамалмоқда. Диний китобларнинг тақдирини айтмайсизми...

Ватанда юз берадиган бундай мудҳиш ўзгаришлар ва «янгича ҳаёт» ҳақида Уйгуристонга тинмай хабарлар келиб туради. Ноумидлик туғдирадиган бундай нохуш хабарлар муҳожирларни маънавий жиҳатдан эзар, юрга қайтиб бориш орзусини пучга чиқаради. Ахир, юртдошларимиз дастлаб Қошғар томонга вақтинча ўтишган эди-да. Сафохон ака ибораси билан айтганда, гўё «селдан қочиб ўзларини панага олган кишилардек, сел тўхташини кутишар эди». Афсуски, «сел» тўхтамади, баттар авж олди: мамлакатда шўро ҳукумати, комфирқа зугуми йилдан-йилга хуруж қилаётган эди. Хусусан, 1937 йили бошланган қатағон – репрессия Қошғардаги муҳожирлар руҳини ҳам эзиб ташлади. Улар юрга қайтишдан умидни бутунлай уза бошладилар.

Бу орада Сафохон катталар мактабига қабул қилиниб, уни имтиёз билан тугатди ва ўқитувчиликка тавсия этилди.

Ўша йиллари Гоминдан ҳукумати билан СССР ўртасида дўстлик алоқалари ўрнатилиб, бу томонга шўро мутахассислари юборилади<sup>8</sup>. Жумладан, кўплаб ўқитувчилар ҳам таклиф қилинади.

Бошланғич мактабда Сафохон икки йил ишлади. Аммо ҳаёт нотинч эди: Хитой ҳукуматининг Шинжон-Уйғур вилоятидаги сиёсати ҳам қаттиқ эди. 1932 йилги озодлик ҳаракатларининг қайтарилимаслиги учун кўрилган чоралар кундалик ҳаётда ҳам ўз ифодасини топиб, маҳфий назоратлар, таъқиб қилишлар кучайгандан кучайди. Ўзбекистондан кўчиб ўтган, уйғур халқига диндош, уруғдош бўлган муҳожирлардан ҳам ҳукуматнинг хавфи бор. Сафохон СССРдан борган ўқитувчилар

билин келиша олмай, мактабдан чиқиб кетади ва савдо ишига ўтиб, Хитой шаҳарларига қатнай бошлайди.

Шу тарзда йиллар таҳлика билан ўтиб, Иккинчи жаҳон муҳорабаси ҳам бошланди. Бу орада Сафохоннинг савдо ишларида омади келишиб, Хитой шаҳарларига тез-тез қатнайдиган бўлди. «Аммо ҳеч кўнглим тўлмасди», деб эслайди у ўша йилларни.

1943–44-йиллари Уйғуристонда яна мустақиллик ҳаракати бошланиши муносабати билан Сафохон ака ҳаётида кутилмаган воқеа юз берди.

Шинжон ўлкасидаги мустақиллик ҳаракати юртдошимиз Алихонтўра бошчилигига 1944 йили иккита вилоятда ғалаба қилиб, ҳокимият қўлга олинган эди. Қолган вилоятларда ҳам Лутфулло Муталлиб ва Билол Азизий бошчилигига озодлик ҳаракатлари қизғин давом этаётган эди. Агар Уйғуристон мустақилликка эришса, қўзғолончилар дастурига биноан, ўлка ислом мамлакати деб эълон қилиниши лозим эди<sup>9</sup>. Қўзғолон иштирокчиларининг хотираларига қараганда, уйғур халқининг пири-устози Офоқ Ҳожа авлодларидан бўлмиш Валихон тўранинг набираларидан бири президент (уйғурлар ҳисобида подшоҳ) тайинланиши мўлжалланади. Аммо Валихон тўранинг улар мўлжаллаган Ўзбекистондаги авлоди сиёсий ишга аралашишни хоҳламаган ва таклифга кўнмаган<sup>10</sup>. Ўшанда Уйғуристоннинг ўзида истиқомат қилаётган марғилонлик нисбатан ёш Сафохон тўрани бу лавозимга таклиф қилишган.

Сафохон аканинг айтишича, бу иш – сиёсий ўйин эди, шу сабаб ҳар бир ишнинг орқа-олдини обдон ўйлаб иш тутадиган дадалари Жалолхон тўра ўғлига бу таклифни қабул қилишни маслаҳат бермаган. Шунга қарамай, иш ташкилотчилари Сафохонни мажбурлашган ва Куръони каримни қўлларига тутқазиб, бу тадбирларни ҳеч кимга айтмасликка қасам ичиришган. Сафохон қасам ичган-у, бироқ барибир, таклифга кўнмаган. Шунда у қамоқقا олинган. Бу – шунчаки дўйқ-пўписа учун эди, шу сабаб уни вақтинча бир ҳовлида ҳибсда ушлаб турганлар. Бир муддат қамоқда ётгач, тунда қочган ва маълум вақтгача яшириниб юрган<sup>11</sup>.

Бу воқеаларга, мана, ярим асрдан ошган бўлса ҳам тарихий ҳақиқат шу дамгача ёритилмоғи учун хотирани биринчи марта айтаётганини эътироф қиласи Сафохон ака. Ҳалигача тарихи аниқ ёзилмаган бу воқеалар шу билан якунландиди, Хитой мустамлакачилигига қарши кўтарилган озодлик ҳаракати, гарчи

вақтинга ғалаба қилиб, маълум муддат Шинжоннинг бир қисми мустақил деб эълон қилинган бўлса ҳам оқибатда, унга барҳам берилди. Кўлга тушган қўзғолон раҳбарлари раҳмсизлик билан жазоландилар. Унинг фаол қатнашчиларидан Лутфулло Муталлиб тириклийин жодуда қирқилди. Билол Азизий ҳам қийиноқларда ўлдирилди. Қўзғолоннинг бош раҳбари Алихонтўранинг бошқа яқин кишилари ҳам йўқ қилинди. Тўра эса, ўзига ҳам номаълум сабабларга кўра, 1948 йили Ўзбекистонга олиб ўтилди<sup>12</sup>.

Бундай шароитда ватандош муҳожирларимизга ҳам бу ўлкада истиқомат қилиш хавфли бўлиб қолган эди. Шу сабаб улар Ўйуристондан ҳам кўча бошладилар. Муҳожирлар гуруҳ-гуруҳ бўлиб, уларнинг кўпчилиги Афғонистонга, бир қисми янги ташкил топган Покистон мамлакатига ўтиб кетдилар. Эндиғина уйланган Сафоҳон тўра оиласи, юқорида номлари зикр этилган Мулла Қурбон ўғиллари Исмоилжон ва Абдуллажон, уларнинг ўғиллари – дўсти Мўминжон ва Олимжонлар билан биргаликда (ҳаммаси бўлиб 50 кишига яқин) 1948 йили қишида Покистон томон йўлга чиқдилар.

Биз бу пиёдалар йўлини Мўминжон ака ҳикоясида келтирган эдик. Улар Читралга келгач, Равалпиндига бориш учун «Дир» довонидан ўтишлари керак эди.

Айни кўп қор ёққан қиши пайти. Эллик чоғли одам қаторлашиб торгина пиёдалар йўлидан тикка тоғ томон бормоқдалар. Ҳар бир оила неча кишидан иборат бўлса, йиқилса қолиб кетмаслиги учун арқон билан бир-бирларини боғлашиб олишган. Бир томон тоғлик, бир томон эса тубсиз жарлик. Йиқилган киши ҳалок бўлиши аниқ...

Сафоҳон ака ҳам онаси, қайнонаси ва хотини билан бирга ўзи олдинга ўтиб, олти метрли арқонни бўйни ва қўлтиғи орқали онаси ва унинг кетидан келаётганларга боғлаб етаклайди. (Дадалари ака-укаси билан бирга илгари жўнашган эди.) Улар қор босган пиёда йўлдан қаторлашиб «Дир» довони томон кетишаётганида, қорда дармонсиз ёлғиз ўлтириб қолган бир кампирни Сафоҳон таниб қолади. Кампир андижонлик муҳожир олим Мусо Туркистонийнинг онаси эди. Уни ҳам бирга олиб кетиш учун бир беллужийни ёллаб, кампирни кўтартиради. Беллужийни бу ишга кўндириш ва кампирни кўтартиришга кетган вақт ичida Мўминжон акалар тўпи олдинга ўтиб кетиб, Сафоҳон тўпи орқада қолишган

эди. Тиззадан қор. Тўплан ажралиб қолган эса бўриларга ем бўлиши аниқ.

Шу тариқа ниҳоятда қийинчилик билан эсон-омон довонга чиқиб олишади. Аммо қоронгу тушган, атрофда изғиб юрган оч бўриларнинг кўзлари узоқдан йилтираб турарди. Олдиндагилар эса Сафохондан узоқлашиб кетганлар. Сафохон аёллар қўлига иккита шам ёқиб тутқазиб (бўри чироққа келолмайди), бироз ўлтириб туришни буюради. Ўзи эса узоқдан кўриниб турган бир айвонни кўзлаб кетади. Бу ердаги кишилардан бир от ёллаб келтиради. Ҳолдан тойган кампирни отга мингизиб, ўзлари пиёда – текис йўл билан эсон-омон тўпга етиб олишади. Кейин маълум бўлишича, Мусо Туркистоний йўлда адашиб, онасини қоронгуда йўқотиб қўйган ва Арабистонга дилпора бўлиб кириб борган. Сафохон aka онани эсон-омон ўлига топширган. Шу тарзда эсон-омон давондан ўтиб, Равалпинди йўлига чиқиб олишган.

1948 йили эрта баҳорда улар автомобил йўли билан Равалпиндига етиб боришади ва бу ерда тўхтамай, поездда Карочи шаҳрига жўнайдилар. Барчалари баҳор ва ёз фаслини Карочида ўтказадилар ва ўша йили июль ойида Карочи – Жидда кемасига ўлтиришиб, эсон-омон Саудия Арабистонига етиб оладилар.

Гарчи Арабистон бундан 15 йиллар илгари Саудийлар хонадонидан чиққан Абдулазиз ибн Сауд бошчилигида бирлаштирилиб, мустақилликка эришган бўлса ҳам ўша йиллари турмуш ҳали оғир эди. Шаҳарлар эскича кўринишда, замонавий янги иморатлар қурилмаган, электр чироқлари йўқ эди. Тирикчилик ҳам осон эмас.

– Бирор мусофири юртда бекорга битта нон бермайди, – деб гапини давом эттиради Сафохон aka. Лекин улар Пайғамбаримиз (с.а.в.) ватанига, эсон-омон етиб келишди. Бу – яшаш учун курашнинг асосий ғалабаси эди, буёғи Яратганга таваккал, бир гап бўлар. Эътиборли жойи яна шундаки, Арабистон ҳукумати не азоблар билан келган бу ғариб мусулмонлар оқимига ҳеч қандай қаршилик кўрсатмади. Бу ҳам мусофиirlарнинг кейинги ҳаётларига тагзамин яратишнинг асосий омилларидан бўлди.

Сафохон aka оиласи бу ерга илгарироқ етиб келган дадаси Жалолхон, акаси Тўрахон ва укаси Аъзамхонлар билан топишиб, ҳаётлари бироз бўлса-да «гавжумлашиб» кетди, кўп

қатори, тирикчилик ўта бошлади. Аммо уй-жой йўқ, ҳаво эса ўта иссиқ. Дастлаб Макка шаҳрининг хилват тоғ ён бағирларида ўзлари эски тунуқалардан ўраб, усти енгилгина ёпилган пастак ва кичик омонат уйчалар қуриб олишди. Бу уйчалар офтобда қизигандан чирсиллаб кетарди. Шу уйчанинг эшиги ёнида ўчоқ қуриб, овқат ҳам қилишар эди. Сувга пишилган бўз матони устларига ёпинишиб, ором олишарди. Аммо мато 10–15 дақиқадаёқ қуриб қоларди. Уни яна сувга чилаб, яна артинишарди. Туну кун ҳаёт шундай кечарди, бошқачасини тасаввур қилиб бўлмасди. Маккада ҳали электр чироғи йўқ. Транспорт эса фақат эшак, шаҳарлардан четга фақат туда бориларди.

Ушбу муқаддас шаҳарда муҳожирларнинг истиқомати ва тирикчилиги мана шундай оғир шароитда бошланди. Ўшайиллари бошқа илож ҳам йўқ эди. Зотан, улар ватандан жудо бўлишгач, аслида, яхши ҳаёт эмас, фақат тинчлигу бошпана излаб келишган эди. Шунинг учун дарбадарликда юриб, Пайғамбаримиз (с.а.в.) ватанларига келиб қолишларини ўзлари учун баҳт деб билишди. Шу боис, хоҳ об-ҳаво билан боғлиқ, хоҳ моддий ҳаёту майший ноқулайликлар билан боғлиқ қийинчиликларни ватандошларимиз ўз эътиқодлари, таважжуҳлари олдидага асло писанд қилмас эдилар. Улар асосий мақсадга эришдилар: жон омон қолди, имон гавҳари сақланди, шўро тузумидан қутулдилар. Тирикчилик эса, бир гап бўлар. Шу тарзда Сафохон aka оиласи учун Макканинг «Мафсала» мавзеида муҳожирлик-саргардонликнинг якуний даври бошланди. Суҳбатимиз давоми уларнинг бу ердаги ҳаётлари ҳақида.

У кишининг оналари чевар эдилар. Арабистонда оқ дўппи кийиш одат эди. Оқ сурп матодан кунда аввалига 4–5 та дўппи тикиб берадиган бўлди онаси. Сафохон тахминан икки км. узоқликда бўлган Ҳарами шарифга бомдод намозидан олдинроқ бориб, намоздан кейин 10 дақиқагина бўладиган бозорда дўппиларни пуллаб келишни ўрганди. Шу 4–5 та дўппидан тушган «даромад» бир кунлик нон пулига етарди. Бир ҳафта ўтгач, она кунда 10 та дўппи тайёрлайдиган бўлди, бинобарин, фойда икки баробар кўпайиб, камгўшт, камёғ бўлса ҳам, декча қозон қайнайдиган бўлди. Шу тариқа тирикчилик бироз изга тушди.

Тахминан уч ойлар чамаси ўтгач, муборак Рамазон ойи бошланиб, зиёратчилар сони кўпайгандан кўпайиб кетди ва

дўппи бозори ҳам чаққонлашди. Суҳбатимизда Сафохон ака ўша қийинчилик йилларни эслар экан, муҳожирлар учун дастлаб ҳаёт нақадар оғир бўлганини таъкидлайди. Зеро, Саудия Арабистони давлати ҳам иқтисодий жиҳатдан эндиғина оёқقا туратган давр эди. Дўппифурушлик улар учун асосий тирикчилик манбаи бўлиб қолди. Онаси кундузи билан оқ сурпдан дўппи тайёрлайди. Сафохон дўппиларни ифторликдан кейин таровиҳ намозига, ҳарамга пиёда етказиб боради. Ҳар бирини икки риёлдан сотиб, икки риёлга эшак кира қилиб, тунги соат 2 да уйга қайтади, саҳарлиқдан сўнг бомдод намозини ўқиб, ўзини уйқуга ташлайди ва пёшингача ухлади. Ифторликдан сўнг туни билан яна дўппифурушлик.

«Бир ойгача кунни, ёруғликни кўрмадим»,— деб эслайди у киши. Шу тарзда Рамазон ойи ичидаги кундалик сарфдан ташқари бироз пул оширишди. Баъзи қарзларини узган бўлдилар.

Тез орада ҳаж мавсуми бошланиб, дўппифурушлик яна иш берди. Тирикчиликдан ортиб қолган пулни ҳаж мавсумидан кейин санаб кўрсалар, 12 минг риёлга етибди. Қарзларини қоплаб, яна бир неча минги қўлларида қолди. Бу орада акалари Тўрахон шерикликка дўкон очди. Бир гал Мисрга қатнаб эронликлар киядиган қора мато олиб келиб, анчагина фойда қилди, шу билан унинг тижорат ишлари ҳам жонланиб кетди.

1951 ёки 1952 йили Ҳарамдан икки км.ча жанубдаги Наккоса деган мавzedan уй қуриш учун ер сотиб олишди. Ҳозирги 10 қаватли уйларининг ўрни. Бироқ уй қуришга маблағ йўқлигидан ер 20 йилча бекор қолиб кетди, лекин у қўлга кирган мулк эди. Ниҳоят, иқтисодиётлари йўлга қўйилгач, 1970 йиллардан иморатга уринишиб, 6–7 йилда битказишиди. Мана, деярли 20 йилдирки, ўша 10 қаватли бинода ака-ука бутун оиласлари билан истиқомат қилишади (укаси Аъзамхон Мадинаға жойлашди). Сафохон ака булар хақида ҳикоя қиласар экан, гоҳ кулади, гоҳ кўз ёшларини артиб, чуқур хўрсинади.

Биз Мўминжон ака ва Сафохон ака хотираси мисолида муҳожирликка кетган ватандошларнинг Эргаштом довони орқали ·Уйғуристонга ўтиб, ундан Покистонга ва ниҳоят, Саудия Арабистонига бориб қолганлар ҳаёти билан, мана, озроқ танишдик. Ана шундай азоб-уқубатларни, ҳаёт ташвишларини бошдан кечирганлар минглаб кишиларни ташкил этади. Барчасининг орзуси битта эди: у ҳам бўлса, шўро зулмидан қутулиб, Ватан озодлигини кутиш. Улар,

натижада, Саудия Арабистонида тинч ҳаёт шароитлариға эришган бўлсалар ҳам доимо юртга қайтишни орзу қилдилар, Ватан фироқида куйиб ёндилар. Мана шу олий мақсаднинг ижобат бўлишини кутиб кўпчилик Саудия фуқаролигини қабул қилмади. Минг афсуски, Ватан озодлиги тезда рўёбга чиқмади, мустақилликка эришиш узоққа чўзилиб кетди. Юртдошларимизнинг аксарияти «Ватан, Ватан»—деб хорижда жон таслим қилдилар.

### 3-§. Ҳабибулло Назиржон ўғли ҳикояси

Қулоқ сиёсати касофатидан уяси бузилган қушдек соврилиб, сарсон бўлган ватандошларимиздан яна бири андижонлик Ҳабибулло Назиржон ўғли ва унинг отаоналаридир. Ҳабибулло ака ҳозир Маккай мукаррамада истиқомат қиласди. Унинг ва авлодининг тарихи ҳам азобуқубатларга тўла. Ўзининг саргузаштлари эса катта бир асарга мавзу бўлади. У киши деярли бутун умри давомида жаҳон кеътан, хотираси кучли, электр совутгичлар бўйича мутахассис ва ҳар томонлама саводхон одам. (Биз у киши билан 1991 йили Андижонга келганида танишган эдик).

Ҳабибулло ака ўз ҳикоясини узоқроқдан бошлиди. У кишининг катта оталари бўлмиш Ҳусанхон авлодидан қолган ҳовли жойлари Андижон шаҳрининг «Сой даҳаси»<sup>13</sup> ўрамида бўлиб, таҳминан ҳозирги «Тўққиз ариқ», «Шифовул», «Тахта кўпприк» маҳаллалари атрофида жойлашган. Боболари Ҳасанхон ва Ҳусанхон эгизак ака-укалар эди.

Ҳасанхон Андижоннинг сўнгги ҳокими, Худоёрхон ўғли Насриддинбекнинг яқинларидан бўлган. Кўқон хонлигининг тугатилиши билан, 1875 йили ёзида Русия қўшинлари Андижонга ҳужум қилганида, Ҳасанхон уларга қарши шаҳар ҳалқини оёққа турғизған. Бутун аҳоли қўлга тушган нарса билан қуролланиб, унинг бошчилигига шаҳар ҳимоясига отланган. Бироқ Орзиқулбек деган хоин 1876 йил бошида босқинчилар билан тил бириктириб, рус қўшинларини шаҳарнинг шарқ томонидан – Экин-тикин қишлоғи орқали Сой даҳасига олиб кирган. Ҳамма ёққа ўт қўйилиб, Андижон ҳам қўлдаш кетган<sup>14</sup>. «Русия душманлари» қаторида Ҳасанхон ҳам қўлга олиниб, Сибирь томонга сургун қилинган ва шу бўйи сургундан қайтиб келмаган бедарак кетган.

Ҳабибулло аканинг айтишларича, уларнинг авлодлари Андижонда бazzозлик билан шуғулланган. Четдан, кўпроқ Хитой шаҳарларидан, газлама олиб келиб, хусусий дўконларига туширишган. 1881 йили Ҳабибулло аканинг оталари Назиржон дунёга келади. У ҳам улғайиб, ота касби – бazzозлик билан шуғулланади.

1917 йили октябрь ойида Русияда давлат тўнтариши юз берганида Назиржон ака 36 ёшли дўкондор бazzоз эди. Беш йилгача ўлка, Андижон шаҳри ва унинг аҳолиси бесаранжомликдан, алғов-далғовлардан бош кўтаролмади. Халқ вайронгарчилик ва очарчиликдан қаттиқ қийналди.

Ниҳоят, 1921–1922-йиллардан бошлаб шўро ҳукумати мулкдорлар, савдо аҳли ва ҳунармандларга бироз ён берган бўлди-ю, (НЭП) шаҳарда хусусий корхона ва савдо ишлари андак жонланди. Назиржон ака дўкони ҳам бироз гавжумлашгандек бўлди. Лекин бу ён беришлар вақтинча экан. Аслида эса ёш шўро ҳокимияти НЭП сиёсати туфайли ҳарбий ва инқилобий ташвишлардан «нафасни ростлаб олиб», Маркс ва Ленин «капитализм» деб атаган жамиятнинг ҳужайралари бўлмиш хусусий мулкдорларга қарши ҳужумга тайёрланаётган эди.

Ўша, 1922 йили Назиржон бazzоз оиласида бизнинг суҳбатдошимиз Ҳабибулло ака дунёга келди. 1927 йили опоқдадалари – шаҳарга машҳур Ҳусанхон бazzоз вафот қилдилар.

Ҳабибулло энди етти ёшга, ҳозирги ҳисобда мактаб ёшига тўлганда, Ленин вафотидан сўнг комфирқа ва шўро ҳокимиятининг бош раҳбари бўлиб олган Сталин зулми бошланди. 1929 йили комфирқа Марказқўмининг «Қулоқларни синф сифатида тугатиш» ҳақидаги қарори эълон қилиниб, хусусий мулкдорлар йирик дўкондорлар-у, савдогарлар-у ҳунармандлар, ер-сув эгалари – умуман бадавлат табақанинг мулкларини зўрлик билан тортуб олишлар бошланди. Бир вақтнинг ўзида диний уламоларни ҳам таъқиб қилиш бошланди. Қамашлар, сургун қилишлар, ҳуда-бехудага отиб ташлашлар авж олди. Жумладан, иккита тогасининг ўзига чуқур ковлатиб, отиб ташланганини Ҳабибулло аканинг ўзи кўрган.

Энди Назиржонда битта ташвиш – «қулоқ сиёсати» балосидан нима қилиб бўлса ҳам омон қолиш ва оиласини бало-қазолардан сақлаш ташвиши бор эди. Бу йўлда кўриладиган

чораларда тезкорлик ва қатъйлик зарур эди, акс ҳолда, шўро ҳокимияти ялогидан озиқланаётган жосуслар назарига тушиб қолиш хавфи бор. Назиржон ака 1928 йилнинг кеч кузидаёқ аввалига «бир хабар олиб келиш учун» қариндоши билан бирга Қошғарга жўнади. Илгарилари камқатнов бўлган Қошғар йўли энди кузда ҳам, қишида ҳам аста-секин гавжумлашиб бораётганди. Сабаби – йирик мулкдорларга қарши ҳужумни кенгайтираётган шўро сиёсатидан қочиб, Фаргона водийсининг барча шаҳарларидан Хитойнинг Уйғуристон ўлкасига ўтиб кетаётганларнинг сони кўпайиб бормоқда эди.

Назиржон ака не азоблар билан эсон-омон Қошғар шаҳрига етиб борди ва ўрнашиб олгач, оила-аъзоларини чақириб, Андижонга хабар берди.

Ҳабибуллонинг онаси Солияхон, катта оналари (дадасининг волидаси) Ҳалима буви, Солияхоннинг синглиси Пошшахон, шунингдек, амакилари Тожиаҳмадхон, 8–9 яшар Ҳабибулло ва укаси Ҳамидулло – ҳаммаси бўлиб 10 чоғли киши дадаси чақириғига биноан Қошғар томон йўлга чиқишиди. Ўшдан Эргаштомга – Хитой чегарасигача масофа 400 км. Кеч куз пайти, совуқ. Йўлларда тезак теришиб, кечки пайт ўт ёқиб исинишарди, сўнgra тунда йўлга отланишарди.

Шу тариқа 20 кун деганда чегарага етиб келишади. Аммо чегарада тинтуб-суриштиришлар кучайиб кетиб, Қошғарга ўтиш анча қийинлашиб қолган эди. Шу сабабдан Эргаштом чеккасидаги бир қирғиз ўтовини ижарага олишиб, 15 кун беркиниб ётишади. Ҳар куни ўтов эгаси постга бориб аҳволдан хабар олиб қелади. Тирикчилик оғир – пулга ҳам овқат топиб бўлмайди. Тўғраб қуритилган захирадаги нон ва тут толқонлар тугаб бормоқда. Бу орада катта она Ҳалима буви касалланиб ётиб қолди – ҳар куни иситмаси чиқади, йўталади. Йўталиш эса хавфли – бирон ғаламис эшитиб қолса, айғоқчига етказиши турган гап.

Ниҳоят, бир куни кечки пайт ўтов эгаси қирғиз оға дилга таскин берувчи хабар олиб келди: чегара пости бироз тинчибди, одам камроқ. Тун яримда барчалари кўтарилишиб, ёмғир аралаш қор ёғаётган пайтда чегарадан эсон-омон ўтиб олишиди.

Қошғарнинг мусофиirlар тўпланадиган «Отуш» деган мавзеидаги бир саройга тушиб, барчаси битта хонага жойланшилар, сўнgra андижонлик танишлар орқали дадасига хабар бердилар. Дадаси Назиржон ака саройга арава юбориб,

оила аъзоларини ўзи омонат яшаётган ҳовлига олдириб келди, ҳаммалари ота билан эсон-омон кўришдилар. Тез орада шаҳарнинг «Пичоқчи» маҷалласидан кичиккина ҳовли сотиб олиб, шу ерга кўчиб ўтдилар. Энди тирикчилик ташвиши бошланди, бирон ишнинг бошини ушлаш керак.

Ҳабибуллонинг дадаси Назиржон ака Қошғарнинг «Ийдоҳ» масжиди атрофидаги кичикроқ бозорнинг баззозлик растасидан бир дўкон сотиб олди ва савдо ишлари билан шуғулланишга киришди. Бу – 1930 йил эди. Назиржон ака озроқ захира пулинни дастмоя қилиб, Ҳиндистонга қатнади. У Бомбей, Банорас шаҳарларидан газлама олиб келиб сотарди. Шу тарзда савдо ишлари аста-секин юришиб кетди.

Суҳбатдошим Ҳабибулло ака 1932 йили – 10 ёшида Қошғар мактабларидан бирига ўқишга кирди. Бироқ унга ўқиш насиб қилмади: Уйгуристонда, юқорида айтилгандек, озодлик ҳаракатлари бошланиб, шаҳар алғов-далғов бўлиб кетди. Бир синф ўқиганда отаси Назиржон ака тинчлик қўмсаб, оиласи билан Ҳиндистонга бутунлай кетиш тараддудига тушди. Режасига кўра, насиб бўлса, ундан бир йўла Саудия Арабистонига ўтиб кетиши...

Халқимизда «Йўл азоби – гўр азоби» деган мақол бор. Ҳабибулло аканинг хотирасида йўл азоблари шундай ёрқин сақланганки, ҳикоя қилаётib, кўзидан ёш оқиб кетганини ўзи билмай қолади. Отаси беш-олтита от ва эшак сотиб олиб, ярагулик рўзгор анжомларини, захирага олинган озиқ-овқатларни уларга юклаб, йўлга чиқишиди, йўл эса бутунлай тоғлик. Атроф хавф-ҳатарга тўла: бир томон тубсиз жарлик, орқа ва олдинда бўрилар увиллади, бунинг устига алдамчи йўл бошловчилар кўп...

Ниҳоят, катта қийинчиликлар билан Читралга етиб келишади. Бу ерда узоқ туриб бўлмайди. Бир ҳафтадан сўнг Пешоварга келиб, бир кун дам олишгач, Каравига жўнашади. Шаҳарда буларнинг биронта таниши йўқ, тил билишмайди. Бир амаллаб, сўраб-суриштириб, катта масжидни топиб боришади. Хайрият, масжидда бир-иккита ўзбек ватандошларни учратиб, улар ёрдамида бир уйни ижарага олишади, аёллару болалар қўним топадилар. Энди иш топиш керак, рўзгорни гебратиш лозим. Захиралар тугади. Устига устак, отаси Назиржон ака бетоб бўлиб қолади, тўрикчилик қийинлашади. ёрдам берадиган ҳеч ким йўқ...

— Аллоҳ бандасини ўз ризқи билан яратади, деган ақидага биринчи бор ўша кунлари эътибор қилдим,— деб хотирлайди Ҳабибулло ака. Кунлардан бир куни 11–12 яшар Ҳабибулло (бу 1933 йил эди), ўртоғи Маматкарим билан Карочи бозорига ўйнаб боришади. Қорин оч, устлари юпун, киши раҳми келадиган аҳволдалар. Бир чеккада ўтган-кетганга қараб ўлтиришади. Шу чоқ лорсиллаган семиз ҳинди аёл катта бир сандиқни кўтаролмай, у ёқ-бүёққа аланглаб турганига кўзлари тушади. Ҳабибулло дарҳол аёл олдига бориб, ёрдам қиласхагини имо билан тушунтиради. Аёл болаларга сандиқни кўтаришни буюради. Сандиқни кўрсатилган жойга олиб бориб берадилар. Аёл хурсанд бўлади-ю, хизмат ҳақига арзимаган майда чақа беради. Лекин болалар учун ўша онда бу «катта бойлик» эди. Дарҳол иккита нон сотиб олиб биттадан бўлишади. Ҳабибулло ноннинг ярмини еб, яримтасини нософ ётган дадасига олиб боради. Назиржон ака бир бурдасини тановул қилиб, ярмини Ҳабибуллонинг онасиға қолдиради.

— Ўша воқеага, мана, 60 йилдан ошди (биз 1995 йили суҳбатлашган эдик). Аммо оч ётган ота-онамнинг яримта нонни бўлиб еганлари ҳамон кўз ўнгимдан кетмайди,—деб эслайди Ҳабибулло ака. — Ўша арзимас чақа пешона тери билан топилган биринчи иш ҳақим эди.

Эртасидан Ҳабибулло ҳар куни Карочи бозорига қатнаб, одамларнинг юкларини айтган жойларига ташиб, содда қилиб айтганда, ташикачилик қилиб, кунига 5–6 пайсадан (рупийнинг бўлаги) пул ишлаб келишни ўрганди. Ўшандан бошлаб Ҳабибулло бошига, ўзи сезмаган ҳолда оилани тебратишдек залворли масъулият тушган эди. Бу орада бозорга бироз мослашдилар ҳам: модомики, ташикачилик икки гўдакка ҳозирча касб экан, уни бироз осонлаштириш йўлини излашди — қаердандир кичкина фидирак топиб, тахтадан мўъжазгина аравача ясад олдилар.

Мана энди ишлари «юришиб» кетди. Юк ташиб қанча йўл юрсалар ҳам унчалик чарчамайдиган ва кўпроқ пул ишлайдиган бўлдилар. Бир куни топган пулларини тўплаб, бир қоп ун олдилар ва ўртоғи Маматкарим билан тенг тақсимлашди. Нотоб ҳолда ишсиз ётган ота, ўзганинг ҳовлисида бекор ўлтирган она ва бошқа оила аъзолари учун ярим қоп ун катта бойлик эди.

Ҳабибулло ёшлигиданоқ зеҳнли ва синчков бўлиб ўсанди. Бир куни бозорда юк пойлаб аравачасида ўлтирган эди,

нарироқда бир киши ошиқ-мошиқли буклама ёғоч каравот сотиб олган экан, Ҳабиуллодан олиб бориб беришни сўради. Бола каравотни аравасига юклар экан, уни синчковлик билан текширди. Эртасига ҳам худди ўша каравотдан сотиб олган бошқа одамга дуч келиб, уни ҳам олиб бориб берди-да, зеҳн солиб каравот ясаш сирини ўрганди. Икки ўртоқ керакли асбоблар сотиб олиб, ёғочдан йиғма каравот ясашга киришдилар. Намунаға аввал битта каравот ясаб, бозорга олиб чиқишиганда, тезда сотилиб, пулига нон ва керакли «хом ашё» олдилар ва ундан кечаси билан иккита каравот ясадилар. Эртасига улар ҳам сотилди. Ҳунаридан илҳомланган болалар кейинги куни тўртта каравот ясашди, сўнг бешта...

Буларга эндиғина соғая бошлаган отаси ва амакиси ҳам қарашадиган бўлишди, ишлари юришиб кетди. Бир куни кечаси билан ишлаб, 12 та каравот ясашди. Уларнинг «моли» ҳам силлик, ҳам арzonроқ эди. Ҳатто «сизлар бухорий экансизлар» – деб буюртмалар туша бошлади. Ойлар ўтиб, тушум пул анча кўпайди, турмуш ҳам кундан-кунга яхшиланиб борди, захирага ҳам озроқ пул тўпланадиган бўлди.

Эндиғи вазифа уй-жойли бўлиш эди, қачонгача ижарада ўлтиришади. Карочининг «Шер шоҳ» даҳасидан 250 рупийга кичиккина саҳни билан уй сотиб олишди, кўчиб ўтиб анча яйраб қолишди. Маслаҳат билан ота-бала ўша ҳовлида мўъжазгина ишхона ташкил қилдилар ва кўпроқ каравот ишлаб чиқаришни йўлга қўйдилар.. Ишлари юришиб, бозорлари чаққон бўлгач, ҳатто, ёлланма ишчи ишлатадиган бўлдилар. Моллари силлик, аммо бозор нархидан андак арzonроқ сотилаётгани сабабли буюртмалар кўпайди. Бора-бора бешта, сўнг ўнтадан ортиқ ишчи ёллаб ишлатадиган бўлдилар ва секин-аста диван, курсилар ясашни ҳам йўлга қўйдилар.

Ҳабиулло ака ҳикоясининг мана шу қисмида Президентимиз Ислом Каримовнинг хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бераётганига диққатимни тортади ва бундай сиёсатни дилдан маъкуллайди.

– Тадбиркорлик нималигини ўзим турмушда билдим-да, – дейди у.

Дарҳақиқат, мана, мустақиллик йиллари хусусий ишбилармонларнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши натижасида тадбиркорлар ишлаб чиқариш корхоналари очиб иш юритмоқдалар. Шўро ҳокимияти йиллари бозор иқтисодиёти

қонунларига асосланган бунақа ташаббускорлик «капитализм сарқити» деб бўғиб ташланган ва бундай тадбиркорлар қувғин остига олинган эди, афсус!

Ҳабибулло аканинг Карочидаги иши кўнгилдагидек юришиб кетгач, 200 рупийга кичикроқ бир дизел сотиб олиб, электр манбаи пайдо қилиш имкониятига ҳам эга бўлди. Шу тарзда ишлаб чиқаришга механик усул жорий қилиниб, иш тезлашди, меҳнат осонлашди, ишлаб чиқариш кенгайиб, маҳсулот кўпайди.

Йиллар кетидан йиллар ўтди. Отаси Назиржон ака соғайиб, ўғлининг ишига бош-қош бўлди. 1939 йили укалари Ҳалилулло, 1941 йили Ҳидоятуллолар таваллуд топиб, оила аъзолари иккитага кўпайди. Аммо мусофирилик, Ватандан жудолик уларни эзарди, тилларидан Андижон тушмайди. СССР томондан эса хушхабар йўқ, қайтага даҳрий тузум тобора мустаҳкамланмоқда. Аллақачон Иккинчи жаҳон уруши бошланиб, унинг аксадолари Ҳиндистонда ҳам эшитилмоқда эди.

Бир куни Ҳабибулло аканинг дизели бузилиб қолиб, ишлаб чиқариш издан чиқди. Икки-уч кундан сўнг дизелни 40 рупийга тузаттириди. Бу – ўша пайт дурустгина пул (бир ишчининг бир ойлик иш ҳақи) эди. Ўшанда Ҳабибуллода электриклик касбига ўқиш иштиёқи туғилди. Ахир, бу замонавий касб-ку. Хусусий колледжа икки йил ўқиди ва 1945 йили 23 ёшида колледжни битириб, электрик-муҳандислик касбини эгаллади.

Бу орада Ҳабибулло инглиз, ҳинд ва урду тилларида ҳам bemalol гаплашадиган бўлди ва Карочи аэропортига муҳандислик касби бўйича ишга кирди. Устахонани эса отаси Назиржон ака юргизиб, моддий жиҳатдан кўнгилдагидек тикланиб олдилар. Ўзларига ўхшаб юртдан жудо бўлиб, Карочига бориб қолган баъзи ҳамюрларга ҳам андак ёрдам кўлини чўзадиган бўлдилар.

Карочи аэропортида ишлар экан, Ҳабибулло бир инглиз инженери билан танишиб, дўстлашиб қолди. Ҳабибуллонинг хотирлашича, у билан ака-уқадек бўлиб кетишиди. Инглиз дўсти бир куни Ҳабибуллога: «Сиз, туркистонликлар бир-бирларингга аҳл эмас экансизлар, бу ерларда юриш эса сизларга жабр» деган экан. Бу гап ёш Ҳабибуллога қаттиқ таъсир қилган, она-юритида ўйро юритаётган сиёсатга нафрати ортиб, Ватанга муҳаббат ҳисси янада қаттиқроқ жўш ура бошлаган. Инглизнинг

бу гапини дадасига айтган эди, Назиржон aka ҳатто йиелаган. Барча муҳожирлар қатори, жаҳон уруши оқибатида СССРда бирон ўзгариш бўлишига умид боғлашган эди, бироқ бу умид ҳам пучга чиқди.

Назиржон аканинг Ватанга қайтиш умиди йўққа чиққач, аламига чидолмай, ишлаб турган корхонасини ва бор-будуни сотиб, 1945 йилнинг кузида оиласи билан Саудия Арабистонига кўчиб кетади. Боргандарида маълум бўлдики, бу мамлакатда ҳалигача электр чироги ҳам йўқ, барча шам ва қора чироқ ёқади. Ўғли Ҳабибуллога эгаллаган касби бўйича иш топилмайди. Бир йил бекор юриб, 1946 йили ўзи яна Ҳиндистонга қайтади ва Бомбей шаҳрида радио тузатиш курсига ўқишига киради. Арабистонда мана шу касбга талаб катта экан. Тўрт ойлик курсни битиргач, Саудияга қайтишга аҳд қиласи.

Бироқ ўша йили ёз ойлари Ҳиндистондан Саудия Арабистонига пароход вақтинча қатнамаётган эди. Ҳабибулло эса бекор қолгач, иш қидириб кетаётган бир гурӯҳ ҳинд мусулмонлари билан (уларнинг орасида у билан бирга радио курсида ўқиганлар ҳам бор эди) у ҳам Бомбей-Кейптаун пароходига ўтириб, Жанубий Африкага жўнайди. Ана, сизга кутилмаган саргузашт-саёҳат.

Пароход денгизда 26 сутка сузиб, Кейптаун портига келиб тўхтайди. Бу 1946 йил ёзининг сўнгги кунлари эди. Шўринг курғур Ҳабибулло камхарж, кийимсиз (кийимнинг-ку кераги йўқ – чида бўлмас даражада иссиқ), турар жойи йўқ, иш ҳам йўқ, биронта таниш ҳам йўқ. «Хомкалла, асли Бомбейдан Карочига қайтиб кетсан бўлар экан» деб ўйлади у. Нима қилишини билмай портга қайтиб боради ва унинг навбатдаги кутилмаган ачинарли саргузашт – «саёҳати» бошланади.

Аввал Мавританияга, сўнг Сенегалга, ундан Нигерияга ва ниҳоят, Конгога бориб тўхтайди. Иш қидиради, иш эса мусофири у ёқда турсин, маҳаллий аҳолига ҳам йўқ. Бекорчилар кўчаларда чўзилиб ётибдилар. Конгонинг Киншаса шаҳридан Элезабитвин деган шаҳарга келади. Иш сўраб тегишли идораға борса, узоқ ўрмонда ишлаш учун 300 та ҳиндистонлик мусулмонлар ишга ёлланиб кетаётган эканлар. Ҳар ҳолда руҳан яқин кишилар-ку, деб улар билан танишади ва электрик бўлиб ишлаш учун уларга қўшилиб, нотаниш ўлкаларга жўнайди.

Аммо манзилга борганда маълум бўладики, ўрмонда ишлаш хавфли экан: йиртқич ҳайвонлар тунда ҳужум қилиб, ишчилар уларга ем бўларди. Шунинг учун бўлса керак, маош ҳам яхши тўланарди (ойига 300 рупий — катта пул). Шунга қарамай, бир-икки ой ўтгач ғалаён чиқиб, ҳиндлар кетиб қолади.

Ҳабибулло якка ўзи қолади, олти ой ишлаб, у ҳам жўнайди. Лекин борадиган жойи йўқ. 1946 йил охирида Конгодан Кенияга боради. Дор ас-Салом шаҳридаги катта масжидга намоз ўқигани борганида маҳаллий мусулмонлар Ҳабибуллони узоқ Туркистон элидан эканини билиб, унга ўзлари эшитган қўйидаги маълумотни билдирадилар, (бу ҳам ўз навбатида, унинг учун жуда қизиқ, кутилмаган хабар): Мадагаскарнинг Маритус шаҳрида бир туркистонлик мулла яшар эмиш. У ҳам саргузашт билан бу ўлкага адашиб бориб қолган.

Ҳабибулло бу хабарни эшитиб, ўзини қўйгани жой тополмай қолади. Ниҳоят, Дор ас-Саломда орттирган мусулмон биродарлари ёрдамида Мадагаскарга жўнайди ва сўраб-суриштириб, Маритус шаҳрига боради. Ўша куни жума эди, катта масжидга келиб таҳорат қиласи-да, жамоага қўшилиб хонақога кириб қараса, ўрта яшар ўзбек мулла йигити намоз олдидан инглизча маъруза қилаётир. Намоздан кейин Ҳабибулло у билан танишади. Буни қарангки, — ишониш қийин, — у ҳам андижонлик экан ва у ҳам тасодифан бу ерларга келиб қолган...

Маълум бўладики, бу йигит Бомбейда истиқомат қиласиган Ҳурилло қори деган андижонликнинг күёви бўлиб, оиласи билан Мадрасда истиқомат қиласиди. Бир иш билан Мадрасдан Бомбейга — хотинининг ота-оналариникига келиб, иши битгач, портда Бомбей — Мадрас йўналишидаги пароходни кутиб ўлтирган.

Бир вақт ярим тунда Бомбей — Маритус йўналишига эълон қилинганида уйқусираб Маритус номини «Мадрас» деб эшитган-да, пароходга ўлтирган ва ўзи билмаган ҳолда Мадагаскарга қараб кетган. Адашиб Маритусга келгач, аламдан ўзини қўярга жой тополмаган. Яхшиямки, бу ерда ҳам мусулмонлар бор экан, улар адашган ёш туркистонлик йигитни бағирлариға оладилар ва масjidга жойлайдилар. Мана, икки йилдирки, у масjidда имом, моддий аҳволи ёмон эмас, насиб бўлса, бир куни Мадрасга кетади. Тақдир икки ҳамюртни узоқ ўлкада учраштирганидан икковлари ҳам таажжубда, гоҳ йиғлашади, гоҳ кулишади.

— «Банданинг боши — Аллоҳнинг тоши»—деб шуни айтадилар-да», —деди Ҳабибулло aka булар ҳақида менга ҳикоя қиласар экан. Шўро тузуми ва унинг машъум «қулоқ сиёсати» туфайли ҳамюртларимизнинг или узилиб кетган марварид шодаларидек ҳар томонга тирқираб кетганидан афсусланади, кўзига ёш олади.

Ҳабибулло Мадагаскарнинг Маритус шаҳрида — андижонлик имомникида бир ойча меҳмонда бўлиб, сўнг Бомбейга қайтиб келади ва имом йигитнинг қайнотаси Ҳурилло қорини топиб, куёвидан хабар етказади, у ҳам яқин орада кўчиб келиши керак. (Кейинча Ҳурилло қори ҳам Саудия Арабистонига кўчиб кетган ва Макка шаҳрида вафот этган). Бироқ ундан кейин Мадагаскардан хат-хабар бўлмади ва ўзбек имом йигит тақдирни Ҳабибулло учун номаълумлигича қолиб кетди.

Ҳабибулло аканинг кейинги ҳаёти қуйидагида кечган: Бомбейда АҚШнинг жаҳон урушидан чиқсан эски автомашиналарига «ким ошди» савдоси зълон қилиниб, Муҳаммадали исмли таниши билан шерикликка эски машиналардан арzonга сотиб олишган ва уларни тузатиб таъмирлаб фойдага сотишган. Машинаfuрушлик қилиб анчагина пул топганлар. Ниҳоят, 1949 йили Саудия Арабистонига — ота-онаси олдига кўчиб келган ва Макка шаҳрида радио асбоблари тузатиш устахонасини очган, ишлари юришиб кетган.

Урушдан кейинги йиллари Арабистонда электр чироқлари эндиғина пайдо бўлган эди. Неон лампочкаларни, магнитофонларни ўша йиллари Маккада Ҳабибуллодан бошқа тузатадиган уста бўлмаган. Ишлари юришгандан юришиб кетади, анчагина пул топади ва янги ҳовли сотиб олади. Маълум вақт подшоҳ саройида ҳам электрик лавозимида ишлайди, обрў топади, янги дўстлар орттиради. Шу билан бирга каттагина даромад ҳам қиласади.

Бу орада 1960 йиллари Истамбулда, сўнгра 3 йил Қоҳирада ҳам ишлаб келади. Ҳозир-Ҳабибулло aka Макка шаҳрида истиқомат қиласади. Кўп тоннали гўшт сақлайдиган элктр совутгичлар бўйича мутахассис.

Дадаси Назиржон aka 1985 йили 95 ёшда, онаси Солияхон буви 1990 йили 96 ёшида, Ватанга етиша олмай, мусоғир мамлакатда вафот этдилар. Укалари Хайрулло Мадинада ўқиб

қори бўлган, Ҳидоятилло АҚШнинг Колорадо университетини битирган, Жидда шаҳридаги Абдул Азиз ибн Сауд номли университет проректори, профессор – қўёш физикасидан мутахассис. Энг кичик укаси Раҳматулло (1950 йили туғилган) Маккада диний университетни битирган, Ислом дунёси ўюшмасида хизмат қиласди.

Истиқол туфайли Саудия Арабистони билан борди-келди ишлари йўлга қўйилгач, кўпчилик ватандошлар қатори Ҳабибулло Назиржон ҳам Андижонга келиб туради. Камина Саудия Арабистонига илмий сафар қилиб борганимда, ҳар доим у киши билан учрашаман ва хотираларини тинглайман. Ҳозиргacha алоқамиз узилмайди. Унинг бу ерда жуда қисқа баён этилган саргузаштларини қайта-қайта эшитиб, айrim жойларини аниқлаб, сўнг қофозга туширдик.

— Мустақиллик Аллоҳнинг ўзи марҳамат қилган энг улуғ неъматdir, — дейди Ҳабибулло акамиз. — Уни ош-нонга алишириб бўлмайди, унинг қадрига етмоқ лозим... Бу гапларни энтиқмасдан айтольмайди.

Биз шу дамгача Фарғона водийсидан хорижга кетганларнинг асосий йўли бўлмиш «Эргаштом» довони орқали Хитойнинг Уйгуристон ўлкасига элтадиган тоғ йўлидан юрган ватандошларимиз ҳикояларини тингладик.

Энди мамлакатдан хорижга элтадиган яна бир йўл – Амударёдан ўтиб, Афғонистонга борадиган йўлдан кетган ватандошларимиз хотираларидан умумлаштирилган ҳолда маълумот келтирамиз. Бу йўлнинг хавф-хатарлари, азоб-укубати ҳам Эргаштом йўналишидан қолишмайди.

Маълумотлар тўплашда ушбу йўл орқали асосан Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларидан қулоқка тортилган юртдошларимиз, шунингдек, Фарғона водийсидан аввалига Тоҷикистонга бориб ўрнашиб, сўнгра бу ердаги шароит тақозоси билан Афғонистонни ихтиёр қилган ватандошларимиз хотираларига суюндиқ.

Маккай мукаррамада истиқомат қилувчи, асли Избоскан туманининг Урганжи қишлоғидан чиқсан Абдураҳим aka Қўлдош ўғли биз билан суҳбатда қўйидагиларни гапириб берди:

Отаси Қўлдош элликбоши катталар топшириғи – қишлоқда «қулоқ» қилинганларни рўйхат қилиб, сўнгра тутиб беришдан бош тортган. Натижада ўзини тутиб қамамоқчи бўлганларида акаси Абдуллажон ва укаси Баҳромжон, шунингдек, 13 ёшли ўғли (бизнинг суҳбатдошимиз) Абдураҳим ва хотини

Сорахон билан беш киши бўлиб 1932 йил эрта баҳори тунда Тоҷикистон томонга қочишган. Ака-укалар йўл бўйи беркинишиб, Сарой Камарга келиб тушадилар. Икки йилча қочиб-писиб тирикчилик қиласидилар. Бирдан Қўлдош «элликбоши»ни қидириб Андижон ГПУсидан Сарой Камарга одам келади. Ўша кунлари (1934 йил баҳори) хотини Сорахон қазо қилган эди. Қўлдош ака ёстиқдошига дуо-фотиҳаларни ўтказиб, сўнгра ака-укалари билан видолашади ва 15 яшар ўғли Абдураҳимни олиб, Сарой Камардан Амударё қирғоқлари томон қочади. Тоғ дараларида яшириниб бир неча кун деганда дарё қирғогига етиб келишади. Дарёнинг бу жойлари тор ва чуқур оқарди, бунинг устига кема, ёки «попир» — пароход юрмайди. Маҳаллий халқдан чиққан мавсумий киракашлар ота-боболардан қолган усул — 8–10 та узун ходаларни бир-бирига боғлаб халқ тилида «гуфсар» деб аталадиган сол-сузгич «сўри» ясад, қочоқларни тунда хуфя тарзда Амударёдан ўтказиб қўядилар.

Гуфсарнинг биздаги солдан фарқи борки, буни маҳсус тушунтириб ўтмоқ лозим. Сўйилган молнинг терисини бутун шилиб оладилар-да, пойча ва бўйин томонларини маҳкам боғлаб, сўнгра пуфлаб шиширадилар. Шиширилган мол териларидан 4 та ёки 6 тасини арқонлар билан бир-бирига маҳкам қилиб боғланган ходаларнинг тўрт бурчагига, агар ходалардан пайдо бўлган «сўри» сатҳи катта (масалан, 20 м<sup>2</sup> дан ортиқ) бўлса, оралиғига яна иккитасини мустаҳкам қилиб боғлайдилар — бунда ёғоч сўри остида ичига ҳаво тўлдирилган тери «ёстиқ»лар пайдо бўлади, сол ўша ёстиқлар устида туради. Сув устида қалқиб турган сол-гуфсар сатҳига сув чиқмайди, дарё оқимиға қараб сузади<sup>15</sup>.

Икки сувчи сузаётган гуфсарнинг олд ва орқа томонига боғланган узун ёғоч-кураклар билан сув оқими бўйлаб уни «жиловлаб» боради. Айтишларича, битта гуфсар устига 4–5 оила ёки юки билан 15–20 та одам жойлашади.

Гуфсар-солда сузиш икки жиҳатдан хавфли: аввало унинг томонлари очиқ, ниҳоятда эҳтиёт бўлинмаса катта тўлқинларда ағдарилиб кетиши мумкин — бундай ҳолатлар кўп бўлган. Иккинчи хавф — дарё қирғоқларида қамишзорлар орасида яшириниб ётган ГПУ одамлари сезиб-кўриб қолса, дарёдан ўтаётганларни отиб ташлайди. Шунинг учун «қочоқлар» асосан тунда сузадилар. Бу эса гуфсардаги хавфни яна ортиради. Сузаётган гуфсар қоронгидан сувнинг

«айланмаси»га дуч келиб, чўкиб кетиши ёки дарёning тор, тез оқар жойига тушиб қолиб, бошқаришнинг иложи бўлмай қолиши мумкин.

Шахсий суҳбатлар орқали биз тўплаган хотиралардан маълум бўлишича, узун қураклар билан гуфсанни бошқариб кетаётган йўлбошчига баъзан ўқ тегиб, гуфсан жиловсиз қолиши ҳам мумкин. Унда гуфсан қирғоққа бориб урилади, бир-бирига боғланган ходалар ечилиб кетади ва ҳалокат юз беради ёки гуфсан дарёning тез оқар тор жойига тушиб қолганида, айниқса, аёллар ва болаларнинг боши айланиб, сувга ағдарилиб, ҳалок бўладилар... Лекин бечоралар қандай қилишсин, бошқа чоралари йўқ. Ватандошларимиз хотираларида шундай мудҳиш воқеалар сақланганки, эшитганда бадан титраб кетади. Маккада истиқомат қилувчи асли қўқонлик Мұхаммад Юсуф aka ҳикоя қиласи:

— Етти яшарлигимда (1932 й.) дадам ва акам Мұхаммад Одил билан эсон-омон Сарой Камарга келдик. Сўнгра тунда Амударё бўйига етиб бориб, гуфсан кира қилиб ўлтириди-да, 15 чоғли одам Афғонистон томон суздик. Кутимаганда қирғоқдаги қамишзордан отилган ўқ йўл бошловчига тегиб, тил тортмай ўлди. Гуфсан дарёning чуқур айланмасига тушиб қолди. Ўшанда акам Одилжон боши айланиб, сувга ағдарилиб ҳалок бўлди. Онам «вой болам-эй» деб кетидан ўзини сувга отаётганида, хайрият, дадам ушлаб қолди. Бир йил ўтар-ўтмас фарзанд доғида онам ҳам вафот қилди...

Юсуф aka бу воқеани хотиржам айтиб беролмайди: тўлқинланиб, кўз ёши билан эсга олади.

Робиғ шаҳрида (Жиддадан 130 км) истиқомат қилувчи бухоролик табаррук ёшли олим Абдулқодир Кароматилло қуйидаги воқеани эслайди (1997 йили биз суҳбатлашганда у киши 94 ёшда эдилар): Бир мулло киши эшаги билан гуфсанга ўлтириб сузаётганида тўлқинда эшак ағдарилиб сувга ийқилади. Устига хуржуннинг икки кўзи тўла илмий китоблар юклangan эди. Ағдарилаётган эшак устидаги хуржунни қутқараман деб мулланинг ўзи ҳам сувга фарқ бўлди — китоблар ҳам оқиб кетди.

Бир сафар гуфсанга ўлтириб сузаётган аёл тўлқин натижасида бешикка белаб қўйилган чақалофи билан сувга ағдарилиб оқиб кетган. Афғонистоннинг Қундуз шаҳрига эсон-омон етиб олган ота хотини ва фарзанди доғида кўп ўтмай жон таслим қилган.

Қирғоқдан туриб отилган ўқлардан жуда кўп одам ҳалок бўлганини эслайдилар. Хотираларга қараганда, сузиб кетаётган

100 кишидан факат 60—70 таси эсон-омон Амударёдан ўтиб оларди, холос. Одамларнинг деярли ярми отилган ўқдан ҳалоқ бўлган ёки сувга чўкиб, ўлиб кетган!

— Бу азобларнинг барчасига шўронинг машъум сиёсати сабабчи эди — деб якунлайди ҳикояларини суҳбатдошларимиз.  
— Унинг касофатидан ватандошларимиз уяси бузилган қушдек тўзиб-тирқираб кетдилар ва мана шундай мудҳиш кўргиликларга дучор бўлдилар. Афсуски, ҳалок бўлганларнинг, омон қолганларнинг ҳисоби олинмади ва бу одамларнинг тарихи ҳам эътиборсиз қолиб кетди.

#### **4-§. Абдулҳамид Андижонийнинг магнит тасмасига ёзиб олинган хотирасидан**

Шўролар тузумида йўқсиллар ҳукмронлиги ўрнатилиб, айтиб ўтилганидек, миллатнинг бадавлат қатламига ва зиёлиларга қарши кескин кураш авж олди. Ички сиёсатда умумжаҳон тажрибасига қарама-қарши ўлароқ, камбағалларни бадавлат қилиш эмас, бадавлатларни йўқ қилиш бош мақсад қилиб қўйилди. Оқибатда миллатимиз фахри бўлган мулкдорлар ва мунаввар кишилар қурбон бўлдилар, уларнинг бир қисми ноҳақ тузум таъқиби остида муҳожирликка кетишга мажбур бўлди.

Халқлар бошига тушган шўриш кулфатларга бизнинг оиласидан тортган азоблар ҳам яққол мисол бўлади. Менинг падари бузрукворим Аҳмадали Махсум асли Андижоннинг собиқ Шифовул маҳалласидан бўлиб, ўз даврининг етук муллоси ва ҳурматли кишиси сифатида эл-юртда обрў қозонган эди. Қатагон сиёсати дадамни ҳам ўз домига тортид ва ота-онам махфий равишда 1931 йили юртни ташлаб, четга чиқиб кетдилар. Аммо қаерга кетганини сир тутиб, биз фарзандларга айтмадилар. Биз қариндошлар қўлида қолдик. Тирикчилик беҳад оғирлашиб кетди. Ниҳоят, икки йил ўтгач, Афғонистондан хабар келди. Мен 15—16 ёшли ўсмир бола 1933 йили ота-онамни топиш мақсадида, шаҳардан чиқиб кетаётган одамларга қўшилиб, Тоҷикистон томон жўнадим. Куз ойи эди, йўлда не-не азоблар тортиб, яшириниб юриб, Сарой Камарга етиб бордим. Бир неча қун ўтгач, Амударё қирғоқларига йўл олдим. Дарё бўйларида кундузи деярли ҳеч ким йўқ, хуфтон намозидан кейин эса гавжумлашиб кетади. Билсам, дарёдан ўтиш ўғирликча экан. Одамлар чегарачи рус аскарларга пул ва қимматбаҳо буюмлар, матолар бериб, дарё лабига боришар, дарёдан эса гуфсарда ўтиш керак экан.

Бир йўлини қилиб, мен ҳам дарё лабига етиб бордим. Аммо бу ерда энг катта хавф ГПУ айғоқчилари эди. Тун ярмида 16 киши гуфсарга чиқиб ўлтиридик. Шунда бир эркак киши иккита гўдак боласини етаклаб келиб, бир амаллаб илашиб чиқиб олди, ўн саккиз киши бўлдик. Кейин билсан, у наманганлик Юсуфхон қори деган бўлиб, Афғонистонга йўл олган экан. Бахтсизликни қарангки, қирғоқдан отилган ўқ унинг бир боласи – 12 ёшли ўғлига тегди. Кейин одамлар орасида қўйчув бошлангандা, Рашидахон исмли кичик қизи довдираб, дарёга ағдарилиб тушди. Икки дақиқада икки боладан ажралган отанинг аҳволини тасаввур қилиб қўринг. Ўйласам, ҳозиргача кўзимга ёш келади.

Шу тариқа, навбатдаги гуфсарни кутмасдан шошилиб, бизга қўшилиб олган ота кўзларида ёш-у дилида фарёд билан Афғонистоннинг Қундуз шаҳрига якка ўзи кириб келди. Ушбу шаҳарда у киши билан қўшни бўлдик. Кейинчалик Юсуфхон қори ҳалок бўлган фарзандларини ўйлаб «Ёдимга тушди» радифида ғазал битди. Дўстларга йиғлаб ўқиб берарди. Унинг фақат бир банди ёдимда қолган:

«Рашидахон қизим, ўғлим азизим,  
Кулиб туришларинг ёдимга тушди».

Саудия Арабистонида ҳам қори билан бирга бўлдик. У киши умрбод фарзандлари доғида куйиб ўғди, яшаш унга татимади, кўп ўтмай вафот килди.

Ниҳоят, Афғонистонда – Қундуз шаҳрида ота-онамни топдим. Ўзимнинг ҳам йўлда чеккан азоб-уқубатларим тафсилоти баёнига қалам оқизлик қиласди.

Ўша йиллари Афғонистон ҳам нотинч, тирикчилик жуда оғир эди. Қиблагоҳимиз қариб қолган, ноҳақ сиёsatдан, турмуш азиятларидан анча чарчаган эдилар. Мен рўзгорни тебратиш учун бир дўкондор савдогарга шогирд бўлдим ва мусофириликда, кутилмаган қийин шароитда беихтиёр мураккаб турмуш ташвишларини торта бошладим. 1936 йили қиблагоҳим – дадам -83 ёшда оламдан ўтдилар. Беш йилдан сўнг – 1941 йили онаизорим ҳам ҳаётдан кўз юмди. Ўша йили баҳорда Андижоннинг «Ойшахоним» маҳалласидан Афғонистонга бориб қолган Эсонбой Қосимҳожи ўғлининг Одинахон исмли қизига уйландим. Биз икки ёш ота-онамидан ажралгач, мусофирилик – муҳожирлиқнинг моддий ва маънавий

қийинчиликлари билан қўшилган оғирликларини биргалашиб бошимиздан кечирдик, йиллар алам билан ўтди.

Ниҳоят, 1944 йили Саудия Арабистонига йўл олдик. Ислом ўлкаси бўлмиш ушбу мамлакат ва унинг подшоси Абдулазиз ибн Сауд коммунистик тузум таъқибига учраган биз каби муҳожирларни беминнат қабул қилиб, Арабистон шаҳарларида ўрнашиб қолишимизга ҳеч қандай қаршилик кўрсатмади. Мен Саудия Арабистонига бор-йўғи 15 доллар пул билан келган эдим, камхаржликдан ниҳоятда қийналиб иш бошладим.

Ўзбекистондан Шарқий Туркистонга, ундан Афғонистонга кўчиб келган ватандошларимиз 1940 йиллар охири ва 1950 йил бошларидан аста-секин Саудия Арабистонига келиб ўрнашдилар. Ҳукумат уй-жой қуриш ёки сотиб олишга монелик қилмади. Ҳаётий муаммоларни аста-секин ҳал қилдик. Агар ҳисоб-китоб қилиб кўрилса, шўро тузуми дастидан хорижга кетиб қолган ўзбекларнинг энг кўп қисми Саудия Арабистонида жойлашди. Мен, мана ярим асрдирки, савдо ишлари билан шуғулланаман, Жидда шаҳрида хусусий дўконим, ёрдамчиларим бор.

Алҳамдуиллоҳ, бу мусофири юртда тўрт ўғил, беш қизни тарбиялаб, катта қилдим ва ўқитдим. Ёшим 80 дан ошди, заифам билан фарзандларимиз соясида қаричилик гаштини тотиб юрибмиз. Йигирмадан ортиқ набира-эвараларимиз бор. Биз – Саудияда истиқомат қилувчи ватандошлар ҳаётимизнинг энг оғир йилларида бизларга бошпана берган Саудия Арабистони ҳукуматидан чексиз миннатдор бўлсан ҳам ҳеч қачон ўз она-юртимизни унутганимиз йўқ. Ватан фироқи, улус согинчи бизларни бирон соат бўлсин, тарк этмади, бу кайфиятимни сизга қандай ифода этсан экан!

Бизлар ҳаётда ҳеч камчилик кўрмай, хоҳлаган жабҳада меҳнат қилиб, маъмурчиликда яшар эканмиз, қулогимиз доимо радиода, нигоҳимиз телевизорда ва рўзномаларда бўлар эди. Ватанда нима воқеалар кечаётганидан кеча-ю кундуз хабардор бўлишни хоҳлар эдик. Ўзбек куйлари, ҳофизларнинг хонишлари қулогимизга чалиниб қолса, кўз ёши билан тинглар эдик.

Аллоҳга миңг қатла шукроналар бўлсинки, она Ўзбекистонимиз, мана, ниҳоят, мустақилликка эришди. Биз бу хабарни гўё осмондан малоикалар келтирган номадек қабул қилдик ва ўша кунлари бир-биримизни йиғлашиб табриклидик. Айримларимиз ҳатто, ҳўнграб юбордилар – бу ҳаяжонимизни қаламда ифода қилиш қийин...

Президентимиз Ислом Абдуғани ўғли Каримов жанобларининг 1992 йили Саудия Арабистонига меҳмон бўлиб келганларида ватандошлар билан ўтказган учрашуvida мен ҳам қатнашганман. Ўшанда биз – муҳожирлар ҳақида айтган гапларини ўз қулогим билан эшигтанман: (Арабча рўзномани олиб, Президентимиз ҳақида босилган мақоладан бир жойини ўқиб берди, сўнгра ўзбекчада тушунириди). Арабистоннинг турли шаҳарларидан келган бухорийларнинг вакиллари жон қулоги билан эшитиб, кўзларига ёш олдилар. Президент жаноблари ўшанда жуда ҳақ гапни айтганлар. У кишининг донолик билан олиб бораётган ташқи сиёсати туфайли яратиластган имкониятлардан фойдаланиб, кўплаб ватандошларимиз она-юртларига келиб, туғишганлари билан кўришмоқдалар – дийдорлашмоқдалар. Менинг ўзим эса киндик қоним тўкилган Андижонимга 4 марта келдим<sup>16</sup>. Дастреб (1991 й.) борганимда Ўзбекистонимизнинг янги мустақил байроғидан бешта сотиб олиб, Арабистонга олиб келдим ва дўстларга тарқатдим (шу ерда суҳбатдошим йиғлаб юборди – С.Ж.).

Мен, қария, ўтмишдан қолган яралар ҳақида гапирав эканман, шу аснода Ўзбекистонимиз мустақиллиги ҳақидаги баъзи фикрларимни ҳам айтиб ўтмоқчиман.

Неча ўн йиллар биз ва оталаримиз, умуман ҳалқимиз орзу қилган Ватан мустақиллиги, алҳамдуиллоҳ, мана қўлга киритилди. Афсус, минг афсуски, хориждаги юз минглаб ватандошларга озодлик нашъасини суриш насиб этмади. Улар бу кунларга етолмай, қон йиғлаб, дунёни тарк этдилар, уларни Аллоҳ раҳматига олган бўлсин.

Бир шоир ватандошимиз жон топшириш чогида қўйидаги мисрани ёзиб қолдирди:

«Фурбатда агар етса ўлим гул баданимга,  
Қабримни қазиб, наъшими солса кафанимга,  
Тобутими юксак ера бир лаҳза кўйинглар,  
Шояд етишур бўйи Ватан ул жасадимга».

Бу мисраларни жўнгина ўқиб бўладими, ахир (суҳбатдошим баралла йиғлаб юборди).

Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислом Абдуғани жаноблари мустақилликнинг олтин пойдеворига асос солган улуғ зот сифатида, иншооллоҳ, Ватан тарихида алоҳида саҳифани эгаллайди ва номи жаҳон тарихига ҳам киради.

Шу билан бирга, кўнглим тўридаги бир афсусланишни ҳам айтиб ўтишим керак: биз ҳар доим меҳмонга

борганимизда суҳбатлашган одамларнинг айримлари, гоҳо турмушдан шикоят қилишларини эшишиб қоламан. Улар кўпинча мустақилликнинг сиёсий маъносига аҳамият бермайдилар-да, кундалик моддий ҳаётни ўйладилар. Уларга қаратада: «ҳой, одамлар, аввало, Аллоҳ берган мустақилликнинг қадрига етинглар!», – деб ҳайқиргим келади. Бунақа шикоят – ундан одамларнинг тафаккури коммунистлар ҳукмрон бўлган мутелик даврида нақадар чегараланиб қолганининг оқибатидир. Майли, нон, бошқа озиқ-овқатлар қиммат бўлсин, айрим тақчилликлар ҳам бордир. Аммо булар вақтинча қийинчиликлар экани аёнку! Энг муҳими – Ўзбекистон мустақил давлат сифатида ўз байроғига, ўз овозига, ўз пулига эга бўлди. Жаҳондаги давлатлар бизни тан олмоқда. Бунинг қадрига етмаслик баайни куфрони неъматидир.

Мустақилликнинг тўрт йиллиги муносабати билан Саудия Арабистонида истиқомат қилаётган ватандошлар номидан Президент жанобларига ёзилган табрик хатида менинг ҳам имзоим бор. Бизлар Ислом Абдуғани ўғлига у киши олиб бораётган ички-ташқи сиёсатининг тўғрилигини таъкидлаб, улус, юрт фаровонлиги йўлидаги ишларига омад тиладик ва янги зафарлар ёр бўлишини қўл очиб дуо қилдик<sup>16</sup>.

Мадинаи мунаавварада истиқомат қилиб ўтган, асли андижонлик олим ватандошимиз Мусо Туркистоний ўзининг «Улуғ Туркистон фожиаси» номли тарихий асарида ватанни таърифлаб, шундай ёзади: «Агар жаннат осмонда бўлса, унинг ости Туркистон, агарда жаннат ер остида бўлса, унинг усти Туркистондир». Бу – она юртимизга, унинг табиатига, дунёда эгаллаган ўрни-ю шухратига берилган ҳаққоний баҳодир. Уни эъзозлаш, бойлигига бойлик қўшиш, шухратини янада отишида иштирок этиш барчанинг вазифасидир.

Мустақилликни қадрламоқ, барча қийинчиликлар вақтинча эканини англамоқ зарур. Менимча, Ватан фарзандларининг бурчи шундан иборат<sup>17</sup>.

**Абдулҳамид Махсум мулла  
Аҳмадали ўғли,**  
10 сентябрь, 1996 йил, Жидда шаҳри.

Ушбу боб якунида шуни алоҳида айтиш керакки, ҳаммаси бўлиб беш ой давом этган сафарларимиз чоғида Саудия Арабистонининг бухорийлар истиқомат қиласидиган қайси

шаҳарига борсак, ватандошлар билан уюштирилган сұхбатларда гап, албатта, мустақиллігимизга бурилади. Президентимиз Ислом Каримовни дуо қиласылар, шукроналар келтиришади, ҳар йили мустақиллик байрами мұносабати билан Президентимизге табрик хати юборадылар.

<sup>1</sup> Н.Ф.Бугаев. За что переселили народы. «Агитатор», 1989, 11, 22 б.

<sup>2</sup> «Мулоқот» журнали, 2003, № 4, 41 б.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Миллий Давлат Архиви (Ўз МДА.), ф. 838, ҳисоб сони {опись} 9, иш № 421, 1варақ.

<sup>4</sup> Новейшая история Китая. (1928 – 1949 гг.) М.: Наука. Гл. редакция восточной литературы, 1984. С.61.

<sup>5</sup> Ўша жойда. 62 б.

<sup>6</sup> Ўша жойда. 64 б.

<sup>7</sup> Комилжон Андиконий – шоир Тошқин ҳозир ҳам Тоифда тиши техники касқын билан шүгүлланады.

<sup>8</sup> Новейшая история Китая (1928 – 1949), С.66.

<sup>9</sup> Ўйғур автоном үлкәсидеги бу озодлик ҳаракатлари ҳақидағи ҳужжатлар, архив материаллари ҳамон эълон қылымаган. Алихон Согуний раҳбарлығидеги озодлик кураши тарихи сабиқ шўро тарихшунослигига ҳам «ёпиқ мавзу» бўлиб келди. Бу воқеалар баъзи мұносабатлар билан фақат кўзғолон иштирокчилари хотириласига суюнган ҳолдагина субъектив тарзда тилга олинади.

<sup>10</sup> Ўйғур халқининг Офоқ Хожа ва унинг авлодига бўлган эътиқодидан Совет ҳукумати сиёсий найранг мақсадида фойдаланиш учун бу иш билан Давлат ҳавфсизлик қўмитаси ҳам шүгүлланган, яъни агар «президент тўра» Ўзбекистон – демак СССР тупроғидан борса, «озодликка эришган» уйғурлар ва уларнинг янги ташкил топган ҳукумати Совет Иттифоқи назоратида қўтиричоқ давлатча бўлиб қоларди. Бирор Комфиরқанинг бу найранги амалга ошмаган.

<sup>11</sup> Қамоқ ва ундан қочиш тағсилотларини тушириб қолдиридик.

<sup>12</sup> Алихонтуранинг Ўйғуристондаги қизғин ҳаётдан типич Ўзбекистонга олиб ўтилиши сабаблари ҳам ҳамон «очилмаган қўриқ»дир. У кишининг фарзандлари отанинг Тошкентда туриб Сталинга ҳат билан мурожаат қилганини айтишиади. Бироқ жавоб бўлмагач, тинч илмий-ижодий иш билан шүгүлланиб, ўзидан бир қанча асарлар қолдириди ва 1986 йили Тошкентда вафот этди (Аллоҳ, раҳмат қилсан).

<sup>13</sup> Андикон шаҳри ўтган асрларда тўрт даҳага бўлинган: Сой, Ўлиқ, Қирлиқ ва Олайлиқ. Сой даҳа шаҳарининг шимолидир.

<sup>14</sup> Бу воқеа Махмуд Ҳаким Яйтанийнинг «Хулlos ут-Таворих» асарида ҳам тилга олинади. Кўқон адабиёт музейи фонди, инв. рақами 70, 67<sup>a</sup> варак. Орзикулбек бу «хизмати» учун Туркистон генерал-губернаторлиги томонидан мұкофотланғали ҳақида ҳужжатлар бор.

<sup>15</sup> «Гуф» – «шишиқ», «шиширилган» деган мәннода, «сар» – бош ёки юмалоқ нарса. «Гуфсар» – шиширилган юмалоқ нарса мәнносида келади.

<sup>16</sup> Шундан бўён у киши Ўзбекистонга ҳар йили келади. Андикон шаҳар ҳокимиятининг маҳсус қарори билан шаҳарининг ўзи туғилиб ўтсан «Шиговул» маҳалласидан ер ажратилиб, ўз ҳисобидан катта масжид-мадраса қуриб маҳаллаға тухфа қилди.

<sup>17</sup> Абдулхамид Махсум Тоғо 2004 йил апрел ойи бошларида Жидда шаҳрида 89 ёшда вафот қиласылар (Аллоҳ, раҳмат қилсан).

### III БОБ

## САУДИЯ АРАБИСТОНИ БҮЙЛАБ

1994 йил 16 декабрь мен учун тарихий кундир. Саудия Арабистонига илк бор илмий сафар қилиш учун ўша куни Тошкент – Жидда самолётига ўтирганман. Самолёт умра зиёратига кетаётгандар билан лиқ тұла. Жиддага келиб тушгач, шаҳарға чиқиш учун одатий расмиятчиликдан ўтишимиз керак. Бошқа мамлакатларда бўлгани каби, бу ерда ҳам қатгиқ тартиб ўрнатилган. Буни айтишимнинг боиси – бизниklар жаҳон кўрмаганликлари сабабидан бундай халқаро қоидалардан ўша даврда деярли бехабар эканлигини таъкидлашдир. Аэропортда божхона назоратидан ўтиш учун биз – ўзбекистонликларга маҳсус иккита ўтиш йўлаги ажратилган.

Арабистон фуқароси бўлмиш учта ватандош – шу ерда туғи-либ ўсган ўзбек йигитлари одамларимизга қараб, ўзгача меҳрибон-лик, мулоимлик билан «Хуш келибсизлар, азизлар» деган кириш сўзидан бошлаб, ўзларини таништирилар ва шошилмасдан, тартиб билан ўтишимизни эслатиб, кўчада автомашиналар уларга интизор бўлиб турганини эълон қилдилар<sup>1</sup>.

Аммо одамларимиз... Тушунтириш-у эълонга қулоқ солмай, назорат будкаси ёнiga навбатсиз, ёнбошдан ҳам келаверадилар. Ҳарбий кийимдаги божхонә хизматчиси (араб йигити) ишини тўхтатиб, ўрнидан туриб кетади, бизниklарга хизмат қилаётган ана бу уч йигитга қараб: «ватандошларингга айт, ахир навбати билан келишсин», – деган мазмунда арабчалаб луқма ташлайди ва ишни тўхтатиб, кутиб туради. Уч ватандош эса, одамларимизга ялингансимон яна мурожаат қиладилар, уларни тартибга чақирадилар. Бизниklар бироз «инсофга келгандек» бўлади-ю, бирмунча фурсатдан сўнг яна тартибсизлик; ходим хуноб бўлиб, ишини яна тўхтатади, йигитларга қараб нималардир дейди. Улар хижолат чекадилар, гоҳо жаҳдлари чиқади... Айниқса, Абу Салмоннинг феъли тез: қаттиқроқ-кўполроқ гапириб юборади. Ахир, бечора нима қилсин, холис хизмат – савоб иш деб божхона ходимларидан гап эшитмоқда.

Шу тарзда ўзбекистонликларни божхона назоратидан ўтказиш икки соатча давом этди. Шаҳарға чиқсан, бошқа мамлакатлардан келганлар аллақачон кетибди, автомашиналар фақат бизни кутмокда...

Үйлаб қоламан. Бу ниманинг аломати, нега одамларимиз хориж тартибларини билмайдилар? Ҳа, бизниkilар бунақа тартиб-қоидани деярли билмайдилар. Негаки, биз хорижга чиқмаганмиз, тўғрироғи, чиқаришмаган. Темир панжара ичидаганмиз. Чиққанлар эса саноқли кишилар эди, улар ҳам «КГБ» деган ваҳимали ташкилотнинг «етти чиғириғидан» ўтардилар.

Оммавий тарзда хорижга чиқишилар, мана, мустақиллигимиз шарофати билан энди бошланди. Шундай бўлгач, умрага, ҳаж сафарига чиққан содда, ювош, аммо имон-эътиқоди мустаҳкам ўзбекистонликлар – оталаримиз, акаларимиз ва опахонларимиз бундай тартибларни қаёқдан билсин. Бири паспортини, яна бири авиабилетини, учинчиси «декларация» қофозини қаерга қўйгани хаёлидан кўтарилиган, баъзиси, йўқотиб қўйган. Афсус ва надоматлар! Айрим зукко отахонларимиз машиналарга чиқиб ўлтиришгач, қилмишларидан ўзлари хижолат чекиб, куладилар, баъзилари эса хурсандчилик ва хижолат аралаш аччик-аччиқ йиглайдилар ҳам...

Маккай мукаррамада тавоғдан сўнг бу шаҳарда яшовчи, номи юқорида зикр қилинган танишим Сафохон Жалолхон Марғилоний уйига телефон қилиб, келганим ҳақида хабар бердим. (У киши 3–4 та ватандошлар билан 1991 йили Андижонга келганларида танишган эдик). Эртасига унинг уйида уюстирилган суҳбатда (ушбу суҳбат – алоҳида мавзу) умра сафари давомида ватандошлар билан бирга бирон-бир тадбир – анжуман ўтказишни ўзимга аҳд қилиб қўйганим ҳақида маслаҳат сўраган эдим, улар яхши ниятдаги бундай тадбирни Мадина шаҳрида ўтказишга имкон бўлиши мумкинлигини ва менинг ҳақимда дўстларга хабар бериб қўйишларини айтишди.

Умранинг бешинчи куни Мадинаи мунавварага келгач, бизни «Кавсар» меҳмонхонасига жойлаштирилар. Эртасига меҳмонхона ошхонасининг мутасаддиси Зайниддин деган киши (асли Тошкентдан) мени сўроқлаб, андижонликлар такяси-меҳмонхонасига боражагимни айтиди. Такя-меҳмонхонада мени Сафохон Марғилонийнинг укаси Аъзамхон ва Қори Акбар исмли ушбу даргоҳ соҳиби кутиб олиши. Маълум бўлди, Сафохон ака укасига телефон қилиб, менинг ҳақимда маълумот берибдилар ва ўтказилажак тадбиримизнинг мазмунини айтиб, ташкил қилишга ёрдам кўрсатишни сўрабдилар.

Аъзамхон ва Қори Акбар билан танишгач; уларнинг маслаҳатига кўра, «Анжан такя»сида Мадинада истиқомат қилувчи ватандошларимиз ва умрага борганлар иштирокида дўстона учрашув-анжуман ўтказишни режалаштиридик ва «Кавсар» меҳмонхонасидан юзга яқин умрачиларни таклиф қилди.

Эртасига шом намозидан сўнг учрашув-анжуман бошланди. Мадиналик ватандошларимиздан Аъзамхон Жалолхон, Қори Акбар (шоир Ҳамдам), Абдусалом Ҳўқандий, асли қувалик уста Абдулҳаким, Абдувоҳид исмли асакалик дўкондор, асли Андижоннинг Қорасув қишилогидан бўлмиш Абдуқаҳҳор қори, Носиржон Андижоний, Иброҳимжон исмли муаллим йигит, андижонлик Минҳожиддин – шоир Фамгиннинг ўели Муҳаммад Сидик, ношир ва китобдор Абдуқодир Марғилоний, шаҳрисабзлик ва самарқандлик уч-тўрт киши – ҳаммаси бўлиб 20 чоғли ватандошлар тўпланишиди.

«Анжан такя»нинг катта меҳмонхона залида<sup>2</sup> Ўзбекистоннинг мустақиллигига бағишлиланган дўстлик анжумани бошланди. Анжуманини кириш сўзи билан шоир Ҳамдам очди ва барчани Пайғамбаримиз шаҳрига «хуш келибсизлар» деб табриклиди. Сўнгра Ўзбекистон мустақиллигига бағишилаб ёзилган ушбу ғазал-мухаммасини ўқиб берди:

### **Азиз юртимиз Ўзбекистонни мустақил бўлғони хусусинда мухаммас-қутлов ғазал**

Жаҳон айвонида жаннат мисоли, Ўзбекистоним,  
Ҳаёт гулзорида тоза ниҳоли, Ўзбекистоним,  
Ҳама юртдошлар сенда хаёли, Ўзбекистоним,  
Худодин тинчлик сенга суволи, Ўзбекистоним,  
Илоҳи бўлмасин мулкинг заволи, Ўзбекистоним.

Замонлар, ўзгалар дастида сен доим асир эрдинг,  
Назарга илмаган кимса сени, мулки ҳақир эрдинг,  
Ўзингда сим-у зар мавжуд туриб, беҳад факир эрдинг,  
Таҳассун топди ҳолинг, элни ҳоли Ўзбекистоним,  
Илоҳи бўлмасин мулкинг заволи, Ўзбекистоним.

Сени дунёда давлатлар фаромуш айлаган эрди,  
Чароғингким, ситамгарларга хомуш айлаган эрди,  
Бериб ҳалқингга озор-у заҳар, беҳуш айлаган эрди,

Кёсилсин бу ситамгарларни боши, Ўзбекистоним,  
Илоҳи бўлмасин мулкинг заволи, Ўзбекистоним.

Бугун дунёда ой, юлдуз нишонлик байробинг қойим,  
Умид айлади ҳар ким Ўзбекистон бўлса деб жойим,  
Бошингда соя бўлсин ҳақ таоло раҳмати доим,  
Яшасин сенда роҳатда аҳоли Ўзбекистоним,  
Илоҳи бўлмасин мулкинг заволи, Ўзбекистоним.

Бугундин сўнгра душманни аёғи сенга етмайди,  
Юракдин ҳайдалиб кетган аламни доги кетмайди,  
Умидим шулки, аввалдек ҳалқинг фафлат этмайди,  
Фило ҳалқингни сенга жон-у моли, Ўзбекистоним,  
Илоҳи бўлмасин мулкинг заволи, Ўзбекистоним.

Азиз фарзандларинг дилдан сенга хизмат қилур энди,  
Сени ўз жонидин ортиқ кўриб, ҳурмат қилур энди,  
Очиқ кўксингда эркинлик билан роҳат қилур энди,  
Ошиб ҳар соҳада касб-у камоли, Ўзбекистоним,  
Илоҳи бўлмасин мулкинг заволи, Ўзбекистоним.

Ёруғ дунёда Ҳамдамнинг<sup>3</sup> гариб боши кўтарилиди,  
Ўшал соатданоқ ёғий насибаси кўтарилиди,  
Сурилган ҳолида кўкси палидидин итарилиди,  
Яна қайтиб келишга йўқ мажоли, Ўзбекистоним,  
Илоҳи бўлмасин мулкинг заволи, Ўзбекистоним.

Ҳамдам шоирнинг ушбу мухаммаси анжуман  
қатнашчиларида яхшигина таассурот қолдирди. Сўнгра  
каминага сўз берилди. Мен рўшноликка чиқсан ҳалқимиз  
номидан бу диёрларда сабр-чидам билан истиқомат қилувчи  
ватандошларимизга салом топширдим. Шунингдек,  
«бухорийлар» тарихини яратиш режам борлигини айтдим.

Сўнгра умрачилардан кўқонлик Жўрахон домла деган фоятда  
майин овози ва ширин сўзлар билан салом айтиб, келаётган.  
рамазон кунлари билан барчани табриклади. Ватандош-  
ларимиздан қори Абдулҳаким ва Абдуқодир Марғилонийлар  
сўзга чиқиб ота-оналарининг бу ерга келиб қолиш сабабларини  
гапирдилар. Барчанинг сўзлари Ўзбекистонимизнинг  
мустақилликка эришганига бориб тақаларди. Улар ҳам

Ватаннинг шўро тузумидан озод бўлгани билан бизни қутладилар ва мустақилликни кўз қорачигидек сақлашга даъват қилдилар. Қори Абдулҳаким Ўзбекистон байробини олиб келиб, уйи тўрига осиб қўйганини ва келажак авлод учун сақлаяжагини айтиб, йиглаб юборди (Дарҳақиқат, у кишиникига меҳмонга борганимда уй деворига байробимизни ёйиб, осган ҳолда устидан елим ойнак қоплаб қўйганини ўз кўзим билан кўрдим.) Анжуман якунида Абдуқаҳҳор қори Қуръон тиловат қилдилар, яхши дуолар бўлди, истаклар билдирилди. Барча шу ердаёқ хуфтон намозини ўқиб, сўнг тарқалди.

Анжуман фоят мазмунли ўтди. Ватандошларимиз бизни кўз ёшлари билан бағирларига босиб хайрлашдилар. Анжуман бошдан охиригача видеотасвирга туширилди. Бу мен учун муҳим тарихий воқеа, 1994 йил 22 декабрь оқшомида бўлиб ўтган эди.

Умра амаллари бажарилгач, биринчи қиласиган ишим—Жиддага келиб, Ўзбекистон консулхонасига учрашишим ва бошланажак илмий сафаримни расмийлаштиришим лозим. 26 декабрь куни Мадинадан Жиддага қайтиб келиб, аэропортда танишган ўша новча ва йўғон Аҳмад Туронни топдим. (У телефон рақамини берган эди.) Самимият ва миннатдорлик билан эътироф қилишим керакки, сафарим давомида бу йигитнинг менга кўп ёрдами тегди.

Консулимизга учрадик. Илмий сафарим мақсади ва дастури ҳақида у кишидан (Аъзамжон Раҳмонов) баъзи маслаҳатларни олдим ва ўша кунданоқ ишга киришиб кетдим.

Мени қизиқтирган дастлабки савол — Саудия Арабистонида яшовчи ўзбек ватандошларнинг умумий сонини аниқлаш эди. Сафар олдидан менда уларнинг сони тахминан 400–500 минг эканлиги ҳақида маълумот бор эди. Афсуски, буни тасдиқловчи аниқ исбот топилмади. 1990-йилларнинг иккинчи ярмида Саудия Арабистони Подшоҳлигида Ўзбекистон элчиси бўлиб ишлаган С.Иногомовнинг ёзишича, «ватандошлар сони тўғрисида турли тахминларгина мавжуд». Уларга кўра, ватандошлар сони 200–800 минг ўртасидадир<sup>4</sup>. Лекин шу нарса аниқки, ушбу мамлакатда истиқомат қилаётган ватандошларимиз хориждаги ўзбекларнинг энг кўпчилигини ташкил қиласи (бундан Афғонистонгина мустасно).

## **1-§. Саудия Арабистони ҳукуматининг ватандошларимизга муносабати**

Ушбу мамлакатда истиқомат қилаётган ватандошларимизнинг асосий қисмини XX аср 20- йилларининг охири – 30-йилларнинг бошида муҳожирликка кетган ўзбеклар ташкил қиласди. Улар, асосан, Фарғона водийси, шунингдек, Тошкент, Бухоро, Самарқанд, қисман Хўжанд, Ўш, Жалолобод шаҳар ва туманларидан боргандар бўлиб, Саудия Арабистони давлатига асос солган Абдулазиз ибн Сауд давридан бўён (1932–1953) «бухорийлар» деб юритиладилар. Бу ном ислом дунёсида «муҳаддислар султони» сифатида танилган (Пайғамбаримиз ҳадисларини йиғиб, тартиб берган) ватандошимиз машҳур Мұхаммад ибн Исмоил ал-Бухорий номига нисбат берилган атамадир.

Тарихдан маълумки, ислом дини Арабистонда пайдо бўлиб, Пайғамбаримиз (с.а.в.) даврида араб халқлари ҳаётига чуқур томир ота бошлаган бўлса, унинг кейинги ривожи бизнинг ўлкамиз Мовароуннаҳда давом этди. Ўлкамиз шаҳарларида VIII–XII асрларда яшаб ижод қилган ва жаҳон тан олган бир қатор аждодларимиз ислом дини ривожига улкан ҳисса кўшидилар. Бу тарихий ҳақиқатни Саудия Арабистони ҳукумати ҳам машҳур уламолари ҳам оддий фуқаролари ҳам эътироф этадилар ва Мовароуннаҳ олимлари номларини ҳурмат билан эъзозлайдилар.

Иккинчи томондан, ислом дини ривожига бекиёс ҳисса кўшган юртимиз кейинчалик, афсуски, Чор Россияси империяси томонидан забт қилинди ва «Ўрта Осиё» деб аталди. 1917 йилги давлат тўнтаришидан сўнг совет ҳокимияти ўрнатилгач эса СССР «динсизлар давлати» деб эълон қилинди ва юқоридаги бобда таъкидланганидек, ҳар қандай диний муассасалар, ибодатхоналар, масжиду мадрасалар ёпилди, омборхона-ю ётоқхоналарга айлантирилди, уларнинг ходимлари таъқиб остига олинди, қувғин қилинди.

Кейинчалик ўлкамизга «Социализмнинг Шарқдаги машъали» деган сунъий ном берилиб, ислом динига ва унинг ҳомийларига қарши кураш авж олди. Мана шундай синфиий кураш ва мамлакатда мажбурий равишда худосизлар жамиятлари ташкил топаётган чогда Арабистон ярим оролида мустамлакачиликка қарши озодлик ҳаракати ғалаба қилиб,

Саудийлар сулоласи ҳукмронлигига асос солинди: Саудия Арабистони Подшоҳлиги ташкил топди.

Ватанимизда бошланган муҳожирлик ҳаракати айнан ана шу даврга тўғри келиб, қанчадан-қанча саргардонликлардан сўнг ушбу мамлакатга етиб борган ватандошларимиз илиқ кутиб олинди.

Саудия Арабистонидаги асли туркистонликларнинг иккинчи бир гуруҳи ҳам бор: улар 1978 йили Афғонистонда бошланган инқилобдан ва ушбу мамлакатга сабиқ совет қўшинлари киритилишидан сўнг ҳижрат қилиб, бу юртда паноҳ топган ўзбеклардир. Улар «бухорийлар»дан ажратилган ҳолда «Афғонистонлик ўзбеклар» деб юритилади. «Афғонистонлик ўзбеклар» хуқуқий жиҳатдан «бухорий» ватандошларимиздан фарқ қиласидилар. Улар Саудия Арабистони фуқароси ҳисобланган шахсларнинг кафиллиги билан яшайдилар ва ишлайдилар. Кафиллик маълум муддатга берилади, лекин у яна узайтирилиши мумкин.

Илмий сафарларимиз чоғида Макка ва Мадинада, Жидда ва пойтахт Риёзда, шунингдек, Тоиф ва Робиғда истиқомат қилувчи ватандошларимиз билан мулоқотда бўлганимизда, улар битта ҳақиқатни такрор-такрор айтдилар: Саудия Арабистони давлати дастлабки йилларданоқ бухорийларга ўз ҳаётини тартибга солиб олишлари ва мусофириликдан озор чекмасликлари учун яхши шароитлар яратиб берган, ёрдамлашган. Буни баъзи ватандошларимизнинг қуидаги дил сўзларидан билса бўлади:

— «Ҳукумат биронта бухорийнинг бурнини қонатмади» (Сафоҳон Жалолхон Марғилоний).

— «Кимки ҳалол меҳнат қилиб, бирон касб билан шуғулланса, унга кўмак берди» (Абдулҳамид Аҳмадали Махдум);

— «Ҳукумат ҳеч кимдан солиқ олмади» (Аҳмадали Тўлқин);

— «Давлат ўй-жой қуриб олишимиз учун бизга ерлар ажратиб берди» (Қори Абдуҳаким);

— «Ўй-жой қуришга давлатдан қарз олса-ю, кимки уни муддатида тўлаб турса, охирида қарзининг маълум фоизини кечиб юборди» (Ҳабибулло Назиржон) ва ҳ.к.

Биз айрим шаҳарлар маҳаллий ҳокимият вакиллари билан сұхбатлашганимизда, улар шу нарсани алоҳида таъкидлайдиларки (ватандошларимиз эса бундан алоҳида гуурланаидилар), бутун Арабистоннинг кейинги 70 йиллик тарихида

бухорийлардан биронта ўғри, кazzоб, товламачи, қотил, фоҳишибоз, нашаванд ёки хуфя ичувчи («пияниста») чиқмаган, шунингдек, биронта ватандошимиз хизмат жараёнида давлатга хиёнат қилиб, ишдан ҳам ҳайдалмаган, қамалмаган. Бу ҳаётин ҳақиқат ҳам Арабистон ҳукуматининг бухорийларга бўлган муносабатида муҳим омил бўлиб, улар ҳаётига ижобий таъсир кўрсатиб келади<sup>5</sup>. Саудий подшоҳларнинг бухорийларга бўлган илиқ муносабатлари ҳақида турли нақллар мавжуд.

Ушбу подшоҳликка асос солган Абдулазиз ибн Сауд вафоти олдидан (1953, ноябрь) барча ўғилларини чақириб, васият чоғида қўлларига Қуръони карим олишларини буюрган ва ватандошларимизнинг айтишларича, шундай деган:

— Ҳозир менинг ҳузуримда икки нарса учун Қуръон билан қасамёд қиласиз. Биринчиси — тахт талашиб, бир-бирингиз билан урушмасликка. Подшоҳлик ворислик навбати билан каттадан-кичикка қолаверади. Иккинчи қасам — Туркистон (Мовароуннаҳр)дан кўчиб келганлар ким бўлишидан қатъи назар бухорийлар, яъни улуғ муҳаддис Мұхаммад ибн Исмоил ал-Бухорий авлодлариридир. Уларга озор берманглар, хафа қилманглар. Улар улуғ муҳаддислар авлоди бўлиб шўро ҳукумати, яъни даҳрийлар зулмидан озор топган мусофиirlардир.

Фарзандларнинг ота олдиаги қасамёдига, мана ярим аср ўтди. Бу муқаддас қасам ҳамон бузилгани йўқ. Бухорийларга бўлган муносабат, ота васиятига кўра, ҳамон ўзгарган эмас, қасамга риоя қилинмоқда.

Яна бир хотира-ҳикоя: 1940-йиллари рамазон ҳайити муносабати билан подшоҳ Абдулазиз ибн Сауд саройга меҳмонлар чақиради. Саройда автоҳайдовчи бўлиб Убайдулло Дарвеш исмли бухорий йигит меҳмонларга слиб-югуриб хизмат қилаётганига подшоҳнинг кўзи тушади. Меҳмондорчилик тугагач, подшоҳ уни ёнига чақириб, унга ўз қўли билан ошнинг гўштини тўғраб мулизамат қилади ва кўтаринки кайфиятда шундай дейди:

— Бугун мен учун алоҳида хурсандчилик куни, алҳамдуиллоҳ. Бунинг боиси — дастурхонимизда улуғ Бухорий авлоди ўлтирибди<sup>6</sup>. Подшоҳ Убайдулло Дарвешга ўша кунги хизматлари учун яхшигина совғалар берган.

Учинчи ҳикоя: Подшоҳ Фаҳд ибн Сауд (1970 йиллар) маориф ишлари раҳбарларидан ўқувчилар тарбияси масаласида ҳисобот олганида, улар подшоҳга қуидаги мазмунда шикоят қилишган:

— Бухорийларнинг фарзандлари шўх бўлиб кетдилар, уларга бераётган тарбиямиз таъсир қилмаётир.

Шунда Фаҳд ибн Сауд бундай жавоб қилган:

— Айб болаларда эмас, тарбиячиларда. Улар ўқувчиларга яхши муносабатда бўлишмаган. Сизлар ҳам эътибор бермагансиз. Бундай бўлиши мумкин эмас, чунки улар яхши инсонларнинг фарзандлари. Вазифангизга эътиборсиз қарагансиз.

Суҳбатлар чоғида хотиралардан биз ёзиб олган бу ҳикоя-нақллар ҳам Саудия Арабистони ҳукуматининг ватандошларимизга бўлган муносабатини яқол кўрсатиб туради (бошқа шаҳарларда ўтказган суҳбатларимизда ҳам бу ҳикояларнинг ҳақиқат эканлигини тасдиқладилар). Тўғри, суҳбатларда маълум бўлишича, қундалик ҳаётда айрим оддий араб фуқаролари томонидан ўзаро муомалаларда маҳаллийчилик ҳоллари ҳам содир бўлади. Аммо бундай ҳоллар ҳукумат сиёсатининг моҳиятини белгиламайди.

Арабистон ҳукумати айтилган сабабларга кўра, бухорийларни доимо ҳимоя қилган, эътиборсиз қолдирмаган.

Маълумотларга қараганда, Саудия Арабистонида ватандошларимизнинг кўнгилли жамият-уюшмалари йўқ. Лекин бухорийлар истиқомат қилиб турган шаҳарларда уларнинг норасмий оқсоқоллари бор. Чунончи, Маккада Сафохон Жалолхон (уни, кўпинча, «бухорийларнинг Маккадаги чироғи» деб аташади), Мадинада Абдулқодир Марғилоний, Жиддада Аҳмадали Тўлқин Туркистоний ва Абдулҳамид Махдум Андижоний, Риёзда Меллибек Тошкандий ва Мўминжон Исмоилжон Андижоний, Тоифда Олимжон Исмоилжон кабилар шулар жумласидандир. Улар ватандошларимизнинг ҳаётий муаммоларини ўзаро маслаҳатлашиб ҳал қилишга ёрдам берадилар, маҳаллий ҳокимият билан битадиган ишларни ҳам биргаликда, аҳиллик билан ҳал қиласидилар.

Бухорий ватандошларимизнинг бундай норасмий раҳбарлари мамлакатимиздан борган меҳмонларни қабул қилишади ва дўстона мажлисларда кўпинча иштирок этадилар.

Шуни алоҳида таъкидламоқ лозимки, ватандошларимизнинг кўпчилик қисми ҳозирда қандай иқтисодий мавқега эга бўймасинлар, дастлаб ўз ишларини арзимас сармоя билан бошлаганлар. Ўз фаолиятларини кичик тижорат, оддий дўйкондорликдан ёки кичиккина корхона хизматидан бошлаб, эндиликда йирик тижорат, саноат ва қурилиш корхоналарининг ва донғи кетган меҳмонхоналарнинг эгаларига айланганлар<sup>7</sup>. Ватандошларимизнинг асосий кўпчилиги турли корхона, савдо дўйконлари ва умумий овқатланиш муассасаларининг эгаларидир. Шу билан бирга, улар орасида халқаро миқёсда иш юритувчилар ҳам оз эмас.

Ватандошлар орасидаги йирик ишбилиармонлардан бири – Абдулҳамид Муҳаммад Зокир Бухорийдир. У «Ал-Зокир» халқаро ширкатлар уюшмасининг бошлиғи. Ушбу ширкатлар уюшмаси асосан денгиз кемачилиги ва халқаро савдо билан шуғулланади. Ака-ука Аббос ва Абдулғаффор Нур эса мармарни қайта ишлаш корхоналаридан бирига эга. Шунингдек, ушбу корхона фишт, цемент ва бошқа қурилиш ашёлари ҳам ишлаб чиқаради. Ҳозир нафақада бўлган ватандошимиз Аҳмадали Тўлқин ҳам тош қирқиб, қурилиш ашёлари ишлаб чиқарадиган корхонага эга эди.

Аммо ватандошларимизнинг аксарияти катта меҳмонхона ва савдо дўйконлари эгаларидир. Абдулбосит бошлиқ беш оғайни Намангонийлар Саудия Арабистонининг йирик шаҳарларида халқаро стандартларга жавоб берадиган меҳмонхоналарга, саёҳатлар бюроси ва савдо муассасаларига эгалик қиласидилар. Абдураҳмон Хўқандийнинг Жидда шаҳрида ўн қаватли меҳмонхонаси ва катта ресторонлари бор. Биз дастлаб танишган Сафохон Жалолхон ҳам ўн қаватли иморатга эга бўлиб, унинг 9–10-қаватида оиласи яшаса, 2–8-қаватлари меҳмонхонадир. Биринчи қавати эса савдо дўйконларидан иборат. Сафохон Жалолхоннинг Макка шаҳрида ўнлаб савдо дўйконлари ҳам бор.

Андижонлик Абдулҳамид Маҳдум Аҳмадали Маҳдум ўғли мана деярли 60 йилдирки, Жидда шаҳридаги дўйконида савдо билан шуғулланади. Шунингдек, андижонлик Абдуллаҳон Туркистоний ҳам (Аҳмадбек ҳожи набираси) Жиддада ва Тоиф шаҳрида ўз меҳмонхоналарига эга. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Айрим ватандошларимиз касб-ҳунар билан ҳам шуғулланадилар. Комил Абдулло Андижоний (шоир Тошқин)

тиш техники касбини эгаллаганини айтган эдик. Тоиф шаҳрида унинг тиш клиникаси бор. Шунингдек, Мўминжон Исмоилжон, Меллибек Исҳоқбек ва Хуршилбек Тошкандийлар ҳам Риёз шаҳрида узоқ йиллардан бўён тиш техники касби билан шуғулланадилар.

Яна бир ватандошимиз эса пойтахт Риёзда бир неча мутахассис ишлайдиган тиш даволаш поликлиникасига эга. Муҳожиратнинг дастлабки йиллари Мисрга бориб, шу касбга ўқиб келган. Андижонлик Ҳабибулло Назиржон электр муҳандиси касбини эгаллаган. Унинг Маккада катта ҳажмдаги музлатгичлари бор, асосан гўшт таъминоти билан шуғулланар эди. Ватандошларимизнинг асосий кўпчилиги эса майда ва ўртача ишбилармон ёки савдо ходимлариридир.

Гарчи бухорийлар орасида мамлакат сиёсатига жиддий таъсир кўрсата оладиган йирик давлат арбоблари бўлмаса ҳам айримлари турли давлат идораларининг юқори лавозимларида ишлайдиган ходимлар даражасигача етишганлар. Чунончи, Абдулваҳҳоб Аҳмад Бухорий узоқ йиллар маориф вазири ўринбосари ва ислом ишлари вазири лавозимида ишлаган. Ҳозир нафақада бўлса ҳам подшоҳ девонининг маслаҳатчиси лавозимиадир.

Абдулазизхўжа Абдуллаҳўжа ўғли Андижоний узоқ йиллар Информация вазири ўринбосари, давлатнинг Туркиядаги ва Россиядаги элчиси лавозимида ишлади. 1996 йили ота юрти Андижонга келиб, меҳмон бўлганида, биз у киши билан учрашган эдик. Ватандошимиз Муштоқ Маъруф Саудия Арабистони ташқи ишлар вазирлигининг бўлим бошлиғидир.

Ватандошларимиз орасидан ҳарбий ва ички ишлар хизмати генераллари ҳам ётишиб чиққан. Ҳисоб-китобларга қараганда, турли даражадаги 20 дан ортиқ «бухорий» генераллар бор. Ички ишлар тизимидан чиққан бригада генерали Муҳаммад Абдулазиз Юнус (ҳозирда Ички ишлар вазирлиги олий мактабининг мударриси), учувчи генерал-майор Абдулҳамид Музаффар (подшоҳнинг собиқ шахсий учувчиси), ҳарбий кучлар бригада генерали Абдулқодир Андижоний (ҳозир Бутунжаҳон ислом уюшмасининг масъул ходими), асли шаҳрионлик генерал Мустафо Камол, Муҳаммад Зиё шулар жумласидандир. (Генерал Абдулқодир Андижоний 1991 йили қиндик қони тўкилган Андижонга ташриф буюрганида биз танишган ва сұхбатлашган эдик.) 1995 йил илмий сафаримиз

чоғида генералнинг Жиддадаги ҳовлисида иккинчи марта учрашдик. Бу киши табиатан – вазмин, келбатли, ҳарбий соҳада чуқур билимга эга, исломий таълимотда ҳам олим сифатида хотираамда қолган.

Саудия Арабистонида 1997 йили бўлганимизда, Риёзда яшовчи генерал Мустафо Камол Шаҳрихоний билан таништирдилар. Бухорийларимиз орасидан турли давлат вазифаларида хизмат қиласиган ўрта бўғин ходимлар, олимлар ва бошқа мутахассислар ҳам анчагина бор. Биз сафар чоғида ўзимиз танишган ва сұхбатлашганлар номларини келтирамиз. Чунончи, ватандошимиз Зиёдхўжа Муҳиддинхўжа Маккада Каъба учун кисва (махсус ёпинчик) тикадиган фабриканинг раҳбаридир. Абдураҳмонхўжа Тоифдаги жонли табиатни ўрганиш ва муҳофаза қилиш марказининг бошлиғи. Муҳаммад Али Мўмин – давлат Стандартлаш ва ўлчаш қўмитаси котибиятининг бошлиғи, унинг акаси Муҳаммад Мўмин эса Риёз шаҳар ҳокимиятида масъул ходим, Аҳмад Убайдулла Туркистоний – Алоқа вазирлигига бўлим бошлиғи, Муҳаммад Илёс Хўқандий – нефть саноати вазирлигига масъул ходим, Обиджон Муҳаммаджон Марғилоний – нефть ва газ саноати бўйича мутахассис. Шунингдек, қадрдонимиз Мўминжон Исмоилжоннинг бир ўғли Риёз шаҳар ҳокимиятида масъул ходим, яна бир ўғли Жидда шаҳридаги стоматологлар ўюшмасининг бошлиғидир.

Ватандошларимиз фарзандларидан Фарбий Оврупо ва АҚШ университетларида ўқиб, турли соҳаларда олимлик даражасини эгаллаган ва олий таълим тизимида хизмат қилаётган мутахассислар ҳам анчагина. Чунончи, Абдураҳим Абдулазиз Марғилоний Ибн Сауд номли Жидда университетининг профессори, филолог олим. Ҳабибулло Туркистоний иқтисодчи олим, ушбу университет ўқитув ҳайъати аъзоси. Фуод Абдуллоҳ Самарқандий ва Аббос Солих Тошкандийлар ҳам университет профессорларидир. Умуман, ушбу университетда Ўзбекистоннинг турли шаҳарларидан бориб қолган ватандошларимизнинг ўнга яқин фарзандлари – мутахассис олимлар фаолият кўрсатиб келмоқда. Андижонлик дўстимиз Ҳабибулло Назиржоннинг укаси Раҳматулло Туркистоний эса фаннинг ноёб соҳаси – қуёш физикаси бўйича профессор. Қуёш энергиясини электр қувватига айлантирадиган давлат ҳисобидаги махсус лаборатория мудиридир.

Маккадаги машҳур «Умм ал-Қуро» университетида ҳам кўплаб ватандош олимлар хизмат қилади. Шунингдек, ҳалқ маорифи, банк ва соғлиқни сақлаш тизимларида ҳам ватандошларимиз турли раҳбарлик лавозимларида ишлайдилар. Абдулғаффор ал-Мусо – Маккадаги ўрта мактаб мудири, Мирфат Тошкандий Риёзданги ногирон болаларга ғамхўрлик қилиш жамияти соҳиби, Мўминжон Исмоилжоннинг қизи Собирахон Мўминжон – магистр даражасидаги тарихчи олима. Оталари унинг Жидда шаҳри тарихига оид йирик асарини каминага тақдим қилганлар. Бундан ташқари, олиманинг туркий ҳалқлар тарихига доир китоби ҳам бор. Муҳаммад Амин Андижоний – Олий таълим вазирлигига тафтишчи-бухгалтер вазифасида, Жалолиддин Мирза Туркистоний – «Ар-Риёз» банкининг масъул ходими. Бундай мисоллардан яна кўплаб келтириш мумкин.

Шунингдек, ватандошлар орасида шахсий поликлиника эгалари, турли касалликлар мутахассислари, врачлар, машҳур жарроҳлар ҳам кўплаб учрайди. Чунончи, асли асакалик ватандошимиз Ҳидоятилло Ҳаким Қудратиллохон ўғли Жидда шаҳридаги Абдулазиз ибн Сауд номли давлат госпиталида сунъий буйрак қўйиш бўйича йирик мутахассис ҳисобланади. Барча араб мамлакатларидан келган беморлар шу кишидан шифо топиб кетадилар. Биз у жаноб билан шоир Тошқин орқали танишиб, Жиддадаги уйларида бўлдик. Оналари асли пахтаободлик Мурувватхон ая ҳамда ўқитувчи сингиллари Фотимахон билан ҳам самимий сұхбатлар қурганмиз<sup>8</sup>.

Тарих ҳукмини қарангки, СССРда «пролетар диктатураси (яни йўқсиллар зўравонлиги)» деб аталган ноҳақ тузум ва даҳрийлик гоясига асосланган шўро давлатининг мустаҳкамланиб бориши, мамлакатда ички парокандаликларга сабаб бўлди, бундай тузумдан норози бўлганларни эса қамаш, отиш, сургун қилиш бошланди. Уларнинг фақат маълум бир қисмигина Ватанни тарк этиб, ҳижратга кетиш билан жон сақлаб қолди. СССРнинг Русия қисмидан чиққан ва янги тузумдан норози гуруҳга мансуб кишилар «собиқ буржуа интеллигентлари ва қулоқлар» деб аталиб, Фарбий Оврупо мамлакатларига кўчиб кетдилар. Ўзбекистондан кетганлар учун эса Саудия Арабистони иккинчи ватан бўлиб қолди.

Дастлаб хорижга чиқиб кетганлар, асосан, 25–50 ёшлар ўртасида бўлиб, улар бухорийларнинг биринчи авлоди ҳисобланади. Бу авлод Ватан фироқида ўртаниб, унга талпиниб,

ёруғ дунёни тарк этдилар. Она юртда туғилиб, ота-оналари билан бирга кетгандар, яғни бир ёшдан 15 ёшгача бўлганлар бухорийларнинг иккинчи авлоди бўлиб, уларнинг асосий қисми ҳозирда ҳаётдир.

Ушбу иккинчи авлод, асосан, Саудия Арабистонида ўсиб-улғайди ва шу ерда оиласи бўлди. Уларнинг фарзандлари бухорийларнинг учинчи авлоди ҳисобланади. Бу авлод вакиллари ҳозир ўртача 40–55 ёшларда бўлиб, шу ерда туғилди, ўсли, ўқиди ва оила қурди. Уларнинг фарзандлари эса ватандошларимизнинг тўртинчи авлодини ташкил қиласиди. Бинобарин, бухорийлар учинчи ва тўртинчи авлодининг киндик қони Саудия Арабистонига тўкилган. Улар араб мактабларида ўқидилар. Лекин миллый урф-одатлари ва она тилини оила шароитида ўрганишди, уларнинг аксарияти ўзбекчада гаплаша олади.

Тарихчи бўлганим сабаб бир муаммо хаёлимда чарх уради: Саудия Арабистонидаги ватандошларимиз охир-оқибатда «араблашиб» (ассимиляция таъсирига берилиб) кетадиларми ёки Туркиядаги курдлар, Канададаги украинлар ва АҚШдаги руслар каби ўзларининг этник хусусиятларини сақлаб, «ўзбек жамоалари» номи билан тарих чархпалагида абадий айланадиларми?!

Кейинги маълумотларга қараганда, ушбу мамлакатдаги ўзбеклар сони оз эмас, кўп эмас – бир миллионга яқиндир. XX аср охирларида жаҳонда бошланган ва фанда «этник ренессанс» (яғни айрим кичик халқларнинг уйғониши) деб аталган асл миллий ўзликка қайтиш ватандошларимиз тақдирида ҳам юз берадими-йўқми, буни, келажак кўрсатади.

## 2-§. Ватандошлар билан суҳбатлар

Саудия Арабистонида истиқомат қилувчи айрим ватандошларимиз, эслатилганидек, дастлаб 1991–1992-йиллари юртимизга меҳмон бўлиб келишган. Уларнинг кўпчилиги андижонлик, қўқонлик, намангандарлик ва марғилонлик бўлиб, болалик чоғларида кўрган ва гўдаклик хотираларига муҳрланиб қолган она-юрт манзараларини, шаҳар-у қишлоқларини обдон зиёрат қилишган, ўсимлик ва тупроқларини кўзларига суртишган, сувларига юз-қўлларини ювиб, таҳоратлар

қилишган эди. Ватандаги учрашувлардан улар жуда катта таассурот олиб қайтдилар.

Кейинги йиллари келған ватандош мәхмонарнинг саноги биргина Фаргона водийсида 100 тадан ошиб кетди. Уларнинг ҳам айримлари билан учрашиб, бир-биримизни бағримизга босиб күришганмиз ва дастурхонлар устида суҳбатлар қурганмиз. Қадрдонлашиб кетганларимиз билан эса ҳар куни бирга бўлганмиз. Чунончи, Абдуллажон Туркистоний, Муҳаммад Сиддиқ Андижоний, Сафохон Жалолхон, Комил Абдулло (шоир Тошқин), Абдуфаттоҳ ойнасоз ва укаси Иноятилло, Мўминжон ва Олимжон Андижонийлар, Ҳабибулло Назиржон, Файзулло Марғилоний, Абдулҳамид Махдумлар ва бошқалар билан суҳбатлар қуриб, аксари ҳолларда, уларнинг доимий ҳамроҳлари бўлганмиз. Баъзилариға ҳовлимизда чой дамлаб, мезбонлик ҳам қилганмиз. Улар ўз ташрифлари билан камина хонадонини чароғон қилган онлардаги суҳбатлар янада ширин ва чуқур мазмунлик касб этган<sup>9</sup>.

Мәхмонаримизнинг кўпчилиги тижорат ишлари билан шуғулланишса-да, аммо тарих ва замон, адабиёт ва сиёsat, ҳалқларнинг турмуш маданияти ва урф-одатлари борасидаги суҳбатларда ўтмиш тарихимизнинг шу давргача яшириб келинган ва биз энди билаётган бобларидан аллақачон хабардор, шу билан бирга, ўта зукко табиатли эканликлари намоён бўлди. Давра суҳбатларида қатнашган юртдошларимиз тарихимиз, мустақиллигимиз моҳияти, кундалик ҳаётимиз, миллий урф-одатларимиз ва жаҳон тараққиёти ҳақида, гарчи ватандан узоқда яшасалар ҳам, биздан кўпроқ билишларини зоҳирان тан олмасалар-да, аммо ботинида эътироф қилишади. Бундай дейишимга сабаб – инсон табиати шундайки, кўпчилик одамлар камчилигини бўйнига олишни ор билади. Аммо бу табиий хусусиятга зид тарзда эътироф қилиб айтишим керакки, ҳатто, мендек олий илмгоҳнинг унвонли домласи ҳам инсон фазилатининг, хусусан, ўзбекона, шарқона урфларимизнинг айрим нозик томонларини уларчалик билмаганимни айтмасам адолатсизлик, бўлади.

Илмий сафарларимиз чоғида ватандошлар билан янада яқинроқ танишиб, кўпроқ Макка шаҳрида, гоҳо Мадинада, баъзан эса Жидда шаҳрида самимий учрашувлар ўтказдик, дўстона суҳбатлар қурдик.

Абдуллајон Туркистоний андижонлик машхур саҳоватпеша, бадавлат шаҳс бўлмиш Аҳмадбек ҳожининг набирасидир. Боболари бефайз 1917 йилда бошланган ноҳуш алғов-далғовлар оқибатида шўролар ҳокимияти ўрнатилгач, норозилик изҳори сифатида чет элга – Шарқий Туркистонга ҳижрат қилган ва Фулжа шаҳрида муқим туриб қолган. Ҳоки туроби ҳам ўша ерда қолиб кетди. Аҳмадбек ҳожи Андижондаги пахта заводи, ўзи қурдирган масжиди, ҳовли-жойларини ташлаб, чиқиб кетган эди. (Уларнинг айримлари ҳозир ҳам сақланган.) Масжид 30-йиллари вайрон қилиниб, соғ қолган ҳужралари «ЖАҚ» деган ташкилот ихтиёрига ўтказилган ва бир неча оила учун уй-жойга айлантирилган, бойнинг ҳовлиси ва меҳмонхонаси, кейинчалик шўро идоралари ихтиёрига берилганди. Мана, мустақиллик йиллари, бу бинолар аввалига ўлкашунослик музейи ихтиёрига берилиб, ҳозирда «Олтин мерос» жамғармасининг вилоят бўлими ихтиёрига ўтказилиб архитектура ёдгорлиги сифатида рўйхатга олинган.

Абдуллајон Туркистоний бир неча бор ўзи туғилган Андижонга келиб, бувасидан қолган бу табаррук жойлар тақдири билан қизиқди. Маблағ сарфлаб, баъзиларини авлодидан қолган эсадалик сифатида таъмирлаб, тиклади<sup>10</sup>.

Абдуллајон Туркистоний ота юрти – Андижонга қилган ташрифлари чоғида бобоси Аҳмадбек ҳожидан қолган бу ёдгорлик ҳовли жойлар мажмуини таъмирлаш учун баҳоли қудрат ёрдам беради. Булар ҳақида ёзар эканман, юртдошлиаримизнинг валломатлилигига диққатни жалб этмоқчи эмасман, бошқа нарса демоқчиман: Абдуллајон Туркистоний Маккада уюштирилган бир сұхбат чоғида шундай деган эди:

– Сизлар яшаб турган Ватан менинг ҳам Ватанимдир. Модомики, истиқбол туфайли ҳозир сизлар собиқ масжидларни тиклаш, тарихий ёдгорликларни таъмирлаш, уларни авайлаб, авлодлар учун сақлаш ишига киришган экансиз, бунда менинг ҳам улушим бўлсин дейман. Зоро, аждодларим киндик қони тўкилган Андижон шаҳри мен учун муқаддасдир.

Ўйланиб қоламан: олийҳимматлик ҳам авлоддан авлодга, қондан қонга ўтадиган фазилатлардан бўлса керак. XX асрнинг 20-йиллари охири 30-йиллари бошидаги машъум «қулоқ сиёсати» кучга кирган даврда, – такрор бўлса ҳам айтмоқ лозим, – истеъоддли ишбилармонлар, номи Афғону Қошғарга маълум бўлган тижорат аҳли, йирик ҳунарпешалар, ўз

даврининг академиклари бўлмиш машҳур уламо-фозил кишилар шўро зулмидан озор чекиб, хорижга кетишга мажбур бўлдилар-у, аммо ўзга юртларда ҳам олийҳимматликни унутмадилар. Аҳмадбекхожи Фулжада гугурт ишлаб чиқарадиган устахона очиб, олинган фойда ҳисобидан Қошғарда ҳам анчамунча хайрия бинолари қурдирган. Бу бинолар ҳозир ҳам бор. Абдуллажон Туркистоний ана шундай олийҳиммат инсондир<sup>11</sup>.

Бизда эса 1917 йилги давлат тўнтаришидан сўнг, ҳокимият бутунлай йўқсилларга қолиб, ўтмишда «савоб» деб аталадиган жамоат биноларини қуриш ишлари ҳам давлат режасига киритиладиган бўлди, оқибатини эса мана, кўрдик, бошимиздан ўтказдик. Тарихий ва маданий обидаларимиз давлат мулки ҳисобланиб, ташландиқ бўлиб қолганида, – тан олишимиз керак, – ҳаммамиз бирдек бепарво бўлиб кетган эдик.

Саудия Арабистонида ватандошлар билан уюштирилган суҳбатларда мана шулар ҳақида ўйлаб, хаёлга чўмаман. Кўплаб миллий меъморлик дурдоналари ҳароб бўлиб, ҳатто, бузилиб кетганидан афсусланаман. Шукурлар бўлсин, мана, ўзлигимизга қайтдик, эндиликда тарихий ва маданий обидаларимиз таъмирланиб, қайта тикланмоқда.

Бухорийлардан ҳисобланмиш яна бир андижонлик мавлоно Абдулҳамид Махдум aka ҳам киндик қони тўкилган она шаҳрига тез-тез ташриф буюради. Дастрлаб келганида (1991) Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан аҳолига ҳовли-жойлар учун ер майдони ажратиб берилаётгани ҳамда диний ишларимизнинг ривожига кенг имкониятлар яратиб берилаётганидан хабар топиб, фоят мамнун бўлган эди. Чет эл ускунаси билан ишлайдиган чоғроқ бир гишт заводи ва шаҳарнинг ўзи туғилган «Шиговул» маҳалласида битта мадраса-масжид қуриб бериш хоҳишини билдириди. Мана, бугунга келиб, бу кошона қуриб битказилди ва ўша маҳалланинг кўрки бўлиб қолди.

Абдулҳамид Махдум aka Андижон вилоятининг Пахтаобод туманидаги мадраса қурилишига ҳам анчагина моддий ёрдам бердилар. Булар – авлоддан ўтадиган олийҳимматлилик фазилат эмасми? Жидда шаҳрида Махдум акамиз хонадонида уюштирилган суҳбат чоғида баъзи ватандошларимиз, агар имкон топилса, киндик қони тўкилган шаҳарлар ва туманларда бирон-бир маданият ёдгорлиги, чоғроқ бўлса ҳам ишлаб чиқариш корхоналари қуриб бериш иштиёқини билдирилар.

Сұхбатлар чөғида шу нарса аён бүлдики, ватандошларимиз она-юрт ва халқимизга насиб этган мустақиллик неъматини биздан күра ҳам чуқурроқ англайдилар, зеро, Президентимиз айтганларидек, Ватан қадри узокдан яхшироқ билинади. Бизлар, афсуски, гоҳида турмуш икир-чикирлари билан үралашиб, истиқолимиз, рўшноликка эришганимиз қадрини сезмай қоламиз.

Маккадаги бир сұхбат чөғида мустақилликни орзу қилиб, унга етишолмай, сўнгги нафасларигача «Ватан-Ватан» деб пичирлаб жон таслим қилган катта авлод хотиралари тўлга олинди. Шоир Комилжон Тошқин олим Мусо Туркистонийнинг Мадинада нашр қилинган «Улуғ Туркистон фожиаси»<sup>12</sup> китобини қўлига олиб, ундан қўйидаги ғазални ўқиб берди:

Ватан жаннат, ватан роҳат, ватан айш-у, ватан ишрат,  
Ватан боғ-у, ватан гулшан, ватан давлат, ватан гайрат,  
Ватан шон-у, шараф, навъи башарга боиси рафъат,  
Ватансиз миллата боқ – эл қошинда борми бир қиммат?  
Ватан ишқи кўнгилда бор экан, то танда биз жонмиз,  
Ватан севмак бизимчадин эрур, биз аҳли имонмиз<sup>13</sup>

Ушбу парча ўқилгач, орага жимлик чўқди. Зимдан атрофга қарасам, кўпчилик ийманиб бўлса ҳам рўмолчаси билан кўз ёшларини артмоқда. Уларга қараб, менинг ҳам кўнглим бузилди.

Сұхбатдошларимиздан бири Сафохон Жалолхон ўғли Марғилонийдир. Тарихдан маълумки, биз ўзбеклар, аслида, ғазалхонлар авлодимиз. Халқимизни табиатан шоир халқ дегим келади. Ўтмишда меҳмонхона гурунгларида Бедилхонлик, Навоийхонлик, Абу Муслим достони-ю Саъдий «Гулистони»ни ўқиб ёки ўқитиб, вужудини қулоқ қилиб тинглашлар бежиз эмасди. Афсуски, шўро даврида бу ажойиб анъаналардан узилиб қолдик. Сафохон оға ана шу анъана руҳида тарбияланиб, аждодларимизнинг ушбу фазилатини муҳожирликда ҳам авайлаб сақлаб юрганлардандир.

У кишининг уйида уюштирилган бир сұхбат чөғида мумтоз адабиётимиздан гап кетди. Менинг олий илмгоҳда муаллимлигим сабабли ғазалиётимиз, ҳозирги шеъриятимиз, тарихимиз ҳақида анча яйраб сұхбатлашдилар.

Шундай суҳбатлардан сўнг мозий ҳақидаги билимимиз шўро даврида қашшоқ бўлиб қолганини ўйлаб, ўзимча уялиб кетаман. Аммо суҳбатда сирни бой бермайман, билимим доирасида саволларга жавоб бераман. Ўша онларда Президентимиз Ислом Каримовнинг маънавий обидаларни, миллий-маданий қадриятларимизни тиклаш ишларига алоҳида эътибор бераётганидан ичимда фурурланиб, ўрни келганда, дўстларни ҳам бундан хабардор қиласман.

Сафохон аканинг уйидаги суҳбатда Сўфи Оллоёрдан гап кетди. Мен бизда бу шоирнинг манзумаси («Саботу-л-ожизин») нашр қилинганини суюнч билан айтган эдим:

— Кўрдик, — дедилар Сафохон ака,—эсга олинганидан хурсанд бўлдик, аммо бир қатор матбаа хатоларини ҳам учратдик, бунинг устига қофоз сифати ва чоп қилиш санъатида Сўфи Оллоёр нуфузига унча эътибор қилинмаган.

Маълум бўлдики, ватандошлар бу шоирнинг биздаги нашридан ҳам хабардор эканлар.

— Аммо Сўфи Оллоёрдек тасаввуф руҳидаги шоирни бутунлай унугиб юборгандан кўра, шунчалик нашр қилиниши ҳам яхши, — деб қўйдилар Сафохон ака суҳбат охирида. Кейинчалик маълум бўлдики, марҳум Мусо Туркистоний Сўфи Оллоёр асарини, биздаги ибора билан айтганда, «жамоатчилик асосида» Маккада нашр қилдирган экан (албатта, араб имлосида). Кўрсатиши, унинг қофоз сифати, нашр санъати бениҳоя юксаклиги билан ўзига ром қиласмиш.

Мен ватандошларга совға қилиш учун Қўқон хони Умархон—шоир Амирий девонининг XIX аср охирида Тошкентда босилган литографик нашридан уч нусха кўчириб, муқовалатиб олиб борган эдим. Ўша суҳбат чоғида унинг бир нусхасини мезбонимиз Сафохон акага, бирини шоир дўстим Комил Абдулло Тошқинга ва яна бир нусхасини Риёз шаҳрида истиқомат қилувчи китобсевар юртдошимиз Мўминжон Исмоилжонга тортиқ қилдим. Кутимаган бу совға файзли суҳбатимизга гўё янгидан жон киритди. Тарих, адабиёт мавзудаги муроқотимиз қизигандан қизиб кетди. Ўтган кўп шоирларимиз, адилларимиз номлари тилга олинди, ижодларидан намуналар келтирилди.

Ватандошлар билан бундай суҳбатларда бўлиш, назаримда, зеҳнимни ўткирлаштириди, тафаккурим доирасини кенгайтириди. Қалбларимизда тарихимиз, маънавий меросимиз, тилимиз-у

динимизга нисбатан кейинги йиллари янгидан ниш бераётган муҳаббат туйғуларимиз руҳий озиқланди. Халқимиз, она-юртимиз рўшнолиги ҳақидаги ўйларимиз, орзуларимиз ватандошларимиз ўй-орзулари билан уйғуналашиб кетди ва истиқлол туфайли бошланган янги тараққиётимиз ҳақида яқдиллик пайдо бўлди. Тун яримдан ошганда ғоятда кўтаринки руҳда ватандошлар билан хайрлашдим.

Биз суҳбатлашган бухорийлардан яна бири Минҳожиддин Маҳдум – шоир Фамгинидир. Фамгин Андижондаги машҳур уламолардан Мулла Қобул Охун домланинг набиралари бўлиб, машъум «қама-қама» йиллари отаси билан бирга она шаҳридан чиқиб кетганлардандир. Минҳожиддин Фамгин муҳожирликда доришунослик касбини эгаллаган, Тоиф шаҳрида истиқомат қиласди. Ҳозир нафақа ёшида. Ўғли Муҳаммад Сиддиқ 1991 йили Андижонга келганида овознигор тасмасига Ватан ҳақидаги ғазалларидан ўқиб «Андижондаги авлодларим дардимни ўз овозимда эшитсингар» деган ниятда ундан бериб юборган эди. Биз ғазалларни тасмадан бир неча мартараб эшитиб, қоғозларга тушириб, айримларини матбуотда эълон қилган эдик<sup>14</sup>. Унинг:

«Бизнинг Туркистон жаҳоннинг энг гўзал бўстонидир,

Аҳли Туркистонга берган Тангрининг эҳсонидир», – деб бошланадиган ва айрилиқ фироқида ёзган бошқа шеърларини ўқиганларни бу олис юртда доимо Ватан рўшнолигини ўйлаб юрган муҳожирлар ҳақида беихтиёр ўйга толдиради.

Ўшанда шоирнинг ўғли Муҳаммад Сиддиқ отасининг ғазаллари ва сурати босилган газетадан бир неча нусха олиб кетган эди. Отаси буларни кўриб, йиғлаган ва миннатдорчилик билдириб, каминага хат ёзган эди.

Маккадаги бир суҳбатга шоир Фамгин ҳам Тоифдан етиб келди.

Суҳбатимиз бу сафар Ватан истиқоли, мустақил Ўзбекистонимизнинг иқтисодий тараққиёти ҳақида, бажарилажак ишларимиз, эҳтиёжларимиз ва ҳаётимиздаги муаммолар ҳақида бўлди. Камина Президентимизнинг бу масалаларни ҳал қилишга қаратилган саъй-ҳаракатлари, бу ҳақда қабул қилинган баъзи қарор ва фармонларидан уларни хабардор қилдим.

Мустақил мамлакатимизнинг иқтисодиётдаги истиқболига ҳам ватандошларимиз жуда қизиқадилар, ўз моддий имкониятлари даражасида баъзи таклифлар ҳам киритадилар. Бу ҳақда Маккада истиқомат қилувчи Ҳабибулло Назиржон

кўпроқ ўз мулоҳазаларини айтиб ўтди. Шоир Комил Абдулло Тошқин суҳбатда бу масалада ўзича афсуслик билдириди.

— Биз — дейди шоир, — Ватанга сафар қиласар эканмиз, фақат унинг тупроғини тавоғ қилиш-у туғишганлар билан дийдор кўришиш ҳиссиётига берилиб кетиб, юрга фарзандлик бурчимишни унутаёзибмиз. 1992 йили Ўзбекистонга борганимда, сизларнинг мустақиллик йўлидаги меҳнатларингизни кўриб, бироз ҳушёр тортдим: ўйлаб қарасам, Ватан соғинчини изҳор қилиш билан бирга, унинг иқтисодиётдаги муаммоларини ҳал қилишда ҳам баҳоли қудрат иштирок қилмоғимиз лозим.

Унинг бу мулоҳазаси бошқаларга ҳам маъқул келди. Муҳандис Ҳабибулло Назиржон Андижон туманидаги собиқ «Известия» боғдорчилик ширкат хўжалигида меваларни қайта ишлайдиган аппаратлар келтириб, бир корхона қуриб беришни режалаштирганини айтиди.

Суҳбатларда дўстларимиз халқимиз узоқ тарихимиздаги ўз аждодларининг мустақил яшаган даврларини шўро зуфуми ва ёлғон ташвиқоти остида ёддан чиқариб юборганини оқибатда эмин-эркин яшаш ва фикрлаш фақат орзуга айланиб қолганини таъкидладилар.

— Мана, мустақилликка ҳам эришдик, — деб сўзи ни яқунлайди Тошқин, — энди Аллоҳ берган бу улуғ неъматни ардоқлаш учун барча бирдек ҳаракат қилиши керак. Бунинг учун эса куч бор, ишонч, гайрат ва ирода бор, нихоят, бу йўлда руҳи тетик сардоримиз — Президентимиз бор. (Таъкидлаб ўттай: улар ҳам «Президентимиз» — деб айтишади.)

Сафохон Жалолхон Марғилоний менга қараб, қўшиб қўйди:

— Энди ҳаммангиз Сардоримиз атрофига бирлашиб, унга фикрдош бўлмоғингиз лозим.

Жаҳонга чиқиш, холис ниятли давлатлар билан иқтисодий алоқалар ўрнатиш, уларнинг беминнат ёрдамларидан фойдаланиш, мутахассислар таклиф қилиш каби ҳозирда амалга оширилаётган Президентимиз тадбирлари ҳам ватандош зиёлиларимизнинг айни орзусидир. Мен бу жабҳада бизда кечеётган янгиликлар ҳақида сўзладим.

Суҳбатларимизда дўстларимиз яна шу нарсага урғу бердиларки, юртимизнинг ҳаққоний тарихини тиклаш лозим. Бу ҳақда кўпроқ Ҳабибулло Назиржон куйиниб гапирди. Унинг фикрича, Ўзбекистон кейинчалик «Ўрта Осиё» деб аталган Туркистоннинг «юраги» — марказида жойлашган, аҳоли

жиҳатидан энг катта ва нуфузли жумҳуриятдир. Чет эллик ватандошларимиз ўлқани «Туркистон» деб аташади. Агар Туркистон номи тикланса, бутун жаҳонга тарқалиб кетган барча собиқ туркистонликларнинг қувончи чексиз бўларди. Бу энди ватандошимизнинг эзгу орзузи.

Биз арабистонлик юртдошларимиз билан узоқ тарихга эга бўлган халқимиз бугунги авлодининг ҳаёти, турмуш тарзи, ихлосу ибодатлари ҳақида ҳам кўп сұхбатлашдик. Улар биздаги айрим мұваққат қийинчилікларга, ҳар қандай тақчилликка қарамай, халқимиз удумларида сақланиб қолган меҳмоннавозлик одатларимиздан, эътиқодимизнинг мустаҳкамлигидан ниҳоятда хурсандлар. Шу билан бирга, Ватанга биринчи марта келганларида кундалик ҳаётимизга кўз ташлаб, ўзлари илғаган айрим одатларимиздан хижолат чеккан ҳоллар бўлганини ҳам яшиrolмадилар. Чунончи, биздаги ортиқча исрофгарчилар, Аллоҳнинг неъмати бўлмиш ариқларда оқаётган сувларга бепарволигимиз, тоза сув жўмракларини очиқ қолдириб, беҳудага оқизиб қўйганимиз меҳмонларни афсуслантирган. Булар ҳақида ётиғи билан гап борганда, очиғи, ўзим ҳам хижолат чекдим. Чиндан ҳам тоза сув жўмракларига, ариқлардаги оқин сувларга бефарқ қараймиз, ниҳоятда бепарвомиз.

Яна бир одатимиз ҳам уларнинг эътиборидан четда қолмабди:

— Меҳмондорчиларда даврага олдин-кетин кириб келган ҳар бир кишига алоҳида нон синдириш, ўлтириш тугагач эса барчага нон туғиб бериш каби одатларингиз ўзбекнинг анъанавий меҳмондорчилиги эмас, балки айни исрофгарчилардир,—дейди улар. Чиндан ҳам айрим одатларимизга четдан қараш фойдадан холи бўлмас. Уларнинг бу эътирозини ҳам қабул қилишимиз керак. Жуда ўринли мулоҳазалар билдирилди.

Юртдошларимиз билдирган яна бир ҳазиломуз эътиroz-бизларда меҳмонларнинг овқатланишига кўп вақт сарфланишидир. Борганларида ҳисоблаб чиқишибди: меҳмоннавозлик қиласиз деб, уларнинг нонуштасига ўртacha 2 соат, тушликка 2–3 соат, кечки овқатга эса яна 3 соат вақт сарфлар эканмиз. Натижада юртни кўриш, унинг табиатидан баҳра олиш учун келган меҳмоннинг кўп вақти хонанишинликда, овқат ейиш билан дастурхон устида ўтибди.

Вақтдан унумли фойдаланмаслик, бекорчиларнинг кўплиги уларнинг яна бир эътироэзига сабаб бўлибди.

Маккадаги суҳбатимиз охирида ҳаётимизга сингиб кетган ва ўзимиз эътибор қилмаган бу одатларимиз ҳақида гап кетганда, очиғи, мен ҳам ўйланиб қолдим. Ҳа, ўзимиз яшаб ўтган давр руҳи кўп салбий аломатларни қолдирди. «Ҳамма нарса – давлат мулки» деб эълон қилингач, умуний бойликка ачинмайдиган, ўз ишимизга совуқёнлик билан қарайдиган бўлиб қолдик. Қилган меҳнатимиз маҳсули ҳам давлатники ҳисобланар эди-да! Шунинг учун ҳам чет мамлакатларда энг қимматли бойлик ҳисобланган вақтдан унумли фойдаланишни унутдик, юракдан ишламайдиган бўлиб қолдик. Ўзимизга унча билинмаган бу «айбларимиз»ни мустақиллигимизнинг дастлабки йиллари меҳмон бўлиб келган ватандошларимиз сезишган ва уларга эътибор беришган.

Саксонинчи йиллари ҳурматли ёзувчимиз Сайд Аҳмад Қошғарга сафари ҳақида ёзган мақоласида кундузи кўчаларда одам йўқлигидан, ақалли иккита бекорчи кишининг гаплашиб ўтирганини кўрмаганидан таажжубда қолганини айтган эди. Кейин билса, кундузи ҳамма ўз иши билан банд бўлар экан. Булар ҳақида ўйлар эканман, Президентимиз Ислом Каримовнинг қуйидаги гапларини эслайман:

«...Жамиятни ислоҳ қилиш ва янгилаш бўйича кўп қиррали фаолиятимиз марказида суверен Ўзбекистоннинг фуқароси туради. Ислоҳотларнинг мазмуни айни ҳар бир фуқаро ўз қобилиятини, ўз истеъодидини намоён этишга, шахс сифатида ўзини кўрсатиш имкониятига эга бўлишига қаратилган»<sup>15</sup>. Шунингдек, Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси иккинчи чақириқ Олий Мажлисининг IX сессиясида сўзлаган нутқида ҳам «...барча ислоҳотларимизнинг бош йўналиши ва самарадорлигининг пировард натижасини белгилаб берадиган асосий йўналишлардан бири – бу инсон омили ва мезони шахс манфаатларини рўёбга чиқаришdir»<sup>16</sup>, – деб таъкидлади.

Умуман ватандошлар билан суҳбатлар мазмун эътибори билан каминада чуқур таассурот қолдирди. Ватан рўшнолиги, халқимиз баҳт-саодати учун Президентимиз бошчилигига ҳам иқтисодий, ҳам маънавий кураш кетаётган ҳозирги пайтда ватандошларимизнинг эзгу орзулари, билдирган фикр-мулоҳазалари жумҳуриятимиз олдида турган масъулиятли вазифаларни ҳал қилишда ўзига хос аҳамият касб этиши шубҳасиздир.

### 3-§. Ёш олимлар даврасида

Илмий сафарларимиз чоғида ўтқазилган суҳбатларнинг мазмун-мундарижаси, албатта, учрашув иштирокчиларининг касб-корларига ҳам боғлиқ эди. Шу жиҳатдан, камина учун янада зарурроғи олимлар даврасида бўлмоқлик, илм аҳли суҳбатини олиш эди. Шундай бўлди ҳам. Менга ёрдам берган дўстларим, кўпинча мақсадимга мос тушадиган суҳбатларни ташкил қилиб бериш учун саъй-ҳаракатлар қилдилар.

Бир сафар (1996 й.) Маккадан – Сафохон аканинг уйидан Жиддага тўйга жўнадик. Тўйхонада одам кўп, барчаси турли шаҳарлардан ташриф буюрган ватандошларимиз. Тўйхона бўсағасида бизни Мўминжон Исмоилжон кутиб олди ва сўрашгач, менга қараб:

“Домла, ҳозир сизни катта олим, машҳур Мубашширхон Тарозийнинг ўғли доктор Абдуллохон Мубашширхон Тарозий билан таништираман”, – деди.

Бир вақт узоқдан оқ юзли, тўладан келган, одатдагидек узун оқ кўйлак кийган, бўйи мендан новчароқ, ёши 60 ларга борган фариштадек одам ялангбош ҳолда бизга қараб келаётир. Сафохон ва Мўминжон акалар билан самимий кўришгач, менга қаради, Мўминжон ака дарҳол:

“Андижонлик олим, сизга телефонда айтган меҳмонимиз шу киши бўладилар”, – деди. Абдуллохон Мубашширхон табассум билан менга қучоғини очди ва бағридан мени чиқармай туриб:

“Ватан саломатми, мустақиллик муборак бўлсин”, – деди. Биз ота-боболаримиз удумига кўра бошимизни ўнг ва чап елкаларга қўйиб, бир-биrimизни бағримизга босиб узоқ сўрашдик. Кенг майдонга тўшалган гилам-палослар устидаги қатор ўлтиргичларга жойлашиб, обдон танишдик, сўнгра суҳбат бошланди. Бизни таништирган икки акамиз бизларни ёнма-ён ўтқазиб қўйиб, ўзлари бир томонга жойлашдилар. Чой устида кўп ва хўб гаплашдик...

Эртасига Жиддада, мен тўхтаган маконимга – Минҳожиддин Фамгин шоирнинг катта ўғли қози Мажидиддин уйларига-келадиган бўлдилар. Ваъдага биноан кечқурун келдилар, суҳбатимиз яна давом этди.

Абдуллохон Мубашшир Тарозий асли Тароз (ҳозирги Жамбул) шаҳридан чиққан машҳур тасаввуф олими Сайийд

Мубашширхон Тўра Тарозийнинг иккинчи ўғиллари экан. Оталари 20-йилларнинг охиридаёқ муҳожирликни ихтиёр қилиб, Ватандан чиқиб кетган ва узоқ вақт Афғонистонда яшаган. Абдуллохон 1938 йили Афғонистонда (Кобулда) таваллуд топган. 1944 йили ота-оналари Саудия Арабистонига кўчишган ва кейинчалик, Мисрга келиб, пойтахт Қоҳира шаҳрида ўрнашиб қолишган. Акалари Насруллохон Тарозий ҳам олим-профессор, Қоҳира университетида ишлайди. Абдуллохон аввал Қоҳирада, сўнгра хорижда ўқиган. Ота вафотидан сўнг (1974 й.) Саудия Арабистонига келиб, шу ерда қолган. Ҳозирда Жидда университетида фалсафа ҳамда Қуръони карим тилидан дарс беради.

— Гарчи тугилган жойим Афғонистон бўлса ҳам хаёлимда фақат қиблагоҳимиз юрти бўлмиш Тароз шаҳри айланади, — дейди Абдуллохон. — Дадамларнинг ҳикоя қилишларича, Тароз шаҳрида, шунингдек, Яссада (буғунги Туркистон шаҳри) кўп улуғ зотлар ўтган. Бир бориб, маънавий пиrimиз Аҳмад Яссавий ҳазратларининг қабрини ва шу атрофда ором топиб ётган Арслонбоб ота ҳамда ул зотнинг оналари қабрини зиёрат қиласам дейман. Минг афсуски, қиблагоҳимиз Қоҳирада қолиб кетдилар. Йилда бир марта таътил ойида Мисрга бориб, қабрларини зиёрат қиласман, туғишганларим билан дийдорлашиб, яна Саудияга қайтаман. Фарзандларимиз шу ерда туғилиб, вояга етди. Алҳамдулиллоҳ, ҳеч нарсадан камчилигимиз йўқ. Faқат мусоғир юртда эканим хаёлимга тушса, кўнглим бузилади...

Фалсафа доктори Абдуллохон Тарозий булар ҳақида гапирап экан, кўзларини бир нуқтага тикиб, бироз тиниб қолади. Олимнинг кутимагандаги бу мушоҳадалари мени ҳам ўйлантириб қўяди, бир-икки дақиқа жим қолгач, чой ҳўплаб менга тикилади ва ўйчан гап бошлиайди:

— Ватанда агар Русия ҳукмронлиги ўрнатилмаганида ва юртимизда талатўп-бесарамжонликлар бўлмаганида, албатта, оталаримиз муҳожирликни ихтиёр қилмаган бўлардилар. Ўшанда бизлар ҳам она-юртда туғилган ва ҳозирда Қозоғистон ёки Ўзбекистондек мустақил мамлакатларда истиқомат қилаётган бўлармидик...

Абдуллохон Тарозийнинг бу гаплари, мутахассислигидан келиб чиқсан файласуф-тилшунос мушоҳадалари бўлса керак. Афсуски, тарих чархпалагини орқага айлантириб бўлмайди.

Нима бўлганда ҳам, ҳар қандай одамни хаёлга толдирадиган гаплар...

Юртдошимиз билан турли мавзуларда: Афғонистонни тарк этиш сабаблари, бу мамлакатдаги ўзбеклар, Саудия ҳукуматининг буҳорийларга муносабати, оталари Сайид Мубаширхон Тўра ва унинг Туркистон ҳақидаги орзулари, ватандошларимизнинг фарзандлари ва уларнинг тақдирни ҳақида узоқ сұхбатлашдик. Сұхбатимиз 4 соатга чўзилганини ўзимиз ҳам сезмай қолдик.

Хайрлашув чоғида профессор беихтиёр кўзига ёш олди ва унинг учун муқаддас бўлган, номи исмига кўшилиб ёзилган она-юрт – Тароз шаҳрига бориб, у киши учун зиёрат қилишимни мендан илтимос қилди.

Гарчи мавзуга хилоф бўлса ҳам таъкидлаб ўтайди, Саудия Арабистони сафаридан ўшанда 1996 йили март ойи бошида қайтган бўлсан, апрел ойида Тошкентда улуғ Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишлиланган халқаро анжуман чақирилиб, камина ҳам Андижондан таклиф қилинганлар орасида бор эдим. Тасодифни қарангки, анжуманга Қоҳира университети профессори Насрулло Мубашир Тарозий ҳам келган эканлар.

Илмий анжуманда у киши маъруза қилдилар. Танаффус чоғида уни излаб топдим. Танишдик ва йил бошида Саудия Арабистонида бўлиб, укаси Абдуллоҳон Тарозий билан учрашганимни, икки кеча сұхбатлашганимизни айтдим. Меҳмон мени бағрига босиб, қайтадан кўришди. Қиблагоҳлари Сайид Мубашир Тарозий ҳақида кўшимча маълумотлар олдим. 1991 йили Маккада вафот қилган яна бир атоқли тасаввуфшунос олим Сайид Маҳмуд Тарозий—Олтинхон тўра таваллудининг 100 йиллик юбилеи 1995 йили Жамбул шаҳрида ўтказилиб, унда қатнашганимни айтган эдим, гоятда мамнун бўлдилар. Хайрлашув чоғида меҳмон каминани Қоҳрага таклиф қилди ва ташрифнома бериб деди:

– Тароз шаҳрида туғишгандаримиз бор, бироқ вақтимиз имкон бермайди – бу сафар боролмаймиз. Мабодо, йўлингиз тушса, уларни учратиб бизлардан ота юртимиз Тароз шаҳрига салом айтасиз...

Танаффусдан сўнг анжуман мажлисига кириш олдидан Жамбулдаги қариндошларидан баъзиларининг исми шарифларини ёзиб олдим ва албатта, Жамбулга боражагимни айтдим.

Келаси, 1997 йили октябрь ойида Хива ва Бухоро шаҳарларининг 2500 йиллиги тантаналарига тақлифнома олганини ва агарда мен ҳам бориб қолсам, албатта, кўришажагимизни айтиб, меҳмон билан хайрлашдик<sup>17</sup>.

## Умм ал-Қуро университети олимлари даврасида

Жиддада ўтган тантанали тўйдан сўнг Маккага қайтиб, олдиндан келишганимизга биноан, ватандошимиз Абдуғаффор акага қўнғироқ қилдим. У киши ён қўшниси доктор Муҳаммад Ҳасан Ўзгандий билан таништиришга ваъда берган эди. Абдуғаффор ака ваъдаларини бажарибдилар – муддаоимдаги ишни аллақачон режалаштириб қўйибдилар. Маккадаги Умм ал-Қуро университетининг ватандош мударрис-олимлари билан учрашувим ҳақида келишиб қўйибдилар.

Аввало ушбу олий даргоҳ ҳақида: Умм ал-Қуро университети мамлакатдаги йирик ва нуфузли олий ўқув юртларидан ҳисобланади (Макка шаҳрининг қадимги «Шаҳарларнинг онаси» деган номи билан аталган). Унда ислом дини тарихи, ислом цивилизацияси, ислом маданияти, мусулмон архитектураси ва бошқа бўлимлар билан бирга, дунёвий илмларга доир бўлимлари ҳам бор. Араб филологияси, ижтимоий фанлар, хорижий тиллар, психология, кимё, биология, физика, математика, тиббиёт, менежерлик, жисмоний тарбия ва бошқа факультетлар шулар жумласидандир. Ҳаммаси бўлиб 30 га яқин мутахассисликлар бор, уларнинг энг йириклари қошида эса ихтинослашган лицейлар ҳам мавжуд<sup>18</sup>. Университет қошида араб тили ва адабиёти институти ҳам бор.

Маълумотномага қараганда, университетда ишлайдиган профессор ва докторлар сони 337 киши экан. Шулардан 13 таси ватандошларимиз – буҳорийларнинг фарзандлари бўлиб, улар Оврупо мамлакатлари ҳамда АҚШда таълим олганлар. Мана уларнинг номлари:

1. Саид Абдуллоҳ Шаҳроний (Шаҳриҳоний) – араб тили бўйича профессор, араб тили факультети декани. АҚШнинг Мичиган университетида ўқиган ва диссертация ҳимоя қилган.

2. Абдуллатиф Самарқандий – Аҳборот ва информатика факултетида кафедра мудири. Буюк Британия Технология университетида ўқиган ва докторлик илмий даражасини олган.

3. Мұхаммад Саид Мұхаммад Ҳасан Ўзгандий – Қуръон ва Сунна таълимоти бүйіча профессор, «Уммәл-Куро»да ўқыган, Лондонда диссертация ёқлаган.

4. Нажмиддин Абдулғафур Андижоний<sup>19</sup> – Ислом коммуникацияси бүйіча профессор, Мичиган университетини битириб, диссертация ёқлаган.

5. Абдулазиз Мұхаммад Ёр Хўқандий – ўқитиш услубиятидан асистент-профессор (доцент). АҚШнинг Канзас университетида таҳсил олган.

6. Абдулманның Маъмурбой Марғилоний – психолог профессор, факультетда декан мувини, АҚШнинг Висконсин университетида таҳсил олган.

7. Султон Саид Мақсұд Бухорий – менежерлик ва режалаштириш бүйіча профессор, Мичиган университетини тамомлаган ва диссертация ёқлаган.

8. Масъуд Хизр Муборак ал-Қарший – менежерлик ва режалаштириш бүйіча асистент-профессор, АҚШнинг Индиана университетида таҳсил олган.

9. Абдуллатиф Бухорий – физик профессор, АҚШнинг Питтсбург университетини тутаттан.

10. Мұхаммад Абдулжаким Юнус Бухорий – физик профессор. Буюк Британиянинг Стирлинг университетида ўқыган ва докторлик диссертацияси ёқлаган.

11. Юсуф Абдулманның Марғилоний – кимё профессори, Бирмингем университетини тутаттан.

12. Фаҳұд Абдул Карим Туркестоний – кимё бүйіча асистент-профессор, Буюк Британиянинг Салфорд университетини тутаттан.

13. Абдураҳмон Амин Марғилоний – чет тиллар бүйіча профессор, АҚШ Колорадо университетида ўқыган.

Саудия Арабистонининг битта университетида 13 та ватандош олимнинг ишлаши, албатта, менде чексиз завқшавқ, фурур уйғотди. Айтишларича, бошқа ўқув юртларида ҳам күплаб ватандошларимиз ишлайди, улар ҳам чет элларда ўқиб келган.

Айтиб ўтилганидек, улар ва бошқа шу ерда түғилған олимлар ҳам ватандошларимизнинг учинчи авлодига мансуб бўлиб, ёшлари 40–55 ўртасидадир. Шуниси диққатга сазоворки, учинчи авлод, гарчи ушбу мамлакатда туғилған ва тарбияланган бўлса ҳам она тили – ўзбекчани болалигидан,

оиладан яхши ўрганган ва бемалол гаплашади. Чет тилларини билиш жиҳатидан эса улар Ўзбекистондаги ҳамқасбларидан бир поғона юқори турадилар: иккинчи она тиллари бўлмиш арабчадан ташқари, яна 2–3 тадан Оврупо тилларини ҳам эгаллаган. (Эътироф этиш лозим: биз рус тилини иккинчи «она тили» деб обдон ўқидик, айримларимиз ҳатто, русча мактабларни тугатдик, аммо чет тиллар масаласида ҳамон оқсаймиз.)

Юқорида айтилганидек, доктор Муҳаммад Саид Муҳаммад Ҳасан Ўзгандий орқали ўша олимлардан бир гуруҳи билан учрашиб, мулоқот қилишга муваффақ бўлдик. Учрашув 1997 йил 18 февраль оқшомида Муҳаммад Саид Ўзгандий хонадонида бўлиб, мен учун унугтилмас кунлардан ҳисобланади.

Мана, профессор Ўзгандийнинг ҳовлиси: худди ўзимизни ҳовлилардек. Кенг дарвозадан киришингиз билан тўрт томонда турфа гуллар очилган, кўм-кўк майдон, аммо дараҳт йўқ. Ҳаво эса, кечки пайт бўлишига қарамай, дим, иссиқ 40 даражадан кам эмас. Гиламлар тўшалган катта сўрига жой қилиниб, икки томонга кучли совутгич парраклар ўрнатилган. Сўрининг таги ва оёқ осталарига резинка ичакларда доимий равишда сув оқизиб қўйилган.

Силлиқ тошлардан жимжимадор қилиб қурилган девор сийратини, кечки «салқин»да ҳам 40 даражадан кам бўлмаган иссиқ-дим ҳаво тафтини, айланаетган кучли совутгич парракларни ва териб қўйилган анвойи чанқоқ бостиларни ҳисобга олмаганда, гўё ўзимизнинг ҳовлиларда ўтиргандекмиз. Барча юмушларни мезбон эмас, хизматчилар бажармоқда. Айтишларича, хизматчилар Малайзия, Индонезия каби ислом мамлакатларидан давлат йўли билан, шартнома асосида ёллаб олиб келинади.

Шом намози ўқилгач, меҳмонлар кела бошлади. Абдугаффор aka мени эртароқ олиб келган эди. Домла Муҳаммад Саид ва қўшниси биргалашиб дўстларини кутиб олишиди. Умм ал-Куро университетининг таклиф қилинган домлаларидан доктор-профессорлар Нажмиддин Абдулгафур Андижоний, Абдулазиз Муҳаммадёр Хўқандий, Абдулмансон Маъмурбой Марғилоний, Юсуф Абдулмансон Марғилоний, муҳандис Сайфулло Яҳёхон Намангоний, шунингдек, машҳур тасаввуфшунос олим Сайид Маҳмуд Тарозий – Олтинхон Тўранинг катта ўғиллари Сайид Мунаввархон қори Тарозий,

ҳаммаси бўлиб, олти киши ташриф буюрдилар. Бошқалар турли сабабларга кўра келолмагани учун телефон орқали узр айтишибди.

Булардан ташқари, мезбон Ўзгандий домла, ташкилотчимиз Абдулғаффор ака ва яна бир қўшилари – ҳаммаси бўлиб ўн киши тўпланди. Ўн дақиқа ўтар-ўтмас, кутилмаганда, яна битта меҳмон кириб келди. Қораҷадан келган, хипча бел, новча, қора соқолли йигит Пешовардан келган тижоратчи Убайдулло Намангоний экан, каминани сўриштириб, “Андижон боғчаси” га борибди ва изма-из қувиб келибди. У билан самимий кўришдик. Жаноб мен билан танишгач, унинг ҳам катта боболари асли Андижондан эканини айтиб, хурсандчилик билдириди. Мен «Бобур экспедицияси» таркибида Пешоварда ҳам бўлганимни айтган эдим, юzlари янада ёришиб, қадрдонлашиб кетдик.

Арабистонликлар одатича, меҳмонларга дарров дастурхон ёзилмайди. Аввал чанқоқбосди ичимликлар тортилиб, сұхбатлашиб ўтирилади ва бир соатлар чамаси ўтгач, дастурхон ёзилган бошқа хонага таклиф қилинади. Худди шу тартибда ўн битта одамнинг ҳовлида ўрнатилган катта сўридаги сұхбатимиз қизигандан қизиб кетди.

Сұхбатдошларим, гарчи Саудия Арабистонида туғилиб ўсган бўлсалар ҳам аммо қалбларида ота юртига муҳаббатлари юксак. Ўзбекистоннинг ота-оналаридан эшигтан боғ-роғларини, кўм-кўк далалари-ю адирлари, дарё-сойларини кўрмоқни орзу қилишади, мустақил юртимиз ҳаётига, унинг порлоқ келажагига катта қизиқиш билан қарайдилар.

1992 йил апрель ойида Президентимиз Ислом Каримов ушбу мамлакатга ташриф буюргани ҳақидаги хабарни араб матбуотидан ўқишиган. Президентнинг Жидда шаҳрида ватандошларимиз вакиллари билан учрашганида араб тилига таржима қилиниб, матбуотда босилган нутқидан ҳам хабардор эканлар. Нутқнинг: «Энди сиз, тақдир тақозоси билан хорижда яшайтган ватандошларимиз билан алоқаларимизни кенг ривожлантиришга ҳамма имкониятлар яратилмоқда», деган жойини арабча газетадан алоҳида остига чизиб менга кўрсатдилар.

Камина тўпланган олимларга касбдош – мен ҳам университет домласи бўлганим сабабли уларнинг қулфи диллари очилиб кетди. Улардан ёши улуғ бўлган Абдуғаффор ака йиғилганлар номидан биринчи бўлиб сўз бошлиди:

— Сайфиддин соҳиб (бу калимани «домла» маъносида ишлатади), бу даврада тўпланганларнинг мендан бошқа барчаси Саудия Арабистони мамлакатида таваллуд топганлар. Аммо ота юртини ёлларидан асло бегона қилишмайди. Чунки ота-оналари уларга Ватанга муҳаббат туйгусини юракда умрбод сақлашни, уни фарзандларига ҳам юқтиришни васият қилиб кетганлар. Сиз муҳожирлар ҳақида китоб ёссангиз, ота-оналарининг фарзандларига қилган бу васиятини унутманг укам...

Ўртага алланечук жимлик чўкди. Абдуғаффор ака дастрўмоли билан кўзларини артиб, осмонга қарапди. Иккичонч сония ўтгач, бу жимликни Абдулмансон Марғилоний бузди:

— Биз ҳали ота юртимизни кўрмадик, аммо кўрмоқ орзусидамиз. Ота-оналаримизнинг Туркистон ҳақидаги ҳикояларини доимо ёдда тутамиз, биз ҳам Ватанга бормоқ, уни зиёрат қилмоқ орзусидамиз. Ислом Каримов жанобларининг сўзлари бизнинг орзуларимизга қанот боғлади...

Шу орада меҳмонлардан бири иргиб ўрнидан турди-да, кўчага чиқди ва икки дақиқа ўттар-ўтмас, бир китоб олиб кирди. Бу — ҳамюртимиз олим Мусо Туркестонийнинг «Улуғ Туркистон фожиаси» китоби экан (Мадина, 1979)<sup>21</sup>.

— Укам Абдулмансоннинг гапларини мана бу сўзлар билан тасдиқлаб қўяйлик, — деди-да, китобни очиб ўқиди:

«Агар жаннат осмонда бўлса, ости Туркистон, агар ерда бўлса, усти Туркистон». Барча суҳбатдошларим бу иқтибосни маъқуллаб, бош иргадилар.

Мезбон Муҳаммад Ҳасан Ўзгандий хонага кириб, нимадир кўтариб чиқди-да, суҳбатга аралашди:

— Хўш; соҳиб-домулло, бизларнинг ота юртимиз бўлмиш, эндиликда озод бўлган Ўзбекистонни зиёрат қилишимизни қай йўсинда ташкил қилиш мумкин?

Барча ўтирганлар бу саволни маъқуллаб, каминага қарадилар. Менинг жавобимни кутмасданоқ, ҳар ким бу масалада ўз «лойиҳа»ларини ўртага ташлади. Жумладан, Абдуғаффор ака таклиф киритиб, шундай деди:

— Сафирга<sup>22</sup> бориб виза оласизлар-да, бораверасизлар, вассалом. Мана, мен Ватанга боргаман, Тошкентдан ҳовлижой ҳам сотиб олганман.

Ўлтирганлардан кимдир арабчалаб унга жавоб қилди. Мен Абдуғаффор акадан секин «нима деди» деб сўрасам, «сизнинг

йўриғингиз бошқа, ўша ёқда туғилгансиз, биз-олимлар эса...», — дебди. Акамизнинг «таржима»си тугамай, Нажмиддин Абдуғафур Андижоний менга қараб, сўз бошлаб юборди:

— Тўғри, тижоратчилик, тадбиркорлик бизнинг касбимиз эмас, менимча, маҳсус илмий сафарлар ўюштироқ лозим.

Илмий сафарлар масаласи, очиги, мен учун ҳам кутилмаган таклиф бўлди ва Нажмиддиннинг лойиҳаси менга маъқул тушди. Бу ҳақда суҳбатдошларимга иккита режам борлигини айтдим: бири — пойтахт Риёзга борганимда, Ўзбекистон Республикасининг Саудия Арабистонидаги элчиси билан учрашиб, бу масалани ўртага ташлайман ва у кишининг фикрини биламан. Иккинчиси — Ватанга қайтганимда, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигида бўламан-да, бу ҳақда фикр алмашамиз. Бу режа кўпчиликка маъқул келди.

Шу онда Саид Абдуллоҳ Шаҳроний жаноблари ярим ҳазил, ярим жиддий оҳангда менга савол ташлаб қолди:

— Профессор соҳиб, Ватанга қайтгач, шахсан Сиз ўзингиз мени университетингизга таклиф қилмайсизми? — Ўтирганлар самимий кулги аралаш бу саволга қўшилган бўлдилар.

— Бу таклифни ҳам боргандা, албатта, ўйлаб кўрамиз, агарда имкони топилса, битта сизни эмас, Нажмиддин жанобларини ҳам таклиф қиласиз. Баҳонада ота юртни зиёрат қилиб келадилар. Сизни эса Шаҳриёнга олиб бораман ва отангиз туғилган шаҳарни томоша қилдирман, зиёрат қиласиз.

Дўстлар арабчалашиб, табассум билан бир-бирларига гап қота бошлашди. Қизғин суҳбатга киришиб кетиб, соат тунгги 12 бўлганини сезмай қолибмиз. Муҳаммад Ҳасан Ўзгандий барчани овқатга таклиф қилди ва «суҳбатни хонада давом эттирамиз» — деб қўшиб қўйди.

Қип-қизил гилам тўшалган хонага дастурхон ёзилиб, нондан тортиб чиройли идишларда турли ширинликлар, хурмо, апельсин, олма-ю бананлар қўйилган. Дўстларимиз чойни кам ичадилар, ўрнига турли яхна ичимликлар ва шарбатлар истеъмол қилишади. Менга эса чиройли японча «Талложа» (термос)да кўк чой дамлаб, олиб келдилар.

Овқатланиш асносида суҳбатимиз мундарижаси янада кенгайди. Аммо улардан икки мавзу кўпроқ эътиборда бўлди. Бирини муҳандис Сайфулло Яҳёхон ўртага ташлади: ҳозир ахборот, информатика ва менежерлик воситаларисиз саноат тараққиётини тасаввур қилиб бўлмайди. Шунинг учун

мустақил Ўзбекистонимизнинг (ватандошимиз айнан «Ўзбекистонимиз» деб гапираётир) янгича саноат қурилишида бу омиллардан кенг фойдаланиш учун агарда хориждан мутахассислар таклиф қилинаётган бўлса, албатта, Саудия Арабистонидаги ватандош ишビルармон ва малакали мутахассислардан ҳам фойдаланиши назарда тутмоқ лозимлигига эътиборни қаратди.

— Биз эса — деб яқунлади у сўзини, — истиқолини кўлига олган ота-оналаримиз диёрида beminnat хизмат қилишга тайёрмиз.

Мен бу мулоҳаза ва таклифнинг муҳим эканлигини таъкидлаб, янги дўстимга миннатдорчилик билдиридим.

Иккинчи таклифни шу дамгача суҳбатга камроқ аралашиб, ўзини оғир-вазмин ва ўйчан тутиб ўлтирган доктор Абдулазиз Мұхаммадёр Хўқандий киритди. Унинг фикрича, муҳожиран тарихи ҳақидаги менинг бўлғуси китобимда, жумладан, қўйидаги масалалар ҳам ўз ифодасини топмоғи матлубдир:

— Биринчидан, — деди у, — ота-оналаримиз ҳижратга чиққач, уларнинг қалб кўзлари, димиқсан фикри-тафаккури, кеч бўлса ҳам мусофиричиликда очилди. Улар Арабистондан бошлаб биринчи марта хорижий сафарларга чиқдилар, жаҳонни кўрдилар, тасаввурлари кенгайди ва ўзлигини танидилар. Қасбларидан қатъи назар, бу ерда таваллуд топган биз-фарзандларини ўқишига, илм олишга даъват қилдилар. Бу—ота-оналаримизнинг фикр доиралари, турмуш ҳақидаги мулоҳазалари кенгайганидан нишона. Биз бу даъватга қулоқ солдик — мана, ўқиб, илм олдик.

Иккинчидан, Саудия Арабистони ҳукумати бухорийларнинг фарзандлари ўқиб маълумотли бўлиши учун зарур шароитларни яратиб берди, ҳеч кимни камситмади. «Бухорий» номи гўё имтиёзли унвондек бўлиб қолди. Ота-оналаримизга «шўро зулмидан безиб келганлар» деб доимо эътибор билан қаради. Буни ёддан чиқаришга бизнинг ҳаққимиз йўқ.

Учинчидан, хорижда ўқиб келганларни, ким бўлишидан қатъи назар, эгаллаган мутахассислиги бўйича иш билан таъминлади, яхши маошлар белгилади. Бизни ўқитган ота-оналаримиз ўзлари дунёвий илмлардан деярли саводсиз эдилар. Бу илтифотлар учун улар қайси шаклда бўлмасин, ўз миннатдорчиликларини изҳор қилолмадилар. Барча ўтиб кетган

ота-оналаримизнинг миннатдорчилигини билдириш фарзандларнинг бурчидир.

Абдулазиз Мұхаммадёрнинг фикрича, муҳожиrat ҳақидаги бўлғуси китобнинг муаллифи, яъни мен мустақилликка эришган Ўзбекистоннинг собиқ фуқароси сифатида «Ватан-Ватан» деб, унга етишолмай ёруғ дунёни тарқ этган ватандошларнинг эҳтиромини изҳор қилиб қўймоқ миннатдор фарзандларининг муддаоси эканини, албатта, эътиборга олмоги лозим.

Ўлтирганларнинг барчаси Хўқандий домланинг бу таклифини тасдиқладилар ва менинг ижодий ишларимга омадлар тиладилар. Мен тўлқинланган ҳолда, уларнинг хоҳишларини албатта эътиборга олажагимни айтдим. Суҳбат мавзуи янада кенгайди, истиҳола пардаси кўтарилиб, тортинчоқликка ўрин қолмади...

Суҳбатимиз сўнгидаги Умм ал-Қуро университетидаги камина билан кенгроқ учрашув уюштириш ва уни телевидениеда кўрсатиш юзасидан келишиб олинди. Университет раҳбарияти билан бу ҳақда музокара олиб бориш психология факультети деканининг муовини Абдулманон Марғилонийга топширилди. Мұхаммад Ҳасан Ўзгандий эса менга таржимонлик қиладиган бўлди<sup>23</sup>.

Нихоятда жонли, самимий ва мазмунли ўтган суҳбатга тунги соат иккода яқун ясалди. «Университетда учрашгунча» деб хайрлашдик. Абдулманон Марғилоний машинасида мени «Анжан боғча»га олиб бориб қўйди. Олимлар билан ўтган мароқли суҳбат уйқумни ҳам қочириб юборди, тун кунга уланиб кетди.

#### **4-§. Тоиф шаҳридаги учрашувлар**

Маккай мукаррамадан шарқ томонга 80 км. юриб, тоғдан ошиб ўтилса, Тоиф шаҳри бошланади. Ушбу шаҳар тоққа яқин бўлгани сабаб Арабистоннинг бошқа шаҳарларига нисбатан салқинроқ об-ҳаволи, биздаги каби мевали боғларга сероб. Шу боис кўпчилик ватандошларимиз Тоифда муқим бўлиб қолганлар. Арабистоннинг бошқа шаҳарларида истиқомат қилувчи айрим ватандошларимиз ҳам ёз ойларини ўтказиш учун бу ерда «дала ҳовли» каби турар жой қилиб қўйғанлар. Шаҳарда ўзбек маҳаллалари бор. Кечки пайтда айрим кўчаларда юрган киши ўзини худди Ўзбекистон шаҳарларида юргандек

сезади. Дўстим Комил Абдулло Андижоний – шоир Тошқин ана шу шаҳарда истиқомат қиласди.

Тоифга мени Тошқин домла олиб кетди. Ўида бир кун меҳмон бўлгач, ётиб туришимга ва ишлашимга қулайроқ жойда турмогимни қатъий илтимос қилдим (меҳмондўстлик ва тамошо ўз йўлига). Илтимосимга биноан, дўстим мени шаҳарнинг ўзбек маҳаллалари ўртасида жойлашган «Анжан такя» деб аталган икки қаватли вақф меҳмонхонасига жойлашириб қўйди. Меҳмонхона биноси бизнигига ўхшаган йўлак (коридор)лардан иборат эмас. Иморатнинг ўртаси ўша икки қават баландлигига катта саҳн, тўрт томони эса айланасига узун, биздагидек, эни икки метрли айвончалардан ташкил топган бўлиб, хоналарга мана шу айвончалардан кирилади.

Тошқин мени Тоифда истиқомат қилувчи яна бир ватандош олим ва шоир Абдураҳим Учқун Бағдодий (Қўқон) билан таништириди. Мени меҳмонхонанинг иккинчи қаватидаги у кишининг чоққина ҳужрасига жойлашириди. Абдураҳим Учқун домла оиласи билан қўшни кўчадаги шахсий уида яшаб, ҳужрада фақат ижод қиласар эканлар. Ҳужранинг деразаси кўчага қараган, кўчанинг нариги юзида эса катта масжид бор, беш марта айтиладиган аzon чақириғи шундоққина эшитилиб турди. Учқун домланинг ушбу ҳужрасида ўша 1997 йилнинг январь охири ва февраль ойи бошларида роппа-роса 10 кун истиқомат қилдим, домла эса ўз уида. Комил Тошқин ҳар куни кечқурун Учқун билан бирга менинг ёнимда бўладилар. Комилжон у кишига мени яқиндан таништириб, сафарим мақсадини батафсил тушунтирган.

Ватандошлар билан учрашувларимиз, кўпинча, ҳужрада уюштирилади, гоҳида эса кимдир уйига таклиф қиласди-да, суҳбат ўша ерда давом этади.

Яқинроқ танишганимдан сўнг маълум бўлдики, Абдураҳим Учқун ҳам олим, ҳам шоир сифатида таниқли, ўзига яраша обрўга эга инсон экан. Унинг саргузашти ҳам бир олам.

Қўқоннинг Бағдод туманида таваллуд топган Абдураҳим Учқуннинг отаси Абдурасул каттагина ер-сувга эга бўлган қишлоқ бойларидан эди. У киши тадбиркорлиги, ҳаётий муаммолар ечимини тезда топа оладиган доно ва ҳушёrlиги билан бошқалардан фарқ қиласди. Абдурасул шўро ҳукуматининг ички сиёсатида бўлаётган ўзгаришларни

ҳаммадан олдинроқ сезди ва 1930 йили ёқ отасини ҳам олиб, Афғонистонга жүнади. Тожикистаннинг тоғли қишлоқларидаги икки йиллик сарсон-саргардонликдан сўнг, ниҳоят, 1932 йили Амударё қирғоқларига келишган ва «гуфсан» ёллаб, дарё орқали Афғонистонга ўтишган.

Аммо Афғонистонда ҳам тинчлик йўқ. Яна икки йил шаҳарма-шаҳар кўчиб юришлардан сўнг, ниҳоят, 1934 йили Андхўй шаҳрига келадилар ва ҳожи Абдурасул қассоблик дўкони очади. Олти яшар ўғли Абдураҳимни Кўқондан бориб қолган Муртазохон қорига ўқишига беради.

Абдураҳим ёшлигиданоқ истеъоди уфуриб турган бола чиқди. Саккиз яшарлигига Ҳофизу Саъдий асарларини ёд олди. Куръони каримнинг ярмини хатм қилди. Отанинг ҳам ишлари юришиб, ҳаёт бироз изга тушди.

1937 йили отаси муборак ҳаж сафарига отланиб, оиласи билан авжи қор босган қиши кунларида йўлга чиқишиди. Абдураҳим Учқун йўл азобларини эслар экан, ҳозир ҳам овози титраб, кўнгли бузилиб кетади. Андхўй-Ақча-Мозори Шариф-Тошқўргон орқали ниҳоят, Кобулга етиб келишди. Бу шаҳarda бир-икки ой туришгач, Пешоварга, ундан поездда Карочига келишди. Бироқ дадасининг захира пули тутаб, кичикроқ чарх сотиб олди ва чархчилик қила бошлади. Карочида бой қолиб кетишиди ва, ниҳоят, денгиз орқали Жиддага жўнашди. Жиддадан туюда Маккага... Ҳаж фарзларини бажаришгач, шаҳарнинг «Масфала» мавзеидан ижарага жой олишди.

Абдураҳим шу муқаддас шаҳарда ҳиндистонлик бир бой қурган «Мадрасату-л-Фоизин» деган мадрасага ўқишига кирди. Дадаси эса, яна қассоблик ҳунарини қила бошлади. Абдураҳим мадрасани икки йилда ёқ битирди ва бенгалиялик Қори Усмон деганинг қўлида яна ўқий бошлади. Аммо ҳаёт ташвиши уларни аввал Тоифга, сўнгра Мадина мунаварага етаклади. Оналари ушбу муқаддас шаҳарда вафот қилди. Оилада қийинчилик бошланди. Хотин ўлгач, дадасининг ишлари ҳам юришмай, жаҳонга сифмай қолди. 1941 йили яна Ҳиндистонга қайтиб кетдилар ва маълум муддат яна Карочида тўхташди.

Мана, жаҳон уруши бошланганига ҳам икки йил бўлди. Ўша йиллари Дежлида «Туркистон муҳожирларини ҳимоя қилиш ташкилоти» тузилиб, унинг бошлиги наманганлик Аъзам Ҳошимий деган шоиртабиат, теран фикрли ва маърифатли киши эндиғина фаолият кўрсата бошлаган эди. Улар бу

ватандошни излаб Дәхлигә келишиди. Аъзам Ҳошимий ёш Абдураҳимни ушбу ташкилотга ишга қабул қилди.

Үша 1943 йили 15 яшар Абдураҳимни тақдир Шарқнинг машҳур олими ва сиёсат арбоби Мусо Жоруллоҳга йўлиқтириди: бир куни Аъзам Ҳошимий унга «бугун Мусо Жоруллоҳ келади» – деди. Маҳкамага ўша куни кўп киши тўпланди. Бир вақт рикша-аравачада ёши олтмишларга борган чўққи соқол, ориқцина, кўк кўз, юзи сарғишроқ, бошида шапка, русча кийим кийган татар мулло Мусо Жоруллоҳ келди. Барча унга эҳтиром билдириди. Ҳонада йигирма ҷоғли одам-барчаси ўзбек ватандошлар тўпланишиди, қизғин суҳбат бошланди. Абдураҳим эса хизматда.

Бир пайт мәҳмон таҳоратга қўзгалгандা, ҳаракатлари чаққон Абдураҳимга қўзи тушди ва исмини, кимлигини сўради. Таҳоратдан сўнг мәҳмон Абдураҳимни ўзига ажратилган ҳужрага олиб кириб, унга бир неча туркий китобларни ўқитиб кўрди. Ўқишидан қаноат ҳосил қилгач, унга: «Болам, ўқигин, туркий олимлар кўпайсин», – деди. Олимнинг бу гапи унинг хотирасида умрбод муҳрланиб қолган. Шундан буён Абдураҳим Учқун ўзини Мусо Жоруллоҳнинг шогирди деб билади, ўзи ҳам мана, олим бўлиб танилган.

Аммо ёстиқдошидан ажралган дадаси Дәхлига ҳам сифмади: 3–4 ой чархчилик қилиб юриб, улар яна Афғонистонга қайтдилар. Бағлонда бир тожик аёлига уйланди. Шу-шу Афғонистонда қолиб кетишиди. Бу орада Абдураҳим ҳам уйланди. Йиллар кетидан йиллар ўтди, дада дардга чалиниб, 1976 йили вафот қилди. Икки йилдан сўнг эса машъум афғон уруши бошланиб, ҳаёт яна издан чиқди. Абдураҳим ўгай она ва хотини билан яна Арабистонга кўчиб кетди ва шундан буён Тоиф шаҳрида истиқомат қиласди.

Ўшанда Абдураҳим ушбу шаҳарда кўп йиллардан буён яшаётган шоир Ёқубхўжа Юсуфхўжа ўғли Маҳжурий-Андижоний билан танишиди, у кишининг кичиккина савдо дўконига хизматга кирди ва ҳамкорликда илмий-ижодий ишини давом эттириди.

1991 йили Учқун домлага оғир бўлди: акахони, ҳимоячиси ва ҳамкори – истеъодди шоир Маҳжурий-Андижоний вафот қилиб, мусофириликдаги ҳамфир маслаҳатгўйидан жудо бўлди. Аммо начора...

Шу тарзда асли Кўқоннинг Бағдод туманида таваллуд топган ватандошимиз, муштипар ва заҳматкаш олим ва шоир

Абдураҳим Учқун билан танишдик. У киши араб, форс, урду, ҳиндӣ ва пушту тилларини мукаммал билади, бир қатор илмий ишлар қилиб ултурган, мана, улардан муҳимлари:

Хоғиз Шерозий ғазалларида тасаввуф истилоҳлари ҳақида илмий иш қилиб, «қош», «кўз», «лаб», «гул» ва «май» калималарининг ишлатилиши ҳақида қизиқарли мулоҳазалар юргизади. Бир асари «Муҳиммот ад-дин» деб аталиб, диний масалаларга бағишлиланган. Қирқта сараланган ҳадисга ўзбек тилида шарҳ берган. Тажвид (қироат) ҳақида бир рисола ёзган. «Фурбат ноласи» номли ғазаллар тўғламини нашрга тайёрлаб қўйган.

Ўзбек тили грамматикасига оид «Ўзбек тили ва иншо» номли асар ҳам ёзган. Ибратли ҳикоялар тўплами тушиб, уни «Оталар сўзи» деб номлаган. Битта рисоладан ташқари буларнинг барчаси нашрга тайёрлаб қўйилган.

Бундан ташқари, Учқун домла бир қанча асарларни ўзбек тилига таржима қилган. Уларларнинг энг муҳимлари қўйидагилар:

- Куръони каримнинг изоҳли таржимаси (Маҳжурий билан ҳаммуаллифликда.)
- «Менким, Фотиҳ Темур» (форс тилидан).
- «Бобурийлар сулоласи» (урду тилидан).
- Шавқат Алихоннинг «Ҳиндиштон салтанати» номли асари (ҳинд тилидан).
- Шибли Нўймоний деган ҳинд олимнинг «Форуқ» номли асари (ҳазрати Умар р.а.нинг фаолияти ҳақида, араб тилидан).
- Мусо Жоруллоҳнинг «Афв умумийи илоҳия» асари (араб тилидан) ва бошқалар.

Соҳибқирон Амир Темур қаламига мансуб деб тахмин қилинган «Менким, Фотиҳ Темур» номли тарихий китобнинг ўзбекчага таржимасининг бир қисми «Шарқ юлдузи» журналида босилган<sup>24</sup>. Булардан ташқари, камина Тоифга борган кунлари Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадгу билиг» асарини араб тилига таржима қилишни бошлаган эканлар. Бу олим «Учқун» тахаллусида бадиий ижод билан ҳам шугулланади. Унинг ғазаллари, асосан, дарбадарликда кечган ҳаёт ва Ватан фироқига бағишлиланган. Юқорида зикр қилинган «Фурбат ноласи» номли девон тузган.<sup>25</sup>

Суҳбатимизда иштирок этганлардан ғазалнавис шоир Фамгин (Минҳожиддин Махсум) доришунос-аптекачиликдан нафақага чиққан, шоир сифатида ҳозирча фақат

андижонликларга таниш, холос.(У ҳақида кейинроқ ҳикоя қиласиз).

«Тошқин» тахаллуси билан шуҳрат қозонган шоир Комил Абдулло Андижоний эса Собир Абдулло, Ҳабибий, Чустийлар даражасидаги ғазалнавис. Тошқин ҳақида матбуотимизда эълон қилинган мақолаларимиз, радио, телевидениедаги чиқишлар ва ниҳоят, нашр қилинган «Ватан ишқида»<sup>26</sup> ғазаллар тўплами орқали шоир кўпчиликка таниш бўлса, ажаб эмас. Тошқин ижодидан каминага янгилик шу бўлдики, шоир мустақиллигимизга бағишилаб, «Уйғониш» номли икки пардали лирик драма ёзган. Биз ундан нусха кўчириб, Андижонга олиб келдик, мақсадимиз – ушбу асарни театрда саҳналаштиришdir.

Бир куни ҳамюртимиз, номи аллақачон Ўзбекистон зиёлиларига таниш бўлган олим Шаҳобиддин Яссавий ҳужрамга ташриф буюриб, уйида лутфан меҳмон бўлишимни сўради. Ваъдалашган куни бордик. Тўпланган меҳмонлар асосан шу ерли илм аҳли ва шоирлар эди: Абдураҳим Учқун Бағдодий, Минҳожиддин Махсум – шоир Фамгин, Комил Абдулло-Тошқин, марҳум шоир Ёқубхўжа Маҳжурий – Андижонийнинг укаси Исҳоқхўжа ва у кишининг қариндоши Абдураҳим қори, шунингдек, адабиёт ихлосманди, қадрдонимиз Олимжон Исломијонлар ҳозир эдилар.

Бундан бир неча йил илгари «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида босилган Шаҳобиддин Яссавий ҳақида мақолада ёзилишича, бу киши халқимизнинг улуғ пирларидан бўлмиш Аҳмад Яссавий авлодларидан ҳисобланади. Мамлакатимизга ташриф буюрганида, бу ҳақда яхши гаплар айтилди. Камина у кишининг уйида бўлганимда, сулоласи ҳақида гап бўлди-ю, аммо буни тасдиқловчи шажара кўрсалотмади.

Суҳбатларда шунга амин бўлдимки, Шаҳобиддин Яссавий сўз санъатини пухта эгаллаган нотиқ, маълум масалаларда шахсий нуқтаи назарини суҳбатдошига юқтиришга ҳаракат қиласиди. Билағон киши, тарихимиздан яхши хабардор. Кўпроқ Ватанимиз ўтмишидан мушоҳада юритади. У кишининг «Туркистон: аччиқ ҳақиқатлар» тарихий асари Ўзбекистонда маълумдир<sup>27</sup>. Меҳмондорчиликда Яссавий билан узоқ суҳбатлашдик, хўб суҳбатлашдик.

Тоиф шаҳрида яшаб, 1991 йили вафот қилган, асли

андижонлик шоир ва олим Ёқубхўжа Маҳжурий – Андижоний ҳақида олган маълумотларимиз ҳам қимматлидир.

Маҳжурий номи бизга нотаниш бўлгани сабаб унинг адабий-ижодий мероси ҳақида гап юритишдан олдин марҳум шоир билан яқиндан танишмоқ мақсадида аввалига унинг Маккада истиқомат қилувчи укаси Исҳоқхўжани излаб топдик ва у билан сухбат қурдик.

Ёқубхўжа Маҳжурийнинг отаси Йўлдошхўжа Эгамбердихўжа ўғли Андижоннинг собиқ Қирлик маҳалласида яшаган. Демак, бу ҳозирги «Ўзгариш» маҳалла ҳудудига тўғри келади. Ёқубхўжа 1920 йили туғилган. Оиласи ўзига тўқ эди. Машъум «қулоқ сиёсати» бошланганида, у мактабга қатнаб юрган йиллар эди. Отаси қулоқлар рўйхатига тушиб, бир куни тунги соат 12 ларда улар уйига ўнга яқин киши бостириб киришган. Ички-ташқи ҳовли-ю, уйлари обдон тинтув қилиниб, барча қимматли мол-дунёсини, укаси Исҳоқхўжа хотирасига қараганда, «бешта ўрис аравага» юклаб кетишган. Шундан сўнг отаси Йўлдошхўжа оромини йўқотган, руҳан эзилган. Аҳвол кундан кунга оғирлашиб борган, кечалари айғоқчилар кўчама-кўча изғиб, бойларни тутиб кетишарди, деб ҳикоя қиласи укаси.

Йўлдошхўжа хотини, 12 ёшли Ёқубхўжани ва унинг укаси 7 ёшли Исҳоқхўжани олиб, тунда Ўшга жўнаган, ундан Қошғарга йўл олган. Бошқалар ҳаётидаги зикр қилганимиз йўл азобларини тортиб, ниҳоят, Қошғарга етиб келишган. Ёқубхўжа ўшанда ўсмир Комилжон Тошқин билан шу ерда танишиб, битта мактабда ўқишган. Бироқ ўша йилларда, юқорида таъкидланганидек, Қошғар ҳам нотинч эди.

Оталари Йўлдошхўжа шу ердан Ҳиндистон сафарига жўнади. Ўғиллари Ёқубхўжа ва Исҳоқхўжа эса онаси билан Қошғарда қолиб, янги усул мактабларида ўқишни давом эттириши.

Йўлдошхўжа Кашмирга келиб, дурадгорлик қилди. Аммо бу шаҳарга ҳам сингишиб кетолмади – олти ойча тургач, Карочига йўл олди. Бу ерда ўша 1933–34-йиллари мусофири ўзбеклар анчагина тўпланиб қолган эди. Йўлдошхўжа ижарага жой олиб, дурадгорлик ишини давом эттириди ва бу шаҳарда 5 йил яшади.

Аммо Карочида ҳам Ҳиндистон мустақиллиги учун кураш билан боғлиқ сиёсий бесаранжонликлар бошланиб, мусофириларнинг ҳаёти оғирлашиб кетди. Йўлдошхўжа Саудия

Арабистонига сафарга отланди. Ниҳоят, 1939 йили бу мамлакатга етиб келди ва Тоиф шаҳрига ўрнашиб, ўз ҳунарини давом эттириди. Ёғли Ёқубхўжа Қошгарда 17 йил қолиб кетди. Бу йиллари ўқиди ва ўқитувчилик қилди, уйланди ҳам. Ниҳоят 1949 йили ака-ука онасини олиб, ота кетидан йўлга чиқишиди ва 1950 йили Саудия Арабистонига етиб келдилар. Улар Тоиф шаҳрида топишдилар. Ёқубхўжа кичкина дўкон очди ва иш билан бирга мустақил равишда илмий-адабий машгулотлар ҳам олиб борди. Отаси Йўлдошхўжа 1964 йили 80 ёшида Тоифда вафот қилди.

Исҳоқхўжанинг айтишича, акаси Ёқубхўжа ёшлигиданоқ шеъриятга қизиқарди. У Қошгарда эканидаёқ «Маҳжурий» тахаллусида газаллар ёзиб юрган. Саудия Арабистонига келгандан кейин эса бўш вақт топиши билан Макка ва Мадинага бориб, Саид Маҳмуд Тарозий, Ибн Ямин қори, Ваққос қори каби ватандош олимлар сұхбатига отланарди ва улар билан тез-тез мулоқотда бўларди. Мустақил равишда Навоий, Фузулий, Низомий шеърларини мутолаа қиласарди. Шунингдек, И мом Бухорий, Ҳаким Термизий, Замахшарий, Форобий, Ибн Сино асарларини ахтариб топиш учун Арабистоннинг кўп шаҳарлари ва бир қатор хорижий мамлакатларни кезиб чиқади. Чунончи, Туркия, Миср, Сурья, Англия, АҚШнинг йирик кутубхоналарида бўлиб, Туркистонга оид илмий ва адабий асарлар билан танишади, улардан кўчирмалар олади, дурустгина нодир кутубхона қиласади. Тоифда Маҳжурийнинг деярли ҳар кунги сұхбатдоши шоир Фамгин, Комил Тошқин ва Абдураҳим Учқун эди.

Укаси Исҳоқхўжа акаси ҳақидаги хотирасини бизга сўзлаб берар экан, Маҳжурий бафоят ватанпарвар инсон эканини алоҳида таъкидлайди. У доимо она юрт – Туркистонни, унинг истиқболини ўйлар эди. «Хоҳ шеър, хоҳ наср ёзувлари бўлсин – юрт фироқи, унга бўлган муҳаббатини қаламга олар эди, – дейди Исҳоқхўжа. – Ижодида бутун Ўзбекистон аҳлини доимо тинч-омон бўлиб, балои ногаҳонлардан Аллоҳнинг ўзи сақлашини илтижо этар эди, фикри-зикри Ўзбекистонда эди»<sup>28</sup>.

Ёқубхўжа Маҳжурий 1991 йили – мустақиллигимиз эълон қилинишидан бор-йўғи уч ой илгари вафот қилди ва Маккан мукаррамадаги «Жаннат ул-Маъалло» қабристонига дафн қилинди.

Маҳжурий-Андижонийнинг адабий мероси ҳақида шуни айтиш керакки, у ўз фазалларидан девон тузган. Аммо ушбу қўлёзма девон тақдирни ҳозиргача ҳеч кимга маълум эмас. Унинг «Очиқ қолган дафтар» номли 227 саҳифадан иборат кундалигини шахсий архивидан топдик. Ушбу кундалик муҳожиран тарихи учун қимматли манбадир. Олим-шоир ўзбек тилида «Тил йўриғи» номли асар ҳам ёзиб, нашр қилдирган. Ушбу китоб Саудия Арабистонида яшаётган ўзбек оиласарида она тилини ўқитиш ва ўрганиш учун дарслик сифатида ёзилган. Биз ундан икки нусха олиб келиб, Андижонда тилшунос дўстларга ҳадя қилдик.

Булардан ташқари, Маҳжурий архивида шоирнинг туркий (ўзбек) тили, уни араб имлосида ёзиш ва ўқитиш қоидалари ҳақидаги бир қатор қўлёзмалари, шунингдек, араб матбуотида босилган мақолалари ҳам сақланган. Бу ватандош олим-шоирнинг меросини тўла ўрганиш ва халқимизнинг маънавий мулкига айлантириш олдимиздаги вазифалардандир. Маҳжурийнинг қариндоши Абдураҳим қори ва укаси Исҳоқхўжа шоирнинг девонини топиб, бизга маълум қилишга ваъда бердилар<sup>29</sup>.

Тоифда ўтган 10 кун давомида камина ҳужрасига кўплаб ватандошлар ташриф буюрдилар. Улар турли қасбдаги кишилар бўлиб, ўз «дардлари», шахсий муаммолари ҳақида гап очадилар ва маслаҳат сўрайдилар. Тоифда бўлган кунларим тўйларда, улфатчилик ўтиришларда ҳам қатнашдим, кўплаб суҳбатлар уюштирдик. Шу суҳбатлардан яна бирига тўхталиб ўтмоқчиман:

— Бир куни Ҳожи Нуриллоҳ исмли асли Шаҳрисабзлик ватандошимиз ҳужрамга келиб тўйга таклиф қилди. Андак ўтиргач, хайрлащаётуб:

— Бизнинг ҳам достон бўлгудек саргузаштимиз бор, — деб қўшиб қўйди. Тўйдан сўнг у кишини суҳбатга таклиф қилдим.

— Ҳожи Нурилло Муҳаммад Сафар деган бадавлат кишининг ўғли бўлиб, авлодлари Шаҳрисабзнинг “Бештерак” ва “Маллабош” маҳаллаларида яшайдилар. “Отамиз беҳисоб мол, қўй, түя, ер-сувга эга эди”, — деб эслайди Ҳожи Нурилло. 1929 йили ота қамоқقا олинган. Унинг Хушмад деган катта ўғли совет ҳокимиятига қарши курашиб, таслим бўлишга кўнмасдан тоғларда қочиб юрган.

Ота қамоқقا олингач, уни озод қилиш учун ҳукумат ўғли Хушмаднинг таслим бўлишини талаб қилган. Аммо у қўнмага,

бир ақли норасо чүпонни пулга ёллаб, Хушмад кетидан юборишган ва калласини олдиришган. Шундан сүнг Мұхаммад Сафар озод қилиниб, оиласи билан Афғонистонға ўтиб кеттән. 50 йилга яқын мусофирикта яшаб, ниҳоят 1980 йили Тоифга келишгән. (Афғонистондаги күргуликтарни күз ёши билан гапиради Нурилло). Мұхаммад Сафарға Ватан истиқололини күриш насиб этди ва 1995 йили 96 ёшда мусофирикта вафот қилды.

Хожи Нурилло отаси васияттың биноан Шаҳрисабзға келди, қариндошларини топди. Ота маҳалласыда бир масжид құрдирди, қишлоқ ободонлиги ишларыда қатнашды, кам таъминланғанларга моддий ёрдам күрсатди. Шаҳрисабздаги қариндошларидан ўқитувчи Муаззамхон Абдураҳмонова орқали фожеали саргузаштларини тасмага ёздириб қўйган. Хожи Нурилло ўша аёлни топишни мендан илтимос қилды. Аммо бизнинг дикқатимиз асосан Фарғона водийисидан борган муҳожирларга қаратилгани сабаб у томонларга ҳозиргача боролмадик. Тадқиқот давом этажак.

Тоиф шаҳридаги олим ва шоирлар билан учрашув онларидан ва бошқа суҳбатларда дўстларимиз бир нарсадан афсусландилар: Ўзбекистоннинг озодлиги 15–20 йил олдинроқ қўлга киритилганды эди, ватандошларимизнинг биринчи авлоди, яъни суҳбатдошларимиз ота-оналари умр бўйи қўлган орзу-умидлари ушалганини кўриб, ҳаётдан беармон кўз юмган бўлур эдилар. Сафардан қўзлаган мақсадимни илгари Маккадаги учрашувдаёқ англаган танишим, кейинчалик дўстлашиб кетганимиз Олимжон Исмоилжон титроқ овоз билан шундай деди:

— Агарда 20 йил илгари шу мақсадингиз йўлида бир иложини қилиб келганингизда, оталаримизни кўрадингиз ва улар билан гаплашар эдингиз. Ўша пайтлари Тоиф кўчаларини тўлғазиб ўзбеклар юришар эди. Минг афсуски, улар Ватан озодлигини кўролмадилар, қўзларida ёш, қалбларида армон билан кетдилар...

Албатта, Олимжон ака 20 йил илгари келишнинг иложи йўқлигини ҳам тушунади. Лекин армон-армонда... Мана, энди киндик қони она юртда тўкилган марҳумларнинг фарзандлари билан гаплашмоқдамиз. Улар Ўзбекистонда бўлаётган ўзгаришларни сўраб, ўз фикр-мулоҳазаларини изҳор қиладилар. Мустақиллик эълон қилингач, улар ҳам Ватангага бир-икки мартадан келиб кетдилар, туғишган жигарбандлари билан

дийдорлашдилар, қалбларидаги она юрт соғинчи ҳароратини бироз пасайтирган бўлдилар ва мамлакатимизда юз берадиган ажойиб ўзгаришларни ўз кўзлари билан кўрдилар, шаҳар ва қишлоқларимизни обдон томоша қилдилар.

Бир сўхбат сўнгида Олимжон акамиз ватандошларимизнинг биринчи авлодига мансуб андижонлик Ҳурбой ота деганинг зиёратига олиб киришни ваъда қилди. У киши 98 ёшга тўлган, шаҳардаги энг кекса ўзбек экан. Ваъдалашган кунимиз (бу – 1997 йил 16 февраль, нонуштадан кейин эди) отахон ҳузурига кирдик. Олимжон акам мени баландроқ овозда: «Андижондан келган меҳмон», – деб таништириди. Беҳол ётган бемор чол буни эшишиб, ўрнидан аста турди ва мени бағрига босиб «Андижоним омонми?» – дея ҳўнграб юборди. Юз ёшни қоралаган қариянинг росмана йиғлагани, очиғи, мени нокулай аҳволга солиб қўйди – беихтиёр кўзларимда ёш қалқиди. Ҳурбой ота ўзига келгунча бир-икки дақиқа жимлик ҳукм сурди. Сўнг ўзини босиб олгач, деди:

– Ажабланманг, болам, сизни кўриб қувонганимдан йиғладим. Ҳар куни, айниқса, кейинги йилларда туғилиб ўсган Андижонимни ўйлайман, хаёл олиб қочади, ёшлигимни эслайман... Унинг боғлари, пишиб ётган мевалари, шилдираб оқаётган сувлари тушимга кирали. Бугун кечгача мен билан бирга бўласиз, дардларимни тинглайсиз, дардим, армонимнинг эса – адоги йўқ.

Шу куни алламаҳалгача отахон билан бирга бўлдим (Олимжон акам мени қолдириб, ишига кетди). Ҳурбой ота Андижоннинг эски «Чувалачи» маҳалласидан бўлиб, (бу – камина туғилиб ўсган ҳозирги «Файрат» маҳалласидир), норғил йигитлик чоғидаёқ «Ҳурбой бойвачча» номи билан танилган. 30-йиллардан маҳаллий ҳукумат уни безовта қилаверган, кечалари олиб чиқиб кетиб «беркитган давлатинг бор» деб тамагирлик билан қамаб қўйишар, уришар эди. Ҳурбой ака полвон йигит бўлгани учун анча-мунча калтакка бўй бермасди.

Бир куни тунда қамоқдан қочиб, уйига қайтмасдан тўғри Тожикистонга кетган. Ўзига ўхшаган бир қанча қочоқлар билан бирга Амударё бўйига етиб келишган ва «гуфсар»да дарёдан Афғонистон ерига эсон-омон ўтиб олган. Сўнгра Қундуз вилоятининг Хонобод шаҳарчасига келиб тушган-да, шу ерда муқим туриб қолган. Бу ерда янги оила қуриб, 40 йил яшаган. Отанинг хотирасига қараганда, «советлар томондан» қочиб

ўтганлар дастлаб асосан Хонободда тўпланишар, сўнгра атроф шаҳарларга кетишарди. Шунинг учун бу шаҳарча бир неча йиллар қоюқлар билан гавжум бўлган.

Ниҳоят, 70-йилларнинг бошларида Ҳурбой акамиз оиласи билан Саудия Арабистонига кўчиб келган. Аввалига Маккада тўхтаган, сўнг, мана, 25 йилдирки, Тоиф шаҳрида истиқомат қиласи. Ҳурбой ота пири бадавлат одам: тўртта ўғли топарман-тутарман, оиласи. Чол-кампирнинг ҳеч нарсадан камчилиги йўқ, фақат... Булар ҳақида аста-секин гапирап экан, отахон гоҳо кўз ёши тўқади.

— Қизларимни Афғонистонга куёвга узатганман, улар Кундузда ва Хонободда қолдилар. У ердаги уруш касофатидан қандай аҳволга тушдилар, бехабарман, — чол яна йиғлади.

Ҳурбой ота тортган азоб-уқубатлар, ўзга юртларда чеккан заҳматлар ва ниҳоят, осуда ҳаётга эришгани ҳақида сўзларкан, тез-тез энтикиб олади. 1992 йили катта ўғли билан бирга Ватанга бориб, Андижонни зиёрат қилиб келган, туғишганларини топган, туғилиб ўсан маҳалласини зиёрат қилган.

Чолни, том маънода, миллионер десак, хато бўлмайди. Бироқ отахонга давлатмандлиги татимайди. Чунки унинг бағрида бир кемтиклик бор — у ҳам бўлса Ватан соғинчидир.

Суҳбатга берилиб, тушлик вақти бўлганини ҳам сезмабмиз — овқатланиб ҳам олдик.

— Ўйларимнинг топган миллион пулидан менга нима фойда, — дейди отахон ва яна овози қалтирайди. — Менга энди давлат эмас, Андижон керак, юртим керак. Мустақил бўлганингдан бўён қўлларим ҳар куни дуода, — дейди у, — илоҳим, бу рост бўлсин. Парвардигоримдан энди илтижойим — менинг тупроғимни ҳам озод бўлган юртим тупроғига кўшсин...

Отахон Андижонга борганида «қабримга бирга кўминглар» деб юрт тупроғидан олиб келган. Менга ёстиғи остидан бир халтани олиб кўрсатди. Чолнинг аҳволини кўриб ва гапларини эшишиб, мен ҳам ўзимни тутолмасдан йиғлаб юбордим. Хайрлашув чоғида отахон мени яна бағрига босиб йиғлади, мен ҳам... Сўнгра узоқ дуо қилди.

Отахон билан хайрлашиб чиққач, ҳужрамга келиб соатга қарасам, аср намози яқинлашибди. Ҳурбой ота билан суҳбатимиз деярли бир иш куни давом этганини сезмай қолибмиз... Излаган одаминг билан кўнгилдагидек, берилиб суҳбат курсанг, вақт ўлчови ҳам керак бўлмай қолар экан.

Тоифдаги учрашувлар чиндан-да эсда қоларли бўлди. Бу ердан олиб келган илмий ва адабий меросни ўрганиб, тартибга солиб, халқимиз маънавий мулкига айлантириш – бизнинг бурчимиздир, токи улар давр бўронига учраб йўқ бўлиб кетмасин.

Эндиги йўлимиз – Тоифдан Макка орқали Жидда шаҳрига.

### **5-§. Жидда шаҳрида**

1997 йилги сафаримиз чоғида, анчагина дўстлар орттиридик. Улардан бири Аҳмадали Тўлқинdir. Мулла Аҳмадали қурилиш ашёлари корхонасининг бошлиги бўлиб ишлаган, ҳозир нафақада, ватандошларнинг Жиддадаги фаолларидан. У киши билан илгариғи сафар чоғида шоир Тошқин таништирган эди. Ўшанда истиқлолимиз ҳақида кўз ёшлар тўкиб гаплашгани ёдимда. Унинг шоирлиги ҳам бор. Бироқ вақтимиз қисқа бўлгани сабаб, мулоқотни келаси сафарга қолдирган эдик.

Аҳмадали Тўлқин семиздан келган, гавдаси бесўнақайроқ, ташқи кўриниши билан дабдурустдан одамда маъқул таассурот қолдирмаслиги мумкин. Аммо бафуржа гаплашганингизда суҳбатдошини дарҳол ўзига тортади. Теран фикрли, олимона мушоҳадали, босиқ табиатли, муомала маданиятини пухта эгаллаган ҳақиқий зиёли киши экани гапидан дарҳол маълум бўлади. Айтишларича, 1992 йили апрел ойида Президентимиз Ислом Каримов Саудия Арабистонига ташриф буюрганида, Жиддада ватандошлар билан учрашув тантанасида Аҳмадали Тўлқин сўзга чиқкан. У кишига тунлари илҳом париси меҳмон бўлади – шеърлар ҳам ёзади.

Мана, бугун – 1997 йил 2 март оқшоми у кишининг хонадонида меҳмондамиз. Ўша кунлари Аҳмадали aka нотоб эканлар. Ҳамроҳим Мўминжон Исмоилжон бизни бир-биrimизга таништирганда, дарҳол ўтган йили Маккада учрашганимизни эслади. Кўп ўтмай шоир Тошқин ҳам ваъдага биноан Тоифдан етиб келди. Аҳмадали aka табиатан юмшоқ феъл бўлгани сабаб, хусусан, нотоб ётгани учунми – ўта эҳтиросли товушда, кўпроқ йиғи аралаш гапиради. Зоро, у кишининг ҳам дарди танасига сифмайди.

Аҳмадали мулла Қамбарали ўғли 1926 йили Андижоннинг ҳозирги Балиқчи тумани марказида таваллуд топган. Отаси ер-мулкли, шу билан бирга, мулла киши бўлган. Советларнинг

кулоқлаштириш сиёсати авж олаётганида барча бойликларидан кечиб, 1932 йили олти яшар ўғли Аҳмадалини етаклаб, Балиқчидан чиқиб кетган ва Афғонистонга жүнаган. Бир ойда Андхўйга етиб келишган. Бу шаҳарда ишлари юришмагач, Мозори Шарифга кўчишган.

— Ўз юртида бадавлат ва мулла киши бўлган отам мусофири туртда мешкобчилик қилди, — деб эслайди Аҳмадали ака ўша дарбадарлик йилларни. Ниҳоят, Қамбаралининг муллалиги маълум бўлгач, уни Шибирғонга имомликка таклиф қиласидилар.

Афғонистонда 14 йил истиқомат қилишгач, 1946 йили муборак ҳаж сафарига келиб, шу ерда қолиб кетади.

Улар аввал Тоифда ўрнашди, ишлари юришмагач, Туркияга кўчиб, 10 йил Истамбулда туришди. 50-йиллар охирида яна Саудияга қайтишди. Бу дарбадарлик йиллари доимо ота билан бирга бўлган Аҳмадали кўп ишларни кўрди, кўп воқеаларнинг гувоҳи бўлди, ҳаёт ташвишларини тортди. Ватан соғинчи нима эканини ич-ичидан туйди. 1986 йили отаси Мулла Қамбарали 83 ёшда Жилда шаҳрида вафот қилди. Ота жон таслим қилиш олдидан ўғлига шундай васият қилган экан:

«Ўғлим, сен Ватанга бориб, менинг учун уни зиёрат қил. Сўнгра тупроғидан олиб келгин-да, қабримга сеп ва «ота, васиятингизни адо этдим», — деб хабар бер». Аҳмадали ака бу ҳақдаги хотираларини айттар экан, нотоб ҳолда юм-юм йиглайди.

— Ниҳоят, сизлардаги «қайта қуриш» оқибатида йўл очилгач, 1990 йили Ватанга бордим ва ота-онам қишлоғи, киндик қоним тўкилган Балиқчини зиёрат қилдим, қариндош-уруглар билан дийдорлашдим, — дейди у анча давом этган сұҳбат сўнгига. Аҳмадали ака ўша йиллардаги Балиқчи тумани раҳбари Бегижон Раҳмонов номини мамнуният билан эсга олди. Бегижон меҳмонга кўп одамийлик ва меҳрибонликлар кўрсатгани кейинчалик менга ҳам маълум бўлди.

1991 йили Ўзбекистон мустақиллиги эълон қилингани ҳақидаги хабарни Истамбулда эшиштан.

— Ўша йили август ойида Туркияда дам олаётган эдим,—деб ҳикоя қиласиди у бироз дам олгач. —31 август куни Истамбул портида турган катта «попир»да (пароход демоқчи—С.Ж.) ўзбекистонлик санъаткорлар Гуломжон Ёқубов, Муножот Йўлчиева, Абдуҳошим Исмоилов ва бошқалар концерт беришлари ҳақида хабар эшишиб келдик. Ана ўшанда кимдир саҳнага чиқиб, Ватан мустақил бўлгани ҳақида хушхабарни

эълон қилди. Ўзимни тутолмай саҳнага отилдим ва ватандошларимдан бирини қучоқлаб табрикладим. Кейин билсам, у халқ артисти Фуломжон Ёқубов экан. — Аҳмадали Тўлқин буларни эслар экан, йиги аралаш қулади ҳам.

У киши пири бадавлат одам. Корхонаси ҳам ҳар ҳолда ишлаб турибди. Икки ўғил, икки қиз ўстирган. Ўғли Темурбек йирик тиҷоратчи, Жамолбек учувчи, қизлари эса олим бўлиб етишган. Аҳмадалининг қалбидаги ҳам тўлдириб бўлмайдиган бир кемтик бор. У ҳам бўлса, Ватан фироқи, туғилиб ўсган диёр орзуси.

— Биз намозларда «Илоҳо, иймонимиз саломат бўлсин» дея дуо қилиш ўрнига «Илоҳо, жафокаш Ўзбекистонимиз озод бўлсин», — деб фотиҳага қўл очиб келдик, — дейди у киши овози қалтираб. — Мана, энди «Илоҳо, Ватан мустақиллиги боқий бўлсин», — деб дуо қиляпмиз — унинг нотоб кайфиятига қараб, Мўминжон ака имоси билан суҳбатни қисқартиришга қарор қилдик.

Аҳмадали ака мустақиллигимизнинг беш йиллиги муносабати билан Юртбошимизга бағишланган назмий қутловини ўқиб берди ва биз у кишининг овозини магнитофон тасмасига ёзиб олдик. Олдиндан айтиб қўяйки, шеър бадиий жиҳатдан унча пухта бўлмаса ҳам аммо юракдан ёзилган. Маңа, ундан бир парча:

Узоқдан шеър бўлиб жондан азиз  
байрамни қутлайман.  
Аниқ беш ёшга тўлган мустақил  
байроқни қутлайман.  
Муборакбод бу кунларга эришдик —  
энди мағрурмиз,  
Худоё, сақла юртимни,  
Президент Исломни қутлайман.

Хайрлашув олдидан Тўлқин шоирнинг ғазаллар дафтари билан танишдик, айримларини Тошқин домла ўқиб берди. Муаллиф биз танлаган шеърларини фурсати билан радиотасмага ўқиб беришни вайда қилди. Нихоят, нотоб мезбон билан хайрлашдик. Тўлқин домла яна кўз ёши тўкиб, ётган жойида дуога қўл очди. Ўғли Темурбек бизни ўз машинасида манзилимизга элтиб қўйди.

Жиддадаги хотирада қоладиган сұхбатлардан яна бири номи юқорида тилга олинган Ҳидоятилло Ҳаким хонадонида бўлиб ўтди. Бу сұхбатни дўстим Комил Абдулло – Тошқин уюштириди.

Юқорида айтилганидек, Асаканинг «Тоштепа» қишлоғидан бўлмиш доктор Ҳидоятиллоҳон Ҳаким Саудия Арабистонининг биринчи подшоҳи Абдулазиз ибн Сауд номидаги давлат шифохонасида ишлайди. У тиббиётда ноёб касб – сунъий буйрак қўйиш бўйича мамлакатда таниқли жарроҳлардан ҳисобланади.

Ватанда таъқибга учраган отаси Қурдатиллоҳон Иноятиллоҳон ҳам ҳижрат қилиб, аввал Қошғарга, сўнгра, кўплар қатори, Афғонистонга кўчиб келган. Жаҳон уруши йиллари ушбу мамлакат ҳам безовта бўлгач, Қурдатиллоҳон оиласи билан Иорданиянинг Аммон шаҳрига келиб ўрнашган. Афсуски, оталари узоқ яшамади – дардга чалиниб, 1969 йили 68 ёшида мусоғир юртда вафот қилган. Фарзандлари – Неъматилло, Ҳидоятилло ва Отоуллоҳонлар оналари Мурувватхон аяни олиб, Саудия Арабистонига кўчиб келишган ва Жидда шаҳрига ўрнашганлар. Ҳозирда кичик ўғил Отоулло Истамбулда яшайди.

Мана, бугун – 1997 йил 12 март куни Ҳидоятилло Ҳаким хонадонида меҳмонмиз. Оналари Мурувватхон ая хурсандлигидан каминани ўтқазишга жой тополмайди. Ая оқ юзли, кийимлари ва сариқ гардишли кўзойнаги ўзига ниҳоятда ярашган, гарчи ёши 80 дан ошган бўлса ҳам анча ёшомолтетик кампир. Она, асли, андижонлик, Пахтаобод туманининг Хайробод қишлоғидан экан. Ота-оналари қулоққа тортилгач, юртдан чиқиб, Қошғарга келишган ва шу ерда ёшгина Мурувватхон Қурдатиллоҳонга никоҳ қилинган (Қурдатиллоҳоннинг биринчи рўзгори юртда қолиб кетган).

Биз меҳмон бўлган кунлари катта ўғил Неъматиллоҳон сафарда эканлар, Неъматиллоҳоннинг қизи Фотимахон боғчада ўқитувчи, гарчи бу ер удумига зид бўлса ҳам ватандошлиғимиз туфайли мендан юзини яширмай, югурибелиб хизмат қилди.

Сұхбат аввалиданоқ ая бошидан ўтганларни гапириб берди. Накадар оғир йиллар, мусибатлар, йўқчиликлар, дарбадарлик, қоч-қоч... Мурувватхон ая булар ҳақида ҳикоя қилас экан, тез-тез кўзига ёш олади, бир нуқтага тикилиб тиниб қолади.

— Бу кўргиликларнинг барчасига шўронинг «қулоқларни йўқотамиз» деб бошлаган уруши («кураши» демоқчи — С.Ж.) сабаб бўлди, — дейди ҳикояси сўнгиди ая. — Худога шукур, фарзандларим бор. Ниҳоят, кексайганимда она юртим худосизлар зулмидан озод бўлди. Кўп қатори хушхабарни эшитиб, 1991 йили Ватанга бордим. Туғилган Хайробод қишлоғимни, қариндошларимни кўриб келдим. Далаларда, боғларда бўлдим, Қорадарё сувларидан тўйиб-тўйиб симирдим. Энди нолимайман. Афсуски, дадалари бу кунларни орзу қилиб, мусофириликда эрта вафот қилиб кетди, бу ҳам бир армон.

Ҳа, ая Жилдада фарзандлари, набиралари қучогида қарилкка мусофирилик ва айрилиқнинг аччиқ таъмини қўшиб яшамоқда. Гарчи жисмонан тетик бўлсалар ҳам, руҳиятида ҳорғинлик, чарчоқ сезилиб турибди.

Кампирнинг айтишича, Кудратиллохон қалам тебратадиган ўқимишли ва маърифатпарвар киши бўлган. Большевикларга қарши «курашчиларнинг раҳбари» Шермуҳаммад қўрбоши билан қадрдон эди. Истамбулда андижонлик шоир Абдулҳамид Чўлпон билан танишиб, дўстлашган.

Кудратиллохон «Ҳижрат тарихи» номли асар ёзган. Араб имлосида, ўзбек тилида ёзилган 140 саҳифадан иборат ушбу қўлёзма билан танишдик ва нусха кўчириб олдик<sup>30</sup>. Кудратиллохон отадан шахсий архив сақланган. Ҳидоятуллохон воситаси-ла архив қоғозлари билан танишганимизда, қўлёзмалар орасидан Абдулҳамид Чўлпоннинг «Эй, гўзал Фарғона» шеъри чиқиб қолди.

— Қиблагоҳ Чўлпонга дўст ва муҳлис эдилар ва унинг ушбу шеърига икки мисра жавоб шеър ёзганлар,— деди Ҳидоятилло ва отасининг хотира дафтаридан Чўлпоннинг:

Ул баланд зўр тоғларинг нега тўсолмас ёв йўлин?  
Йўқмиди ўткир қилич кесмоққа ёвларнинг қўлин?

деган мисраларига оталарининг қуйидаги жавобини ўқиб берди:

Бор эди ўткир қилич ёвларни кесмакка қўлин,  
Иттиҳод-у иттифоқни ифтироқ этти фалак<sup>11</sup>.

Ҳидоятилло отасининг бу жавобини ўқиб бергач, кўзига ёш келиб, росмана йиғлаб юборди...

У киши жарроҳликнинг нозик соҳасидан мутахассис бўлгани сабаб, Андижон тибиёт олийгоҳига таклиф қилиб, ҳамкаслари билан учрашувлар ташкил қилишни маслаҳатлашдик. Ҳидоятилло буни мамнуният билан қабул қилди. Холис ниятларимиз амалга ошишини тилаб, тўрт соат давом этган сұхбатга якун ясадик ва аяга фотиҳа ўқитиб, хайрлашдик. Ҳидоятилло Ҳаким мени манзилимга элтиб қўйди.

Жидда шаҳрида бошқа учрашувлар ҳам бўлиб ўтди. Уларнинг эсда қоларларидан яна бири шаҳарнинг «Марказ ал-Курниш» номли савдо марказида бўлди.

Маккада буҳорийларнинг биринчи авлодига мансуб бўлган 93 ёшли қария кампир вафот қилиб, уч кунлик фотиҳа маросимларида қатнашишим муносабати билан галдаги Жидда сафаримни орқага суришга тўғри келди. Учинчи куни хуфтон намозидан сўнг марҳуманинг набираси Абдураҳмон Марғилоний машинасида тунги соат 12 да Маккадан Жиддага жўнадик. Абдураҳмон шу шаҳарда истиқомат қиласди. «Марказ ал-Курниш» савдо марказида унинг иккита тамаддихона (кафетерий)си бор.

Ушбу савдо маркази – Қизил денгиз соҳилидан таҳминан 300 метрча масофада. Кун бўйи денгиз шабадаси эсиб, иссиқлик ҳароратини бироз кесади. Ҳусусан, кечки пайтлар фир-фир эсган ёқимли денгиз шабадаси танангизга роҳат бағишлади. Биз ҳар куни Абдураҳмон билан бирга шу ерда бўламиз. Емакхонанинг ҳар бирида 4 тадан одам ишлайди. Абдураҳмоннинг ўзи камчиликларини таъминлаб бериб, сўнгра қўшни қўчада қураётган шахсий меҳмонхонасига кетади, усталар билан бирга бўлади, ишни назорат қиласди.

Емакхонага қўшни бўлган савдо дўконидаги сотувчи Маъсуджон деган ўзбек йигити билан танишиб қолдим. Тушлик пайтида унинг яқингинадаги уйига кириб дам олиб чиқаман. Маъсуджоннинг отаси асли марғилонлик, у ҳам 30-йиллар бошида Ватандан чиқиб кетиб, Покистонда қолиб кетган ва Равалпинди шаҳрида вафот қилган. Маъсуд Равалпиндида туғилган онасини олиб Саудияга кўчиб келишган, мана 6 йилдирки, онаси Тоифда бир танишиникида туради, Маъсуджон эса Жиддада марҳум отасининг таниши қўлида сотувчилик қиласди. Ойига 1500 риёл маош олади. Ундан ижара ҳақи тўлайди, онасига юборади, ўзи ҳам тирикчилик қиласди. У уйланиши керак – ёши 20 га кетяпти. Уйланиш эса... ҳалигидай.

— Саудияда ҳам ҳаёттій мұаммолов йўқ әмас, күчиб келганимиздан буён бирон нарса орттиrolғаным йўқ, — деди Маъсурхон бир куни сұхбатлашиб ўлтириб.

— Бу ерда уйланиш ниҳоятта қимматта тушар экан, йил ўтган сари ҳаёт ташвиши ҳам күпаймоқда.

Мен энг кичик ўғлим тенгги бу йигитга нима деб жавоб қилишимни билмайман. Унинг күнглигі таскын бериш учун бухорийларнинг биринчи авлодлари ҳам аввалига қийинчилик билан иш бошлагани, секин-аста ишлари ривожланиб кетгани ҳақида гап очиб, уни ҳам сабрли бўлишга чақираман. Аммо Маъсурхон мен билан деярли ҳар куни учрашади-да, ҳар сафар ҳасратини тўкиб солади ва шу билан кўнглини бироз ёзди. Ҳа, Саудия Арабистонида ҳам ҳаёт фақат ялтироқ қирралардангина иборат әмас...

Бир куни Абдураҳмон тамаддихонасинынг кўча бўйидаги кенг саҳнида кечки пайт ким биландир сұхбатлашиб ўлтирган эдим, у бир кишини етаклаб келиб таништириди.

— Акахонимиз Абдушукур Тошкандий бўладилар. Сиз билан кўришгани келди, — деди-да, уни ёнимда қолдириб, ўзи «офис»ига кириб кетди. Абдушукур зиёлича кийинган, 50–55 ёшлардаги ўзбек йигити. Танишдик, ҳол-аҳвол сўрашдик. Отаси Тошкентнинг машҳур Шайх Хованди Таҳур мавзеидан, ўзи эса Афғонистонда туғилган, 1979 йилдан буён Саудия Арабистонида яшайди. Хотини, бир ўғли ва бир қизи бор. Ўзи бадавлат бир ватандошнинг ёғочсозлик устахонасида ишлайди, тирикчилиги ёмон әмас. Кечки салқинда анчагача сұхбатлашдик. Машинасида мени шаҳар бўйлаб бир соатга яқин саёҳат қылдирди ва яна Абдураҳмон «пакка»сига олиб келиб қўйди-да хайрлашаётib, деди:

— Амаки, эртага менинг меҳмоним бўласиз, кеч соат 8 ларда уйга олиб кетаман. Сұхбат учун мавзуларимиз ҳам йўқ әмас.

Эртасига тайинланган вақтда келиб, мени олиб кетди. Бизчасига айтганда, оиласи катта «дом»нинг 4-қаватида турар экан.

— Ижарада турамиз, амаки, уй сотиб олишга кучимиз етмаяпти, бу ерларда уй-жой жуда қиммат, — очиқ кўнгиллик билан гап бошлади Абдушукур. Лифтда 4-қаватга чиқиб, уйга киргач, фотиҳа қилганимиздан сўнг ўғли Аҳмад Жовид кириб келди ва мен билан кўришиб, мезбонлик хизматига киришди.

— Кўшнимиз Андижондан бўлади, ҳозир айтиб чиқаман,— деб ўрнидан турди Абдушукур ва 5 дақиқа ўтар-ўтмас ёши ўзидан кичикроқ, типратикансимон соч қўйган гавдаликина бир йигитни бошлаб кирди. Улар 3-қаватда туришар экан. Кучоқ очиб кўришдик ва танишдик. Исмлари Абдулборий, оталари Андижоннинг Қорасув қишлоғидан, бой-бадавлатгина бўлган экан. Замона зайнини ақл билан ўлчаб, 1930 йил бошида Ватандан чиқиб кетган ва кўп қатори, Афғонистонга келиб ўрнашиб қолган. Абдулборий Афғонистонда туғилган, ота эса ўша ерда вафот қилган. Афғон уруши туфайли Абдулборий онаси билан бу юртни ташлаб кетишган, мана 20 йилдирки, Жиддада яшайдилар, кичикроқ дўкони бор. Истиқлол туфайли у ҳам ота юргита келиб, Ватанини зиёрат қилган ва қариндош-уруғлар билан дийдорлашиб кетган. Анча доно, хушсұхбат, ишига пишиқ йигит экани маълум бўлди.

— Амаки, менга маслаҳатингиз керак, — деб қолди Абдушукур сұхбат орасида. Маълум бўлдики, у 1993 йили она шаҳри Тошкентга борган, қариндошларини топиб дийдорлашган ва таниш-билишларга ота юртда шерикликка бирон корхона қуриш хоҳишини билдирган, токи шу баҳона бир оёғи Ватанда бўлсин деб. Бироқ эндингина оёққа туратган мустақил ҳукуматимизнинг чет эл ташаббускорларини бундай ишларга жалб қилиш ҳақидаги тартиб-қонунлари ҳали-ҳануз етарли даражада ишланмаганиданми, ёки ишончли бирон таянч нуқта излаб тополмаганиданми, — Абдушукур ташаббуси қўллаб-қувватлағмаган ва у Тошкентдан ноумид бўлиб қайтган. Ҳозир, 1997 йилнинг марта, бунақа ишларга зарур қонун-қоидалар етарли ишлаб чиқилганини, хусусий ташаббускорликка кенг йўл очилганини ва энди бориб бемалол ҳамкорлик қилиш мумкинлигини тушунтирдим. Абдушукур бу янгиликларни эштиб, мамнун бўлди. Сұхбатимиз чўзилиб, шу кеча уникуда ётиб қолдим.

Эрталаб нонуштани қўшни Абдулборийнида қилдик ва сұхбатимиз яна давом этди. Оталарининг армонлари, орзуладарини, уларга қилган васиятларини эсга олишди. Тушликка Абдулборий дўконига таклиф қилиб, у ҳам маслаҳатли гапи борлигини айтди. Маълум бўлдики, Абдулборий Саудия Арабистони фуқароси эмас, бирорвнинг кафиллиги билан яшайди ва дўкон очади. Тушликдан сўнг дўконига борганимда сўраган гапи шу бўлдики, иложи бўлса,

ота юрти — Корасувга кўчиб кетса ва мен шунга маслаҳатим билан ёрдам берсам. Афсуски, мен масаланинг бу томонларини ойдинлаштирадиган қонун-қоидалардан бехабарман. Ватанга қайтганимда суриштириб, бу ҳақда жавоб хати ёзишга ваъда бердим, адресини олдим<sup>32</sup>.

Кечқурун Абдушукурнинг ўғли Аҳмад Жовид «Марказ ал-Курниш»га тўртта дўсти — ўзбек йигитларини мен билан танишириш учун олиб келибди. Шуни айтиш керакки, Саудия Арабистонининг Макка ва Мадинадан бошқа шаҳарларида барча эркаклар замонавий кийимда юришлари мумкин. Бу шаҳарларда эса исломий тартибга биноан кийинадилар.

Олдимда 20—25 ёшлар чамасидаги ўзбек йигитлари, барчasi замонавий кийинишган, ватандошларнинг тўртинчи авлодига мансуб бўлсалар ҳам она тилини биладилар. Улар билан давра сұхбати қурдик. Улар Ўзбекистонимиз ҳақида кўпроқ билгилари келади. Маълум бўлдики, бу йигитлар ишсиз эканлар, агар иложи бўлса, ишлаб келишни, баҳонада опоқ дадаларининг юритига бориб, сайр-саёҳат қилиб келишни орзу қиладилар. Мен Ўзбекистонимиз ҳақида, унинг табиати, ҳалқлар ҳаёти ҳақида сўзлаб, уларни қизиқтирган саволларга жавоб бердим. Хайрлашув чоғида эсадалик учун деб суратга тушдик.

Эртасига кечки пайт Аҳмад Жовид отасининг машинасини икки соатга сўраб, ўзи миниб келди ва мени Қизил денгиз бўйини саёҳат қилишга олиб кетди. Maxsus тўхташ жойига машинасини қўйиб, қирғоқ бўйлаб пиёда сайр қилдик.

Қизил денгиз соҳили кечки салқинлә жуда гавжум, ҳаммаёқ дам оловчилар билан тўла, ҳаво мўътадил. Денгиздан эсиб турган юмшоқ шабада киши танасига роҳат бағишлиайди. Соҳил бўйлаб турли кўнгилочар ўйингоҳлар, емакхоналар, чанқоқбосди ичимликлар сотадиган автоматлар, савдо дўконлари, болалар майдончалари бир-бирига туташиб кетган. Барчasi кўзни қамаштирадиган даражада чироқлар, анвойи ранглар, осилган шакл-шамойиллар билан безалган. Қоронгу тушар-тушмас турли безаклар элекстр нурида янада ажабтовур товланади. Шуниси ҳам диққатга сазоворки, шовқин-сурон йўқ, қулоқни қоматга келтирадиган мусиқа садолари оромни бузмайди, барча ўзаро гурунглашиб, сайр қилмоқда. Болалар майдончалари гўдакларга тўла. Пиёда юриб хўб сайр қилдик.

Ниҳоят, чарчақ сезиб, кечки соат 11 ларда соҳилдаги шинам жойлардан бирида дам олгани ўлтиридик-да, музқаймоқ

буюрдик. Биз ўлтирган усти очиқ, кенг «сўри айвон» шўндоққина денгиз устига қурилган – остилизда тўлқинланиб турган сув. Денгиз устига қирғоқ бўйлаб турли рангдаги электр лампочкалари ипга тортилган. Улардан тараалган ранго-ранг нурларнинг сувдаги акси яна ажабтовур манзара пайдо қилади. Денгиз сувининг бир хилда тўлқин уриб турган мавжида рангли чироқларнинг нурлари ўйноқлаб туради, қараб тўймайсиз.

Туришга қўзғалаётганимизда Аҳмад Жовид менга мурожаат қилиб деди:

– Ҳожи оға, менга ҳам бир оғалик маслаҳатингиз керак. Бекорчиман, қиласиган ишим йўқ, дадамнинг ишига ёрдамчи ишчи кетмас экан. Фақат аямга қарашаман, ёшим эса 27 дан ўтмоқда. Ахир... Йиллар эса ўтиб бормоқда.

Маълум бўлдики, Аҳмад Жовид ҳам менга таништирган дўстлари каби ишсиз экан. Аяси уйда барҳатдан катта айиқ қўғирчоқлар ясади, Аҳмад эса, аясига ёрдамлашади, тайёр бўлган қўғирчоқларни таниш дўкондорларга олиб чиқиб беради. Айтишича, битта катта қўғирчоқ 25 риёлга тайёр бўлади. Дўкондорга 40 риёлдан бериб, пулини сотилганда оладилар. Дўконлар ҳар бирини 55–60 риёлдан сотадилар. Демак, ҳар биридан 15 риёл фойда. Аҳмад кўмаклашганда, аяси ҳафтасига бешта-олтита қўғирчоқ тайёрлайди. Демак, она-бала бир ҳафтага 90 риёл ишлашади. Бир кило қўй гўшти, ўртача, 30 риёл туради. Шу ҳам оиласа ҳарна-да. Аҳмад Жовиднинг фикрича, бу – аёллар иши, бундан зериккан. У эркакчасига ишламоқчи.

– Агар ота-онам Ватани Тошкентдан иш топиб бермасангиз, Амриқога кетаман, – дейди Аҳмад. Унинг режаси қатъий экан. Мен унга нима дейишим мумкин. Қандай маслаҳат беришимни билмай қолдим. Ва ниҳоят, насиб бўлиб, дадаси Тошкентда бирон қўшма корхона очишга муваффақ бўлса, ота-бала бирга боришлиари мумкинлигини айтишдан бошқа маслаҳат беролмадим...

Ўша куни турар жойимга қайтиб, кундалик дафтаримга куйидагиларни ёзиб қўйдим:

«Саудия Арабистони Яқин Шарқда, умуман, мусулмон дунёсида иқтисодий жиҳатдан кучли, сиёсий жиҳатдан эса минтақада ўз нуфузига эга бўлган бадавлат мамлакат деб тан олинган. Давлат тизими эса мутлақ теократик монархиядир.

Кейинги 35 йил ичидә мамлакат иқтисодиётида фавқулодда ривожланиш юз берди. Мамлакат ҳаётининг барча жабҳаларида катта ўзгаришлар бошланди, миллий даромад кескин кўпайди. Бу эса ўз навбатида, ҳалқ ҳаётига ҳам ижобий таъсир кўрсатди, турмуш даражаси юксалди. Шунга қарамай, мамлакат ичидә ўзига хос ижтимоий муаммолар бўлса керакки, булар – ватандошларимизнинг мен суҳбатлашган ёш авлодлари ҳаётида ҳам намоён бўляпти чоги.

Саудия Арабистонида мусулмон мамлакатларидан юз минглаб, балким миллионлаб турли қасбдаги ишчи кучлари ёллаб келтирилишидан, улар иқтисодиётнинг хусусий секторларидан, шахсий оиласларда ишлатилишидан хабар топганмиз. Сафардан қайтгач, Жиддадаги бу суҳбатлар мавзусига қизиқиб, Саудия Арабистони ҳақида баъзи адабиётларни қайтадан қараган бўлдим. Масалан, А.М.Васильевнинг кўп мутолаамдан ўтган «Новая история Саудовской Аравии» номли йирик асарининг айрим бобларини қайта ўқиб чиқдим. Шунга амин бўлдимки, араб дунёсида Саудия Арабистонидек иқтисоди тараққий топган мамлакатнинг ички ҳаётида, гарчи бир қарашда «ялтироқ» кўринса-да, ўзига хос муаммолар ҳам йўқ эмас.

С.Иноғомовнинг «Саудия Арабистони Подшоҳлиги» номли (Тошкент, 1998) китобидан эса ўзим қизиққан бу масалага андак жавоб топгандек ҳам бўлдим.

Муаллифнинг ёзишича, мамлакатда файриқонуний тарзда яшаётганлар сони кўпайиб кетгани сабаб ҳукумат 1997 йил октябр ойигача уларни мамлакатдан чиқариб юбориш ҳақида қатъий чоралар кўрган. Таъкидланишича, аҳолининг бандлик масаласи долзарб бўлгани учун маҳсус «Ишчи кучлари кенгashi» тузилган. Кенгашнинг асосий вазифаси чет эллик ишчи, хизматчиларни маҳаллийлар билан алмаштирилишини таъминлашдан иборат. Аммо бу муамммонинг ҳал қилиниши анча мураккаб иш экани ҳам таъкидланади. Шунинг учун 2000 йил охиригача мамлакатда фақат 650 минг маҳаллий кадрларни иш билан таъминлаш кўзда тутилган<sup>33</sup>.

Менга укахон бўлиб қолган Маъсуджон ҳам ноқонуний яшаётганлардан. Энди унинг тақдири нима бўлади? Аҳмад Жовиднинг менга таништирган дўстлари ва Аҳмаднинг ўзи эса Саудия Арабистонининг фуқароси бўлиб қолган ватандошларимизнинг фарзандлари. Уларнинг иш билан

таъминланиши ҳўкуматнинг ишчи кадрларни «саудий-лаштириш» сиёсатининг ижро этилишига боғлиқ бўлса керак, деган холосага келдим.

Бизда кейинги йиллари иқтисодиётимизда хусусий сектор ривожига, қўшма корхоналар қуришда чет эллик тадбиркорларнинг иштирокига кенг йўл очиб берилмоқда. Бу ижобий ўзгаришлар ҳисобга олинса, Аҳмад Жовиднинг отаси Абдушукурнинг орзуси ҳам албатта, рўёбга чиқади.

## 6-§. Шоир Фамгиннинг сўнгги кунлари

Минҳожиддин Махсум акамиз – Фамгин билан Тоифда – Абдураҳим Учқун ҳужрасида хайрлашиб, Маккада, сўнгра Жиддада дўстона учрашувлар ўтказиб юрган кунларим бир нохуш хабар эшитдим: Фамгин шоир уйларида йиқилиб тушибди ва бели синибди. Жиддада истиқомат қиласидаган катта ўғли шайх Мажидиддин (Макканинг бир даҳасида қози бўлгани сабаб у кишини «шайх» деб атайдилар) дарҳол олиб кетиб, Жидда шифохоналаридан бирига ётқизибди ва синган умуртқасини операция қилдирибди. Биз эса бундан бехабар Қизил денгиз бўйларида сайр қилиб, меҳмондорчиликларда бўлиб, учрашувлар ўтказиб юраверибмиз.

Жиддада бу нохуш хабарни эшитиб биз ҳам фамгин бўлдик. Қариганда бундай дардга чалиниш... Шифохонага Фамгин шоирни кўргани бориб, ҳол-аҳвол сўраб келишга қарор қилдим. Комилжон Тошқин Тоифдан мени излаб Жиддага келган куни кечқурун мен ва Фамгиннинг Урумчи шаҳридан келган ўгай укаси Одилжон уччовимиз мусташфога (шифохона) боришга аҳдлашдик.

Дарвоқе, укаси Одилжон ҳақида: Минҳожиддин Махсумнинг дадалари Комил Махсум Андижондан Қошғарга келгандаридан (1932 й.) бир неча йил ўтгач, хотини вафот қилиб, мусоғир юртда иккинчи рўзгор қилган эдилар. Бу рўзгордан Одилжон туғилган. 55 ёшлардаги бу уйғур йигит 1997 йили хотини билан умра сафарига келган ва ўша кунлари Жиддада, акасининг катта ўғли Мажидиддинникида меҳмонда эдилар<sup>34</sup>.

Арабистон тартибига кўра, кечқурун қоронғу тушгач, касалхонага бордик. Касалхона хусусий бўлиб, икки қаватли иморатга жойлашган. Хусусий бўлгани учунми – беморларга мўлжалланган барча қулайликларга эга: ҳар бир bemorga битта

каттагина хона ажратилган. Хонада қасал ётадиган маҳсус кроватдан ташқари, кўргани келганлар учун битта юмшоқ диван ва иккита хушбичим кресло қўйилган. Унинг олдига қўйилган пастак столчада арабча газета, журналлар бор. Хона бурчагига эса телевизор ўрнатилган. Бемор ётган мослама-кроват маҳсус пульт билан бошқарилиб, тепага кўтарилиши ва пастга тушиши мумкин.

Биз кирганда кроват бир метрдан кўпроқ чамаси ердан кўтарилиган бўлиб, шоир акамиз ором олаётган эканлар. Ташрифимиз ҳақида хабар берилгач, домла Фамгин уйғондилар ва пультни босиб, кроватини пастлатиб, биз билан кўришдилар. Кайфиятлари фамгинроқ, бироз озибдилар. Қанд қасаллиги ҳам у кишига йўлдош бўлганлиги туфайли операция иллати анча секин барҳам топаётган экан.

Суҳбатлашиб ўлтиридик, ҳазиллашдик, кулишдик. Шу орада мен шоир кайфиятидан фойдаланиб, тегажоқлик қилдим:

— Махсум ака, Ватан тутқинлиги йиллари «Фамгин» таҳаллусини танлаган экансиз, алҳамдулиллоҳ, мана, мамлакат озод бўлди — мустақилликка эришдик. Энди таҳаллусни ҳам ўзгартирсакмикан, — дедим. Шоир хиёл табассум қилдиларда, секин овоз билан ўзига хос оҳангда:

— Маъқул гап, ўйлаб кўрсак бўлар экан, — дедилар. Бу орада муолажанинг бориши, шоир шеърларининг қўлёзмалари, улар қаерда сақланаётгани ҳақида суҳбатлашдик. Чамаси ярим соатдан кўпроқ вақт ўтгач, шоир билан хайрлашиб, ўрнимиздан турдик ва бирга суратга тушидик.

Бирор ҳафтадан сўнг ўғли Шайх Мажидиддин дадалари Жиддада эканида қизини узатадиган бўлди ва дадаларини коляска-аравачага ўтқазиб тўй тантанасига олиб келди. Тўй, одатдагидек, катта бир қасрда ўtdи. Ташриф буюрган барча меҳмонлар аввало Минҳожиддин Фамгин билан кўришдилар ва саломатлигини сўраб, набира тўйи билан муборакбод қилдилар.

Афсуски, ўша тўй куни шоир билан сўнгги марта кўришган эканмиз: операция туфайли кейинги кунлари қанд қасали зўрайиб кетибди.

Уч кун ўтгач, кеч соат саккиз яримларда мусташфодан ўғли Шайх Мажидиддин уйга қўнгироқ қилиб, амакиси Одилжон ва мени дарҳол стиб келишимизни сўрабди. Биз ҳаял ўтмай кўчага чиқдик-да, мусташфога стиб бордик. Афсуслар бўлсинки, бизнинг келишимиздан 10 дақиқа илгарироқ шоир жон

топширибдилар. Барча фарзандлари – тўрт ўғил (Муҳаммад Сиддиқ аллақачон Мадинадан етиб келган экан) марҳум ота атрофида йиғлаб ўлтиришибди. Жиддадаги айрим қадрдонлар ҳам келишди. Бу онлар мен учун ифода қилиб бўлмайдиган мусибатли соатлар эди. Ватандошим ўлимида бўлиш менга оғир таъсир қилди.

Ҳисоб-китобини қилиб, майитни мусташфодан олиб чиққанимизда тунги соат 12 эди. Катта ўғил Мажидиддиннинг уйига олиб келингач, маслаҳат шундай бўлди: эрталабки намозгача жанозага тайёрлаймиз ва масжидга олиб борамиз.

Тунги соат учда майит ювилиб кафанга солингач, аёлларга – аллақачон Мадинадан, Маккадан ва Жидда маҳаллаларидан етиб келган қизлари-ю келинларига видолашув учун хонани бўшатиб бердик.

Сўнг барча йиғилганлар ўнта ёнгил машинада шаҳар чеккасидаги «Масжид ал-Руайс»га жўнадик. Жидда шаҳрининг ягона қабристони шу ерда экан. Бомдод намозидан сўнг жаноза ўқилиб, масжиддан унча узоқ бўлмаган қабристонга тобутни кўтариб бордик.

Марҳумни ерга топшириб, уйга келганимизда эрталабки соат етти эди. Фотиҳадан сўнг барча тарқалиб, уйда фақат қариндошлар қолди. Қайта Қуръон тиловати қилиниб, яна фотиҳа ўқилгач, кимдир: «Аллоҳдан тилаймиз, саволжавобларини осон қилсин» деди ва сўнгра қолганлар ҳам тарқалишди. Мен – меҳмон, – ўзимни қаерга қўйишни билмайман. Умидларим пучга чиқяпти: ахир шоирнинг адабий меросини Ватанга олиб кетишга келишган эдик-да! Ўша туни ҳеч ким ухламади, мен кайфиятимни, қандай ҳолатда юрганимни тасвирлай олмайман.

Нонушта чойидан сўнг марҳумнинг Мадинадаги ўртанча ўғли Муҳаммад Сиддиқ мени чеккага тортиб:

– Сайфиддин домла, дадам кўз юмишлари олдидан менга ушбу қофозни топшириб, сизга бериб қўйишни сўраган эдилар,—деб буқланган ярим варақ қофоз тутқазди. Очиб ўқисам, шундай деб ёзилган хат экан: «Домла, ушбуни тарихингизга битиб қўйинг:

Фамгин-о, шукр айлагил, бўлди бу кун Хуррам отинг».

Бу – менинг ҳазиломуз саволимга жавоб экан, ўзимни тутолмай йиғлаб юбордим. Муҳаммад Сиддиқ кўз ёшларини артар экан, «давомини ўқинг» дегандай қўлимдаги қофозга яна ишора қилди. Давомида қуйидаги разал ёзилган:

Дилбарим, хуснингни васфи бўлди оламга аён,  
Бизда ортиқ қолмади таҳрир қилмакка баён,  
Гул жамолингни кўриб – рашк ила шарм айлабон,  
Хур-у, ғилмон-у, малак бўлди бари кўздин ниҳон.

Ушбу рубоий шоир Хуррамнинг энг сўнгги ижод намунаси бўлиб қолди. Кўз ёшларимни артиб, Мұҳаммад Сиддиқни бағримга босдим ва: «Андижонга борганимда аммангиз акасини сўраса, нима деб жавоб қиласман, энди» – деб яна ўзимни тутолмадим. (Андижонда марҳумнинг синглиси яшайди.)

Шундай қилиб, 1997 йил 15 феврал эрталаб соат 5 да Ватан фироқида ёниб, ғурбатдан боши чиқмаган бухорийларнинг иккинчи авлодига мансуб бўлган яна бир ватандошимиз, шоир Фамгин-Хуррам ҳаёт йўлини тугатди – 79 ёшида мусофириликда ёруғ дунёни тарк этди.

Бу ернинг удумига кўра, қаторасига уч кун аср намозидан кейин то хуфтонгача марҳумга фотиҳа маросими ўтказилди. Саудия Арабистонининг деярли барча шаҳарларидан марҳумни биладиган ватандошлар уч кунгача фотиҳага келишди, уч кунгача одам оёғи узилмади.

Учинчи куни хуфтон намозидан сўнг худойи оши берилди ва шу билан мотам тугади, барча қариндошлар тарқалишди. Мен эса сафар режаларим бузилиб, нима қилишимни билмасдан, ҳозирча Маккага қайтиб кетдим.

Маккада ақл-хушимни йиғишириб, чамаси ўн кунча турдим, кайфиятим бузилган ҳолда илгари хайрлашган дўстлар билан қайтадан учрашдим, ёзувларимни тартибга солдим, кўп нарсаларни аниқладим. Эндиғи мақсадим – бу муқаддас шаҳар билан хайрлашиб ва нарсаларни йиғишириб, яна Жиддага қайтиш ҳамда пойтахт Риёз билан боғланиш. Тузилган режам бўйича, пойтахтдаги дўстим Мўминжон акам орқали бу ердаги айрим ватандошлар билан учрашиб, мўлжалланган сухбатлар ўтказаман, сўнгра уч ойлик сафаримни якунлайман.

Ўша кунлари Маккада ҳеч кутилмаган яна бир «учрашув» бўлиб ўтди. Буниси тасодифан юз берди. Ҳарамда видолашув ибодатини адо қилиб, кеч соат 11 ларда «Анжан боғча»га қайтаётсам, 3–4 та ўзбек аёллари бангладешликлар дўкони олдида савдо қилмоқдалар. Ўзбекча сўзлар қулогимга ёқимли эшитилгани ва ўзлари кўзимга иссиқ кўринганидан йўлимни буриб, уларга яқинлашдим ва саломлашдим. Мени кўриб улар ҳам севингандек

бўлишди, аммо яна савдо ишига киришиб кетишиди. Барчасининг қўлтиғида бир тўпдан аёлларга кўйлакбоп “помбархит” мато, – ажабо, сотмоқда эканлар. Уларнинг бу ишидан ниҳоятда таажжубда қолдим: барча олади, булар эса... Сўрасам, биттаси: “Китайдан олиб келдик” деб жавоб берди. Вой тавба! Булар муқаддас шаҳарга нега келишган? Хаёлим сочилиб кетди... Шу чоқ аёллардан бири кутимаганда менга қараб:

– Жалилов домламисиз? – деб қолса бўладими! Мендан тасдиқ жавобини олгач: «Мен институтда сизнинг қўлингизда ўқиганман», – деди ва тасодифий учрашувдан хурсандлигини ўзига сиғдиролмай шерикларига «домлам» деб мени таништириди. Аёл Олияхон Сулаймонова деган жалолободлик сobiқ талабамиз экан. Бунақа учрашувни атайдан буюриб ҳам, уюштириб ҳам бўлмаса қерак! Собиқ талабам Олияхон билан «Анжан боғча»га келиб, бир пиёла чой асносида уни суҳбатга тутдим.

Маълум бўлдики, улар Жалолободдан автомашинада келишибди. Аввал Хитойга турист бўлиб бориб, «помбархит» олишибди, (у ерда арzon эмиш) ва ўнта аёл «пазик» автобусни кира қилишибди-да, Саудия Арабистонига йўл олишибди. Бироқ автобуслари Сурияда бузилиб қолиб, 20 кунча Дамашқда мажбуран қолиб кетишибди. Рамазон ойи тугаб, ниҳоят, ўтган куни Маккага кириб келишибди. Суҳбатдан билиндики, уларнинг «хунарлари» шу экан: «Китай»га (улар талаффузи) бориб ана шу матоҳдан қоплаб олишади-да, умра сафари вақтида Саудияга олиб келиб сотадилар. Олияхон ўқитувчиликдан нафақага чиқиб, ўзининг айтиши бўйича, «замона зайлар билан» шу хунарга ўтибди.

– Ибодат нима бўлади, синглим? – деб сўраган эдим, саволимга:

– «Йўл-йўлакай ибодатни ҳам қиласиз, Пайғамбаримиз ҳам савдогар бўлган эканлар-ку», – деб жавоб берди Олияхон. Жаҳлим чиқди, аммо билинтирмасдан суҳбатни қисқароқ қилиб, у билан хайрлашдим. Ўйга толиб, нима қилишимни билмай қолдим. Ниҳоят, тунги соат бирда кундалик дафтаримга-қўйидагиларни ёзиб қўйдим:

«Бу қанақаси бўлди, муқаддас шаҳарга келиб ибодат қилиш ўрнига матоҳ сотиш қандай бўларкин?! Бу иккинчи марта келишлари эмиш. Эҳ, одамлар, одамлар! Парвардигорим, бу аёлларга ўзинг инсофу тавфиқ бергин!..»

Бу тасодифий учрашувдан анча безовталандим. Алламаҳалгача ухлаёлмай ётдим, ўрнимдан турдим, яна ётдим. Эртасига яна Жидда сафарига тайёргарлик кўриб, нарсаларни йигиштиридим.

<sup>1</sup> Бу йигитлар билан кейинча қадрдонлашиб кетганмиз. Бири Аҳмаджон Турон – 1963 йили Тоиф шаҳрида туғилган. Отаси Абдулазиз асли қувасойлик. Аҳмаджон ёш бўлишига қарамай, жуда новча, ҳамда кўркам – семиз йигит. Уни ҳар қандай оломон ичидан бўйига қараб, ажратиб олиш мумкин. Яна бири Абдулҳодий Тошкандий, 1960 йилда Макка шаҳрида туғилган. Отаси Абди Самий қори Тошкандий муҳожирларнинг биринчи авлодидан бўлиб, 1998 йили 98 ёшда вафот қилган. (Дастлаб борганимдаёқ, уйларига бориб кўришганман.) Учинчиси Абу Салмон Хўқандий – 36 ёшда, кўркам ва чаққон, ватандошларга меҳр-муҳаббатлий йигит. Улар умра ва ҳаж мавсуми пайтларида Ўзбекистондан борганларга аэропортдан бошлаб меҳмонхоналарда жойлашгунларича холис хизмат қиласидар. Бошқа вақтларда эса ўз ишлари билан шуғулланадилар. Уларнинг бу холис хизматлари – ота-оналарининг киндик қони тўкилган Ватанига бўлган муҳаббатидан эканини айтадилар.

<sup>2</sup> Катта залга ўлтиргичлар қўйилмаган, балки чиройли гилам-паласлар тўшалган ва атрофга ўзбекчасига кўрпачалар солинган.

<sup>3</sup> Шоир Ҳамдамнинг ота-онаси Марғилондан, Афғонистонга ҳижрат қилишган. Шоир 1940 йили Маймана шаҳрида туғилган. Унинг айрим шеърларини республикамида чоп қилдирганмиз. 1970 йилдан бўён Мадина шаҳрида истиқомат қиласидар.

<sup>4</sup> С. Иноғомов, Саудия Арабистони подшоҳлиги. Тошкент, Фан, 1998, 102 бет.

<sup>5</sup> Кейинги 20–25 йил ичida Арабистонга асли афғонистонлик ўзбеклар ҳам кўплаб кўчиб келиб, шулар орасидан айрим хуфя иш қилувчи қонунбузарлар (носфуруш, нашафурушлар, чакана савдода алдамчилар ва ҳ.к.) пайдо бўлди. Ҳукумат қўлга тушганларни мамлакатдан чиқариб юборади. Бироқ бундай ноxуш ҳоллар ватандошларимизнинг умумий мавқеига путур етказгани йўқ.

<sup>6</sup> Жиддадаги бир тўйда Мұхаммад Йўлдош исмли ватандошимиздан ёзиб олинди. Убайдулло Дарвеш наманганлик эди, ҳозир Жиддада унинг укаси Саъдулло Дарвеш яшайди.

<sup>7</sup> С. Иноғомов. Саудия Арабистони подшоҳлиги. Тошкент, Фан, 1998.

<sup>8</sup> Ҳидоятилло Ҳакимнинг дадалари Кудратиллохон Асақанинг Тоштепа қишлоғидан бўлиб, ҳижратга чиққач, Қошғарда узок муддат туриб қолган. Сўнгра оиласи билан Иордания пойтахти Аммон шаҳрига келиб, шу ерда вафот қилган (1969). Фарзандлари кейинча Саудия Арабистонига кўчиб келдилар. Кудратиллохон маърифатли қиши бўлган. Истамбулда Чўлпон билан дўстлашган. У кишининг «Ҳижрат тарихи» қўлёзмасидан нусха олиб келганмиз, иловаларда ундан парча келтирилган.

<sup>9</sup> Улардан Абдулҳамид Маҳдум ака Андижон шаҳрининг жанубий даҳасидан уй-жой сотиб олганлар. Ҳар йили келиб, баҳор ва куз фаслини туғилган шаҳрида ўтказдилар. (Тупроғи шу ерда қолишин!! орзу қиласидар, –буни айтиш қанчалик изтироб!)

<sup>10</sup> Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг Андижон вилоят бўлими ҳозирда ушбу ҳовлига жойлашган.

<sup>11</sup> Марҳум ёзувчи Аҳмадбек ҳожи авлодидан бўлмиш Яқуббек Яқвальхўжаевнинг «Қайтар дунё» номли тарихий романи асосан катта бобоси фаолиятига бағишиланган.

<sup>12</sup> Мусо Туркистонийнинг биз нашрга тайёрлаган «Улуғ Туркистон фожиаси» асарини Тошкентда чоп этилишига ҳам Абдулҳамид Махдум ака ҳомийлик қилиб эдилар, бироқ маълум сабабларга кўра китоб нашр қилинмади.

<sup>13</sup> Фазалнавис шоир Мирсалим Соли Ўший деганнинг қаламига мансуб бўлиб, ушбу мисралари китобга кириллган. Шоир Ўший 1967 йили Маккада вафот этган.

<sup>14</sup> Қаранг: С.Жалилов. Она-юрт соғинчи. «Адолат», 1991 й., 17 октябрь.

<sup>15</sup> И. Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. Тошкент, «Ўзбекистон», 1995, 248-бет.

<sup>16</sup> «Халқ сўзи», 2002 йил., 30 август.

<sup>17</sup> Виждон бўйруғи бўлдими ёки оталари Саййид Мубашширхон Тарозий руҳларига ҳурматимданми, ўша 1996 йили октябрь ойи охириларида атайлаб Жамбул шаҳрига бордим. Ўтган йили Олтинхон тўра анжуманига борганимда танишган дўстларни топиб, бу галги ният — Мубашширхон Тарозий қариндошлари билан учрашиш мақсадимни айтдим. Улар ёрдами билан Саййид Мубашширхон хешларидан баъзиларини учратиб, ака-ука Насруллохон ва Абдуллоҳонлар саломини топширдим, улар билан дилдан сұхbatлашдик, баъзи тарихий суратларни бирга кўрдик. Икки кун меҳмон бўлиб ва улар суратини тасвирга тушириб, сўнг хайрлашдим.

Кейинги 1997 йили кузда ўтказиладиган Бухоро ва Хиванинг 2500 йиллик тантаналарида қатнашиш учун Андижондан камина ҳам борадиган бўлдим. Хивага боргандা Мисрдан қелган меҳмонларни излаб, профессор Насрулло Тарозийни суриштирдим ва яна учрашдик. Жанобнинг «наказ»ини бажарганимни айтган эдим, кўзларидан ёш чиқар даражада хурсанд бўлди. Авлодлари суратини берган эдим, кўриб юзига суртди ва чинакамига йиглаб юборди. Икки кун бирга бўлдик ва сұхbatлашиб юрдик. Хайрлашув чогида оталари ҳақида тўлароқ маълумот юборишларини илтимос қилдим.

<sup>18</sup> Ушбу маълумотлар университет ҳақидаги маълумотномадан олинди: KINGDOM of SAUDI ARABIA. MINISTRY of HIGHER EDUCATION. UMM AL-QURO UNIVERSITY. DIREKTORY of SAUDI FACULTY MEMBERS AND THEIR PUBLICATIONS. 1996/1416 (инглиз ва араб тилларида), 720-бет.

<sup>19</sup> Олим билан танишгач, лутфан уйларига таклиф қилди.

Меҳмондорчилик асносида нотоб ётган оталари Абдулғафур қори Андижоний билан танишдик ва сұхbatлашдик (1999 йили вафот қилди деб эшитдим—Аллоҳ раҳмат қилсин).

<sup>20</sup> «Анжан боғча» — Ҳарамдан 500–600 метрча шимолроқда XX аср бошларида Андижон бойлари томонидан ҳожилар учун маҳсус қурилган вақф меҳмонхона. Ҳозир бу срда олти қаватли бино қад кўтарган. Андижонлик Довудхон тўра ўғли Аббосхон тўра вақф мудири ҳисобланади.

<sup>21</sup> Мусо Абдуназар ўғли Туркистоний 1904 йили Андижонда зиёли оиласда таваллуд топган. 1928 йили Афғонистонга, ундан Саудия Арабистонига келиб, Мадинада муқим туриб қолган. У зот, асосан, илмий иш билан шуғулланиб,

бир қатор тарихий асарлар ёзган. Унинг «Улугъ Туркистон фожиаси» асарини биз нашрға тайёрлаб қўйганимиз.

<sup>22</sup> Сафир – элчи.

<sup>23</sup> Афсуски, бизга боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра учрашув ташкил қилинмади.

<sup>24</sup> «Шарқ Юлдузи». 1995 й., № 1–2, 7–64-бетлар.

<sup>25</sup> Учкун билан сўнгги марта 1999 йили Ўзбекистонга келганида, Бағдод туманидаги уйида учрашдик ва бир кун сұхбатлашдик

<sup>26</sup> Тошқин. Ватан ишқида. Фазаллар тўплами. Нашрға тайёрловчи ва сўз боши муаллифи Сайфиддин Жалилов, Тошкент, «Ёзувчи», 1997.

<sup>27</sup> Шаҳобиддин Яссавий мунозарага мойил инсон. Ўзбекистонимиз, унинг тараққиёт йўли ҳақида сұхбатдошини, аксар ҳолларда, мунозарага тортади. Ўгли Ҳабибулло Шаҳобиддин Истамбул тиббиёт институтини битиргач, Тошкентдаги таниқли офтальмолог, профессор Алишер Абдухолиқов клиникасида икки йил малака ошириб, кўз даволаш касбини эгаллаган.

<sup>28</sup> Бу маълумотлар Маҳжурийнинг укаси билан 1997 йилги сафар чоғимизда ўтказилган сұхбатлар чогида ёзиб олинган. Исҳоқхўжа Маккада истиқомат қиласди. Унинг тўрт фарзанди бор. Барчаси маълумотли ишбилармон қишилар

<sup>29</sup> 1998 йили девон топилиб, нусхаси Ўзбекистоннинг Саудия Арабистонидаги консулхонаси орқали каминага юборилди. Биз уни кирил алфавитига кўчириб, изоҳ ва лугатлари билан нашрға тайёрламоқдамиз.

<sup>30</sup> Ҳозир уни араб имлосидан кирил ҳарфига афдариб қўйдик.

Фурсатини топиб, уни ҳам нашр қилиш ниятимиз бор.

<sup>31</sup> Ифтироқ – бузмоқ маъносида.

<sup>32</sup> Сафардан қайтгач, бу масала билан шуғулландим ва тегишли идоралар маслаҳатини олиб, Абдулборийга жавоб хати ёздим.

<sup>33</sup> Ўша асар, 31–34-бетлар.

<sup>34</sup> Одилжон санъаткорлик касбини эгаллаган, Урумчи шаҳридаги уйғур драма театрида режиссёрик қиласди.

## IV БОБ

### ПОЙТАХТ – РИЁЗДА

Маккада қиласынан дунёвий ишим қолмади ҳисоб. Шоир Фамгин-Хуррам вафотидан сүнг кайфиятимда пайдо бўлган хомушлик мени ҳамон тарк этмайди. Лекин илож қанча, кўнишга мажбурман.

27 февраль куни Макка билан видолашиб, Жиддага йўл олдим ва Шайх Мажидиддинникига «қўндим». Бу ерда яна бир неча кун қолиб кетдим, шаҳар айландим, айрим дўстлар билан учрашдим, айримлари билан телефонда хайрлашдим. Шайх Мажидиддин дадаларининг адабий меросини тўплаб, кузгача менға юборишга ваъда берди.

#### 1-§. Хайр Жидда, қайдасан Риёз...

9 март куни эрталаб соат 7<sup>30</sup> да дўстларим мени Жидда шаҳарлараро автобекатига олиб чиқиб, Риёз маршрути бўйича қатнайдиган автобусга ўтқазиб қўйдилар. Соат роса 8 да «Мерседес» русумли автобус йўлга чиқди. Жидда-Риёз масофаси 1200 км. Ўртacha тезлик билан юриб, 40 дақиқадан сўнг шаҳарни ёриб ўтдик ва саҳро йўлига чиқдик.

Йўл, асосан, чўл зонаси оралаб ўқдек тўғри кетган. Холис айтиш керак – Саудия Арабистони ҳукумати йўл қурилишига катта эътибор бермоқда. Мамлакатнинг саҳро, чўллар билан бўлинниб турган барча тўртта вилояти XX асрнинг 70-йилларидан бошлаб катта ва кенг магистрал йўллар орқали бир-бирларига боғланган. Жиддадан (Ҳижоз вилояти) Риёз шаҳрига (Нажд вилояти) ва ундан Даммом шаҳригача (Шарқий вилоят) кенг ва сифатли автойўллар қурилган. Мана, биз ҳозир ўша йўлдан кетяпмиз. Автобус ичи салқин: автомат совутгич тўхтовсиз ишлаб турибди. Йўллар шундай текиски, пиёла ёки стаканга тўлғазиб қуйилган салқин ичимликларни бемалол ичиб кетиш мумкин – чайқалмайди. Мен эса юмшоқ ўриндиқقا яхшилаб жойлашиб олиб, «кундалик» дафтаримни олиб бемалол ёзиб кетяпман. Автобусимизнинг бош қисми ва ўртасига-баландга телевизор ўрнатилган. Кўпчиликнинг нигоҳи зангори экранда. Менга эса атрофни кўриш қизиқарли. Ойнадан ташқарини томоша қиласман ва ёзаман. Манзара кўринишда чиройли бўлмаса ҳам нотаниш жойлар бўлгани сабабли мен

учун «гүзал», қараб түймайман, фикрларимни эса кундайликка «михлайман».

Автобус чүл оралаб соатига 100, гоҳида 120 км. тезликтә кетмоқда. Чүлда эса ҳаётдан нишона йүқдек. Гоҳида, кутилмаганда бир неча уйдан иборат кичиккина қишлоқ учрайди. Қора либосга ўранган бир аёл йүлда эшакка ўтин-чүп юклаб, ҳайдаб кетаёттир. Кичик-кичик майдонларда дәхқончилик экинлари кўринади. Икки-учта одам бизнинг кетмонимизга ўхшаш кичиккина меҳнат қуроли билан қандайдир экинга ишлов бермоқда.

Бир фурсат ўтгач, чүл саҳро билан алмашди. Атроф уфққа туташган поёнсиз теп-текис майдон...

Биз юртда бундай йўлларни кесиб ўтадиган ёки йўл бўйлаб кетадиган ва тўлиб сув оқаётган канал-ариқларни кўриб, ўрганиб қолганмиз. Назаримда, мана, ҳозир йўл худди катта ариқни кесиб ўтадигандек. Қаёқда дейсиз, чўл-саҳро, саҳро-чўл... Бир хилдаги зерикарли кўриниш. Қуёш эса роса тобида. Ўқдай кетган йўлга қарасангиз, узоқда нимадир жимиirlаб кўринади. Худди 2–3 км нарида сув бордек. Бироқ унга етиб бўлмайди. Одамлар суюнчиқларга суюниб уйқуга кетдилар. Мен эса томоша қиласман.

Ниҳоят, узоқдан унча баланд бўлмаган қоялар кўринди. Мана, автобусимиз тоғ оралаб кетаётib, бир қишлоқни босиб ўтмоқда. Кичиккина бир трактор ер ҳайдәётир. Нарироқда эса буғдой майсасига ўхшаш кўкаламзор катта пайкал. Баҳор пайти бўлгани учун бу майсалар, ҳозирча кўм-кўк. Тезда қовжираб қуриб қолса керак. Ана яна бир пайкал. Қора либосдаги бир неча аёл қўлларида, бизнингчасига теша билан кичик кетмон орасидаги дастаси калта кичиккина меҳнат қуроли билан қандайдир экинни чопиқ қиласяптилар. Таажжуб, тракторчидан бошқа ишлаётган биронта эркак киши кўринмайди. Ўйим тугамасдан, бу қишлоқни ҳам босиб ўтдик.

Икки соатлар чамаси юргач, «уловимиз» назорат постида тұхтади. Полиция ходими автобусга чиқиб, синчковлик билан барчанинг паспортларини текшириди. Менинг ҳужжатимни синчиклаб кўргач, бошимдаги дўплимга қараб: «Муслим?», – деб сўради. Мен дадиллик билан «Алҳамдуллиҳ», – деб жавоб берган эдим, жилмайиб елкамга уриб қўйди-да, ўтиб кетди.

Саудия Арабистони йўлларида назорат қаттиқ. Тегишли ҳужжати йўқ кишиларни шаҳарлараро автобусларга

чиқармайдилар. Тасодифан чиқиб қолган бўлса, ушлаб қоладилар. Бир сафар Маккадан Тоифга таксида кетаётганимизда ҳайдовчи паспортларимизни олиб, назоратчига қайд қилдириб келгани ёдимда. Умумий тартиб шунаقا. Бирон хужжатсиз киши учраб қолса, илтимосу танишибилишлик ёки хуфя келишувлар кетмайди.

Бир шаҳарчага кириб, 10 дақиқа тўхтадик ва бўш ўриндиқларга қўшимча йўловчилар олиб, яна жўнадик. Яна тоғ оралаб кетаяпмиз, яна кичик-кичик, кўримсиз қишлоқлар ва экинзорлар кўринали. Бизнинг қишлоқларимиздаги гўзал манзаралар хаёлимга келади: йўл ёқасидаги зовурлар, турли дараҳтлар, ўтлаб юрган мол-қўйлар, шоҳдан-шоҳга қўниб сайраётган тўрга-ю мусича, чумчуқлар... Эҳ-ҳа, ўзимизнинг қишлоқларга нима етсин. Қадри четдан кўринар экан. Машина деразасидан қараб кетаяпман-у, йўл ёқасида ёки узоқда бирон туп дараҳт кўрмайман. Учиб юрган биронта парранда кўзга ташланмайди.

Ниҳоят, хурмо дараҳтлари оралаб кета бошладик. Бирдан қўй-эчки подаси кўзга ташланди. Биздаги толга ўхшаш майда баргли пастак-пастак дараҳтлар кўринди. «Хайрият-эй», дедим ўзимча. Афтидан, бу ерлар атрофга нисбатан паст, намлиқ сероб бўлган мавзелар бўлса керак деб ўйладим. Дарҳақиқат, жуда катта майдон пасттекислиги аниқ билинди. Мамлакатнинг сув таъминотида сизот (ер ости) сувлар муҳим рол ўйнаши ҳақида ўқиганман. Улар умумий сугориш ишларининг 80 фоизини таъминлайди. Хаёл сураман: бу чўлларда «артезиан қудуқлар» ковлаб, ер ости суви чиқариб бепоён чўллар ўзлаштирилса, боғ-роғлар, экинзорлар яратилса қандай яхши бўларди. Буни қаранг – биздаги Мирзачўл каби кафтдек текис чўллар-ку! Ана, бутазорлар, пастак бўйли чўл ўсимликлари кўкариб турибди, демак ер ости суви яқин...

Мен ўзимча нималар деяпман, ахир Саудия Арабистони ниҳоятда бадавлат мамлакат, илмий-техник тараққиётдан баҳраманд, бу ишларни албатта режалаштираётган бўлса керак. Мамлакат иқтисодий тараққиётида кейинги йиллари қишлоқ хўжалиги ривожига ҳам эътибор берилаётганидан хабарим бор.

Атрофни томоша қилиб, ниҳоят, мен ҳам чарчадим. Йўл саҳро оралаб, агар юрган бўлсангиз, худди Конибодом – Хўжанд йўлига ўхшаган ўқдек тўғри кетган. Конибодом

Йўлининг атрофи ҳар ҳолда мевазор боғлардан иборат, обод жойлар. Боз устига 60 км.ча холос. Автобусимиз кетаётган йўл эса жуда узок, атроф поёнсиз чўл, тикилиб толиқасан киши.

Соат роса 12.45 да чўл ўртасидаги «ал-Мувайҳ» номли кичиккина шаҳарчада тўхтадик, пешин намози ва тушлик қилиш учун бир соат дам олиш эълон қилинди.

Автобус эшигидан ташқарига чиқишим билан ўзимга гўё аланга урилгандек бўлди – ҳаво шундай иссиқки, биз бунақасига ўрганмаганмиз, чидолмаймиз; ҳарорат, менимча, 50 даражадан кам эмас. Яқингинада жойлашган емакхонага ўзимни урдим. Хайрият, бу ерда бир неча парраклар ишлаб ҳаво ҳароратини ҳар ҳолда мўътадиллаштириб турибди. Бироз ўзимга келгач, пешин намозига вузу қилиш учун ташқарига чиқдим. Намоздан сўнг эса тушлик фурсати.

Тамаддихонада фақат арабча палов ош ва товуқ гўшти пишириб сотилар экан. Умуман Саудия Арабистонига қилган сафарим давомида ҳалқ ҳаёти билан яқиндан танишгач, шундай хуносага келганманки, «тўқлиққа шўхлиқ» деганларидаи, одамлар озиқ-овқат исрофгарчилигига йўл қўядилар. Тўй-маъракаларда бўлганимда, керагидан ортиқ овқат тортилганини, ортиб қолганини, кўпинча, ташлаб юбораётгандарини кўрганман. Шу одатни ушбу тамаддихонада ҳам кузатиш мумкин.

Росмана икки киши тўядиган палов ош миқдори бир «порций» ҳисобланади, нархи эса 10 риёл (бу – 2,5 АҚШ долларидан кўпроқ). Илтимос қилсангиз ҳам бўлиб сотмайдилар. Натижада барчанинг товоғида ош ортиб қолмоқда. Кузатдим: ҳаммасини тўплаб чиқиндига кўшмоқдалар. Мен ўзимга ўхаш жуссаси кичик араб йўловчи «шеригим» билан келишиб икковимиз бир «порций» ош олдик. Иштаҳа билан тановул қиласак ҳам ортиб қолди. Бу ердаги исрофгарчиликлар боисини ўзимча шундай изоҳладим: Саудия Арабистонида яқин-яқинларгача ҳам иқтисодий танқислик, ҳатто, очарчилик бор эди. Хусусан, XX асрнинг 70-йилларидан бошлаб нефтдан олинган катта даромадлар ҳисобига тараққиёт, С. Иноғомов ёзганидек, «геометрик тарзда»<sup>1</sup> ўсиб ривожланди. Бу ўсиш, ўз навбатида, ҳалқнинг турмуш даражасига ҳам кескин таъсир қилди, иш ҳақи ошли, қисқа вақт ичиде моддий фаровонликка эришилди. Бу эса менимча, саудияликларни «талтайтириб» юборди. Мана, оқибати – исрофгарчиликни келтириб

чиқармоқда. Ахир, ислом динимизда: «Енглар, ичинглар, аммо исроф құлманглар», — деган ўғит бор-ку! Ислом Ватанида кузатганим айрим ҳәётий одатлар менга эриш түюлди.

Автобусимиз яна йўлга отланди. Айтишларича, бу қишлоқдан Риёс – 570 км. Демак йўлнинг ярмини юриб қўйибмиз. Энди саҳро бошланди. Ҳеч қандай гиёҳ йўқ, бир текис тақир ерлар. Йўл эса найзадек саҳро бағрини «тешиб» кетаётир, биронта бурилиш ҳам йўқ. Ҳар замон қарши томондан келаётган юк автомашинаси узоқдан гугурт қутисидек бўлиб кўринади, – ҳамма унга қарайди, яқинлашган сари катталашиб «фувв» этиб ёнимиздан ўтиб кетади ва яна ўзимиз йўлда давом этамиз.

Мен биринчи марта Абдулла Қаҳҳорнинг «Сароб» романини ўқиганимда бу сўзнинг маъносига тушуниб етмаган эдим (унда 6-синф ўқувчиси эдим). Кейинчалик нималигини тушунганиман, бугун эса ўзим, мана, ҳақиқий саробни кузатяпман: йўлга синчиклаб қарасангиз, куёш тафтила узоқдан жимиirlаб кўринаётган асфалт йўл устида түё кўллаб ётган сув кўринади. Автобус унга яқинлашган сари, кўлоб «сув» майдони аввал кичрайиб, сўнг бутунлай йўқолиб кетади. Узоқ-узоқча қарасангиз, йўлда яна ўшандек «кўллаб ётган» сувни кўрасиз. Бу – сароб, табиатнинг ажабтовур ўйини!

Икки соатлар чамаси юрганимизда, узоқдан кичкинагина бир бино кўринди – юк машиналари устахонаси экан. Ёнида 20 дан ортиқ пачоқ машиналар тўплаб қўйилган. Ҳа, демак, бу йўлларда ҳам авария деган фалокат бўлар экан. Биз тўхтамай ўтиб кетдик. Хайрият, бироз юрилгач, йўл бурилиб, манзара ўзгарди, узоқдан пастак-пастак тоғ чўққилари кўринди. Гўё мусобақада югуриб кетаётган одам маррага яқинлашгандек суюниб кетдим.

Мана, бу тепаликларни ҳам оралаб ўтдик. Кичиккина бир қишлоқ ҳам «оёқ остилизда» қолди. Яна текис чўл зonasи. Гоҳо олдимизда кетаётган юк машиналаридан ўзиб кетамиз. Ниҳоят, «Хилла» деган шаҳарча бекатида қисқа муддатга тўхтаб, аср намози ўқилди. 3–4 кмгacha йўл бўйлаб жойлашган кичик-кичик турар жойларни оралаб ўтгач, яна чўлга кирдик. Чўл ўз оти билан чўл, ниҳоятда зерикарли...

Мана, қоронгу ҳам тушди, кеч соат 8 яримда Риёс шаҳрига кириб бордик. Автовокзал поёнсиз катта ва тиқилинч. Йўловчилар автобусдан тушиб атрофга тарқаб кетди, бир ўзим қолдим. Рўпара келган бир офисга кириб, унинг ходимидан

дүстүм Мүминжон Исмоилжон уйига құнғироқ қилиб беришini сүрадим ва телефон номерини бердим. Ишим үнгидан келди – уйда эканлар, саломлашдык. Ярим соат чамаси күтдим, Мүминжон акам машинада етиб келди. Қучоқ очиб, самимий күришдиқ, сүңг уйларига кетдик. Үн дақиқа чамаси юриб етиб келдик.

Шундай қилиб, 9 март якшанба куни кечки оқшомда Саудия Арабистони пойтахти ар-Риёз шаҳрида истиқомат қылувчи ватандошлар билан учрашувга эсон-омон етиб келдим.

Шаҳарнинг номи «ар-Риёз» («бог», «хиёбон» маъносида) деб ёзилса ҳам негадир бизлар русча талаффузда «ар-Риёд» деб ёзамиз ва ўқиймиз. Риёз – Саудия Арабистони пойтахти, мамлакатдаги энг йирик шаҳар ҳисобланади. Бир вақтнинг ўзида Нажд вилоятининг маркази ҳамдир. Кейинги йиллари аҳоли кескин күпайиб, түрт миллионга яқинлашди. Мамлакатдаги энг йирик саноат, савдо ва маданий марказ ҳисобланади. Айниқса, сүнгги йиллари күплаб саноат ва хунармандчиллик корхоналари қурилди. Яқинда қурилган энг йирик ва замонавий аэропорт орқали жаҳоннинг қатор давлатларига самолётлар қатнаб туради. Риёзда замонавий катта стадион қурилган. Аммо күнгил очар ва санъат муассасалари деярли йўқ.

1957 йили биринчи университет очилган. Ҳозир күплаб олий ўқув юртлари, Ислом университети, Техника университети, ҳарбий олий ўқув юрти ишлаб турибди. Саудийлар сулоласининг 1932 йилги ғалабасига бағишенган «Масмак» номли тарихий қалъя ҳозир музейга айлантирилган. Куёш иссиқлигидан электр энергия оладиган станция Шарқда ягона ҳисобланади.

## 2-§. Дўстона учрашувлар, ширин сұхбатлар...

Илгари келишганимизга биноан, пойтахт шаҳарда истиқомат қылувчи ватандошлар билан учрашувларни биродарим Мүминжон Исмоилжон ташкил қилиб бердилар.

– Аввало шаҳсий кутубхонам билан танишинг, – деди у киши эртасига эрталаб нонуштадан сүңг. Мүминжон ака чинакам китобсевар, маърифатли инсон. Касби тиш техники бўлса ҳам кўп мутолаа қиласи. Шаҳсий кутубхонаси анчагина бой экан. Китоблари кўпроқ турк тилида. Бир муддат Истамбулда яшагани сабаб, турк тилини яхши билади. Китоблар

мундарижаси эса, асосан, тарих ва адабиётдан иборат. Машхур турк шоирлари ва ёзувчиларининг назмий ва насрий асарларини, туркий дунё тарихига бағишлиланган китобларни Истамбулда тўплаган ёки олдириб келган. Касбидан қатъи назар, китоб билан ошно, муттасил равишда китоб, газета, журнал ўқииди. Туркий дунё, жумладан, Ватанимиз тарихи, адабиётимиз, айрим ёзувчи, шоирларимиз ҳақида ўзининг шахсий фикрлари ҳам йўқ эмас.

Мўминжон акамиз, ўтган бобларда ёзганимиздек, отаси билан Қошгарда 10 йилдан кўпроқ турди ва мактабда ўқиди. Уйғур мактабининг юқори синфларида кирилл имлоси билан танишган. Шунинг учун арабча ва лотинчадан ташқари, Ўзбекистонда нашр қилинган адабиётларни ҳам яхши ўқииди. Чунончи, Абдулла Қодирий романларини, Ойбекнинг «Навоий» романини 1950 йиллардан бўён бир неча марталаб ўқиб чиққан. Абдулҳамид Чўлпон, Эркин Воҳидов шеърларини мендан яхшироқ билади.

Мўминжон ака шўро даврида эски ўзбек алфавитини ўзгартириб кириллга ўтилганидан жуда хафа. Бу ҳақда гапирганда, жаҳли чиқиб кетади ва буни «шўронинг даюс сиёсати» деб атайди.

— Бу ердаги ўзбеклар кириллда ўқиёлмайдилар, шунинг учун адабиётимиз дурданаларидан бехабарлар, — дейди Мўминжон ака афсус билан. — Шу ноқислик туртки бўлиб, 60-йилларда бир иш бошлаган эдим, — деб мезбоним ўрнидан турди-да, китоб жавонининг бурчагидан катта бир папкани олиб келтирди.

Ҳа, Мўминжон акани том маънода ўзбек адабиётининг тарбиботчиси дейиш мумкин. Ҳафсалани қарангки, Абдулла Қодирийнинг «Меҳробдан чаён» ва Ойбекнинг «Навоий» романларини кирилл ҳарфидан араб имлосига кўчириб, қўлда ёзиб чиқибди ва фотонусха шаклида кўпайтириб, дўстларига тарқатибди. Ватандошимнинг бу ҳимматини қандай баҳолаш мумкин! Китоблари орасида Фурқат, Чўлпон, Ойбекнинг Истамбулда нашр қилинган шеърларини авайлаб сақлаб келмоқда.

Маълумки, мустақиллигимизнинг дастлабки йиллари мамлакатимиз тарихини асл манбалар асосида янгидан ўқиш, «депсаб ўтилган» даврларни, айрим оқ доғларни тўлдиришдек хайрли иш бошланди. Шу муносабат билан 1994 йили бир гурӯҳ

тариҳчиларнинг «Шарқ юлдузи» журнали таҳририятида «босмачилик ҳаракати»га бағишиланган давра суҳбати ўтказилди. Журналнинг ўша йилги декабр сонида ушбу суҳбат мазмуни ёритилиб, тариҳчилар бу ҳаракатни «истиқлолчилик ҳаракати» деб аташга қарор қилган эдилар. Мўминжон ака журналнинг ўша сонини жавондан олиб, менга таънаомуз оҳангда деди:

— Тариҳчиларингизнинг эси энди кирибди. Бу ҳаракат аллақачон ўз номига эга-ку! — деди-да, жавонлардан бирини очиб, яна бир китоб олиб кўрсатди, — мана, кўринг ва ўқинг, — деб менга узатди.

Китоб Али Бодамчи деган турк тариҳчисининг «1917—1934- йиллар. Туркистон Миллий истиқлол ҳаракати» — деб аталиб, 1975 йили Истамбулда чоп этилган. Муқова бетида машҳур Шермуҳаммадбекнинг от миниб турган сурати бор, 568 бетдан иборат бу китобни кўриб, гарчи ушбу давр билан кам шуғуллансан ҳам тариҳчи бўлганим учун, очиғи, хижолат чекдим: нега биз бундай китоблардан шу вақтгача бехабармиз! Мамлакатимизда бўлиб ўтган озодлик ҳаракатларининг асл моҳиятини энди тушуняпмиз. Ўшанда ҳам «велосипедни қайта кашф қилибмиз!»: энди маълум бўляптики, биз «босмачилик ҳаракати» деб атаган ҳаракат жаҳонда аллақачон ўз номига эга экан. Ўзимдан уялиб кетдим. Илтимосимга биноан, мезбоним ушбу китобни менга тортиқ қилди. Ёзилган дастхатда, шундай дейилган: «Профессор Сайфиддин Жалиловга. Ўзбекистон тариҳчилари томонидан шу вақтгача қораланиб келинган истиқлолчилар ҳаракатини янгидан яратилишига умид боғлаб, ватандошингиз Мўминжон Андижоний. 1997 йил 16 март. Ар-Риёз шахри». Китобни қабул қиласар эканман, гёё муҳим бир топшириқ олаётгандек сездим ўзимни.

Шу кундан бошлаб Мўминжон акамиз муқим туришим учун ўз уйидан менга барча қулийклари билан маҳсус хона ажратиб берди. Риёзда бўлган кунларим — тўққиз кечакундуз давомида у кишининг ташабbusи билан кўплаб учрашувлар ўтказдик. Илгари айтганимиздек, у киши ҳамон тиш техники касби билан шуғулланади. Ўзининг кичиккина «ишхонаси» бор.

Бир кун ўша ишхонасига олиб борди. Хона бурчагида газета таҳламлари — ўзимизнинг газеталардан «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Миллий тикланиш» ва «Халқ сўзи»нинг йиллик

сонлари тахланган. Маълум бўлдики, Мўминжон акамиз Ўзбекистон элчихонаси орқали бу газеталарга ҳар йили обуна бўладилар. Мамлакатимиздаги иқтисодий, маънавий ва илмий-адабий ҳаётдан муттасил равишда хабардор бўлиб турадилар. 1991 йили бир гурӯҳ адибларимиз – Эркин Воҳидов, Одил Ёқубов, Шукрулло, Жамол Камол ва Эмин Усмонлар маҳсус тақлиф билан ташриф буюрганларида, уларни кутиб олган ва тандош фаоллар орасида Мўминжон aka ҳам бор эдилар. Адибларимизни уйидаги меҳмон қилган ва муборак сафарлари давомида уларга ҳамроҳ бўлган. Мўминжон акамиз китоб жавонида ўша адибларнинг дастхат ёзиб, совға қилган асрарлари алоҳида териб қўйилган.

– Бу китоблар менга мўътабардир, уларни ўқиб, гўё Ватанда бўлгандек ва сизлар билан мулоқот қилгандек сезаман ўзимни, – дейди мезбоним.

У киши туфайли Саудия Арабистонида яшаб ижод қилиб ўтган олим ва шоир ватандошларимиз ҳақидаги тасаввурларим янада кенгайди, анчагина қўшимча маълумотлар тўпладим ва айрим қўлёзма асарларни қўлга киритдим. Ёдингида бўлса, Тоифдаги учрашувларимиз баёнида марҳум ғазалхон шоир Ёқубхўжа Маҳжурий-Андижоний мероси ҳақида гап очган эдик. Маълум бўлдики, шоирнинг «Фурбатда ғариб» номли 400 саҳифадан иборат ғазаллар тўплами Мўминжон акада сақланар экан. Тоифдаги суҳбатларимиздан телефон орқали хабар топган Мўминжон aka Маҳжурийнинг ўша тўпламидан биз учун маҳсус нусха кўчириб қўйибдилар. Бу Мўминжон aka туфайли Риёзда очилган яна бир янгилик бўлди.

Маҳжурий ғазаллари ҳам Ватан фироқида ёниб, хазон бўлган шоирнинг дил изҳоридан иборатдир. Бунинг исботи сифатида қўлёзмадан битта ғазал келтирамиз:

Жудо ҳеч ким Ватандин чор-ючор ўлмасун, ё Раб!  
Ватан ҳажрида йиглаб мен каби зор ўлмасун, ё Раб!

«Ватансиз» деб кишилар таънасига дуч келиб доим,  
Бўлак дашномларга ҳам сазовор ўлмасун, ё Раб!

Тамоми фитналардан соғ бўлсин ул Ватан аҳли,  
Ўзинг сақла уларни, зори ағёр ўлмасун, ё Раб!

Тириклик лаззатидан баҳра олсин хурилиги бирла,  
Куруқ тұхмат жазосиға гирифтор ўлмасун, ё Раб!

Бутун бойликларин сарф айласин ўз эхтиёжига,  
Фалат сарф айлабон бир нон учун хор ўлмасун, ё Раб!

Киши ҳур сўзласа, ёса саодат бундан ўтмайдур,  
Рақобат шиддатидан тарки афкор ўлмасун, ё Раб!

Жафо-ю жабрким, Маҳжурий чекти ўз ҳаётида,  
Буларким қайта тақдирингда такрор ўлмасун, ё Раб!<sup>2</sup>

Маҳжурийнинг ушбу қўллэзма девони хориждаги ўзбек адабиётидан қимматли намуна деб биламан.

Мўминжон акамиз биз учун бебаҳо бўлган яна бир қўллэзма—баёзни тортиқ қилдилар. Қўллэзма 850 саҳифадан иборат ғазаллар тўплами бўлиб, «Ушшоқи Камолий» деб аталади. Камол Абдухолиқ Андижоний исмли ватандошимиз хорижда яшаб ўтган шоирларнинг ғазалларидан намуналар тўплаб, настаълик ҳусниҳат билан ниҳоятда ҳафсала қилиб кўчирган (ёки кўчиртирган) ва қалин муқова билан китобат қилдирган. Ушбу қўллэзма баёзда Ҳазиний, Хислат, Мискин, Ҳувайдо каби номи бизга маълум бўлган ўнга яқин шоирларимиздан ташқари, ўзбек китобхонларига умуман нотаниш бўлган юздан ортиқ шоирларнинг ғазалларидан намуналар берилган. Булар орасида Зайнабхон ва Лайлохоним исмли аёл шоиралар ижодидан ҳам намуналар бор. Шунингдек, Зиёпошо, Султон Салим, Шайх Ризо, Рамзопошо каби турқ шоирларининг номлари ҳам учрайди. Ушбу қўллэзма баёз билан Тошкентда танишган айrim адабиётшунос олимларимизнинг фикрича, асар ноёб манба ҳисобланади ва маҳсус тадқиқот қилишни тақозо этади. Зеро, юздан ортиқ ҳозирча номаълум ватандош шоирларимизнинг ижодий мероси ҳам халқимиз маънавий мулкига айлантирилмоғи лозим<sup>3</sup>.

Мўминжон акамиз «хазина»сидан бизга тортиқ қилинган яна бир асар—машҳур Саид Маҳмуд Тарозий-Олтинхон Тўранинг «Мусаддасоти Маҳмудия» деб аталмиш Карочида нашр қилинган мусаддаслар ва ғазаллар тўпламидир. Олтмиш тўрт саҳифадан иборат ушбу мўъжаз рисола юқорида тилга олиб ўтилган Аъзам Ҳошимий раҳбарлигидаги «Таржимони афкор» ўюшмаси ҳомийлигига нашр қилдирилган (Карочи, 1953). Унда

олимнинг танланган мусаддасларидан ҳамда ғазалларидан намуналар берилган. Унинг мазмуни билан ўқувчиларни таништириш учун баъзи мисоллар келтирамиз. Муаллифнинг 1956 йили ёзилган «Замзамаи озодий» мусаддаси шундай бошланади:

Жаҳон озод бўлди, бўлмади озод Туркистон,  
Асорат панжасида қолди нообод Туркистон,  
Несчук роҳат қилурмиз, қилмагаймиз ёд Туркистон,  
Тугилмабдур, дариго, қаҳрамон авлод Туркистон,  
Қолур токай асири фирмәи илҳод Туркистон,  
Илоҳи қил карам, лутфингдин ўлсин шод Туркистон.

«Мусаддасоти Маҳмудия» тўпламиининг муаллифи Олтинхон Тўра 1991 йили айни ҳаж мавсумида ҳижрий ҳисобда 101 ёшда Маккан мукаррамада вафот қилдилар. Ўша йили Ўзбекистондан борган ҳожилардан бир гурухи у кишининг зиёратига кириб, Ватан озод бўлаётгани ҳақидаги хушхабарни айтганлар. Мўминжон акамизнинг айтишларича, буни эшигтан олимнинг кўзларидан юм-юм ёш оққан, аммо мажолсизлиги туфайли гапиролмаган. Кечкурун қўлларига қалам олиб, ушбу рубоййни битган:

Муборакдур сенга, Турон, бу кун авлодинг уйғонди,  
Тутиб барқи ҳидоятни бу кун авлодинг уйғонди,  
Фариб-у беватан оворалар кўксин яросига  
Кўюрмиз иксир-у малҳам дебон авлодинг уйғонди<sup>4</sup>.

Умуман, Риёзда Мўминжон Исмоилжон билан бўлган мулоқотлар ниҳоятда мазмунли ўтди. Шу билан бирга, бир қанча тарихий ва адабий ёдгорлик намуналарини қўлга киритдик.

Зуҳриддин Мирзо Обид ўғли ҳам буҳорийларнинг иккинчи авлодидан бўлиб, киндик қони она-юртда тўкилган. Ёшлигиданоқ жаҳон кезган ва таниқли жамоат арбоби касби стоматолог, шу билан бирга юксак маданиятли ва жаҳонгашта тадбиркор инсон. Ўзининг ёзишича, Саудиядаги юртдошларни бир жамоага бирлаштириш йўлида анча-мунча ҳаракат қилган. Вали Қаюмхон, Боймирза Ҳайит ва бошқалар билан шахсан таниш. Улар ҳам ёш Зуҳриддиннинг тадбиркорлигини тан олишар эди.

Улар билан ёзишмаларини тарихий ҳужжат сифатида сақлаган. Хорижда яшаб бошдан кечиргандарини Тошкентда маҳсус рисола қилиб нашр эттирган<sup>5</sup>.

Зуҳриддин Туркистоний Ҳиндистонда эканидаёқ яхши ният билан Дәхлидаги «Бухоро ва Туркистон анжумани» деган жамиятга аъзо бўлган ва Мустафо Чўқай билан танишган. Туркияда эканида Истамбулдаги «Туркистонликлар жамияти» ишида ҳам фаол қатнашди ва Шермуҳаммадбек («Шермат кўрбоши») билан танишиди.

Кейинчалик Женевада фаолият кўрсатган «Туркистон миллий қўмитаси» билан алоқа ўрнатди ва унинг органи «Миллий Туркистон жамоаси» журналини араб имлосида ўзбек тилида чиқариб, Саудия Арабистонида тарқатишда фаол иштирок этди. «Миллий Туркистон» журналини араб имлосида чиқаришга кетадиган нашр харажатлари учун ватандошлардан маблағ тўплашда фаол қатнашди. У Пешоварда тузилган «Муслимлик» ҳаракатига ҳам аъзо бўлган эди.

Хориждаги «Туркистон Миллий Қўмитаси»сининг бошлиги Вали Қаюмхон Саудия Арабистонига келганида у билан танишган. Ўшанда Вали Қаюмхон Зуҳриддинни ўзининг айтишича, қўмитанинг Саудия Арабистонидаги вакили этиб сайлаб кетган<sup>6</sup>:

Риёзда бўлиб ўтган суҳбатларда мен учун яна бир янгилик шу бўлдики, муҳожирларнинг Ватан озодлиги йўлида Покистонда олиб борган ҳаракатларида асли наманганлик, шу дамгача бизга номи маълум бўлмаган Аъзам Ҳошимий деган фидойи инсон ҳақида маълумотлар олдим. Шу нарса равшанлашдики, хориждаги истиқолчилар ҳаракати тарихида Аъзам Ҳошимийнинг номи ва тутган ўрни алоҳида. Аъзам Ҳошимий 50-йиллари Карочида ўз маблағи ҳисобидан «Таржимони афкор» номида ўзбек тилида журнал таъсис қилган. Журналнинг мақсади 30-йиллардан бошлаб атрофга тариқдек тириқираб кетган муҳожир ватандошларимизни маълум бир жамиятга тўплаш, уларни шўролар панжасига тушиб қолган Ватаннинг озодлиги ҳақида ўйлашга ундаш ва уларда Ватан туйгусини ўстиришдан иборат бўлган.

Журналда хориждаги ўзбеклар ҳаётидан муттасил равишида хабарлар·босилиб турган. Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпонлар ижодидан намуналар бериб борилган. «Таржимони афкор»нинг сақланган 1953 йилги сонидан, илтимосимга кўра, нусха кўчириб бердилар.

Бир гал кечки пайт шаҳар айланиб, Мўминжон акамизникига қайтиб борганимда, у мени кутиб олар экан:

— Суюнчи беринг, сизга янги нарсалар топиб қўйдим, — деди-да, хонтахта устига бир даста катта-кичик китобларни қўйди. Овқатдан сўнг улар орасидан «Туркистонда туркчилик ва халқчилик» деган 1955 йили Истамбулда лотин алифбосида босилган ўзбек тилидаги китобни олиб, «мана буни қўринг», деб қўлимга тутқазди. Бу — мен учун мутлақо янгилик эди. Китоб ўзбекча шеър ва ҳикоялар тўпламидан иборат. Маълум бўлдики, китоб икки қисмдан иборат бўлиб, унинг биринчи қисми 1951 йили нашр қилинган, буниси иккинчи қисми экан. Китоб бошланишига Туркияning биринчи президенти Мустафо Камол Отатуркнинг қўйидаги гапи эпиграф қилиб берилган: «Билайликки, миллый ўзлигини англамаган миллатлар бошқа миллатнинг сайди-шикоридир». Ўтмишимизни ўйлаб бир зум беихтиёр ҳаракатдан тўхтаб, жиддий ўйга толдим. Шу оннинг ўзида мустақил Республикаизда юз бераётган туб ўзгаришлар, Президентимизнинг миллый ўзлигимизни англашга қаратилган жўшқин фаолияти хаёлимдан ўтди. Ҳа, Отатурк ниҳоятда билиб, топиб айтган.

Китобни эҳтирос билан варақлай бошладим. Унда Абай, Аҳмад бой Турсун, Беҳбудий, Мунаввар қори, Мир Ёқуб Дулат, Чўлпон, Ойбекларнинг суратлари бор ва ҳар бирининг ижодидан намуналар берилган. Улар орасидан Чўлпоннинг «Эй, гўзал Фарғона» номли шеърига кўзим тушди. Нақадар қайғу-алам билан ёзилган шеърни, гарчи у ўзимизда топилиши мумкин бўлса ҳам кўчириб олдим. Баҳсимиз мавзуи ҳурмати шеърни китобхонларга ҳам тақдим қилмоқчиман. Үқиган кишини албатта ўйлантиради:

### Эй, гўзал Фарғона

Эй, гўзал Фарғона, қонли кўйлагингдан айланай,  
Тарқалиб кетган қаро, ваҳший сочингга боғланай.

Ваҳший бир ўрмон каби бағрингни босмишdir қамиш,  
Кўзларингда ҳеч кўринмас бир олов, бир ўт, ёниш.

Ченг, чўзиқ яйловларинг ёвларга очмиш кўксини,  
Бир қаро парда босибдур тупроғингнинг устини.

Кўзларинг сўлган, ўлик руҳинг билан боқдинг менга,  
Куртилишнинг<sup>7</sup> юлдузи асло кўринмасму сенга?

Ул баланд зүр төгларинг нега түсөлмас ёв йүлини?  
Йүкмидир ўткир қилич кесмакка ёвларнинг кўлини?<sup>8</sup>

Биз бугун ожиз, заиф, бағри эзилган сен учун,  
Бу қадар қонлар тўкилди ул даҳида<sup>9</sup> сен учун.

Йиглама, юртим, агарчи бу кунингда йўқ баҳор,  
Келгуси кунларда баҳтинг юлдузи ўйнаб қолар.

Шеърни овоз чиқариб ўқигач, ўзим ҳам мезбоним ҳам бир сония сукут сақлаб қолдик. Ватан тақдирини ўйлаб, нақадар қайғу-ла ёзилган бу шеър!

Мўминжон акамиз бисотидаги мен учун яна бир янгилик – Саудия Арабистонида ўтган Чустий тахаллусли номаълум шоир бўлди. Шу давргача биз битта Чустий шоирни билар эдик. Маълум бўлдики, иккинчи Чустий (Чустии соний) ҳам ўтган экан. Мана, менинг қўлимда «Маҳдум Чустий шеърлари» деб номланган ва Истамбулда чоп этилган мўъжаз тўплам. Тўпламдаги маълумотга қараганда, шоирнинг қисқача таржимаи ҳоли қўйидагича:

Унинг исми Абдурашид Маҳдум қози Маҳмудхон ўғли, асли Чустдан, 1908 йилда туғилган. Саводини оиласида чиқаргач, Қўқон мадрасаларидан бирида ўқиган. 1917 йилдан кейинги алғов-далғовда Афғонистонга кўчиб келиб, Кобул шаҳрида истиқомат қилган.

Бўлгуси шоир Абдурашид Маҳдум Чустий Кобулда ўзбек доришунос ҳаким Халилбек деганинг хизматида бўлиб, кейинчалик табиблиқ касбини эгаллаган ва Афғонистон шифоҳоналарида ишлаган. Сўнгра турмуш тақозоси билан Бағлонга кўчиб келиб, маълум миқдор ер сотиб олган – боғ яратган, ҳам боғбонлик, ҳам табиблиқ билан шуғулланган.

Афғон уруши бошланиши муносабати билан 1978 йили Саудия Арабистонига кўчиб қелиб, Тоифда ўрнашиб қолган. Бу ерда боғбонлик касбига биноан зироатчилик ва Тоиф қишлоқларида агрономлик билан шуғулланган.

Абдурашид Маҳдум «Чустий» тахаллуси билан Афғонистонда эканидаёқ шеърлар ёза бошлаган. Фазаллари Афғонистон ҳамда Туркия газеталарида босилиб турган. Ниҳоят, унинг шеърлар тўплами Истамбулда чоп этилган<sup>10</sup>. Шоир 1984 йили Тоифда вафот қилган.

‘Күлимиздаги түплемнинг муаллифга бағишенгандың сүз бошисида шундай деб ёзилған: «Хақиқий ватансевар бўлган Чустий, қайси мамлакатда бўлмасин, ўзини бир гариф сифатида билиб, ғурбат азоби, ҳижрон қайғуси бирла Ватанга муштоқлигини астаҳи дил тараннум этади». Дарҳақиқат, Чустий шеърларида Ватанга, ўз эл-улусига муҳаббат, садоқат юксак ўрин олган. Биз учун янгилик бўлган Чустийи соний ғазалларини ўрганиш ва тарғиб қилиш келгусидаги вазифалардан деб биламиз. Ҳозирча унинг битта ғазалини келтириш билан кифояланамиз.

### **Ғурбат чўлида**

Ғурбат чўлида овора бўлдим,  
Бир меҳрибон кўз топмай.

Ночор бўлдим мажройи ғамда,  
Кўксимни очдим тири жафога.

Жисмим эзилди, жоним сиқилди,  
Ҳижрон қоронғу, йўл йўқ чиқарға.

Кўрдим, фалакда ҳадсиз бу ўқлар,  
Ҳар сори учғай қосид фазога.

Бахтим чироғин нурин олибдур,  
Қилсан шикоят дорул қазога.

Тезлик-ла бергай турли садолар,  
Солдим қулогим бу хил нидога.

Йиллар бу огу ошимда бўлди,  
Жонимни олди етмай давоға.

Дедики: эй, зор, ноумид ўлма,  
Оҳинг стубдир ердан самога.

Доим фиғонда умрим ўтибдур,  
Ағёр солмиш ғавғо хатоға.

Бахтинг чироғи ёнгай фалакдин,  
Жон нури бергай Чустий гадога.

Бир сафарги суҳбат сўнгидаги Мўминжон акамиз тугмали юпқа папкачани олиб чиқиб, ундан буқланмаган бир варак ялтироқ қалин қофоз олиб кўрсатди-да:

— Буни умрбод бошимда кўтариб сақлайман, — деб бир сония бошига қўйди ва сўнгра менга узатди. Маълум бўлдики, Президентимиз Ислом Каримовнинг Республика мизда ўтказилган умумхалқ референдуми натижасига кўра, Президентлик ваколатини 2000 йилгача узайтирилгани муносабати билан Саудия Арабистонида истиқомат қўлувчи ватандошларимиз номидан бир гурӯҳ фаоллар Президентимизга табрик хати юборганлар. Менга кўрсатилган варак, Ислом Каримовнинг уларга юборган жавоб хати экан. Ушбу хатнинг тўла матнини келтираман:

«Азиз ватандошларим Сафохон, Тўрахон, Мўминжон, Олимжон, Мелибек, Абдулҳамид Махдум, Абдураҳмон хўжа, Аҳмадали Тўлқин, Зуҳриддин, Абдулқодир қори, Аъзамхон, Абдулҳамид қори жанобларига:

Ассалому-алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу.

Сизларнинг қалб қўрингиз бирла битилган табрик-номангизни мамнуният билан ўқиб чиқдим.

Умумхалқ референдумида Президентлик ваколатим 2000 йилга қадар узайтирилганлиги муносабати билан менга ва халқимизга билдирган самимий ниятларингиз учун миннатдорчилик изҳор этаман.

Ислом аҳли учун муқаддас бўлган Маккаи мукаррама ва Мадинаи мунавварада истиқомат қўлувчи юртдошларимизнинг йўллаган эзгу тилаклари мустажоб бўлишига аминман. Аллоҳ таоло келажаги буюк Ўзбекистонимизни юқори даражада тараққий этган мамлакатлар қаторидан ўрин олишига мұяссар этсин.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизларга ҳамда Саудия Арабистони подшоҳлигидаги барча ватандошларимга сиҳат-саломатлик, оиласвий баҳт, оғият, ишлари бароридан келишини ва доимоғ омад ёр бўлишини тилайман».

Эҳтиром ила

**Ислом Каримов (имзо)**

Ўзбекистон Республикасининг Президенти  
Тошкент шаҳри, 1995 йил, 11 апрель».

Хақиқатан ҳам бошга қўйса арзийдиган хат<sup>11</sup>.

Эртасига табрик хатига имзо чекканлардан бири, Риёзда истиқомат қилувчи яна бир ватандошимиз Мелибек акани кўргани бордик. Мелибек Исҳоқбек ўғли Тошкандий, гарчи 90 ёшга яқинлашиб қолган бўлсалар ҳам йигитлардек тетик, барваста қоматли инсон, Ўзбекистон элчихонасининг маҳаллий фаолларидан бири. Мен эса у киши ҳақида кўп эшитган бўлсам ҳам биринчи кўришишим эди.

Мўминжон акамиз каминани таништириб, мақсадимни тушунтирган эди, Мелибек оға жонланиб кетди ва дарҳол амакисининг ўғли Хуршидбек Тошкандийга телефон қилиб тезда етиб келишини тайинлади. Хуршидбек ҳақида ҳам эшитганман, лекин кўрмаганман. Хуршидбек ҳам элчихонамиз фаолларидан бири экан, Ўзбекистондан келган вакиллар-у меҳмонлар улар иштирокисиз кузатилмайди.

Хуршидбекни кўп кутмадик – тезда етиб келди. Ёши 50 дан ошган барваста ва хушрўй йигит. Биз эски қадрдонлардек кўришдик. Мелибек оға мени таништиргач, каминанинг сафар мақсадларидан мамнун бўлганини изҳор қилиб, деди:

– Укам, қутлуғ ишга қўл урибсиз, Аллоҳнинг ўзи сизга ёр бўлсин. Шу дамгача биз, муҳожирларнинг ўтмиши билан бирор муаррих қизиқанини билмайман. Ўтмиш тарихимиз эса фам-ғуссага тўла.

Сўнгра менга баъзи маслаҳатлар бердиг-да, ўз фикрларини билдириди:

– Саудия Арабистони ҳукуматини, ўтган ва ҳозирда ҳаёт бўлган подшоҳ жанобларининг биз – бухорийларга кўрсатган марҳаматларини бўлғуси китобингизга албатта битиб қўймогингиз матлубдир. Зеро, бизлар 1930 йилдан бошлаб Ватандан жудо бўлиб, Хитой Покистон, Ҳиндистон-у Афғонистон шаҳарларида дарбадарликда юрганимизда, ҳеч ким пешонамизни силамади. Фақат Саудия Арабистонига келиб, қўним топдик ва яхшилик кўрдик...

Бундай дил сўzlари бошқа шаҳарлардаги учрашувларда ҳам айтилган бўлишига қарамай, қариянинг жиддий оҳангда изҳор қилинган бу гапларини алоҳида келтиришни лозим топдим. У кишига, қўлимдан келганча, хоҳишини бажаришга ваъда бердим. Алламаҳалгача Мелибек оға, Мўминжон ака ва Хуршидбеклар билан сұхбатлашдик. Бошларидан ўтган азоблардан гапирдилар. Бир-бирига ўхшаш тақдирлар, саргузаштлар...

Эртаси кечки таомга Мўминжон акам Ўзбекистоннинг Саудия Арабистонидаги элчиси Солижон Иноғомовни таклиф қилди. Дастурхон устида ва чой асносига мезбоним мени у кишига ҳам таништириди, кўришдик. С.Иноғомов каминани элчихонага таклиф қилди ва эртасига учрашиш режалаштирилди. Келишганимизга биноан, маҳаллий вақт билан соат 11 га элчихонага етиб бордик, элчи жаноблари ҳам бизни кутиб турган эканлар. Элчихонамиз пойтахтнинг холи, аммо шинамгина кўчасидаги икки қаватли бинога жойлашган.

С.Иноғомов Тошкент давлат университетининг шарқшунослик факультетини битирган. Кейинчалик дипломатик фаолият билан шуғулланган<sup>12</sup>. Яна самимий кўришдик. Оқ сариқдан келган, ўртacha қоматли, зукко, нозик табиат йигит. Янада яқинроқ танишганимиздан сўнг сафар мақсадим билан қизиқди.

Сұхбатимиз сўнгига муҳожират тарихи ҳақидаги иш режам билан танишиб, маъқуллади ва менга қимматли маслаҳатлар берди. Мени ушбу мамлакатда истиқомат қилаётган ўзбеклар сони қизиқтирап эди. Кўп учрашувларда сўраб, аниқ жавоб ололмаганман. У киши ҳам аниқ маълумотга эга эмас экан. Сабаби—мамлакатда аҳоли рўйхати умуман ўтказилмас экан. (Шунинг учун номи қайд этилган китобида ҳам ватандошлар умумий сонини 200–800 минг киши деб кўрсатилган.)

Сұхбатимиз шу билан яқунландики, муҳожират тарихини албатта яратиш керак. Зотан, чет эллардаги ватандошлар тарихи ҳам ўзбек халқи тарихининг ажralмас бобини ташкил қиласи. Уларнинг энг кўп қисми эса Саудия Арабистонида истиқомат қиласи. Саудия Арабистони шаҳарларида яшаб ўтган ёки ҳозир ҳаёт бўлган ватандош олим, шоирларнинг илмий-адабий меросларини имкон борича тўплаётганимни элчи маъқуллади. Улар халқимизнинг маънавий мулкига айланмоғи лозим деди. Бир соатга чўзилган сұхбатимиз мароқли ва самимий тарзда ўтди.

Шундай қилиб Риёздаги тўққиз кунлик сафарим ҳам яқунланди. 17 март куни эрталаб соат 7.00 да .Риёз билан хайрлашдим: Мўминжон акамлар ўз машиналарида шаҳардан 35 км масофадаги янги қурилган замонавий аэропортга олиб келиб, илгари буюртма қилинган «тиcket» (самолёт чиптаси)ни қўлимга тутқаздилар-да, Жидда маршрути бўйича учадиган «Боинг» русумли самолётга ўтказиб, мен билан хайрлашдилар.

Учиб кетяпман-у, негадир хаёлимни ватандошларимизнинг ҳаёти, тақдири, хусусан, ота-она ва фарзанд масалалари чулғаб олди.

Биз – ўзбеклар юртимизни соғинадиган ҳалқмиз, қаерга саёҳатга борсак, тезда уйимизни соғинамиз. Фарзандларга ўтакетган даражада меҳрибонмиз, бошқа миллатларга нисбатан ёш авлодни кўпроқ ардоқлаймиз. Ватандошларимиз ҳам шу анъана-одатни ота-боболаридан юқтирганлар, мерос қилиб олганлар. Аммо бутун сафарим давомида шуни кузатдимки, бу мусоғир юртдаги турмуш тартиблари, иқтисодий, бошқа ҳаётий эҳтиёжлар ва мавжуд шароит таъсирида асрлар оша ривожланиб келаётган бу миллий анъана бироз карахт бўлиб қолгани сезилди менга. Айрим дўстлар билан суҳбатларда шундай ҳолатлар бўлдики, фарзандлар ҳақида гап кетганда бир хўрсиниб оладилар-да, ўзга ўлкада туғилган болалар ҳукмрон шароит тақозоси билан палахмон тошидек узоқларга улоқтириб ташланганидан шикоят қиласидилар, баъзилари эса тирикчилик деб фарзандлари ўзга юртларга кетиб қолганидан, ёлғизликтан ўксиниб гапирадилар. Ватанда ота-боболар ўз фарзандлари билан бир маҳаллада, бир қишлоқда яшаб ўтганларини ҳавас билан ёдга оладилар.

Асли Андижоннинг Пахтаобод қишлоғидан келиб қолган Азимжон ака билан Маккадаги «Анжан боғча»да 15 кун ҳамхужра бўлган эдим. У кишининг кампири ўлиб кетган, мана икки йилдирки, 82 ёшли қария шу ҳужрада якка ўзи туради. Бир қизи Мадинада, яна бири Жиддада оиласи, ўз рўзгори билан яшайди, биттагина ўғли тирикчилик деб қаёққадир кетиб қолган. Азимжон ота қизлариникига сифмайди – улар ижарада ўтирадилар. Опоқдада эса набираларини соғинади, аммо қандай қислин, мусоғирчилик, бечорачилик...

Бир куни рўза ҳайити баҳонаси билан кичик қизи эр-хотин бўлиб отани кўргани Жиддадан «Анжан боғча»га келишиди. Бир соатгина суҳбатлашиб ўтиришди. Отанинг «набираларимни нега олиб келмадинглар?», – деган саволига куёв йигит «унашмади», – деб совуққина жавоб қилди. Қизи эса, нима дейишини билмай отасига мунгли термулиб ўлтирибди. Улар кетганидан сўнг, Азимжон ота кўзларига ёш олиб деди:

– Ёлғизликтан зерикдим. Шу Рамазон кунлари бу дунёдан риҳлат қиссан деган умидда эдим, афсуски, умримдан яна бор экан.

Нима дейишимни билмай томоғимга бир нарса тиқилиб қолд...»

Саудия Арабистонида тирик юрганидан афсусланган одам билан бириңчи суҳбатлашганим. Ана сизга бадавлат мамлакатдаги ҳаётнинг яна бир кўриниши. Аммо бунга ҳам чидаса бўлар: ҳар ҳолда фарзандлари ва набиралари шу мамлакатнинг ўзида яшайдилар-ку.

Мен билан хайрлашиш яқинлашгач, Азимжон ота чўнтағидан 500 риёл пул чиқариб:

— Илтимосим, шу пулни Пахтаободдаги укам Ашуралига бериб қўйинг ва мендан салом айтинг, — деди-да ташқарига чиқиб кетди. Бироздан сўнг қайтиб киргач, биз бир-биrimизни бағримизга босиб хайрлашдик<sup>13</sup>.

Энди мана бунисиға қулоқ солинг:

Қўқонлик Мұхаммад Юсуф aka кампири билан олти қаватли «Анжан боғча»нинг томида истиқомат қилишади. «Касби» — умрага келгандарга хизмат қилиш. Уларнинг икки қизи Покистонда қолган, бир неча йилдирки, хат-хабар йўқ. Умр эса ўтиб боряпти: чол 76 ёшда, кампир 72 да. Фарзандларини, набираларини соғинишади, баъзан чол пастга — хонамга тушиб:

— Домулло соҳиб, бизни Кўқонга олиб кетинг, ўлсак бирон гўнг тепага қўмсаларинг ҳам розимиз, — деб кўз ёши тўқади. Чолга раҳмим келади, аммо унинг орзусини мен бажаролмайман.

«Анжан боғча» ёнидаги дўконда сотувчилик қиладиган Мадаминжон Марғилоний деган танишим ҳам Покистондан келиб қолган — бирорнинг кафиллигида истиқомат қилади. Бир қизи Карочида қолган, яна бири Эроннинг Зоҳидон шаҳрига тушган. Қартайиб қолган ота фарзандлари, набираларини соғинади — аммо илож қанча. Борди-келди эса икки жиҳатдан мушкул: бири — Мадаминжонга ўҳшаганларга четга чиқишига рухсат берилмайди, чунки улар Саудия Арабистони фуқароси эмас. Қолаверса, борди-келди харажатлари... Шоир айтгандек, «бечора чора излайди», аммо...

Маккада Жўрабой деган ямоқчи танишим бор. Бу одам уруш туфайли Афғонистондан келиб қолган, ёшлари аллақачон 70 дан ошган. Оиласи, фарзандлари Қундузда қолиб кетган. Жўрабой бу срда яшириниб яшайди, пастқам жойларда, чекка кўчаларда ўғринча ямоқчилик қилади. Атайлаб, гоҳида уни излаб топаман, суҳбатлашамиз.

— Түйиб кетдим бу ҳаётдан, — деб кўз ёши қилди бир куни.  
— Ҳар куни фарзандларим тушимга киради, ҳар куни қочиб юраман — бу ерда ямоқчига иш бор-у, аммо рухсат йўқ.

Маккадаги Сафохон Жалолхоннинг ҳам бир қизи оиласи билан Американинг қайсиdir бир шаҳрида яшайди. Кўришмаганларига кўп йиллар бўлган. Ҳар ойда бир марта ота, бир марта қизи телефонда гаплашадилар. Сафохон ака бир куни ҳасратомуз оҳангда ҳикоя қилди. Телефонда қизи айтар экан:

— Дадажон ва онажон, бир ойда бир марта гаплашганимиз менга 30 кунга етади, иложимиз қанча. 30 кунгача овозларинг қулоғимдан кетмайди. Шунинг учун бир ойдан ўтказмай телефон очиб туринглар.

Бу ҳақда Сафохон аканинг ўzlари гапирап экан, вазминлик билан қўшиб қўяди:

— Шунаقا, домла, Ватан соғинчи ва фарзандларимиз дийдорига тўймаслик қўшқанот бўлиб, ҳаётимиз парвозини йилдан йилга пасайтирмоқда.

Бу — Саудия Арабистонидаги ватандошларимизнинг таникли оқсоқолларидан бирининг ниҳоятда босиқлик билан бўлса ҳам дил тубидан ситиб чиққан ҳасрати белгиси.

Жиддалиқ акахонимиз Абдулҳамид Махсумнинг ҳам бир қизи оиласи билан Вашингтонда яшайди. Махсум ака бир тўйда мен билан кўришгач, чол-кампир 20 кунга АҚШга кетишаётганини айтди: янги набира туғилибди, исм қўйиб, бешикка солиб келишар эмиш. Сафарим чоғидаги сұхбатлар асносида бунақа мисоллар кўп учради.

Масалага шу жиҳатдан қараганда, менда бир савол туғилади: кейинги йиллари шаҳарларимиздан Саудия Арабистонига қиз узатишлар ҳам содир бўляпти. Айрим ватандошларимиз (жумладан, Абдулҳамид Махдум ҳам) она юртдан келин олдилар. Бу, албатта, яхшилик умидида. Менимча, узатилган қизнинг ота-оналари масаланинг маънавий-эътиқодий жиҳатини (балким моддий томонини ҳам) ўйлайдилар-у, аммо қўйилган қадамнинг инсоқий-психологик томонларига эътибор бермайдилар: ота-она соғинчи, фарзанднинг руҳий аҳволи... Андижондан Арабистонга келин бўлиб кетган қиз, мана, деярли 10 йилдирки, ота-онаси бағрига бир марта ҳам келолмайди. Бу орада отаси, сўнгра катта бувиси вафот этди — келолмади, дийдорлашиш нари турсин, ақалли қабрлари устида кўз ёши тўколмади, афсус!

Шулар ҳақида ўйлар эканман, хаёлга берилиб, самолётимиз икки соат учеб, Жидда аэропортига қўнаётганини сезмай ҳам қолибман. Булар, албатта, ҳаётнинг икир-чикирлари, инсон тақдири ҳақида ўйланиб, бекорчиликдан хаёлга келган мулоҳазалар. Балким, ўзим болажонлигим туфайли анъанавий ўзбекчилик одатларимизга ортиқча эрк бериб, бу одатларни замонамизга хос бўлган янгила ҳаёт тарзига қарама-қарши қўяётгандирман. Яна ким билади, дейсиз.

Нонуштадан сўнг соат 10 га яқин самолёт Жидда аэропортига оҳиста қўнди. Мен таксига ўтириб, Шайх Мажидиддин уйига йўл олдим.

---

<sup>1</sup> С. Иноғомов, кўрсатилган асар, 73-бет.

<sup>2</sup> Сафардан қайтгач, ушбу тўпламни кирилл алфавитига ағдариб қўйдик, уни алоҳида нашр қилиш режамиз бор.

<sup>3</sup> «Ушшоқи Камолий» тўплами билан ҳозирча таниқли адабиётшунос олим-профессорлар Ҳамиджон Ҳомидий ва Ҳамидулло Болтабоевлар танишиб чиқдилар.

<sup>4</sup> Биз Олтинхон тўра ҳақидаги рисоламизда «Мусаддасоти Маҳмудия»ни тўла нашр эттиридик (қаранг: С.Жалилов. Сайид Маҳмуд Тарозий-Олтинхон Тўра. Тошкент, «Мерос», 1997).

<sup>5</sup> Зухриддин Мирза Обид Туркестоний. Анда жоним қолди менинг. Тошкент, Чўлпон, 1992, 61-бет.

<sup>6</sup> Зухриддин номи журналист Олег Якубовнинг «Волчья стада» (Москва, «Вячи», 1999. Ўзбеккаси: «Қашқирлар галаси», Тошкент, «Ижод дунё», 2000) китобида тилга олиб ўтилган.

<sup>7</sup> Куртилиш – қутулиш маъносида.

<sup>8</sup> Шеърнинг мана шу мисрасига Қудратиллохон тўра ёзган жавобни Жиддадаги сұхбатларда айтиб ўтган эдик.

<sup>9</sup> Даҳида–такрор маъносида.

<sup>10</sup> MAHDUM CHUSTI'NIN SHIRLERI (китобча арабча имлода). Истамбул. 1986, 84-бет.

<sup>11</sup> Мўминжон акамизнинг ифтихор билан айтишларича, табрикномага имзо чеккан ҳар бир кишига Президентимиз алоҳида жавоб хати юборган.

<sup>12</sup> У ҳақда қаранг: А.Абдусаматов. Ўзбекистон шарқшунослари. Тошкент, 1996, 72-бет.

<sup>13</sup> Андижонга қайтгач, Пахтаобод туманига маҳсус бордим ва укасини топиб, аканинг саломини ва омонатни топширдим.

## V БОБ

### ВАТАН ДОФИДА ЯШАБ ЎТГАН ОЛИМУ ФУЗАЛОЛАР

Маълумки, СССР атеистлар (даҳрийлар) давлати деб эълон қилинганди эди. Шунинг учун ҳам бошқа дин пешволари қатори, исломий зиёлилар, яъни диний уламоларга қийин бўлди, улар қаттиқ озор чекдилар. 1928 йилдан мамлакат бўйлаб «худосизлар жамиятлари» ташкил топа бошлади, барча диний муассасаларга аёвсиз ҳужум бошланди. Дин пешволари – муфтилар, имом-хатиблар, қорилар, бошқа улуғ зотлар, шунингдек, шажарали саййидлар авлодлари фуқаролик хуқуқидан маҳрум этилди ва қаттиқ таъқиб остига олинди. Мол-мулки тортиб олинниб, ўзлари узоқларга бадарға қилинди. (Ўша йиллари «шўрога ҳақсиз» деган атама пайдо бўлган эди.) Шунинг учун ҳам уларнинг айримлари бундай сиёsatдан норози бўлиб, муҳожирликни ихтиёр қилдилар.

Улар аввалига Хитойнинг Шинжон вилояти шаҳарларида, Ҳиндистоннинг бугунги Покистонга қаравали мусулмон худудларида саргардан бўлиб юрдилар. Аста-секин, вақтинча бўлса ҳам ишга жойлашдилар – майда тижорат ишига ўтдилар, хусусий мактаблар очдилар, исломий муассасаларга ишга ўрнашдилар.

1940 йилларнинг ўрталарида Шарқий Туркистонда ва бугунги Покистон вилоятларида ҳам мустақиллик ҳаракатлари авж олиб, нотинчлик бошланди. Ватандош муҳожирлар астасекин Афғонистонга кўчдилар. Ундан эса Саудия Арабистонига ҳижрат қилдилар. Ушбу мамлакатда муҳожир уламо-қориларимиз, ҳар ҳолда, яхши қутиб олинди ва ортиқча қийинчиликка учрамасдан тўрли шаҳарларга жойлашиб кетдилар. Дастробки йиллари ватандошларимиздан, хусусан, динимиз пешволарига ҳукумат томонидан маълум имтиёзлар ҳам берилди. Сафаримиз вақтидаги суҳбатларимиздан маълум бўлди, ўша йиллари ушбу мамлакатда «бўхорий уламоларнинг тили ҳам китобий, дили-мағзи ҳам китобий» деган ибора тарқалган. Бу, албатта, мовароуннаҳрлик уламоларимиз шаънига билдирилган юқсан эктиром эди.

Саудия Арабистонига сафарларимиз давомида Мовароуннаҳрдан бориб қолган машҳур исломий олимлар номларини аниқлаш билан ҳам шуғулландик. Ишимиз

моҳиятини тушуниб, каминага сидқидилдан холис ёрдам берган фидойи дўстларимиз саъй-ҳаракатлари билан ушбу мамлакат шаҳарларида истиқомат қилиб ўтган олимларимиз – собиқ мударрислар, имом-хатиблар, қорилар сонини, тахминий бўлса ҳам аниқлаб, уларнинг исми шарифларини ёзиг олишга муваффақ бўлдик. Улар бухорийларнинг биринчи авлодига мансуб бўлиб, афсуски, барчаси ёргуғ дунёни аллақачон тарк этган. Уларнинг сон-саноғини аниқлаш мушкул иш бўлди. Бинобарин, ишимизнинг бу моддасини тўла бажардик, дея олмаймиз. Илтимосимизга биноан турли шаҳарлардаги дўстларимизнинг бизга берган маълумотларига қараганда, ватандош уламоларимиздан 650 га яқини турли диний вазифаларда фаолият кўрсатиб ўтган. Уларнинг илмий меросини излаш ва ўрганиш ҳам келгусидаги муҳим вазифалардан деб биламиз.

Айни чоғда эса, Саудия Арабистонида, ақалли ўзи яшаб ўтган шаҳарларда фаолияти билан шуҳрат топган ва обрў қозонган айrim ислом олимларимиз номларини тарихга битиб қўйиш лозим деб ҳисоблаймиз. Шу мақсадда номи машҳур бўлган ва эл-юрт хурматини қозонган ўшандай баъзи исломий олимларнинг исмларини келтириб ўтмоқчимиз:

#### Андижондан:

1. Адҳам қори Андижоний<sup>1</sup>.
- 2 Тўлан қори.
3. Ҳидоятиллоҳон.
4. Мавлавий Қосим домла.
5. Салоҳиддин қори.
6. Акбар Маҳдум.
7. Аднон қори.
8. Бурҳон Маҳдум,
9. Авлиёҳўжа Эшон.
10. Зиёуддин қори.
11. Саид Орифхон домла.
12. Мулла Назиржон.
13. Ибн Ямин қори.
14. Ваққосхон қори.
15. Аббосхон қори.
16. Тўражон қори.
17. Мулла Барот Пешқадам.
18. Тожиддин Эшон.
19. Саид Қосим домла.

#### Намангандан:

1. Абдулла Ниёзий-Намангоний.
2. Мавлавий Ҳамид Мирзо.
3. Муҳаммад Султонхон.
4. Иброҳим Камолжон.
5. Асадхон Тўра.
6. Муборак хўёжа.
7. Мавлавий Иброҳим қори.
8. Афандикон Тўра.
9. Муҳаммад Али Пешқадам.
10. Аҳмад Абулқосим.
11. Мирзо Абдураҳмон Ҳошим.
12. Ориф Маҳдум.
13. Муҳаммад Юнус Йўлдош.

### Марғилондан:

- |                                 |                         |
|---------------------------------|-------------------------|
| 1. Домла Абдулқодир Марғилоний. | 6. И smoилжон қори.     |
| 2. Ҳожи Мирбобо Соҳиб.          | 7. Салим қори.          |
| 3. Иброҳим хўжа.                | 8. Сайид Жалолхон Тўра. |
| 4. Мулла Салоҳиддин.            | 9. Саҳобиддин қори.     |
| 5. Холмуҳаммад ҳожи.            |                         |

### Қўқондан:

- |                          |                         |
|--------------------------|-------------------------|
| 1. Мир Олимжон Хўқандий. | 5. Маҳдихон Махдум.     |
| 2. Исматилло домла.      | 6. Мавлавий Абдураҳмон. |
| 3. Абдуфаттоҳ қори.      | 7. Мавлавий Иброҳим.    |
| 4. Шермуҳаммад домла.    | 8. Абдураҳим хўжа Эшон. |

### Бухордан:

- |                          |                           |
|--------------------------|---------------------------|
| 1. Абдулло Мусо Бухорий. | 5. Неъматулло қори.       |
| 2. Ҳожи Пўлат.           | 6. Мавлоно Садриддин.     |
| 3. Мулло Шамсиддин.      | 7. Ҳасан қори.            |
| 4. Абдураҳим қори.       | 8. Абдулқодир Кароматилло |

### Самарқанддан:

- |                          |                    |
|--------------------------|--------------------|
| 1. Саъдулло Самарқандий. | 3. Анвар Шукрулло. |
| 2. Абдукарим Дарвеш.     | 4. Абдужалил қори. |

### Бошқа шаҳарлардан:

- |                               |                              |
|-------------------------------|------------------------------|
| 1. Бакр Махдум Туркистоний.   | 9. И момназир Ўший.          |
| 2. Муҳаммад Наим Махдум.      | 10. Умархўжа Ўший.           |
|                               | Туркистоний.                 |
| 3. Исломхон Тошкандий.        | 11. Маҳди Карим Жалолободий. |
| 4. Абдулла домла Тошкандий.   | 12. Аҳмаджон қори Ўзгандий.  |
| 5. Мулла Абдураҳим домла      | 13. Форсоҳўжа қози Хўжандий. |
|                               | Шаҳрихоний.                  |
| 6. Қамбарали қори Балиқчилик. | 14. Гуломжон Шаҳрисабзий.    |
| 7. Абдулаҳадхон қори Косоний. | 15. Муҳаммад Амин Чимёний.   |
| 8. Абдуқаюм ҳожи Ўший.        |                              |

Исломий олим ҳисобланган бу улуғ зотларнинг номларини ватандошларимиз ҳозиргача алоҳида ҳурмат билан тилга оладилар. Яна шуниси диққатга сазоворки, ватандош уламолари миздан айримлари Саудия Арабистони подшоҳларининг хизматларига ёки фарзандлари – валиаҳдларни ўқитишига

таклиф қилинган. Мана, ўша олимларимизнинг исми шарифлари:

1. Сайид Маҳмуд Тарозий-Олтинхон тўра.
2. Абдулфаттоҳ қори Хўқандий.
3. Абдуроҳим домла Шаҳрихоний.
4. Шермуҳаммад домла Хўқандий.
5. Асадхон Тўра Намангоний.
6. Аббосхон қори Андижоний.
7. Ваққос қори Андижоний.
8. Ибн Ямин қори Андижоний.
9. Абдулаҳадхон Косоний.
10. Исматулло домла Хўқандий.

Ушбу ватандош олимларимиз қўлида ўқиган шаҳзодалар қаерда ва қандай лавозимда ишламасин, уларни ўзларининг устозлари деб билгланлар<sup>2</sup>. Ватандошларимиз мухожириликда яшаб, айримларининг подшоҳ саройида илм-маърифат тарқатувчи олимлар деб эътироф этилиши халқимиз тарихида алоҳида қайд этишга лойиқ воқеалардандир.

Энди ватандош олому уламоларимиздан энг кўзга кўринганларининг ҳаёти ва илмий фаолияти билан таниширишга ўтамиз.

### **1-§. Сайид Маҳмуд Тарозий-Олтинхон тўра**

Ватандош олимларимиз ҳақида биз тўплаган маълумотлардан мукаммалроғи ушбу зот ҳақидадир. Олтинхон тўранинг номи мусулмон Шарқида машҳур. Зоро, у асрлардан буён Мовароуннаҳрда ривож топган ислом дини илмий анъаналарини изчиллик билан хорижда давом эттирган улуг инсондир.

Сайид Маҳмудхон Сайид Назирхон ўғли Тарозий 1895 иили Жанубий Қозогистоннинг Ўзбекистонга туташ қадимиий Тароз (ҳозирги Жамбул) шаҳрида таваллуд топган. Тароз ушбу минтақада қадимдан ривожланган машҳур шаҳарлардан ҳисобланниб, халқаро савдода ҳам ўз номига эга бўлган, шунингдек, Мовароуннаҳрдаги машҳур диний марказлардан бири ҳисобланган. Кейинчалик шаҳарнинг номи ўзгариб «Авлиё ота» деб аталган<sup>3</sup>.

Сайид Маҳмудхоннинг насаби Ўзганда ўтган Иликхонларга бориб тақалади. Бобурнинг ёзишича, «Фарғона вилоятида бу табақа муқтадо ва шайхулислом ва қози бўлиб келишган»<sup>4</sup>. Оталари Сайид Назирхон тўра қатағон йилларидан олдиноқ ҳибсга олинниб, бедарак кетган.

Сайид Маҳмудхон ёшлигиданоқ ноёб истеъоди ва ўткир қобилиятига эга бўлган. Ҳофиз ва Саъдий асарларидан кўп нарсаларни ёд олган, шунингдек, Қуръон тиловатига ҳам моҳир бўлган. У киши Тошкентдаги Кўкалдош, кейинчалик Бухоро мадрасаларида ўқиди, араб ва форс тилларини пухта згаллади.

У кишининг Маккадаги шогирдларидан Муҳаммад Қосим Аминнинг гувоҳлик беришича, Сайид Маҳмудхон 1917 йили юз берган сиёсий бесаранжомликлардан кейинги йиллари она шаҳри Авлиё отада мактабдорлик қилган. Сўнгра шаҳардаги мадрасада мударрислик вазифасига тайинланган. Олим сифатида шуҳрат топиб, номи атрофдаги Туркистон, Чимкент, Сайрам, Марки томонларда ҳам машҳур бўлиб кетган.

Сўнгра юртда бошланган сиёсий парокандалик туфайли кўп уламолар қатори, Сайид Маҳмудхон Тарозий ҳам таъқиб остига олинади. Бир муддат Фарғона водийси шаҳарларида яшириниб юради, бошпана излаб, Андижонга ҳам келади. Ўша йиллардаги ёшгина мулла йигит Абдулаҳад Азизов (шоир Анисий) у кишини кўрган ва сұхбатини олган. Унинг айтишича, 20-йиллари Сайид Маҳмуд Тарозий кундузлари қабристонда яшириниб ётар, тунда эса дўстларининг уйига келиб, сұхбат қуар эди.

Ниҳоят, Фарғона водийсида ҳам сиёsat танглашиб, Афғонистонга ўтиб кетишга мажбур бўлади. Бу – 1930 йилларнинг бошланиши эди. Сайид Маҳмудхон Афғонистондан муборак ҳаж сафарига бориб, ҳаж амалларини бажаргач, Ҳиндистонга келади ва Бомбайнинг мусулмонлар маҳалласида муқим туриб қолади. У шаҳардаги маҳаллий масжидлардан бирига имом-хатиб этиб тайинланади. Шу тарзда Бомбайда ўн йил истиқомат қилиб етук тасаввуфшунос олим ва муҳаддис бўлиб танилади, катта обрў қозонади. Ушбу йиллар шеърий машқлар ҳам қила бошлайди.

Сайид Маҳмуд Тарозий Бомбайдага Қуръони каримни туркийнинг «ўзбекча лаъжаси»га ағдарган биринчи таржимондир. Карочи, Лоҳур, Лакнав, Мултон каби

мусулмонлар яшайдиган шаҳарларда «Тўра соҳиб», кейинчалик «Олтинхон тўра» тахаллуси билан машхур бўлиб кетади. Ўша йиллардан бошлаб араб ва ўзбек тилларида ғазаллар, кўпроқ мусаддаслар ёзди. Карочидаги «Таржимони афкор» уюшмасининг раҳбари Аъзам Ҳошимий ҳаракати билан унинг мусаддаслари ва шеърлар тўплами 1953 йили биринчи марта «Мусаддасоти Маҳмудия» номи билан нашр этилади. Ушбу тўпламнинг сўзбошисида айтилишича, «Сайид Маҳмуд Тарозий ҳазратлари учун таърифга ҳожат йўқдур. Илму одоб соҳасидаги мақомлари барчага аёндур»<sup>5</sup>.

Ҳиндистонда бошланган ва Покистон давлатининг ташкил топиши билан тугалланган ҳарбий-сиёсий нотинчилклар муҳожирлар, жумладан, Сайид Маҳмудхон Тарозий – Олтинхон тўранинг ҳам оромини бузади ва ниҳоят, у Саудия Арабистонига келиб ўрнашади.

Олтинхон тўранинг 40 йилдан ортиқ давом этган сўнгги илмий-исломий ва адабий-маърифий фаолияти муқаддас шаҳарлар – Маккаи мукаррама ва Мадинаи мунавварада кечди. Асосий асарлари шу ерда яратилди ва улар туфайли катта обрў-эътибор қозонди.

Дастлаб Маккада хусусий мактаб очиб, ватандошларимиз болаларига, шунингдек, маҳаллийларга ҳам дарс бера бошлайди. Ўшанда унинг кенг қамровли олим эканий Арабистонда ҳам маълум бўлиб, ҳукumat томонидан Ҳарами шарифда дарс беришга таклиф қилинади. У кишининг олимлик истеъоди, классик араб тилини чуқур билиши, нотиқлиги ҳақидаги хабар Саудия Арабистони подшоҳигача етиб боради. У зотнинг олимлик фаолиятини эътиборга олиб, Ҳарамга мударрисликка тайинлайди ва бир неча йил мана шу мартабали лавозимда хизмат қиласди.

Сайид Маҳмудхон Тарозий, юртдошларимизнинг эътироф қилишларича, муҳожирларнинг ҳақиқий маънавий суюнчиғи эди. Ҳамюртларининг мусоғир юртда бирон ҳаётий муаммоси бўлса, у киши подшоҳ ёки шаҳар амири қабулигача бемалол кириб, арз.ва илтимос қила оладиган даражада обрў қозонган эди.

Домла Тарозий арабчани билмайдиган туркийзабон халқларга исломга оид илмий ва одоб-ахлоққа доир манбалар билан уларни ошно қилиш ва охир-оқибат бундай асарлар уларнинг севимли китоби бўлиб қолиши ҳақида кўпроқ ўйларди.

Шу мақсадда мусулмон оламида машхур бўлган ва тарбиявий аҳамиятга молик баъзи асарларни ўзбек тилига таржима қилади, уларни Ватанга юбориш йўлларини қидиради. Айрим асарлари Ўзбекистонгача етиб келади. Бунинг натижасида олим биздаги даҳрийлик тузуми оқибатида халқларимиз ҳаётида пайдо бўлган маънавий бўшлиқни бироз бўлса-да, тўлғазишига ҳисса қўшади. Китобларни арабчадан таржима қилар экан, уларни муҳим изоҳлар ва зарур шарҳлар билан тўлдиради. Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомийнинг 40 ҳадис ҳақидаги форсча рисоласини изоҳ ва шарҳлар билан рубоий шаклида ўзбекчага таржима қилиб, натижада «Арбаъин» номли мустақил асар яратгани каби, Олтинхон тўра ҳам тарбияга доир айрим арабий асарларни ўзбек тилига таржима қилиб ва муфассал шарҳлар билан нашр эттириб, мустақил асарлар яратади.

Чунончи, «Риёз ас-солиҳин» китоби, гарчи шарҳлар билан қилинган таржима бўлса ҳам Олтинхон тўранинг муҳим асари ҳисобланади. У кишининг Қуръони каримнинг изоҳлар билан қилган таржимаси эса ўзбек тилига қилинган биринчи таржимадир. Тўра Соҳиб Ҳиндистонда эканидаёқ бу мashaққатли ишни бошлаб, ўн йил меҳнат қилган. Ушбу таржима аввал Ҳиндистон, сўнгра Покистонда, 1980 йили Саудия Арабистонида учинчи марта нашр қилинди<sup>6</sup>. Олимнинг «Нур ул-басар» (Пайғамбаримиз ҳақида) асари ҳам муҳим тадқиқот бўлиб, 1964 йили Карочида, 1982 йили Мадинаи мунавварада нашр этилди ва ўша йиллариёқ, хуфя тарзда бўлса ҳам Ўрта Осиё республикаларида ҳам тарқалди. Булардан ташқари, Расулуллоҳ ҳаёти, баъзи исломий қоидалар ҳақидаги асарлари ҳам мавжуд.

Ҳаммаси бўлиб, ҳозирда олимнинг 20 га яқин асари аниқланган. Улардан «Девони қасоиди Маҳмудия» асарида илм ва одоб, она-Ватан ҳақидаги қасида ва назмлар жамланган. Карочида босилган «Мусаддасоти Маҳмудия» китобчасида Ватан ва унинг озодлиги ҳақида ёзилган жозибали мусаддаслари жам қилинган. Улардан айрим парчалар келтирамиз:

### «Замзамай озодий» мусаддасидан:

... Қани хорижга чиққан раҳнамолар, марду, майдонлар?  
Мужоҳидлар, мудаббирзода туркестонлик ўғлонлар?

На бўлди ул Ватан йўлида бергани аҳду паймонлар?  
Жўнар соатда кўздин оқизилган бебаҳо қонлар?  
Қолур токай асири фирмәни илҳод Туркистон,  
Илоҳи, қил карам, лутфингдин ўлсин шод Туркистон.

### **«Шамоили Муҳаммадия» асарининг таржимасига багишланган мухаммас-қасидадан:**

Муҳожирлар, ўқинглар, бир китоби мухтасардир бу,  
Набий авсоғидин сизларга тўплланган гуҳардир бу,  
Асалдан ҳам асалдир бу, шакардин ҳам шакардир бу,  
Ўқилсин, ҳар даму кулфат учун даф асаддир бу,  
Муқаммал нахшан ул ҳазрати хайр ул-башардир бу.

### **«Риёз ус-солиҳин»га багишланган қасидадан:**

Ассалом, эй аҳли миллат, марҳабо, эй аҳли дин.  
Уммати маҳбуби Аҳмад, раҳмати рўйи замин,  
Пайрави Қуръон ва Суннат хайрул мурсалин,  
Сизлар-а бўлсин муборак муждаи жон оғарин.  
Меҳрибон бўлди муҳожирларга раббил оламин,  
Лутфидин бўлди мутаржим бу Риёз ус-солиҳин.

Олмонияда чиққан «Миллий Туркистон», Мисрда чиққан арабча «Савт ат-Туркистон» ва туркча «Озод Туркистон», шунингдек, Покистонда чиққан «Таржимони афкор» ва Истамбулда чиққан «Туркистон» журнallарида Олтинхон тўранинг Ватан мадҳига багишланган мақолалари ва ғазаллари муттасил босилиб турган. Уларда муаллиф Ватан озодлиги, истиқтоли учун барча ватандошларни бирдамликка чақиради, она-юрт ишқида куйиб ёнади, унинг гўзалликларини куйлади. Домла Тарозий бир мақоласида шундай деб ёзади: «... Русия ила Чин ўртасида мустақил Туркистон давлати шартдир... Иншооллоҳ, бир кун келажак, Туркистонимиз миљлий мустақиллигини олажак». Бу гаплар 1975 йили ёзилган. Бизнинг кунларда унинг ушбу гаплари худди башоратга ўхшайди. Вақти келиб, устознинг барча мақолаларини тўплаб, мустабид тузумдан озод бўлган ҳалқимизга ҳадя этадиган кунлар насиб қиласиди; деган умиддамиз.

Ватандошларнинг эътироф этишларича, Олтинхон тўра Саудия Арабистонида яшовчи туркистонликларнинг маънавий раҳбари эди. Бу ёруғ кунларга етиб келгунча Олтинхон тўрага ўхшаш не-не мунавар ватандошларимиз, юртдан ташқарида бўлса ҳам Ватан озодлиги йўлида заҳмат чекдилар, она юрт фироқида қўйиб ёндилар. Олтинхон тўра бир гуруҳ ҳаммаслаклари билан биргаликда Туркистондаги оғир меҳнат шароити, пахта яккаҳоқимлиги туфайли унга сепилган заҳарли моддалардан турли касалликлар тарқалаётгани ҳақида, умуман юртимизнинг умумжаҳон тараққиётидан орқада қолаётгани ҳақида Саудия Арабистони ва бошқа чет эл матбуотида, турли радио тўлқинларда чиқишлар қилиб турган.

«Улуғ Октябр инқилоби» деб аталган 1917 йилдаги давлат тўнтиришининг 40 йиллиги муносабати билан 1956 йилдан СССРда бошланган кенг тарғибот-ташвиқот ишларига жавобан, бу найрангларни фош қилувчи чиқишларга Олтинхон тўра бошчилик қилган. «Таржимони афкор» журналининг муҳаррири Аъзам Ҳошимий: «Бу зот муҳожирларимиз таржимонлиги соҳасида ўз вазифасини бажарган бир миллатпарвар ва ватанпарвардир», – деб ёзган эди.

Мана бу воқеа ҳам фоятда эътиборлидир: маълумки, 1953 йили март ойида Сталин вафот қилди. Шу муносабат билан «Отамиз ўлди» деб кўз ёшлари тўкиб юрилган чоғда Олтинхон тўра ташвиқоти билан Саудия Арабистонидаги ватандошлар хурсандчилик митинги уюштиришган. Ўшанда Тўра соҳиб Сталин ҳақида танқидий мусаддас ёзган ва тўпланганларга ўқиб берган. Биз «Мусаддасоти Маҳмудия» рисоласида босилган бир юз йигирма байтдан иборат ушбу мусаддасни тўлалигича келтирамиз. Зоро, ғазал шафқатсиз тузумни фош қилувчи нодир шеърий асаддир.

### **Ситамкор Сталин**

«Ситамкор Сталин Туркистон ва бошқа турк ўлкаларнинг ҳуррият ва истиқлолларини маҳв ва мунқариз айлаб, у мамлакатлар мусулмонларининг керак диний, керак миллий анъаналарини поймол этмоққа жони борича тиришган кечирилмас душмандир. Унинг даврини ниҳоят даҳшатли террор даври деб қарор берилган».

## Олтинхон тўра

Тарк айлади дунёни ситамкор Сталин,  
Фиръавни замон – золим-у хункор Сталин,  
Оламдаги динсизлара сардор Сталин,  
Ер юзида бемисли дилозор Сталин,  
Тадбири жаҳон фикрида ҳушёр Сталин,  
Қолди бу ўлим илгига ночор Сталин.

Фикр этмади – йўқ эрди бу дунёни бақоси,  
Қолмас эди оламни шаҳаншоҳ-у гадоси,  
Золимлар учун бор эрди Тангрининг балоси,  
Дер эрди: «худо йўқ», кўринг – ўлдуруди худоси,  
Тадбири жаҳон фикрида ҳушёр Сталин,  
Қолди бу ўлим илгига ночор Сталин.

Нолишда эди зулм илил кўп хаста жигарлар,  
Ҳар лаҳза мусулмонлара ҳар турли хатарлар,  
Пайваста ўтар эрди фифон бирла саҳарлар,  
Шак йўқки, дуоларда бўлур бўйла асарлар,  
Тадбири жаҳон фикрида ҳушёр Сталин,  
Қолди бу ўлим илгига ночор Сталин.

Масжидлари майхона қилиб эрди бу малъун,  
Дер эрди киши сўзласа дин бобида – мажнун.  
Динсизлар анинг чун эди ул гумроҳ мафтун,  
Дин душмани бу лаҳза вафоти или маҳзун.  
Тадбири жаҳон фикрида ҳушёр Сталин,  
Қолди бу ўлим илгига ночор Сталин.

Шод ўлди жаҳон – душмани ислом йиқилди,  
Ахлоқи ёмон кофири бадном йиқилди,  
Озори или шахраи айём йиқилди,  
Сайёд ситамгар кетиб дом йиқилди.  
Тадбири жаҳон фикрида ҳушёр Сталин,  
Қолди бу ўлим илгига ночор Сталин.

Мотамда бу кун қуфри, ҳароб ўлди паноҳи,  
Ҳақ даргоҳина етди ситам дийдалар оҳи,  
Динсизлара юзланди ажаб бахти сиёҳи,  
Маҳв айлади душманни Мұҳаммадни Илоҳи,  
Тадбири жаҳон фикрида ҳушёр Сталин,  
Қолди бу ўлим илгига ночор Сталин.

Бу ҳодисадин ибрат олурмиз уммолар,  
Дин душманига Ҳақ юборур буйла балолар,  
Күтқармади жонини дувалар-у ҳукамолар,  
Суд этмади ул аслахалар, жони фидолар,  
Тадбири жаҳон фикрида ҳушёр Сталин,  
Қолди бу ўлим илгига начор Сталин.

Күркитмиш эди қунбуласи бирла жаҳонни,  
Тўқмиш эди қонларни, бузиб амни омонни,  
Маръуби қилиб эрди замин ила замонни,  
Топшириди бу кун моликина жисми-ла жонни  
Тадбири жаҳон фикрида ҳушёр Сталин,  
Қолди бу ўлим илгига начор Сталин.

Кўрдингми худони, эй, худосизлар отоси?  
Наф этдими дардингта ҳакимлар давоси?  
Охирда керак бўлдими бу ҳалқ дуоси!  
Боқ тўлгуси жисминг-ла жаҳаннамни фазоси!  
Тадбири жаҳон фикрида ҳушёр Сталин,  
Қолди бу ўлим илгига начор Сталин.

Оз кунда худо хоҳласа мулкингни очармиз,  
Қабрингга бу маздумлар ўтларин сочармиз,  
Фўлад ҳудудингдин аёғ ила кечармиз,  
Маҳбуб Ватан кўксилда замзамлар ичармиз,  
Тадбири жаҳон фикрида ҳушёр Сталин,  
Қолди бу ўлим илгига начор Сталин.

Ёраб, сенга ҳамд, дил озор ўлибдур,  
Бизларга ситам қилгучи бадкор ўлибдур,  
Макр ила жаҳон олгучи гаддор ўлибдур,  
Қон тўккучи, босқинчи жафокор ўлибдур,  
Тадбири жаҳон фикрида ҳушёр Сталин,  
Қолди бу ўлим илгига начор Сталин.

Эй, жабр ила-афгор Ватан! Сенга муборак,  
Зулм остида начор Ватан! Сенга муборак,  
Душман кўлида хор Ватан! Сенга муборак,  
Авлоди учун зор Ватан! Сенга муборак,  
Тадбири жаҳон фикрида ҳушёр Сталин,  
Қолди бу ўлим илгига начор Сталин.

Маҳв айлади Ҳақ душмани хункоринги охир,  
Эшитди худо нола ила зоринги охир,  
Иқбола мубаддал қилур идборинги охир,  
Маҳжурларинг кўргуси гулзоринги охир,  
Тадбири жаҳон фикрида ҳушёр Сталин,  
Қолди бу ўлим илгига ночор Сталин.

Эй, қавм, келинг фатҳга тайёр бўлайлик,  
Faфлатни отиб орқага, бедор бўлайлик,  
Бирлик ила ҳар лаҳза хабардор бўлайлик,  
Жон ила-ю, мол ила хабардор бўлайлик,  
Тадбири жаҳон фикрида ҳушёр Сталин,  
Қолди бу ўлим илгига ночор Сталин.

Душманларимиз оқлари тайёр эрурлар,  
Оқ дема, қизиллари каби ғаддор эрурлар,  
Ҳар иккиси дин душмани куффор эрурлар,  
Бу қавм алардин ҳама безор эрурлар,  
Тадбири жаҳон фикрида ҳушёр Сталин,  
Қолди бу ўлим илгига ночор Сталин.

Биз эмди, сано Ҳаққаки, танпарвар эмасмиз,  
Бемарказ эмасмиз, яна бераҳбар эмасмиз,  
Бор давлатимиз, бирлигимиз, аҳқар эмасмиз,  
Бегоналар эҳсонига биз музтар эмасмиз,  
Тадбири жаҳон фикрида ҳушёр Сталин,  
Қолди бу ўлим илгига ночор Сталин.

Эй, яхши Ватан кўксига бор ота-оналар,  
Сизларга муборак бу кун, эй, ини-огалар,  
Биз мунда-ю, Сиз унда қилинг Ҳаққа дуолар.  
Сизларни халос этмака ҳозир бу фидолар,  
Тадбири жаҳон фикрида ҳушёр Сталин,  
Қолди бу ўлим илгига ночор Сталин.

Ёраб, сенгадур эрта-ю кеч арзи рижомиз,  
Қолсин бу жаҳон борича шоҳу умаромиз,  
Сен молики оламсан-у биз барча гадомиз,  
Ҳар лаҳза Худоё, сенгадур ушбу дуомиз,  
Тадбири жаҳон фикрида ҳушёр Сталин,  
Қолди бу ўлим илгига ночор Сталин.

Эй, ёшлар, ўқинг, илм ила дунёни олурсиз,  
Душман бошина турли балоларни солурсиз,  
Ғайратлар этинг, йўқ эса сиз сўнгда – қолурсиз,  
Беному нишон биз каби сиз ҳам йўқолурсиз,  
Тадбири жаҳон фикрида ҳушёр Сталин,  
Қолди бу ўлим илгida ночор Сталин.

Маҳмуд ҳазин қавмини қурбони ҳамиша,  
Илгida қилич, кўксидা Куръони ҳамиша,  
Бордир Ватанин фатҳина иймони ҳамиша,  
Ҳақ бўлса мададкор, анга Раҳмони ҳамиша,  
Тадбири жаҳон фикрида ҳушёр Сталин,  
Қолди бу ўлим илгida ночор Сталин.

Сайийд Маҳмуд Тарозий-Олтихон тўра ўзидан анчагина илмий ва адабий мерос қолдирди. Бироқ илмий меросининг адади ҳамон тўла аниқланмаган. Ҳозирча биз аниқлаган айрим асарларининг номларини келтирамиз. Олимнинг илмий ва таржима ишларининг номлари арабча бўлса ҳам барчаси ўзбек тилида ёзилган. Бизга ҳозирча унинг қуйидаги асарлари маълум:

1. Куръони каримнинг таржимаси ва тафсири (Покистон, Ҳиндистон ва Саудия Арабистонида нашр қилинган.)

2. «Нур ул-басар фи сийрати хайр ул-башар» (Пайгамбаримиз (с.а.в.) ҳаёт йўллари). 1964 йили Покистонда ва 1982 йили Саудия Арабистонида нашр қилинган.

3. Имом Абу Закариё ан-Нававийнинг «Риёз ус-солиҳин» («Солиҳ кишилар бўстони») номли тўрт жилдли асарининг шарҳлари, лугати ва таржимаси. 1964 йили Покистонда ва 1982 йили Саудия Арабистонида нашр қилинган.

4. «Фазойи ул-вуруд ва ало саййид ул-вужуд» (Пайгамбаримиз (с.а.в.)нинг намоз ўқишлиари ҳақида).

5. «Ақоид ул-ислом» («Ислом дини ақидалари»). Муаллифнинг вафоти арафасида босмадан чиққан (1991).

6. «Хизб ул-аъзам» ( Улуғ ва мўътабар қоида ва низомлар). Ўйтитлар тўплами.

7. Абу Ҳанифа ан-Нуъмон ибн Собитнинг «ал-Фиқҳ ал-Акбар» (Шариат қоидалари тўплами) асарининг шарҳли таржимаси.

8. Имом ат-Таҳовийнинг «Ақидаи Таҳовий» («Таҳовий ақидалари») асарига манзума ва шарҳ. Бу асар Покистон,

Ҳиндистон ва Саудия Арабистонида нашр қилиниб, кенг тарқалган.

9. «Девони қасоиди Маҳмудия» (Илм ва одоб ҳақида ўзлари ёзган қасида ва назмлар тўплами). Турли шаҳарларда қилинган ваъзлар ва айрим сафар таассуротлари ҳам ушбу тўпламга киритилган.

10. Абу Исо ат-Термизийнинг «Шамоили Муҳаммадия» асарининг шарҳланган таржимаси. Таржимон сўз бошида ёзишича, Пайғамбаримиз (с.а.в.) сифатлари ҳақида ривоят қилинган саҳобаларнинг номлари аниқланган. Бундан ташқари, ушбу асар қиммати ҳақида маҳсус мусаддас ҳам ёзган (муаллифнинг ушбу асари 1991 йили Тошкентда ҳам нашр қилинган).

11. «Китоб ал-ҳаж» – Муборак ҳаж сафари қоидалари ҳақида. Асар 1993 йили Тошкентда ҳам нашр қилинган.

12. «Ёсин» сурасининг таржимаси ва шарҳи (қўлёзма).

13. «Аъмма» сураси таржимаси Карочи, 1951.

14. «Мусаддасоти Маҳмудия», Карочи, 1953.

15. Саудия Арабистони ва бошқа мамлакатлар матбуотида турли йиллари босилган мақолалар ва шеърлар. Шунингдек, араб тилида ёзилган кўплаб мақолалари ва шеърлари ҳам бордирки, уларни излаб топиш анча мушкулдир.

Биз уюштирган суҳбатларда айтишларича, матбуотдаги чиқишлиарида Олтинхон тўра Туркистоннинг озодлиги ва истиқоли учун барча ватандошларни бирдамликка чақиради, Ватан, она юрти ишқида куйиб ёнади ва унинг гўзалликларини мадҳ этади.

У кишидан бир қанча фарзандлар қолди. Биринчи рўзгоридан Саидахон исмли қизи ва ўғли Муҳаммаджон ҳожи Янгийўлда истиқомат қиласидилар. Отадан бир ярим яшар қолган бу қизи 1991 йили ҳаж сафарига бориб, отаси билан кўришиди-ю, аммо гаплашишга мұяссар бўлолмади: ота узоқ нотобликдан беҳуш ётган эдилар (қизи ҳаж амалларини бажариб юрган кунлари Олтинхон тўра қазо қилдилар. Эшитишимизча, Саидахон ҳам 1999 йили Янгийўлда вафот қилган).

Олтинхон тўранинг кейинги рўзгоридан Абдулқодирхон, Мунаввар қори, Усмонхон қаби ўғиллари ҳозирда Саудия Арабистонида истиқомат қиласидилар. Улар, гарчи ота юртини кўрмаган бўлсалар ҳам Туркистонни доимо ёдда сақлаб

яшамоқдалар. Ўғли Мунаввар қори билан Маккада биз кўп сұхбатлашдик.

Олтинхон тўра Ватан мустақиллиги эълон қилинишидан атиги икки ой илгари – 1991 йил 26 июнь куни вафот қилдилар. 1995 йил ноябрь ойида туғилган юрти Жамбул шаҳрида у зотнинг 100 йиллик юбилейига багишланган тантаналар ўтказилди (камина таклиф қилиниб, ижодига багишланган илмий анжуманда сўзладим ва Жамбул вилоят телевидениесида чиқиши қилдим).

Анжуман иштирокчилари шаҳарда Олтинхон тўра хотирасига багишлиб, 10 гектарли боғ яратишни сўраб ҳокимиятга хат қилдилар.

## 2-§. Сайид Мубашширхон Тарозий

Туркистондан чиққан ватандош йирик уламолардан яна бири Сайид Мубашширхон Муҳаммадхон тўра Тарозийдир. У киши ҳам Сайид Маҳмудхон Олтинхон тўранинг ҳамюрти – Тароз шаҳрида таваллуд топгандир. Бу зот, асосан Мисрда истиқомат қилган бўлсалар ҳам Саудия Арабистони ва бу ердаги ватандошлар билан алоқани асло узмаганлар. Биз тўплаган маълумотлар асосан Жидда шаҳрида истиқомат қилувчи ўғиллари доктор Абдуллохон Мубашшир Тарозийдан ҳамда Маккадаги шогирдлари – олим Муҳаммад Қосим Аминдан ёзиб олинган. Мадинада истиқомат қилган тарихчи олим, юқорида номи келтирилган мархум Мубашширхон Сулаймон Косоний ўзининг «Ўрта Осиё тарихи» деб аталган китобида (учинчи жилд) Мубашшир Тарозийнинг Афғонистондаги фаолиятини қисқача ёритиб ўтган.

Сайид Мубашширхон Тарозий 1890 йили Авлиё ота (собиқ Тароз) шаҳрида тасаввуф илмининг билимдони оиласида туғилган. Оталари Сайид Муҳаммадхон тўра фикҳ илмида эътироф этилган олим ҳисобланган. Шунингдек, Нақшбандия тариқатида ҳам ўз даврининг эътиборли шайхларидан бўлган. Мубашширхон болалигиданоқ қувваи ҳофизаси кучли, истеъоддли бўлган. Дастрасларни отасидан, шунингдек, Тароз шаҳри муллоларидан олган. Сўнгра олий таълимга интилиб, аввал Тошкентнинг машхур Кўкалдош мадрасасида ўқиган, сўнгра ўқишини Бухорода давом эттирган. У ерда кўзга кўринган уламолардан таҳсил олиб, хусусан, Пайғамбаримиз

(с.а.в.)нинг ҳадисларини, Қуръон тафсири, шунингдек, араб адабиётини чуқур ўрганади. Бухорода Нақшбандия таълимоти билан жиддий шуғулланади. Бир вақтнинг ўзида, Қуръони каримни ёд олади. Юзлаб ҳадисларни тафсир ва тадқиқ қиласди, шунингдек, илк ўрта асрларда ўтган машҳур араб шоирлари ижоди ҳақида илмий ишлар билан ҳам шуғулланади.

Бошқа толиби илмлардан фарқли ўлароқ, Мубашширхонда сиёсий дунёқараш ҳам ўсиб борди. У ўлкада ўрнатилган Русия мустамлакачилиги ҳақида ҳам мушоҳада юргизар, юрт қашшоқлиги, мазлум халқимиз ҳаётининг ночорлиги ҳақида ҳам мулоҳаза юритади, унда чоризм сиёсатига қарши фикрлар уйғонади. Ўша даврда чиқадиган «Ислоҳ» ва «Ойина» журналларида халқ ҳаётининг ночорлиги ҳақида ва туркистонликларни бирлашишга чақирувчи дастлабки мақолаларини эълон қиласди. 1917 йилги давлат тўнтариши муносабати билан Бухорода ўқиётган илгор фикрли талабалар жамиятини тузишга киришади. «Ислоҳ» ва «Ойина» журналларида ўқувчиларни ўйланитирадиган фикр-мулоҳазаларни ўртага ташлайди. Унинг дастлабки мақолалари ёқ ҳалқни сергакликка чақиради.

Ниҳоят, Мубашширхон Бухоро талабалари жамиятини тузади. Бу даврга келиб у исломий илмларнинг билимдони бўлиб шаклланган ва илмий доираларда эътироф этилаётган ёш олим сифатида танилган эди.

Мубашширхон шўро ҳокимияти ички сиёсатининг асл мақсадлари ва моҳиятини аввалбошданоқ зукколик билан англай бошлайди. У 1920 йилларданоқ уламоларнинг махфий жамиятларида иштирок этиб, йиғилишларда шўрони танқид қилувчи чиқишилар қиласди. Табиийки, махсус айғоқчилар назарига тушади ва улар керакли жойларга тегишли ахборотлар етказади.

Шу тариқа 1926 йили ёш олим Мубашширхон ҳибсга олинади ва барча мақолалари, нутқлари тафтиш қилиниб, «шўрога қарши» деб қамалади. Қамоқда тахминан бир йил ётиб, кафолат ва «жимгина юриш» шарти билан озод қилинади, аммо барибир, таъқиб остига олинади. У она шаҳрига қайтиб, бирмунча муддат илмий ишлар билан шуғулланади. Ўзбеклар истиқомат қиласдиган Туркистон, Чимкент, Сайрам, Марки каби шаҳарларда ва атроф қишлоқларда унинг нуфузи йилдан йилга ортиб боради.

Мубашширхон ҳозирги Қозогистоннинг жанубий төмөнларида ташкил этилган «Түркистон қурилиши» номли маҳфий ташкилотнинг Авлиё ота бўлимига бошлиқ этиб тайинланади. Бундан хабар топган ком фирмқа айғоқчилари ҳам тек турмади: улар бу ҳақда ҳукуматга хабар қиласилар. Ташкилот тинтуб қилиниб, унинг барча ҳужжату қофозлари йўқ қилинади. Бироқ ҳукумат Мубашширхоннинг ҳалқ орасидаги обрў-эътиборидан ҳайиқиб, уни қамай олмади, аммо четта чиқиб кетишга мажбур этди.

Шу тарзда 1930 йили Мубашширхон оиласини ташлаб, ёшгина ўғли Насруллохонни олиб хориж сафарига отланади. Ота-бала Фаргона водийсининг шарқий туманларида кўп сарсон-саргардонликларни бошдан кечириб, ниҳоят, Амударёдан ўтиб, Афғонистонда қўним топалилар. Мубашширхон ушбу мамлакатда тўпланиб қолган фаргоналик юртдошлари орқали олимлиги ва ташкилотчилиги ҳақидаги хабар афғон ҳукуматига тезда маълум бўлиб, ўша йиллари Афғонистон раҳбари Нодиршоҳ ҳукуматининг маориф идораларига ишга тақлиф қилинади. Бир муддат ишлагач, ҳукумат янгиланиб, ишдан бўшатилади. Бу орада соғлиғи ҳам ёмонлашиб, 1936 йили даволаниш учун Ҳиндистонга кетади ва Лоҳур шаҳрида ўrnashadi. Бу ерда ҳам ҳинд мусулмонлари орасида тез орада эътибор қозонади, ҳинд уламолари, жумладан машҳур адаб Муҳаммад Иқбол билан танишади. Бу шаҳарда ташкил қилинган «Ҳимояти исломия» жамиятининг ишида фаол қатнашиб, унинг журналига баёнотлар беради, мақолалар ёзади. Кейинчалик Ҳиндистонда туркистонлик муҳожирлар кўпайгач, уларнинг мустақил жамиятини тузади.

Мубашширхон Тарозий Иккинчи жаҳон уруши бошланган 1939 йили Ҳиндистондан Афғонистонга келади ва афғон ҳукумати томонидан маориф вазирлигига ишга таклиф қилинади.

Унинг Афғонистондаги фаолиятини ўша йиллари Қундуз шаҳрида истиқомат қилган яна битта ватандошимиз Мубашшир Сулаймон Косоний ўзининг «Ўрта Осиё тарихи» асарида қаламга олиб ўтган<sup>7</sup>.

Сталинград жангларидаги совет қўшинларининг ғалабаси ватандошларимизда умидсизлик пайдо қилган. Айғоқчилар иғвоси билан Афғонистон ҳукумати томонидан 1943 йил апрель

ойида 70 дан ортиқ ватандошимиз, жумладан, Сайид Мубаширхон Тарозий ҳам қамоққа олинади. (Афтидан, 1926 ва 31-йиллари тузилган совет-афғон дўстлик алоқалари ҳақидаги битим шартларига биноан, улар совет ҳукуматининг талаби билан қўлга олинган.) Мубаширхон Тарозий икки йил турмада ётгач, нуфузи эътиборга олиниб, 1945 йили озод қилинади ва мамлакатдан чиқариб юборилади: Мубаширхон оиласи билан Мисрга кўчиб кетади.

Мубашир Тарозий 1950—1960-йиллари Саудия Арабистонига бир неча марта ташриф буюриб, бу ердаги ватандошлар билан яқин алоқа ўрнатади. Туркистонни СССР панжасидан қутқазиб олиш йўллари ҳақида ҳамюрти Олтинхон тўра каби сиёсатда ҳушёр олимлар билан сұхбатлар ўтказади. Ўзи эса фақат илмий иш билан шуғулланади: Миср кутубхоналари Бош идорасининг «Дор ал-кутуб ал-мисрия» ташкилотида туркий китоблар бўлимига узоқ йиллар мудирлик қиласи. Шу билан бирга, умрининг охиригача она юрти Туркистоннинг озодлиги йўлида қайгуради. Мисрда арабча «Савт ат-Туркистон» («Туркистон овози») ва ўзбекча «Туркистон» деган журналлар таъсис қилиб, туркистонлик қаламкашларни журнал ишига жалб қиласи. Бутун фаолияти давомида хорижда яшаётган ўзбек миллатдошлари орасида она тили, урф-одати-ю миллий анъаналарини сақлаб қолишни тарғиб қиласи. Араб муҳитида яшаганига қарамай, оила аъзоларига ўзбек тилида гаплашишни ўргатади.

Сайид Мубаширхон Тарозий араб, форс ва ўзбек тилларида баб-баробар ижод қилган. Афғонистон, Миср, Туркия ва Германияда чиқадиган журналларда кўплаб мақолалари босилгани маълум. Афсуски, илмий асарларининг тўлиқ рўйхатига ҳозирча эга эмасмиз. Макқадаги шогирди Муҳаммад Аминнинг устоз Мубашир Тарозий ҳақида бизга ёзиг берган маълумотида кўрсатилишича, олим қуйидаги йўналишларда асарлар ёзган:

- Қуръони карим ҳақида (унинг маънолари, тажвидий қироати ва ҳ.к.);
- ислом дини ва унинг йўналишлари ҳақида (мазҳаблар ва уларнинг моҳияти);
- ислом ва аёллар масаласи (иккита китоб);
- ислом ва шароб ҳақида;
- одоб ва ахлоқ, тарбияга доир бир неча китоблар;

- она тили ва унинг миллат тақдиридаги роли ҳақида;
- Русиядаги мусулмонлар аҳволи ва уларнинг озодлигига бағишиланган китоблар;
- ислом дини ва сиёсий партиялар ҳақидаги мақолалар туркуми.

Булардан ташқари, «Тарозий» тахаллуси билан газаллар девони, шунингдек, 4035 байтдан иборат маснавийлари сақланган. Фикримизча, Тарозийнинг асарлари, эндиликда мустақилликка, ҳурфиксирликка Эришган халқимизнинг маънавий мулкига айланмоғи лозим. Бинобарин, уларни жамлаш ва халқимизга етказиш замонамиз талабидан келиб чиқадиган вазифалардандир.

Сайид Мубашширхон Тарозий 1977 иили 87 ёшида Қоҳирада вафот қилдилар. У кишининг шогирди таъбири билан айтганда, Тарозий ҳазратлари «Туркистоннинг мунаввар олими, ҳам олижаноб инсон эди». У саҳий инсон эди. Ёзган мақолалари учун ҳеч қачон қалам ҳақи олмаган. Агарда чет эллардан почта орқали пул келса, оларди-да, фарибларга улашиб берарди. 1980 иили олим таваллудининг 90 йиллиги муносабати билан Қоҳирада халқаро илмий анжуман ўтказилиб, унга ислом мамлакатларидан кўплаб олимлар ташриф буюрдилар. Анжумандаги маърузалар ва аҳборотлар араб тилида маҳсус тўплам ҳолида нашр қилинган<sup>8</sup>.

Бу ватандош олимнинг Саудия Арабистони ва Мисрдаги обрў-эътибори киндик қони тўқилган она шаҳри – Жамбулда унинг номини абадийлаштириш масаласини кўтаришни тақозо этади.

### **3-§. Сайид Қосим домла Андижоний**

Ватандош исломий уламолардан яна бири домла Сайид Қосим Андижонийdir. Бу киши ҳам Ватан доғида куйиб ўтган олим, зиёлиларимиздандир. У 1885 иили Андижон шаҳрининг шарқий биқинидаги Бўтақора қишлоғида таваллуд топган. Отаси обрў-эътиборли кишилардан бўлган. Сайид Қосим дастлаб қишлоқ хусусий мактабида ўқиб, саводини чиқарган. Сўнгра уни Андижондаги машҳур Жоме мадрасасига ўқишига берадилар. Сайид Қосим Мулла Холиқберди Охун домла, Юнус Охун домла каби кўзга кўринган мударрислар қўлида ўқиб, етук мулла бўлади. Сўнгра отаси уни Ҳўжандга, кейин

Тошкент мадрасаларига ўқишига юборади, сўнгра Бухорога келади. Ниҳоят, Бухорода олий мадрасани тутатиб, 1911 йили Ҳиндистонга кетади ва Банорас шаҳрига ўрнашиб, бу ердаги илм даргоҳида таҳсил кўради. Сайид Қосим ўша юртда «Андижоний» тахаллусини олади.

Бу мамлакатда у 5 йил истиқомат қиласи, 1916 йили яна Андижонга қайтиб, она қишлоғи Бўтақорадаги кичик бир мадрасада фаолият бошлайди. 1917 йилги сиёсий воқеалар бошланиб, ҳаёт издан чиқади. Ҳарбий-сиёсий ур-йиқитлар оқибатида қишлоқларда иқтисодий қийинчилик бошланади. 1918–1920-йилларда Қизил армия «босмачилик» деб аталган миллий озодлик ҳаракатига қарши арман миллатчиларининг «Дашнақ» гурӯҳи ҳам бирлашиб, кўп қон тўкилди. Оқибатда қишлоқлар вайрон бўлди, деҳқончилик издан чиқди, очарчилик бошланди. Буларни ўз кўзи билан кўриб, кузатиб юрган Мулла Сайид Қосим бир қишлоқ зиёлиси сифатида Туркистон халқлари тақдирни ҳақида қайғуради. Афсуски, улар Ватанда кутилгандек акс-садони бермади. Бундай зиёлилар яқкаланиб қолди, бошлари бирикмади, бирикишга имкон ҳам бўлмади. 1921 (ёки 1922) йили Сайид Қосим яна Ҳиндистонга кетади ва у ердаги илмий фаолиятини давом эттиради. Бу вақтда Ҳиндистоннинг Бомбай шаҳрида муҳожирликда яшаётган машҳур татар олими Мусо Жоруллоҳ билан танишиб, у билан илмий ҳамкорлик қиласи ва сиёсат бобида мунозаралар ўюнтиради. Мусо Жоруллоҳ исломий олим бўлиш билан бирга, етук сиёсий арбоб ҳам эди. У 1917 йилги Октябр тўнтариши ва унинг оқибатлари ҳақида ўз нуқтаи назарига эга инсон эди.

Сайид Қосим ўша йиллари сиёсат оламида машҳур бўлган, Германияга ҳижрат қилган Мустафо Чўқай билан ҳам алоқа ўрнатади. Ватанни озод қилишда ҳамкорликни таклиф қиласи. Шунингдек, Ҳиндистонда ҳам кўпгина юртпарвар миллатдош уламолар билан танишади. Жумладан, катта олим Мавлоно Абдул Калом Озод билан яқиндан ҳамкорлик қилиб, туркистонлик мусулмонларни шўро зулмидан, даҳрийлар ҳукмронлигидан озод қилиш йўлида ҳамфир бўлиб, бирга фаолият кўрсатадилар, чиқишлар қиласидилар. Ҳиндистон шаҳарларига келиб ўрнашиб қолган туркистонликларни бир мақсад йўлида ҳаракат қилишга чақирадилар ва бу ишда ватандошлар орасида жасур инсонлар бўлиб таниладилар.

40-йиллари Ҳиндистонда авж олган миллий озодлик ҳаракатлари сабаб мұхожирлар осойишталиги бузылиб, Сайид Қосим Андижоний бу ердан Саудия Арабистонига күчиб кетади. Маккалик Мұхаммад Қосим Аминнинг гувоҳлик беришича, Сайид Қосим домла Мадина шаҳрига келиб ўрнашган ва Маккадаги эски қадрдони Олтинхон тўра билан борди-келди алоқаларини ўрнатган. Айтганимиздек, Олтинхон тўра ҳазратлари ҳижратга оиласиз чиқкан ва ёлғиз яшаётган эди. Сайид Қосим домланинг биринчи рўзгори Бўтақорада қолгани сабаб Афғонистонда бир ҳамشاҳрининг Ҳосиятхон деган қизига уйланган эди. Ундан Фотимахон ва Мұхаммадхон деган фарзандлар туғилган. Саудия Арабистонига кўчиб келишгач, бўйига етган қизи Фотимахонни Сайид Маҳмуд-Олтинхон тўрага никоҳлаб беради ва бу икки улуф ватандош қайнота-куёв бўладилар. Мадинадаги Пайғамбаримиз ҳарамларида дарс беришга таклиф қилинади. Бир вақтнинг ўзида у киши шахсий мактаб ва мадрасаларда ҳам дарс бериб, бу муқаддас шаҳарда машҳур бўлиб кетади.

Мұхаммад Қосим Аминнинг айтишича, Сайд Қосим домла кенг маълумотли, анча нуфузли олим бўлган. Диний билимлардан ташқари, тарих, жуғрофия, адабиётни, шунингдек, сиёsatни ҳам пухта билган ва кўп соҳаларда ватандошлар орасида ҳатто, куёви Олтинхон тўрадан ҳам пешқадамроқ саналган.

Домла Мадинада қарийб 25 йил дарс берган, бир вақтнинг ўзида, илмий асарлар ҳам ёзган. Миср, Ҳиндистон, бошқа Араб мамлакатлари ва Туркия, Покистон олимлари билан ҳам алоқалар ўрнатган, уларнинг китоблари билан муттасил танишиб борган.

Сайид Қосим Андижоний 1972 йили Мадинаи мунаварада 87 ёшида вафот қилди ва «Жаннат ул-Маъалло» қабристонига дағн қилинди. 1997 йилги сафаримиз чоғида биз бу марҳум ватандошимиз ҳақида хотира тўплаш мақсадида кўп кишиларни суҳбатга тортидик. Барча суҳбатдошларимиз бу одамнинг улуф олим бўлганини айтадилар. Жанозаси куни деярли барча шаҳарлардаги ватандошлар Мадинага келишган ва уч кунгача мотам тутилган. Марҳумнинг шогирдлари устози ҳақида кўпинча қўйидаги иборани ишлатадилар:

«Домла Сайид Қосим Андижоний доимо Туркистонимиз озодлигини ўйлаган, бу йўлда қаламини қурол қилиб, тинмай хизмат қилган». Минг афсуски, у киши ҳам эзгу мақсади – Ватан озодлигини кўролмай, дунёдан кўз юмди.

Олимдан бир қатор илмий асарлар қолган. Афсуски, уларнинг барчаси нашр этилмаган ва кўпчилиги қўлёзма ҳолда қолиб кетган, айримлари ҳамон шогирдлари қўлида сақланади<sup>8</sup>. Маълум бўлишича, кейинги йиллари Сайид Қосим домланинг асарлари Ислом олами уюшмаси томонидан тўплашга киришилган. Олимнинг фақат «Лозим вазифалар» номли чоғроқ асари Мадинада нашр қилингани маълум. Асар йиллар ўтиб Туркистон озод бўлгач, ўлкада амалга оширилажак хайрли ишларга бағишиланган. Мадинадаги дўстларимиз ушбу асардан бизга бир нусха кўчириб бердилар.

Бу олим ҳақида тўплаган маълумотларимизни якунлаш олдидан шуни билдириб ўтмоқчимизки, сафардан қайтгач, Андижоннинг Бўтақора қишлоғига бориб, ватандошимиз зурриётларини изладик. Маълум бўлдики, олимнинг юртида Руқияхон исмли бир қизи гўдаклигига отадан етим қолган. Кейинчалик Руқияхон Кўқонга узатилган. 1999 йили Кўқонга бориб, опани суриштиридик ва ҳовлисини топдик. Абдумажид исмли ўғиллари билан танишдик. Афсуслар бўлсинки, Руқияхон онахон оталари доғида 1997 йили вафот қилибдилар, кўришолмадик. Биз ўғиллари – Сайид Қосим набираси Абдумажид билан узоқ сухбатлашдик, онасининг ҳаёти ҳақида маълумотлар олдик ва Мадинада ўтган олим бобоси ҳақида у кишини ўзимиз тўплаган маълумотлардан хабардор қилдик...

Сайид Қосим Андижонийнинг илмий меросини топиб тўплаш ва Ўзбекистонга келтириш замонамиз даъватига мос вазифалардандир деб ҳисоблаймиз. Зеро, бу ватандошимиз ҳам кўплар қатори, ипи узилган марварид шодасидек атрофга сочилиб кетган гавҳар нуқраларидандир. Унинг мероси ҳам халқимиз маънавиятини бойитишга хизмат қиласди.

#### **· 4-§. Муҳаммад Юнус Йўлдош ўғли Наманганий**

Ватандош олимлардан яна бири Муҳаммад Юнус Йўлдош ўғли Наманганийдир. У кишининг номи узоқ йиллар номаълум бўлиб келди, ҳаёти ва илмий фаолияти кўпроқ Мисрда кечгани сабаб, олим ҳақида қуйидаги маълумотларни тўпладик.

Бу зот 1890 йили Наманган шаҳрида аҳли илм оиласида таваллуд топган. Оталари мулла Йўлдош домла XIX аср охири – XX аср бошларида Наманган мадрасаларидан бирида мударрислик қилган. Мұхаммад Юнус дастлаб отаси қўлида ўқиган ва бошлангич таълим олган. Йўлдош домла вафотидан сўнг, тахминан 1905-йиллардан Самарқандга – отаси васиятига биноан бир танишиникига ўқигани кетган. Нотаниш шаҳарда бир қанча муддат дарбадар кезиб, ниҳоят, отасининг дўстини топган ва бу муллога шогирд бўлган: ҳам ўқиган, ҳам унинг хизматини қилган. Бир неча йил ўтиб, одобли ва ўқимишли шогирд сифатида устозининг меҳрини қозонган. Ўқиш муддати тугагач, устоз маслаҳатига биноан Наманганга қайтмасдан Самарқанд мактабларида дарс бериб юрган.

Бу орада 1917 йилги октябрь тўнтариши юз бериб, ҳалқ ҳаётида бессаранжомлик бошланди. Шўро, айниқса, забардаст муллоларга қаттиқ жабр қилди – уларга қийин бўлди. Устоз ва шогирд биргалашиб, муборак ҳаж сафарига жўнадилар. Одатдагидек, Маккаи мукаррамада ва Мадинаи мунаварада бўлдилар. Муборак ҳаж амалларини бажаргач, бу мусоғир юртда қолишни маъқул кўрмадилар ва Миср орқали Ватангга қайтдилар.

Бироқ кутилмаганда нохуш ҳодиса юз берди: Сувайш канали бўйидаги Порт Саид шаҳрига келганларида устози – тутинган отаси қўққисдан бетоб бўлиб қолади ва кўп ўтмай нотаниш шаҳарда вафот қилади. Шаҳар масжидига тўпланганлар мусоғирга жаноза ўқиб, маҳаллий мозорга дафн қиладилар.

Устоз-отасидан айрилиб қолган Мұхаммад Юнус нима қиларини билмай, гангигб қолади. Порт Саид шаҳрида бир муддат дарбадарликда юради. Карвон саройларда, меҳмонхоналарда йўловчилар хизматини қилиб, бир амаллаб тирикчилик ўtkазади. Аммо шогирди истеъодига тўғри баҳо берган устози яна ўқиш – илм олишни васият қилган эди.

Мұхаммад Юнус бироз захира пул тўплаб, Порт Саиддан Қоҳирага жўнади ва сўраб-суриштириб машҳур ал-Азҳар олийгоҳини излаб топди. Олийгоҳ раҳбарларига учради, ўзини Мовароуннаҳрдан келганини, бу ерда етим бўяиб қолганини ва ўқимоқчи эканини изҳор қилади. Ниҳоят, уни олийгоҳга ўқишига қабул қиладилар.

Ўшанда 1929 йил эди. Мұхаммад Юнусни университет ҳужраларидан бирига бепул жойладилар. Университетда олти йил таълим олиб, 1935 йили – 45 ёшида бу мўътабар

олийгоҳнинг дипломига эга бўлди. Бироқ Ватанга қайтолмади. Сабаби – мамлакатдаги нохуш аҳволдан ахборот воситалари орқали хабар топиб турган эди. Она юритдан, туғишганларидан ажralиб, мусофирикда, муҳожирликда қолиб кетди. Узок муддат Қоҳира мактабларида ўқитувчилик қилди, бўш вақтларида маҳаллий газеталарга мақолалар ёзиб турди. Ватандошлар ўқиса, ўзини танитиш мақсадида мақолага туркистонлик эканига ишора қилиб, имзо чекарди.

Ниҳоят, 1950 йил бошида уни Қоҳирадаги «Дор ал-кутуб ал-мисрия» номли илмий маҳкамага ишга қабул қилдилар. Ўшанда 60 йил умр кўрган кишининг илмий фаолияти бошланди. Бу орада, кечроқ бўлса ҳам бир араб қизига уйланиб, рўзгорли бўлди ва фарзандлар орттириди.

1950 йиллар бошида Сайид Мубашширхон Тарозий ҳам Афғонистондан Қоҳирага келган эди, улар бир-бирлари билан танишидилар. У киши ҳам «Дор ал-кутуб»га ишга киргач, икки ватандош тез орада дўстлашиб кетишли. Муҳаммад Юнус Қоҳирада кўплаб шогирдлар орттириди. Шу тарзда йиллар кетидан йиллар ўтди.

1964 йили Муҳаммад Юнус оиласи билан Саудия Арабистонига кўчиб келиб, Маккан мукаррамага ўрнашди. Тезда ватандошлар билан танишиди. Йирик олимлардан Олтинхон тўра, ҳамشاҳри Афандихон тўра билан алоқалар ўрнатди, илмий фаолиятида улар билан ҳамкорлик қилди. Афсуски, бу муқаддас шаҳарда узоқ яшаш унга насиб қilmади: 1966 йили 76 ёшда дунёдан ўтди ва Маккадаги «Жаннат ал-Боқия» қабристонига дағн қилинди.

Муҳаммад Юнус Йўлдош ўғли Наманганийнинг илмий ва ижодий фаолияти асосан Мисрда, озроғи Саудия Арабистонида кечди. Маккадаги қадрдонларининг айтишича, бу ерда Шайх Муҳаммад Юнус деб ном қозонган. Қоҳира олимлари орасида у кишини билмайдиган одам камдан-кам учрайди. Бу зот, асосан, икки сабаб туфайли шуҳрат қозонган.

Биринчидан, қўли очиқлиги ва одамларга меҳру шафқат кўрсатганилиги билан ҳурмат орттирган. Мисрга иш ёки ўқиши юзасидан келиб қолган туркистонлик ҳамюртларига – хоҳ моддий, хоҳ маънавий бўлсин ёрдамини аямаган. Уларни бепул уй-жой билан таъминлаш ёки меҳмонхоналарга жойлаштиришда ва ишларини битказишда доимо бош-қош бўларди, меҳрибонлик кўрсатарди. Ўқишига келганларни эса

ўқув юртларига жойлашиб олишларига ёрдамлашар, улардан доимо хабар олиб турарди. Айримларини эса ўзи ўқитган, Мисрга биринчи келгандарни Қоҳиранинг зиёратгоҳларига ўзи олиб борган, таништирган ва уларга қўлидан келганча ёрдам кўрсатган. Турғунлашиб қолганларнинг мусофирилгини билинтиrmай ишга жойлаширишга ёрдамлашган. Бу хайрли ишларининг барчаси олимнинг она юртига, ўз халқига бўлган меҳр-муҳаббатидан эди.

Иккинчи сабаб – «Дор ал-кутуб»да ишлар экан, Ватан озодлиги ва унинг шуҳратини ошириш мавзуида кўплаб мақолалар ёзган, радио тўлқинларида Ватан мадҳини куйлаб, кўплаб чиқишилар қилган. «Савт ат-Туркистон», «Озод Туркистон» каби Мисрда чиқадиган журналларда, Туркияning, хусусан, Йстамбул матбуот органларида, шунингдек, Карочида чиқадиган «Таржимони афкор» журналида Шайх Муҳаммад Юнуснинг турли мавзулардаги кўплаб мақолалари босилган. Бу олимнинг иирик асарлари ҳақида ҳозирча маълумотга эга эмасмиз.

Номи халқимизга ҳамон яхши таниш бўлмаган, умрбод фарибликада ўтган ушбу маърифатпарвар ватандошимиз хотирасини тиклаш ва ижодий меросини халқимизга таништириш иши ҳам келгусининг вазифаларидан деб биламиз. Зоро, Шайх Муҳаммад Юнус Наманганийни Арабистонда ҳам кўп эслайдилар, Қоҳирада эса номи анчагина машҳурдир.

## **5-§. Шайх Абдулқодир Кароматулло Бухорий-Саббоқ**

Юқорида номлари зикр қилинган уламоларимиз ватандош – бухорийларнинг биринчи авлодига мансуб бўлиб, улар ёруғ дунёни аллақачон тарқ этганлар. Лекин 1997 йилги сафаримиз чоғида ўша биринчи авлодга мансуб ягона олим ҳаёт эканлигини бизга хабар қилдилар. У кишининг исмлари Шайх Абдулқодир Кароматулло бўлиб, адабий тахаллуслари Саббоқ, Робиг шаҳрида истиқомат қилас экан.

Робиг Жиддадан 135 км шимолда, Кизил денгиз қирғогида жойлашган нисбатан кичикроқ шаҳар бўлиб, унда асосан нефтни қайта ишлаш заводи ва дengiz сувини тоза ичимлик сувига айлантириб берадиган иирик иншоот, шунингдек, электр станция жойлашган. Бу олимни зиёрат қилишим ва суҳбатларини олишим учун дўстларимиз Робигга сафар ўюштириб бердилар.

Аввало у кишининг таржимаи ҳолидан қисқача маълумот. Шайх Абдулқодир Кароматулло Саббоқ асли Бухородан бўладилар. Ўзларининг айтишларича, 1903 йили Бухоро шаҳридаги «аҳли Қуръон оиласида» таваллуд топган. Бошланғич таълимни уйларида – оталари қўлида олгач, 12 ёшида мадрасага қатнай бошлаган.

Ўз замонасининг машҳур уламоларидан Асадулло Маҳдумга шогирд бўлган. Айни ўқиб юрган йиллари давлат тўнтариши юз бериб, совет тузумига асос солинди. Бир неча йил Асадулло Маҳдумдан таълим олгач, мадрасани тугатиб, муллалик фаолиятини энди бошлаганида, Бухорода ҳам ҳаётдан путур кетди. Даҳрийлик зуфуми остида Асадулло Маҳдумга ўхшаган забардаст муллолар мадрасаларни тарк этишга мажбур бўлдилар. Шогирлари у кишини қишлоққа олиб кетиб, кичиккина масжидда қўним топдилар. Тез орада совет ҳокимиятининг машъум «қулоқ сиёсати» бошланиб, энди дин пешволарига ҳам очиқ хужум бошланди. Хусусан, Бухорода унинг акс садоси кучли бўлди, негаки, бу қадимий илм марказида йирик муллолар, исломий уламолар кўп эди.

Олимлик даражасига эндиғина эришган Абдулқодир Кароматулло устози олдига – қишлоққа борди. Маслаҳатни бир жойга қўйиб, устози билан 1931 йили Бухорони тарк этдилар ва Афғонистонга жўнадилар. «Гўр азобига тенг йўл азобини» тортдилар, ниҳоят, кўп қатори, улар ҳам тунда юқорида таърифи келтирилган «гуфсан»да сузуб, Амударёдан эсон-омон ўтишиб, Кундуз шаҳрига етиб бордилар. Устоз Асадулло Маҳдум чоғроқ бир масжидда имомлик вазифасига тайинланди. Бир вақтнинг ўзида устоз-шогирд хусусий мактабда ҳам дарс бера бошладилар. Шогирд Абдулқодир устози билан доимо бирга бўлди, мусофириликда ҳам у кишининг хизматини қилди. Тирикчилик бир нави ўтиб турди.

Бу орада Кундузда ватандошлар ҳам кўпайиб қолди. Уч йил ўтгач, Абдулқодирнинг бошига мусибат тушди: 1935 йили устози вағфот қилди. Абдулқодирга устозсиз Кундуз гўё торлиқ қилди – Эронга кетди. У ерда ҳам иши юришмай, Ироққа келиб Бағдод мадрасаларидан бирига ўқишига кирди, яна илм олишни давом эттириди. Икки йил олий мадрасада ўқиди. Бироқ тирикчилик ҳам керак. Таваккал қилиб, 1938 йили тасодифан учраб қолган бир ҳамюрти билан бирга Бағдоддан Саудия Арабистонига йўл олди. Маккаи мукаррамадаги «Мадрасаи

олия»лардан бирига жойлашди. У даврда бухорийлар кам, шунинг учун улар ҳозирча эътибордан четда эдилар.

Абдулқодир Кароматулло ўз билими ва ҳушёрги билан тезда танилди, дўстлар орттириди ва 1941 йили Арабистоннинг жанубидаги Абҳо шаҳрига келиб, арабча мактабга ўқитувчи қилиб тайинланди. Беш йил бу ерда ўқитувчилик қилгач, 1946 йили Қизил денгизга яқин Робиғ шаҳрига кўчиб келди ва ниҳоят, рўзгор қилиш фурсати етиб, шу ерда 43 ёшида бир араб қизига уйланди. Мана, ярим асрдан ўтибдики, Абдулқодир Кароматулло ушбу шаҳарда истиқомат қиласди. У киши ҳам қори, ҳам олим, ҳам адаб-шоир, ҳушхулқ инсон, Ватанини, миллатни қалбидан севади.

Мана бугун – 1997 йил 4 март куни биз Робиғда у кишининг уйида – бухорийларнинг биринчи авлодига мансуб кекса олим Абдулқодир Кароматулло билан суҳбатлашиб ўтирибмиз. Олдимда жуссаси кичик, ёши 90 дан аллақачон ошган бўлса ҳам аммо ҳушёр, тетик, туморча соқол қўйган, ёшига нисбатан хушчакчақ чол ўтирибди. Бошларида Бухоро ва Самарқанднинг машҳур «тожик дўпписи» (Тошкентда «тилам дўппи» дейилади).

– Яқинда Ватандан олдириб келдим, ёдгорлик бўлсин деб кийиб юраман,—дэйди олим бошига ишора қилиб. Ўлтирган ерининг атрофига фақат китоблар тахланган, кўпларига «хатчўп» қистирилган, айримлари эса очиқ ҳолда. Олдиди кичиккина хонтахта бўлиб, у ёзув столи хизматини ўтайди. Шайх хонтахта олдига солинган кўрпачага эскичасига чўкка тушиб ўлтириб ҳамон илмий иш билан шуғулланади. Керакли китобни ўлтирган жойидан энгавишиб, агар қўли етмаса эмгаклаб, албатта, топади ва фойдалангач, қийналиб бўлса ҳам яна белгили жойга қўяди.

Ишхонасида – ерда ярим доира шаклида 2–3 қатор қилиб 2–3 тадан тахлаб қўйилган китоблар бор. Гарчи улар кўринишда четдан кирган кишига тартибсиз, бесаранжом ётгандек туюлса ҳам аммо муайян тартиб билан қўйилган. Бу тартибни фақат олимнинг ўзи билади, уни «бузиб» бўлмайди. Атроф шаҳарлардан олимлар келиб у кишининг китобларидан фойдаланадилар. Айтишларича, энг нодир китоб ҳам бу кишида топилади. Шайх ўлтирган тўшак қирғогида телефон, бир «таллоҳа» (термос) ва иккита пиёла бор. Маълум бўлдики, телефон шаҳар билан эмас, уй ичи билан боғланган: бирон меҳмон келса, дастурхонга чой телефон орқали буюрилади.

Олим ишхонасининг девор томонида ердан одам бўйича маҳсус токчалар бўлиб, уларга фақат китоблар тахлаб қўйилган. Бошқа хонада ҳам айтишларича, кўп китоблар бор. Ўз ҳисобига кўра, шахсий кутубхонасида 7 минг нусха китоб бор. Абдулқодир Кароматулло шаҳардаги катта бир масжидда 50 йил имомлик қилган, доимо илмий иш билан ҳам шуғулланган. Имомликдан бўшаганига 2 йил бўлибди. У кишини мамлакатдаги араб олимлари ҳам ҳурмат қилишади. Доимо олимнинг зиёратига одамлар келиб туради. У киши, «Саббоқ» тахаллуси билан форсча, арабча ҳамда ўзбек тилларида газаллар ёзади. Бир қанча шеърий тўпламлари Туркияда нашр этилган. Мана, бир неча йилдирки, Қуръон тафсири билан шуғулланадилар. Бироқ бу жабҳадаги тадқиқотлари ҳозирча қўлёзма ҳолда нашр этилмаган. Олим саранжомлик билан тахлаб қўйилган 3–4 та папкага ишора қилиб:

— Нашрини биз кўрмасак, фарзандларимиз, янги авлодлар кўтар, — деб хотиржамлик билан кулиб қўйдилар.

Маълум бўлдики, олим қартайиб қолганига қарамай, 1991 или она шаҳри Бухорога бориб келибди. Амакиларидан (яъни отасининг ака-укаларидан) Қудратулло, Иноятулло, Ҳидоятулло, Раҳматуллоларнинг фарзандлари билан юз кўришган ва болалик йиллари ўтган кўча-маҳаллаларни, «Мир Араб» мадрасасини зиёрат қилиб келган. Шундан буён Бухоро билан алоқаси узилмайди. Кейинги йиллари Ўзбекистон мусулмонлари идораси орқали Бухородаги «Мир Араб» ислом ўқув юртига «етти сандиқ» китоб ҳадя қилган. Китобларни олишгани ҳақида мадрасадан миннатдорчилик хати ҳам келибди. Олимнинг айтишича, юборилган китоблари орасида Мир Исомиддин Рошидийнинг «Шуарои Кашимир» номли 6 жилдли асари ва «Тазқираи мажмуаи шуарои Жаҳонгир шоҳ» каби асарлар энг ноёб китоблардир. Шунингдек, 1905 йилги Рус – Япон уруши ҳақидаги уч жилдли туркча китоб ҳам бор.

Олимнинг икки ўғли ва уч қизи бор. Ўғиллари яхши ишларда, қизлари ҳам араб мактабларида муаллимга бўлиб ишлайдилар. Қариянинг биттагина армони бор, у ҳам бўлса, Ватан Фироқи ва нашрга тайёрланган қўлёзмаларнинг тақдири.

Олим билан сұхбатимиз икки соат давом этди. Сўнгиде «Саббоқи Бухорий газаллари» номли чоққина шеърий китобчасига хотира учун дастхат ёзиб каминага бердилар ва

ўлтирган жойидан қўзғалмасдан биз билан хайрлашар экан, дедилар:

— Сизлар етишган кунларни биз умр бўйи орзу қилдик, бироқ энди мен Ватанга етолмасам керак. Менинг учун унинг тупроғини ўпид қўйинг...

Шундай ҳушёр ва хушчақчақ қариянинг маъюсланиб қолганини кўриб, кўнглим бузилган ҳолда хайрлашдим<sup>9</sup>.

## **6-§. Муҳаммад Мусо Фойибназар ўғли Туркистоний**

Бу киши «Мусо Туркистоний» номи билан бутун Саудия Арабистони шаҳарларида маълум бўлган маърифатли шахс, етук тарихчи олим бўлган. Ушбу ватандошимиз ҳақида Саудия Арабистонига илк бор, 1992 йили қилган ҳаж сафаримиз чоғида дастлабки маълумотлар олган эдим.

Муҳаммад Мусо Туркистоний-Андижоний (бундан кейин—Мусо Туркистоний) бухорийларнинг биринчи авлодига мансуб бўлиб, ватандошлар орасида ўзининг ижодий фаолияти билан маълум ва машҳур эди. Бу зот 1904 йили Андижон шаҳрида зиёли оиласа туғилган. Отаси Фойибназар ўз даврининг ўқимишли кишиси бўлиб, Андижоннинг машҳур бойларидан Миркомилбой қўлида ҳисобчилик қилган ва давлат билан алоқа ишларида бойнинг вакили ҳисобланган. Муҳаммад Мусо дастлаб оиласа таҳсил олиб, сўнгра отаси маслаҳати билан рус тузем мактабида ўқиган. Ёшлигиданоқ араб, форс ва рус тилларини ўрганган. Қисқача таржимаи ҳолида ёзишича, 1917 йилги давлат тўнтириши юз берганида 13 ёшли Мусохонда Ватан ва миллат тақдири ҳақида дастлабки тушунчалар шакллана бошлаган эди. 1919 йили Андижондаги «Иттиҳоди исломия» диний жамиятига аъзо бўлиб кирган, «қизиллар зулмига қарши дўстлари билан иштирок қилган» (таржимаи ҳолидан). Ўша йилларданоқ унда тарих илмига қизиқиш уйғонган.

«Қўқон муҳторияти» большевиклар ва арман дашнақлари томонидан қонга ботирилгач, Муҳаммад Мусода шўро ҳуқуматига нафрат туйғуси ортиб борган. Аммо тирикчилик қилиш учун Андижон шаҳар мактабларида бир неча йил ўқитувчилик қилган. Ижтимоий ҳаёт ва сиёсий шароит тобора мураккаблашиб бораётганини Фойибназар машҳур Миркомилбой тақдирининг аянчли якуниданоқ сезган эди. У 1926 йили ёқ оиласи билан Андижонни тарқ этиб, Қошғар

шаҳрига ҳижрат қиласи. Фойибназар шу ерда ўғлини уйлантиради. Бу орада ота Саудия Арабистонига бориб, муборак ҳаж сафарини ҳам адо қилиб келади. Ўғли Мусохон эса уйғур мактабларида ўқитувчилик қиласи.

1931 йили Мусохон уйғурларнинг озодлик ҳаракатларида ҳам қатнашади. Чукур билими ва муаллимлик фаолиятининг натижаси ўлароқ, Шарқий Туркистонда «Мусо афанди» номи билан танилади ва Қошғарнинг маориф идорасига ишга таклиф қилинади. 1933–34-йиллари 30 ёшли Мусо афанди Шинжон маориф нозирининг мувовини лавозимида ишлайди. Бироқ ўлкада, ўзининг ёзишича, «истибдод кучайиб, оқибат – Кашмирга кетишга мажбур бўлади». Ҳимолай тоғларидан ошиб ўтишнинг азоб-уқубатларини, муҳожирларнинг сабртоқат ва чидам билан Кашмир томонга ўтиш қийинчиликларини Сафохон Тўра Жалолхон ҳикоясида келтирган эдик. Қор босган хавфли тоғ йўлларида юртдошларимизнинг айримлари жарликка қулаб, қор остида қолиб кетгандар, бўрига ем бўлганлар... Бу азобларни ватандошларимиз ҳамон ҳаяжон билан эслайдилар.

Бир неча йил Равалпинди шаҳрида истиқомат қилишди. Сўнтра Афғонистонга кўчдилар. Ниҳоят, 1947 йили Саудия Арабистонига ҳижрат қилишди. Мусо афанди Мадина шаҳрида онаси билан муқим бўлиб қолди<sup>10</sup>. Тирикчилик учун тижорат билан шуғулланса ҳам аммо Мусохонда ўқишига ва илмий ишга интилиш кучли эди. Шунинг учун бўш вақтларида китоблар ўқиши билан банд бўлади, илмий изланишлар олиб боради. Маълумоти ошган сари Ватан рўшнолиги ҳақида ўйлаб, араб ва чет эл матбуотига бу ҳақда мақолалар ёза бошлайди. Илмий-адабий тўпламларда шўролар ҳукмида қолган юрт тарихи, ком фирмәнинг мустамлакачилик сиёсати оқибатида халқимиз бошига тушган кўлфатлар ҳақида мақолалар ёzáди, Истамбул ва «Озодлик» радиосида тез-тез чиқишилар қиласи.

Мусо Туркистоний ҳаётининг сўнгги 30 йили ичидаги фақат илмий иш билан шуғулланиб, қатор асарлар ёзиб қолдирган, айримларини нашр этиб ултурган. Ўзининг ёзишича, тўртта китоби босилиб чиқкан.

Мусо Афандининг (қадрдонлари у кишини шундай атайдилар) илмий изланишлари маҳсулидан энг муҳими-икки жилдан иборат «Улуғ Туркистон фожиаси» номли йирик

тарихий асаридир. Унинг биринчи жилди Россия домига тушиб қолган Ўрта Осиё халқлари қисматига, иккинчи жилди эса, Шарқий Туркистан тарихига бағишланган.

Камина 1992 йили муборак ҳаж сафарига борганимда, ушбу китобнинг биринчи жилдини мадиналиқ ватандошимиз Абдусалом Хўқандий жаноблари ҳадя қилган эдилар. (Афсуски, муаллифи икки йил олдин – 1990 йили 86 ёшда вафот қилган эканлар.) Асарнинг ушбу биринчи жилди 1979 йили Мадина шаҳрида нашр қилиниб, 460 саҳифадан иборатdir. Қамраб олинган даври жиҳатидан Туркистанни чоризм босиб олганидан то 1940 йилларгача ўтган деярли 85 йилда бўлиб ўтган воқеалар тарихини ўз ичига олади. (Китобдан айрим лавҳаларни матбуотда эълон қилганмиз.)

Муаллиф эътиқоди мустаҳкам, сиёsat бобида маълумотли олим сифатида Туркистан халқларининг салкам юз йиллик тарихини четдан туриб синчковлик билан кузатган ва халқимиз ҳаётини қунт билан ўрганганд. Рус тилини етарли даражада билгани учун китобни ёзишда Карамзин, Бартольд ва Якубовский асарларидан ҳам фойдаланган. Россия ва СССР ҳақида кўпроқ Туркияда нашр қилинган китоблар, айрим турк дипломатлари ва давлат арбобларининг мемуар асарларидан ҳам фойдаланган. Шунингдек, хориждаги айрим юртдошларининг хотираларини ҳам илмий истеъмолга кирифтган.

Асар билан танишган ўқувчидаги муаллиф она-Ватан – Туркистонга, унинг ўтмишига нечоғлик муҳаббатли инсон эканига чуқур ишонч пайдо бўлади. Айниқса муаллифнинг ватанпарварлик туйгуси ўта эҳтирослидир. Чоризм ҳамда совет ҳокимиютининг мустамлакачилик сиёсати ва унинг мудҳиш оқибатларини ишончли далиллар мисолида ёрқин кўрсатиб беради. Мусо Туркистоний ўз орзуларига етолмаганидан афсусланади ва китобида келажак авлодга шундай деб мурожаат қиласи: «Ватаннинг асоратдан қутулганини кўриш бизга насиб бўлмади, афсус! Шояд, сизлар етарсиз деб, келажак наслларга атаб бобо тарихимизни ёзиб, ҳадя қилдик». Муаллифнинг ёзишича, Туркистоннинг ҳақиқий тарихи манбалар асосида ёзилмаса, Россия тобелигига яшаган даврлар фожиаларининг сир-асрорлари очилмайди, эл алданган бўлади. У ҳолда тарихий ҳақиқатни билмаган насллар яна ота-боболари тушган чуқурга тушиб қолади. «Башариятнинг бешиги бўлган Туркистан фожиаси ҳаммамизнинг фожиамиздир», – деб холоса қиласи

муаллиф. Мусо Афандининг «Улуғ Туркистон фожиаси» асари мустақилликка эришган халқимиз маънавиятини бойитиш учун ўқишли ва зарур асарлардан биридир<sup>11</sup>. Уни нашр қилиш галдаги вазифаларимиздандир.

Муҳаммад Мусо Фойибназар ўғли Туркистонийнинг яна бир асари «Миссионерлар (Мусташриқлар)» деб аталади (Мадина, 1983.). Унда муаллиф XVIII асрдан бошлаб Туркистонда сафарда бўлган рус сайдёхлари, элчилари, шарқшунос олимлари-ю, журналистларининг сафар баҳонаси ортида яширган асл мақсадларини фош қиласди. Унинг фикрича, рус шарқшунослари, асосан, миссионерлар бўлган. Уларнинг ҳақиқий мақсади – Туркистон халқларининг анъянавий ҳаёт тарзини ўрганиб, уни ичдан бузиш бўлган. Муаллиф ўз фикрини бир қатор мисоллар, жумладан, Н.П.Остроумовнинг миссионерлик фаолияти билан асослайди.

Мусо Туркистонийнинг яна бир асари «Китоби байъ» («Савдо китоби») деб аталиб, 1949 йили Қоҳирада нашр қилинган. Унда савдо-сотиқ ишлари тартиби, ҳалол-поклик, закот қоидалари ҳақида сўз боради. Биз учун ўзбек муаллифининг ўз она тилидаги илмий асари (албатта, араб имлосида) Миср пойтахтида нашр этилиши ҳам диққатга сазовордир.

Шунингдек, Мусо Туркистонийнинг муборак Замзам сувининг тарихи ва шифобахш хусусиятларига бағишланган асари қўлёзма ҳолда қолган. Муаллифнинг барча асарларини бизга хайриҳоҳлик билдирган ватандошларимиз ҳадя қилганлари учун уларга миннатдорлик билдирамиз. Биз Мусо Туркистоний асарларини ўрганиш учун сақламоқдамиз. Ватандош олимимизнинг илмий меросини қунт билан ўрганиш ва маънавиятимиз хизматига олиб кириш ҳам келажак вазифаларимиздандир.

1995-96-йиллардаги сафаримиз чоғида Мусо Туркистонийнинг Макка шаҳрида (кўпроқ тижорат билан Тайландда) истиқомат қиласиган ўғли Муҳаммад Амин билан дўстлар воситасида учрашиб, танишдик. У киши каминанинг мақсадларини тушунгач деди:

– Отамизга Аллоҳ яна озгина умр берганида, Ватаннинг озод бўлганини кўриб, хурсандликда ёруғ дунё билан хайрлашарди. Афсус ва надомадлар бўлсинким, у киши кўз ёшлари билан кетди!

Фарзанднинг отаси ҳақидаги бу гапларини эшитиб, биз ҳам ҳаяжонландик. Ватандошимиз Мұхаммад Мусо Фойибназар ўғли Туркистонийнинг Андижондаги қариндошларини излаб, айримларини топдик. Аммасининг қизи Комилахон ая шаҳарнинг собиқ «Шаҳло гузари» маҳалласида истиқомат қиласи. Ая билан хонадонида ва иш жойида бир неча марта учрашиб, «Мусохон тоғаси»нинг ёшлиги ҳақида, отаси Фойибназар ҳақида қимматли маълумотлар олдик.

1998 йили Мусо Туркистонийнинг биз Маккада танишган ўғли Мұхаммад Амин Андижонга ташриф буюриб, отасининг киндик қони түқилган юртини зиёрат қиласи, авлодлари билан танишиб, меҳмонда бўлди.

Саудия Арабистонида ўтган ватандош олимларимизнинг айримлари билан чуқурроқ танишар эканмиз, шундай хulosага келдикки, бу мунаввар кишилар эски зиёлилар тоифасидан бўлгани сабаб, шўро ҳукмронлиги даврида Ватанга сифмай, хорижга чиқиб кетишга мажбур бўлдилар, эл-юрт фироқида ёниб ўтдилар. Уларнинг илмий-ижодий фаолиятлари чет элларда кечди. Бундай ватандош олиму шоирларимиз қолдирган меросни тўплаш ва халқимизга тақдим қилиш учун маҳсус сафарлар уюштиромғимиз зарур. Зеро, уларнинг илмий-адабий мероси халқимиз маънавиятини бойитишига хизмат қилмоғи даркор.

<sup>1</sup> Барча ҳамюргларимизнинг фуқаролик ҳужжатларига «Андижоний», «Марғилоний» ва ҳоказо деб туғилган шаҳарлари албатта ёзиб қўйилган.

<sup>2</sup> Бу устозлардан айримларининг улуғлиги ва валий кишилар бўлгани ҳақида оғзаки ҳикоялар ҳам сақланган.

<sup>3</sup> Авлиё ота – Қораҳонийлар давлатининг асосчиси Сотук Абдулкаримхон авлодларидан бири шу атрофга ислом динини тарқатган киши бўлгани учун шундай деб аталган. Шўро йиллари бир мuddат Микоянобод деб ҳам аталди. 1939 йили қозоқ халқининг улуғ оқини Жамбул Жабаевнинг 90 йиллиги муносабати билан шаҳарга Жамбул номи берилди.

<sup>4</sup> Бобурнома. Тошкент, 1989, 51-б.

<sup>5</sup> Сайид Маҳмуд Тарозий. Мусаддасоти Маҳмудия. Нашириёт: «Таржимони афқор», Карочи, 1953, (араб имлосида).

<sup>6</sup> Қуръоннинг ушбу таржимаси арабшунос профессор Исламатулло Абдуллаев томонидан кирилл алифбосига ўтказилиб, янги изоҳлар билан тўртинчи марта нашр этилди (Тошкент, 1999).

<sup>7</sup> Мубаширхон Сулаймон Косоний. Ўрта Осиё тарихи, З жилд, Тоиф, ҳижрий 1415 йил, 199 б. (араб имлосида). Муаллиф Ўзбекистонга кўчиб келиб, Тошкентда истиқомат қиласи ва 1999 йили вафот этди.

<sup>8</sup> Жумладан, ушбу түплам билан Жиддадаги ўғли Абдуллохон Тарозийниг лутфан берган рухсати билан танишиб чиққанмиз. 300 бетдан иборат муқоваланган бир құләзма асарини Риёздаги хонадонида күрдим.

<sup>9</sup> Абдулқодир Кароматулло Саббоқ 2000 йил баҳорида 97 ёшда вафот қилдилар деган хабар келди, Аллоҳ раҳмат қылсин!

<sup>10</sup> Мусохон Равалпиндида бўлган тўполонда онасини йўқотиб қўйгани ва марғилонлик Сафохон уни тоғдан олиб ўтиб кеттани ҳақида дастлабки бобларда ёзган эдик.

<sup>11</sup> Биз уни арабчадан кирилл алифбосига ўгириб, нашрга тайёрлаб қўйганимиз.

# VI БОБ

## ВАТАНДОШЛАРИМИЗ ХОНДОНЛАРИДА

### 1-§. Хориждаги ўзбекчилигимиз

Саудия Арабистонига қилинган сафарлар чоғида мамлакатнинг олтига шаҳрини кезиб, қўплаб ватандошлар хонадонларида меҳмон бўлдик: сұхбатлар, анжуманлар қурдик, учрашувлар ўтказдик — юқорида улардан айримларинигина зикр қилиб ўтдик, холос. Кундаликларимда қайд этилган меҳмандорчиликлар-у турли учрашувларни санасам — Маккада 18 марта, Мадинада — 9, Тоифда — 10, Жиддада — 11, Риёзда — 6, Робиғда — бир марта — ҳаммаси бўлиб, 55та мулоқотлар, учрашувлар ташкил қилинибди. Сафохон Жалолхонникидаги қайта-қайта ўлтиришлар, элчихона ва консулхонадаги учрашувлар, шунингдек, тўйлар бу ҳисобга кирмайди. Камина таклиф қилинган ва иштирок этган тўйлар сони эса еттита. Бундан ташқари, Мадина, Макка ва Жидда шаҳарларида уч марта дағн маросимларида қатнашдик, одатларини кузатдик.

Бундай мулоқот — меҳмандорчиликларда ватандошларнинг турли авлод ҳамда турли касбдаги вакиллари билан учрашиб, сұхбатларда бўлдик. Лекин биз касб-кори жиҳатидан ўзимизга яқин бўлган тоифа вакиллари билан ўтказилган учрашувлар, сұхбатлар мазмунига кўпроқ эътибор бердик ва уларни мумкин қадар ёритдик. Ватандошларимиз хонадонларида бўлганимизда асосан этнография (элшунослик) фанининг тадқиқот мавзуи ҳисобланган соҳалар: уй тутишлари, тўй ва маъракалари, кундалик майший ҳаёт ва миллий ўзбекчилик одатларимизнинг сақланганлик даражаси билан жуда қизиқдик. Зоро, ҳар қандай миллатнинг яшовчан миллий урф-одатлари кундалик ҳаётнинг мана шу соҳаларида кўпроқ намоён бўлади. Хонадонларда бўлганимизда ўзбекона одоб, ахлоқ, инсонийлик, меҳмондўстлик фазилатларини асраб-авайлаб келишаётганига гувоҳ бўлдик. Бу фазилатлар ватандошларимизнинг ҳаёт тарзида сақланган. Биз кузатган ва тўплаган этнографик (элшунослик) маълумотлар буни тасдиқлайди.

## Уй тутишлари

Ватандошларимизнинг айримлари биз «дом» деб аташга ўрганиб қолган кўп қаватли уйларда истиқомат қиласидилар. Аммо бундай «дом»лар уларнинг хусусий уйлари бўлиб, икки-уч қаватдан ошмайди. Чунончи, Жиддада бизни меҳмонга чақирған укахонимиз Аҳмад Турон ҳам оиласи билан «дом»да яшайди. Уйи бир неча хонадан иборат бўлиб, «Гурфа» деб аталади. Кўқонлик яна бир укамиз Абу Салмон ҳам ўшандай «дом»да туради. (Унинг Тоифда ҳовлиси ҳам бор, у ерда ота-онаси яшайди). Хоналар – «гурфалар» бизларнидаги каби катта-кичик. Аммо йўлаклари кенг. Масалан, Маккада истиқомат қилувчи Абдуфаттоҳ Абдулқодир Андижонийнинг икки қаватли «доми» бор, ҳар қавати 5–6 хонадан иборат бўлиб, алоҳида майший-санитария бўлимига эга. Бу бўлимлар кафель билан қопланган, сувоқоваси ҳам яхши йўлга қўйилган.

Бундай хоналарнинг каттасига (бизнингча – зал) девор таги бўйлаб икки томонига баландлиги бир қарич келар-келмас пастак ва юмшоқ «диван» – ўриниклар ўрнатилган. Улар «баътурма» деб аталиб, эни 60 см дан ошмайди. Келган меҳмон аввал ўша хонага таклиф қилинади. «Баътурма»га юмaloқ ёстиқлар (бизнингчасига «лўла» болишлар) қўйилган бўлиб, киши оёғини пастга – гиламга узатиб ёки чордана қуриб, болишга суюниб ўтиради. Бундай ўтириш оёғи чарчаганлар учун (кўпчилик эса оёқ оғриғидан шикоят қиласи) жуда қулай. Советтгич парраклар, совуқ ҳаво пуркагич (кондиционер)лар мамлакатда ҳар қандай уйнинг ажралмас қисмидир: бусиз яшаш мумкин эмас – ҳаво ўта иссик.

Катта хонада, одатга кўра, меҳмонга дастурхон солинмайди, холис суҳбатлашиб ўтирилади. Фақат салқин ичимликлар қўйилади. Бирор соат истироҳат қилингач, бошқа дастурхон солинган алоҳида хонага таклиф қилинади. Бу хонага эса ўзбекона кўрпачалар тўшалган, орқага юмшоқ ёстиқлар қўйилган. Ўртага дастурхон ёзилиб, нон чиройли идишларда, ўзимиздагидек, турли ширинликлар ва мевалар қўйилган бўлади. Биздаги дастурхондан фарқи шундаки, биринчидан, совуқ ичимликлар кўп қўйилади, иккинчидан, иссиқ-совуқ овқатлар бир йўла қелтириб қўйилади. Ҳатто ўзбекнинг меҳмондорчиликдаги якуний таоми – палов ҳам бир йўла қўйилган, хоҳлаганингиздан хоҳлаган пайтда тановул

қиласынг; учинчидан, хусусан, Фарғона водийсида урф бўлган қўл ювиш учун сув тутиш йўқ; тўртингидан – шу сабабдан бўлса керак – палов ҳам албатта, қошиқда ейлади.

Дастурхонга қўйилган таомларнинг деярли барчаси ўзбекча: мастава, чучвара, майда қирқилган угра ош, гоҳида бизга маълум бўлмаган («перловка»дан майдароқ) дон солинган суюқ ош тортилган. Шириналарнинг эса деярли барчаси бизга нотаниш. Албатта хурмо қўйилган. Аммо тандирда нон ёпиш одат эмас (бунга шароит йўқ). Нонларнинг тайёри сотиб олинади, уларнинг хили кўп. Макка ва Мадина кўчаларида катта тандирларда афғонистонлик ўзбеклар «патир нон» ёпиб сотадилар.

Палов ошга асосан Ҳиндистан гуручи ва зайдун ёғи ишлатилади, қўй ёғи умуман истеъмол қилинмайди. Ватандошларимиз биздан фарқли ўлароқ, ёғлик паловни хуш кўрмайдилар, аммо гўштни хўб қайнатиб пиширадилар («тиш озор чекмайди ва яхши ҳазм бўлади»). Асосан қўй ва товуқ гўшти истеъмол қилинади.

Эрталаб нонуштага солинган дастурхон ҳам деярли ўзимизнидек, аммо албатта сут ва қаймоқ қўйилган. Бундан ташқари, ликопчага «маҳаллабий» номли чала қотган ҳолвайтарга ўхшашиб ширина егулик тортилади, бу шириналар пичноқ билан кесилиб, нон билан қўшиб тановул қилинади.

Биз «дом»лар ҳақида гапирдик. Аммо ватандошларимизнинг кўпчилиги хусусий ҳовли-жойларга эга. Ҳовлилар, бизнингчасига, 4–6 сотиҳдан кам эмас. Бизнидан шуниси билан фарқ қиласиди, уйлар, кўпинча, ҳовлиниң ўртасига қурилган бўлиб, деразалар кўчага эмас, ҳовлига очилади. Умуман мусулмон мамлакатларида шундай, бизда ҳам азалдан ўшандай бўлган. Фақат Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йиллари «участка» қуриш расм бўлиб, уй деразалари кўчага очиладиган қилиб лойиҳалаштирилди ва шундай қилиб қуришга мажбур қилинди.

Ватандошларимиз ҳовлилари бўйлаб уй атрофини айланиси чиқиш мумкин. Ота-боболаримиз даврида «ички-ташқи ҳовли» дейилганидек, бу ерда ҳам уйнинг «меҳмонхона» қисми алоҳида – аёл зоти мутлақо кўринмайди – мусулмончиликдаги бу удум қаттиқ сақланган. Сафохон аканикидан ташқари, Макка, Мадина, Тоиф, Жидда, Риёз шаҳарларидаги ватандошларнинг барчаси ана шундай ҳовли-жойларда истиқомат қиласидилар.

Аксарият уйлар икки қават қилиб солинган. Бизда, энди одат бўлаётганидек, ер майдонидан унумли фойдаланилган. Қурилишда ёғоч мутлақо ишлатилмайди – мамлакатда қурилишбоп дараҳтнинг ўзи йўқ. Тош ва цемент асосий қурилиш материаллари ҳисобланади. Уйнинг деразалари ҳам ёғочдан эмас, снгил металлдан ишланган.

Хусусий уйларни жиҳозлаш «дом»дагидан бироз фарқ қиласи. Масалан, Мадинада Қори Абдуҳаким (у кишининг ўзлари курувчи) ва Аъзамхон ака ҳовлисида меҳмонда бўлганимизда, кўрдикки, битта катта хонанинг уч томонига маҳсус ишланган яхлит диванлар қўйилган, ёнбошингизда эса албатта, юмалоқ болишлар. Бу ерда ҳам меҳмон дастурхон солинмаган катта хонага олиб кирилади. Фақат салқин ичимликлар ичиб, сұхбатлашиб ўтириллади. Нихоят, бир муддат ўтгач, дастурхон солинган бошқа хонага таклиф қилинади.

Меҳмондорчилик дастурхони, юқорида таърифлаганимиздек: иссиқ-совуқ, куюқ-суюқ – барча таомлар бир вақтнинг ўзида тортилади. Масалан, Сафохон Тўра уйи (10 қаватли «дом»нинг 10-қавати томи ёзда – «катта ҳовли» ролини бажаради.) Мана, бу бадавлат хонадоннинг дастурхонига қўйилган таомлар: биринчиси, албатта, нон (булка нон ва патир нон), иккинчиси – суюқ угра ош, учинчиси – қовурилган балиқ, тўртинчиси – товуқ гўшти, бешинчиси – оғизга бир йўла солинадиган кичик-кичик манти, олтинчиси – майдада сомса, еттинчиси – палов ош ва саккизинчиси – турли мевалар: банан, апельсин, лимон, узум, олма, хурмо. Шунингдек, ҳар хил ширинликлар ҳам қўйилган. Меваларнинг (хурмодан бошқа) барчаси чет эллардан келтирилган.

Эртасига тушликда: мастава, товоқларга сузилган майда чучвара, ликопларда майда тугилган қовурма манти тортилди. Палов ош ҳам қўйилган, аммо унга бизчалик эътибор берилмайди – хоҳлаган ейди, биздагидек мулозамат – «олинг-олинг» йўқ. Чой, биздагидек, чойнакларда эмас, чиройли «тадложа»га дамланади. Таажжубки, пиёлада чой ичиш одат эмас, кичик стаканларда ёки сопли «пиёлада» ичилади. Фақат баъзан, «мамлакатдан келган меҳмон» деб пиёлада чой тутилади.

Мадинада марҳум шоир Фамгин ўғли Муҳаммад Сиддиқ уйида меҳмонда бўлганимда, у ўзимизнидек солинган уйга олиб кирди ва ҳазиллашиб:

— Сизни ватанчасига меҳмон қиласман, — деб аввалоқ кириб ўлтирганимиз меҳмонхонага дастурхон ёзилди, олдин нон ва турли мевалар қўйилди. Иссик овқатлар эса — мастава ва палов биздаги каби энг сўнгида, ўлтириш якунланиши олдидан келтирилди.

Дарвоқе, унинг ҳовлиси ҳақида: Муҳаммад Сиддиқ 1991 йили Андижонга келиб, қариндошлариникида бир ой меҳмон бўлган эди. Ўшанда бизнинг ҳовлиларни, мевали дараҳтлар-у токларни ҳавас қилиб кетган. Мадинага қайтгач, шаҳардан 6 км чеккароқдан ер сотиб олиб, ўзининг айтиши бўйича, дадасининг маслаҳати билан «ватанчасига участка» қурибди. 1997 йили борганимда, ҳовлига янги кўчиб чиққан экан: чинакам «ватанча» — бизнидек, лекин 8 сотих. Мисрдан мева кўчатлари, узум токи келтириб экилган, ошкўклар ундирилган. 15 метрлик қудуқ ковлаб, ер остидан сув чиқарилган ва ҳовуз қурилиб, ер ости суви билан тўлғазилган (иссиқда бунинг аҳамияти беназир). Ҳовли чеккасида қўй боқиляпти, бир чеккада товуқ катаги ҳам бор. Бир Миср фаллоҳ (дехқон)ини ёллаб, ойига 800 риёлдан ҳақ тўлаб, уларни парвариш қилдиради.

— Дадамнинг орзуси ва маслаҳати билан қилдим, — дейди у.  
— Қани, кўрайлик-чи, нима бўлар экан.

Муҳаммад Сиддиқнинг ҳафсаласига ва дадасининг орзусини инобатга олганига ҳавасим келди. Аммо бу ҳовли Мадинада якка-ю ягона бўлса керак.

Ҳовлиларнинг кўча деворлари «палак отиб» ўсадиган майда яшил япроқли ўсимликлар билан қопланган. Улар девор остларига экилиб, мисрлик дехқон парвариши билан кўкартирилган. Умуман, Саудия Арабистонида гўзалликка интилиб яшаш сезилади. Уйларни безашга ҳам катта эътибор берилади. Аммо биздаги каби деворларга гиламлар қоқиб қўйиш одат эмас. Табиат манзаралари туширилган расмлар, Қуръони карим оятлари ёки Пайғамбаримиз ҳадислари ёзилган кичик матолар осилган. Кейинги йиллари кўп хонадонларда Бухоро, Самарқанд, Хива-шаҳарларидаги меъморий ёдгорликлар акс эттирилган суратларни осиб қўйишга ўргандилар. Жонли расмлар осиш эса асло одат эмас. Йўлаклар, уй бурчакларига тувакларда сунъий гуллар «ўтқазиб» қўйилган. Айтишларича, бу ясама гуллар Жанубий Кореядан келтириб сотилади. Катта меҳмонхоналарнинг

бурчакларига ва кенг йўлакларига, декоратив дараҳт шакллари тувакларга ўтқазиб қўйилган.

Кўча дарвозаларига маҳсус радиомослама ўрнатилган: қўнғироқ тугмасини боссангиз, эшик тирқишидаги мосламадан «кимсиз» деган овоз эшитилади. Сиз ҳам мосламага яқин келиб, ўзингизни таништирасиз. Сўнгра эшик очилади ёки жавоб айтилади.

Ховлиларда биздаги каби енгил машиналар турадиган «гараж» деган мослама-уйчалар умуман йўқ: машиналар кечашу кундуз, йил давомида кўчада турди. Мен Жидда кўчаларини пиёда ҳам шаҳар ичидаги қатнайдиган кичик автобусларда ҳам кўп айландим. (Макка ва Мадина каби муқаддас шаҳарларда бундай имконият йўқ.) Шаҳарда қатнайдиган автобусга 2 риёл тўланади. Бу – ярим доллардан кўпроқ, – демак биздагидан қиммат. Айтишларича, шаҳар кейинги 30 йил ичидаги тамоман қайта қурилган жуда гўзал масканга айланган. Шунинг учун ҳам унга «Қизил денгиз келинчаги» деган ном берилган. Денгиз туфайли ҳавосида ҳам бироз мўътадиллик бор. Кўчалари кенг ва текис, электрон таблоник рекламаларга ниҳоятда бой. Шаҳар безакларида шиорлар ёки турли чақириқлар ёзилган паннолар йўқ. Жонли расм-портретлар ҳам осилмаган. Фақат турли шаклшамойиллар туширилган сопол ёки металдан ишланган мавхум маънодаги безаклар учрайди. Биздаги каби яшил майдонлар, кўча бўйларига экилган дараҳтлар, гулзорлар йўқ. Шунга қарамай, шаҳар кўчаларининг қиёфаси – ўзига хос безаги киши диққатини жалб қиласи. Жидда халқаро денгиз порти бўлгани сабаб кўчаларда ажнабий миллат вакилларини ҳам учратиш мумкин.

## Тўй маросимлари

Сафарлар давомида ватандошларимизнинг кўплаб тўйларида иштирок қилдим. Шуни айтиш керакки, Саудия Арабистонида биздаги каби юбилей ва суннат тўйлари ўтказилмайди. Бу – бидъат саналади. Фарзанд туғилса; қўй сўйилиб, «ақиқа» маросими қилинади. Ўғил чақалоқни эса туғилганидан кейинги ҳафталардаёқ, жарроҳ хатна қилиб кўяди. Фақат ўғил уйлаш-у қиз узатиш учун катта тўйлар қилинади. Бундай тўйларнинг кўп одам қатнашадиган ва дабдабали ўтишига ўзим гувоҳ бўлдим:

Ҳар шаҳарда тўйлар ўтказиладиган махсус кошоналар (улар «қаср» дейилади) бўлиб, улар ижарага олинади. Бундай қасрларнинг узунлиги ва эни деярли тенг бўлган катта залдан иборат, уларга гиламлар тўшалган. Девор атрофлариға эса юмшоқ ўриндиқлар қўйилган.

Тўйларга, биздаги каби, таклифномалар тарқатилади. Барча шаҳарлардаги таниш ватандошлар таклиф қилинади. Таклифномалар араб тилида ёзилган бўлиб, нуфузли кишилар махсус буюртмага асосан тайёрланган катта ва чиройли конвертларда юборадилар.

Мана, ўшандай таклифномалардан бирининг таржимаси:

«Сизни ва муҳтарама оиласизни 1417 йил чоршанбадан пайшанбага ўтар кечаси – 26/27 шаввол куни Надим Комил Абдуллоҳ ўғлиниңг Абдул Рашид Абдулҳамид Самарқандий қизига никоҳ тўйлари муносабати билан «Қаср ал-Кундура» меҳмонхонасида ёзиладиган зиёфат дастурхонига таклиф этиш бизларга шараф эканини мамнуният билан изҳор этамиз.

Сизларнинг ташрифи қудумингиз бизга қувонч ва сурур бағишилаши, Сизларга эса оқибати хайрли бўлишига умид қиласиз.

Манзил: Жидда, «Қаср ал-Кундура» меҳмонхонаси.

Тел. 631-21-27.

Меҳмонхона тартиб-қоидаларига биноан,

ёш болаларни бирга олиб келмаслик сўралади».

Тўйга ташриф буюрганлар қасрнинг катта зали атрофидаги юмшоқ ўриндиқларга таклиф қилинади. Меҳмонлар қисман кеч соат 9 лардан, аксар ҳолларда, хуфтон намози ўқилгач, кела бошлайди, тўй эса тунги соат бир-иккиларда тугайди. Шу 3–4 соат ичиди тўй маросими қуидагича ўтади:

Меҳмонлар қаср залининг айланаси бўйлаб қўйилган юмшоқ курсиларга жойлашиб ўлтиришади, аммо ҳозирча дастурхон солинмайди. Ҳар 4–5 киши олдига қўйилган махсус курсичаларга идишларда турли ширинликлар ва бир идишда энг олий навли хурмо қўйилган бўлади. Баъзи бадавлатлар тўйида (улар «хос тўй» дейилади) хурмонинг данаги олиниб, бодом мағзи тиқилгани қўйилади. Махсус тайинланған ва башанг кийинган хизматчи йигитчалар тилло рангли идишларда хуш тавозелик билан арабча қаҳва улашиб юрадилар. Меҳмонлар қаҳва ёки чой ичib, олдиларидаши ширинликлардан, бодом мағизли хурмолардан истеъмол қилишиб, сухбатга тутинадилар. Кўпчилиги ўзга шаҳарлардан таклиф қилинган қадрдонлар

учрашиб, айниқса, кеч соат 10 лардан бошлаб сұхбат қизигандан қызыб кетади. Хизматчилар чала бүшаган идишларни хурмо ва шириңликлар билан янгидан тұлғазиб, ниҳоятда одоб билан югуриб-елиб хизмат қиласылар.

Түйларда мусиқа чалиш ва ашула айтиш, үйнінг дүстлари жойлашган. Улар ҳам гиламлар түшалған ялангликларда түп-түп бўлишиб, ўзаро сұхбатга киришганлар, баъзилар атрофда иккитадан-тўрттадан бўлиб, сұхбатлашиб юрибдилар, баъзилар эса ўтириб нард ўйнамоқдалар. Об-ҳаво эса кечки салқинда ниҳоятда мўътадил.

Мана шундай ўтириш – сұхбат тахминан соат 12 ларгача давом этади. Агар қызы узатилаётган бўлса, қадрдан меҳмонларга жажжи сувенир-совғалар улашилади. Бу совғалар ҳам ўзига хос гўзал нарсалар, улар дид билан ўралған ва рангли ленталар билан боғланған бўлади.

Сўнгра бошқа хизматчилар ишга тушади: дарҳол пастга 4–6 кишига мўлжалланған елим матодан чиройли дастурхон (уларчасига «суфра»)лар солиниб, унга озроқ нон ва кўпроқ совуқ ичимлик ҳамда мевалар қўйиб чиқадилар. Бу хизмат шундай тез бажарилади, деярли 10 дақиқада бутун катта зал ичига дастурхонлар ёзилиб, керакли емиш ва ичимликлар қўйиб чиқилади. Менга маъқул бўлгани ҳатто, тиш ковлагичлар ҳам қўйилади.

Сўнгра меҳмонлар дастурхон атрофига тушиб, тўртбештадан бўлиб чордона қуриб ўлтирадилар. Ҳар тўпга биттадан катта баркаш товоқда ош тортилади. Ош бир марта ишлатиладиган елим қошиқларда ейилади. Барча тўйларда ҳам товоқларга солинган ош миқдори 4–5 кишига кўплік қиласы. Товоқлардаги ошнинг, баъзан, ярми ортиб қолади<sup>1</sup>. Ошдан сўнг, бирор муздек сув, бирор пепси-кола ичиш билан банд, бошқа бирорлар хўл мевалардан истеъмол қиласылар.

Шу тарзда вақт тунги соат бирга яқинлашгач, одамлар рухсат кутмасданоқ бирин-кетин дастурхон атрофидан турға бошлайди. Ҳеч қандай фотиха-ю дуо қилишлар йўқ, ҳар ким хоҳлаганда туриб, тўй соҳиби билан ҳайр-хўшлашиб кетаверади. Айримлар эса қайтадан курсиларга ўлтириб чой, қаҳва ичиш асносида яна сұхбатни давом эттирадилар. Ош товоқлари олингач, хизматчилар фақат дастурхонларда қолган нонлар ва бутун меваларни оладилар-да, бошқа бор нарсалари билан (елим қошиқлар-у вилкаларни ҳам) йигишириб олиб чиқиб

кетадилар ва ахлатга ташлайдилар. Ҳар тўйга борганимда истрофарчиликни ўйлайман. Щу билан тўй тамом, қадрдонлар тунги соат иккигача ҳам гаплашиб ўлтирадилар. Бундай тартибда ўтказиладиган тўйлар «ом тўй» дейилади.

Тўйларнинг иккинчи тартиби – «хос тўй»ни ҳам кузатдим. Бир сафар танишимиз синглисининг күёви генерал Муҳаммад Зиёнинг ўғил уйлантириш тўйига таклиф қилиндим. Бу тўй ҳам катта қасрда ўтди. Фарқи шуки, зал тўла катта юмалоқ столлар ва ҳар бирининг атрофига 8тадан юмшоқ курсилар қўйилган. Тўйга ташриф буюрганлар мана шу столларга таклиф қилинмоқда. Аммо бу ерда ҳам дастурхон солинмаган – фақат чой, қаҳва, шириналик ва мевалар қўйилган холос.

Бу сафар тўй кечга чўзилмади, соат 11 лардан бошлаб меҳмонлар дастурхонга таклиф қилинди. Зиёфат бу ерда мен эшишиб юрган, аммо ҳеч қачон рўпара келмаганим «шведча стол» тартибига биноан уюштирилди: барча туриб бошқа бир хонага чиқади-да, дасталаб қўйилган идишлардан олиб, ундан яна бир кўшни хонага ўтади ва катта баркашларда қўйилган турли таомларнинг хоҳлаганидан навбати билан идишларига солиб, яна ўз ўринларига қайтиб келиб ўлтирадилар. Овқат эса суюқ ош, палов, пиширилган гўшт, манти ва яна баъзи, биз билмаган арабча таомлардан иборат. Дўстим тўй эгасини менга олиб келиб таништириди ва «холис хизмат қилиб» каминага ҳурмат юзасидан овқат келтириб берди.

Овқат сўнгиде меҳмонлар ўз идишларини олиб бориб маълум жойга қўйишади-да, сўнгра гўзал қофозларга ўралган музқаймоқ олиб келиб яна ўлтирадилар. Мен бундай одатни биринчи кўришим эди<sup>2</sup>.

Шу тарзда тўй кеч соат 12 ларда тугади. Биз Абдулҳамид Махсум тоға билан тўйдан бирга қайтдик.

Ана шундай «хос» тўйларда Жиддада келаси йили ҳам бўлдим. Тоифда бир сафар афғонистонлик ўзбеклар тўйига ҳам таклиф қилиндим. Уларники, гўё Қашқадарё ёки Сурхондарёликларникига ўхшаш: катта хоналарга узунасига кўрпачалар солинган ва ўртага дастурхон ёзилган, одамлар бир-бирларига рўбарў бўлиб ўлтирадилар. Бу ерда мева-чева оз тортилган, кўпроқ турли овқатлар бор.

Ватандошларимизнинг тўйларида бўлганимда, ўзимизнинг тўйларга таққослаб, «кундалик» дафтаримга қуидагиларни ёзиб қўйган эдим:

«Тўй – хоҳ уйланиш, хоҳ қиз узатиш бўлсин, инсон қаётида бир марта бўлиб ўтадиган ижтимоий хурсандчилик – воқеадир. Қадим-қадимдан одамлар бу воқеага жамоада янги оила пайдо бўлишининг, янги зурриётлар туғилиб ўсишининг пойдевори деб қарашган ва шунга биноан гўйларни тантанавор қилиб ўтказишга одатланганлар. Ўйин-кулги, мусиқа садолари, зиёфатлар, хурсандчиликлар... «Тўй-гомоша» деб бекорга айтилмаган.

Шу жиҳатдан бизнинг тўйларимиздаги шодлиг-у хурсандчиликларни тушунса бўлади. Аммо ватандошларимизнинг гўйлари, менинг назаримда, нимаси биландир тарихий гомиридан узилгандек: Тўй бор-у, томошо йўқ, хурсандчилик, мамнуният бор-у, унинг зоҳирий намойиши билинмайди. Тўйларнинг ўйин-кулгу қисми ислоҳ қилингандек. Агарда бизда ҳам гоҳо бўлиб турадиган исрофгарчиликлар, «ким ўзди» дабдабозликлар истисно қилинса, бизнинг тўйларимизни ҳақиқий хурсандчилик намунаси деса бўлади».

Жиддадаги бир тўй – Абдуллажон Туркистонийнинг<sup>3</sup> қиз узатиш тўйи кутилмаганда ўйин-кулги ва хурсандчилик билан ўтди: тасодифни қарангки, ўша кунлари Ўзбекистон мақомчилар дастасининг хонандаси Аҳмаджон Дадаев умра сафарига борган экан. Бундан хабар топган тўй эгаси таниш ҳамюртлари орқали хонандани тўйга таклиф қилди. Меҳмон ҳам ҳар эҳтимолга қарши сафарга тори билан келган экан. Аҳмаджон яхши ашуласар ижро қилди. Илтимосга биноан шўх лапарлар айтганида, ватандошларимиз тўлқинланиб кетдилар ва юракдан рақсга туша бошладилар, ҳатто, пуллар қистирилди. Хотира учун шу онларни видсotasвирга ҳам туширилдилар. Ватандошларимизнинг айтишларича, «занг босган юракларни бироз тозалаб олдилар».

Умуман тўйлар қандай ўтказилишига қарамай, хурсандчилик удуми сифатида менда яхши таассурот қолдириди.

## Дафн маросимлари

Дафн маросимлари ҳар қандай миллат урф-одатларининг ажралмас қисми ҳисобланади. Бундай маросимларда кўпроқ диний одатлар ҳукмронлик қилиши билан бошқаларидан фарқланиб туради. Жумладан, ўзбек халқининг ушбу маросими

ҳам асрлар давомида ислом дини қоидалари билан узвий боғлиқ ҳолда намоён бўлди, ривожланди ва авлоддан авлодга ўтиб келди. Аксари ҳолларда Ер юзидаги мусулмонлар истиқомат қиласиган минтақаларнинг жуғрофий муҳити, яшаш шароити ва халқнинг иқтисодий ҳаётига боғлиқ омиллар дафн маросимларининг ижроси шаклига оздир-кўпдир таъсир қилганини кўрамиз.

Чунончи, Саудия Арабистонининг ўта иссиқ иқлими, минтақа рельефи асосан тоғлик ва саҳордан иборат бўлгани туфайли, дафн қилиш қоидалари Ўзбекистондагидан бошқачароқдир. Масалан, ушбу мамлакатда қабр ковлаш қийин – ер тошлиқдан иборат. Шунинг учун бўлса керак, ҳар бир катта шаҳарда фақат битта катта қабристон бор, холос. Мен кўмиш маросимларida қатнашган Мадина шаҳридаги катта қабристон «Жаннат ал-Маъалло», Маккадагиси «Жаннат ал-Боқия» деб аталади (Жиддадаги қабристон «Масжид ар-Руайс» қошида).

Қабристонлар анчагина катта, қабрлар қачонлардир тартиб билан, қаторлаштириб ковланган ва уларга рақамлар берилган. Дафн учун янгидан қабр ковланмайди – тайёрига қўйилади. Қабр «айвони» эса бетон қопқоқ билан ёлиб қўйилган бўлади, ичи бўш, – биздаги каби мурда кўмилгач, тупроққа тўлдирилмайди. Иқлим ўта иссиқ бўлгани сабабли жасад тезда қуриб чирийди. Маълум вақт ўтгач, қабрнинг қопқоғини очадилар-да, лаҳаддаги қуриган суюкларни бир чеккага суриб қўядилар, кўпайиб кетса, тўплаб, вақти-вақти билан чиқариб ташлайдилар. Бўшаган жойга эса янгиси дафн қилинади. (Қайси номерли қабрга охирги марта қачон дафн қилингани қабристон ходими томонидан ҳисоблаб борилади).

Мадина шаҳридаги жаноби Расулуллоҳ масжиди – ҳарами шарифда, Маккай мукаррамадаги Каъба масжидида ўқиласиган беш вақт намознинг ҳар бирига шаҳардан жаноза учун 2–3 тадан тобут келади. Камина Мадинада бомдод намозидаги жанозадан сўнг, кўмиш маросимида қатнашиш учун бир тобут орқасидан эргашиб кетдим – «Жаннат ал-Маъаллога» йўл олдик. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, марҳумга эҳтиром юзасидан тобутни қабристонга елкада кўтариб борадилар ва жуда тез кетадилар, кўмиш жараёни ҳам тез бажарилади. Бу эса – ҳаво ҳароратининг иссиқлиги сабабли жасад айнимаслиги учундир. (Умуман мусулмончиликдаги

мархумни мүмкін қадар тезроқ дағы қилиш одати ҳам мана шу омил билан боғлиқдир). Шундай заруратта қарамай, тобутни биздагидек, машинада әмас, пиёда – елкада күтариб боришлари ибратли ва эътиборлидир.

Мен иштирок қылган әрталабки намозда учта мархумга бир вақтда жаноза ўқылди. Тезлик билан қабристонга боргач, махсус ходим ишорасига биноан, тобут қопқоғи очиб қўйилган қабрлардан бирининг қирғогига қўйилди. Вақтинча уланган узун симли электр чироги нурида кимдир чуқурлиги одам бўйи келадиган қабр айвонига тушди. Қабрнинг биздагидан яна бир фарқи шуки, айвон тубидан ёнбош томонга чуқур лаҳад ковланмаган (ер тошли бўлгани сабаб ковлашнинг иложи йўқ). Лаҳад айвон тубида ёнбошидан узунасига ўйиб қўйилган энсиз «канора»дан иборат.

Пастга тушган одам эски сүяклардан тозаланган мана шу канора – лаҳадга мурдан жойлаштириди, чироқ ёруғида атайлаб кузатдим. Сўнгра мурда қўйилган канора сифатидаги энсиз узун лаҳаднинг олди катта тошлар билан беркитиб қўйилди. Тошлар атрофига майда шағал аралаш тупроқ тортилиб, сўнг «айвон» яна бетон плита билан беркитилди ва қирғоқларидаги чоклари тупроқ билан текисланиб, сўнгра бетон қопқоқ устига юпқа қатлам тупроқ тортиб қўйилди – қопқоқ кўзга ташланмайдиган ҳолга келтирилди. Шу билан мусибат эгасига таъзия билдирилгач, барча тарқалди.

Маккада ҳам шу тартибни кўрдим. Жиддада мархум шоир Минҳожиддин Фамгин дафнида ҳам синчковлик билан шундай ҳолатни кузатдим: қабр айвони аллақачон очиб қўйилган. Айвоннинг чуқурлиги 1,5 метрдан кам әмас. Аммо бу ерда айвон ичи ҳам атроф деворлари билан бетонланган.

Айвон «қопқоғи»ни 2–3 киши аста кўтариб, уни очдилар. Айвон тубидаги узунасига ўйилган энсиз лаҳадга мурда худди Мадинада кузатганимдек жойлаштирилди ва яна плита қопқоқ ёпилди. Устига ва чокларига тупроқ тортилиб, чанг босилиши учун сув сепилди ва яна боягидек текислаб қўйилди.

· Кўмиш жуда тез – 5 дақиқада тугади. Биздағи каби Қуръони каримдан “Мулк” (Таборак) сурасини ўқиши ва ўтириб қўлларни фотиҳага очиб «Омин» қилишлар йўқ. Дафндан сўнг, мусибат эгалари – ўн чоғли одам қадамларини тезлатдилар ва қабристон эшиги олдига илгарироқ келиб, хомуш ҳолда қаторлашиб туришди. Дафнга келган қадрдонлар қабриқтондан

чиқар эканлар, бирма-бир уларнинг қўлларини олиб «мусибатингизга Аллоҳ ажр берсин» ёки «Faффараблоҳу лимаййитакум» («Марҳумингизни Аллоҳнинг ўзи кечирсин») ибораларини айтиб, ҳамдардлик билдирадилар.

Дафндан сўнг мусибатхонага фақат қариндошлар боради, холос. Бошқа таниш-билишлар қабристондан қайтадилар, – биздаги каби қабристондан ёппасига қайтиб, Қуръон ўқиш ва дуо-фотиҳа қилиш удумдан чиқиб кетган. Шунга қарамай, Минҳожиддин Фамгин дафнidan сўнг, хусусан, жанозага бошқа шаҳардан келган қадрдонлар ҳам қабристондан унинг ўғли Мажидиддин уйига бордилар ва Қуръон тиловати қилиб, сўнгра тарқалишди.

Ватандошларимизнинг мусибат маросимидағи бизнидан фарқланадиган яна бир томони шуки, жаноза ва дафндан кейин эрталаб ёки пайшанба кунлари одамлар фотиҳага келиши одат эмас. Faқат уч кун давомида аср намозидан бошлаб, хуфтонгача фотиҳахонлик уюштирилади. Узоқ-яқиндан таниш-билишлар фақат уч кун кечки пайт келадилар. Иккита-учта қори микрофон олдида навбатма-навбат тўхтамасдан Қуръон тиловати қилиб ўлтирадилар. Биздаги каби ҳар бир келган бир тўп кишига алоҳида ўқилмайди; битта қори 10–15 дақиқа тиловат қиласи, келганлар ҳам тезда туриб кетмайди – тоқати, вақти мусоид қилганча ўлтирадилар. Бир қори тиловатни тугатиб, иккинчи қори бошлаганда, вақти тугаганлар секин туриб кетаверади, кўпчилик-қадрдонлар ва қариндошлар эса ўлтираверади. Уларга яна янги келганлар кўшилади. Шу тарзда Қуръон тиловати асрдан хуфтон намозигача тўхтамай давом этади. Ниҳоят, хуфтон намозига азон айтилгач, барча намозга туради ва шу билан фотиҳа маросими ҳам тугайди.

Бу маросим, айтилганидек, уч кун давом этади. Учинчи куни, хуфтон намозидан сўнг, ош дамланади ва барча тўпланганлар уйга таклиф қилиниб, якуний хатми Қуръон ўқиласи. Сўнг барчага ош тортилиб ейилгач, марҳум ҳақига фотиҳа қилинади-да, шу билан ўлим маросими умуман тугайди. Биздаги каби уч худойи, пайшанбаликлар, 20, 40 ва йил худойилари ўтказилмайди – улар «бидъат» ҳисобланади.

Ватандошларимизнинг биринчи авлодидан Маккада машхур бўлган Муҳсинжон Марғilonийнинг 90 ёшдан ошган беваси вафот қилганда, Минҳожиддин Фамгинникидаги каби уч кунгача ўзим қатнашдим, жуда кўп одам фотиҳага келиб кетди.

«Дом»да яшаганликлари учун күча четига стуллар қўйиб 50–60 кишига мўлжалланган жой қилдилар. Олтинхон тўранинг катта ўғли, Мунаввар қори ҳамда Яна бир ёш қори йигит З кунгача аср намозидан сўнг микрофон орқали навбатма-навбат Қуръон тиловати қилиб ўлтирилар. Охириги З-куни хуфтон ўқилгач, уйда хатми Қуръон уюштирилиб, айтилганидек, ош тортилди, сўнгра барча тарқалишди. Аммо айрим қариндош-уруғлар ва қадрдонлар қолиб, жумладан, камина ҳам кеч соат 12 гача марҳумани эслаб, холис суҳбатлашиб ўлтиридик.

Кечқурун пиёдалаб уйга – «Андижон такя»сига қайтар эканман (маросим «Наккоса» маҳалласида бўлиб, оралиқ масофа 2 км чамаси), тунги ҳаво ҳарорати 22–24 даражага, эсаётган фир-фир шабада танга роҳат бағишлайди, бундай тунда Макка кўчаларида пиёда юрганлар кўп. Пиёда, шошилмасдан кета туриб, маросимларимиз ҳақида ўйланиб қолдим. Хонамга кириб, тунги соат бирларда ётиш олдидан «кундалик» дафтаримга қуидагиларни ёзиб қўйдим:

«Улим ҳар доим, ҳаммага мусибат келтиради. Ахир, бирор отасидан ёки онасидан, яна бирор фарзандидан ёки рафиқасидан жудо бўлади-да! Шунинг учун ҳам жудолик алами дафъига турли удумлар, расм-русумлар оdat бўлди. Бизда дафндан сўнг қабристонда тўплланган юзлаб кишилар иштирокида Қуръон тиловати қилиш, марҳум ҳақига яхши гаплар айтишнинг нимаси ёмон? Марҳум руҳига бағишлаб пайшанба кунлари худойи оши бериш («қирқи»гача) ва «қирқ кунлик» маросимини ўтказиш, айниқса, Фарғона водийсида кенг тарқалган. (Тошкентда – «йигирма»). Менимча, мусибат туфайли удум бўлган бундай маросимларнинг сақлангани ва давом этиб туриши ўзбекчилигимиз рамзларидандир. Аммо мен 20 кунликка, марҳумнинг йилига бағишланган ва манманликка, исрофгарчиликка сабаб бўлаётган дабдабали маросимларга мутлақо қаршиман! Ҳатто, даҳрийлик давлати бўлмиш совет ҳокимияти йиллари ҳам бу ва бошқа удумларни ҳалқимиз унутмади: хуфёна тарзда бўлса ҳам «ими-жимида» ўтказиб келди. Демак, ҳалқ бор эканки, удум ҳам бор. Мусулмончилигимиз абадий экан, унга боғлиқ удумларимиз ҳам абадийдир. Мустақиллигимиз эса ўзлигимиз ва миллийлигимизни англашга катта имкониятлар яратиб берди. Лекин ҳамма нарсанинг ҳам чегараси, одоби бўлиши лозим.

Саудия Арабистонида бугунги тезкор тараққиёт таъсирида ўзбекона удумларимиз ўзгарибди, «маҳаллийлашибди». Бу ўзгаришлар ижобийми ёки салбийми,— баҳони халқимиз тарихи берса, ажаб эмас. Бизнинг вазифамиз эса этнографияга доир бу маълумотларни тарихга муҳрлаб қўйишдир».

Ватандошларимизнинг уй тутишлари, тўй ва дафн маросимларига алоҳида тўхталиб ўтганимизнинг боиси шундаки, урф-одатлар, анъаналар, турли маросим-маъракалар тизими ҳар қандай халқ маънавиятигининг, кундалик майший ҳаётининг айнан қўзгусидир. Саудия Арабистонида истиқомат қилаётган ватандошларимиз, ўша ўзбекона анъаналарни, гарчи яхлитлигига бироз путур етган бўлса ҳам, ҳар ҳолда сақлаб келмоқдалар. Шоир Комил Абдулло Тошқиннинг айтишича, ўзбек аёлларининг ойда бир уюштириладиган учрашув-ўлтиришлари бор. Улар тўпланишиб, ўзбекона зиёфатлар қилишади, лапар, ёр-ёрларни қўмсаб, билганича айтишади. Ўзга тил ҳукмронлигига, ўзга муҳитга қарамай, миллий тил ҳам авайлаб сақланмоқда.

Ислом дини билан ўзбек халқи анъанавий маданиятигининг асрлар давомида уйғун ҳолда ривожланиб келгани ўзга мусулмон юртида яшаётган ватандошларимиз турмушини анча осонлаштирган. Шунга қарамай, тарихан қисқа бўлса ҳам 70 йиллик (1930–2000) муҳожирлик даврида биз тўхталиб ўтган айрим урф-одатлар маҳаллий муҳит таъсири остида бироз ўзгарган ёки такомиллашган, лекин ўзбекчи-лигимизнинг ўзак қисми сақланганки, биз шунга алоҳида эътиборни қаратдик. Миллат бор экан, унинг урф-одатлари ҳам бирга яшайди.

## 2-§. Рамазон дастурхонлари атрофида

Анъанага биноан, Рамазон ойида иккала Ҳарами шарифда ҳам 30 кун давомида ифторлик уюштирилади.

Саудия Арабистонига Рамазони шариф кунлари юртимиздан умра сафарига борганлар Маккада ва Мадинада бўлганларида, агар турган жойлари яқин бўлса, иккала Ҳарамда уюштириладиган ифторлик маросимларида қатнашган бўлишлари мумкин. Камина эса 1996 ва 1997 йилги сафарлар чогида ифторлик маросимларида бир неча бор қатнашишга муюссар бўлдим.

Аввало шуни айтиш лозимки, ушбу мамлакат мусулмонлар дисёри бўлгани туфайли бу ерда барча рўза тутади, барча масжидга қатнайди ва рўза кунлари таровиҳ намозини ўқийди. Исломий ибодатларнинг қонун-қоидалари, жумладан, ифторлик анъаналари фуқаролар онгига сингиб кетган. Намоз ўқиш ва рўза тутиш ҳаётий ва психологик зарурат сифатини касб этган. Зотан, намоз ва рўза, умуман олганда, мусулмонлар учун бандалик вазифасини адо қилишнинг асосий шартларидандир. Шунинг учун бу мамлакатда ёш болалар ва ёш қизлар оналари, дадалари билан бирга рўза тутиб, намоз ўқисалар, катталар биздаги каби «баракалла» деб уларнинг кўнгилларини кўттармайди. Болалар ҳам катталар рағбатидан умидвор эмас.

Саудия Арабистонига сафар чоғим икки марта муборак Рамазон кунларига тўғри келди. Ватандошларимиз уйларига таклиф қилишгани сабаб бир неча марта уларнинг уйларидаги ифторлик маросимларида қатнашдим. Маккада марғилонлик Сафохон Жалолхон ўғли, андижонлик Ҳабибулло Назиржон, Машраб қори Исомиддин ўғли, наманганлик Собиржон «ҳисобчи», Мадинада Аҳмаджон Ўший, Абдуҳаким қори ва бошқа ватандошлар каминани навбатма-навбат ифторликка таклиф қилишди. Сафохон аканикидаги ифторликка бир сафар Ўзбекистоннинг Жидда шаҳридаги Бош консули ҳам Тошкентдан келган меҳмони билан таклиф қилингани сабаб, улар билан бирга бўлдик. Тоиф шаҳридан каминани излаб келган шоир Тошқин (Комил Абдулло Андижоний) ҳам ифторликка ташриф буюрди.

Ҳаммаси бўлиб 10–12 кишига мўлжалланган тўкин дастурхон шундоққина гилам-палослар устига солинган. Уларда биздагидек «хонтахта» қўйиш одат эмас. Меҳмонлар эртароқ келадилар-да, оғиз очар пайти – шом намозига аzon айтиш дақиқаларигача, одатдагидек, дастурхон солинмаган бошқа хонада ўриндиқларда сухбатлашиб, вақт ўтказадилар, фақат хурмо ва турли шарбатлар-у совуқ ичимликлар қўйилган, холос. Шулар билан оғиз очилгач, дарҳол шом намози ўқиласди. Намоздан сўнг эса йигилганлар дастурхон ёзилган маҳсус хонага таклиф қилинади ва ифторлик маросими бошланади.

Биздаги ифторликда оғиз очилгач, бир-иккитадан сомса ва бир бурда нон тановул қилинади-да, 2–3 пиёладан чой ичилиб,

сүнг шом намозига турилади. Бу ерда эса овқатланиш намоздан кейин бошланади. Арабистондаги тартиб шахсан менгә маъқул тушди: оғиз очилиб, шом ўқилади-да, сұнгра бир йўла ифторлик дастурхонига ўлтирилади. Бунда намоз баҳонаси билан ифторлик бўлинмайди ва дастурхон атрофида бошланган самимий суҳбат ҳам табиий давом этаверади.

Юқорида айтилганидек, дастурхон биздаги каби «хонтахта» устига эмас, балки палос устига ёзилган. Ота-боболаримизнинг бу азалий тартибида ҳикмат борлигини биз унугиб қўйибмиз: ерга дастурхон ёзиш Пайғамбаримиз(с.а.в.)дан қолган суннатлардан эканини шу ерда билиб олдим. Фикримча, бизнинг диний раҳнамоларимиз суннат ва бидъат одатларини кўпчиликка тушунтириб боришлари матлубдир.

Ифторлик дастурхони ҳам биздагидек «бой» солинган: нон ва турли сомсалардан тортиб ҳар хил суюқ ва қуюқ овқатларгача, турли ширинликлар-у қатиқ, совуқ ичимлик-шарбатлардан тортиб нон теккизиб ейиладиган ва шу ерга хос ҳолвайтар-у нишолдагача қўйилган. Булардан ташқари, катта-кичик баркашларда турли хил мевалар: олма, «юсуф афанди» (яъни мандарин), апельсин, банан, узум, нок, хурмо ва ҳ.к. Сафохон аканикида эса Ватандан келтирилган қовун ва маҳаллий «қўзивой» тарвуз ҳам қўйилган. Иссиқ овқатлар – паловдан тортиб уларга хос мастава, чучвара, мантигача – барчаси, биздаги каби навбати билан эмас, балки, ҳар галгидек, бир йўла дастурхонга қўйилган – ким нимани хоҳласа, бетакаллуф тановул қиласаверади. «Олинг-олинг» деган қисташлар ҳам йўқ.

Қўйилган мевалардан айниқса, узум менинг диққатимни жалб қилди: токдан худди янги узилгандек турибди. Биламанки, Арабистонда узум унмайди. Тортиниброқ бўлса ҳам сўрасам, Чилидан келтирилган эмиш. Юқорида айтилганидек, бундан уч кун илгари Чили узумзорларидан эрталаб узилиб, қофоз кутиларга жойланган ва ўша куни кечки пайт самолётларда Жиддага келтирилган. Иккинчи куни эрталабдан турли шаҳарларга тарқатилган ва сотувга чиқсан, ниҳоят, мана, ифторлик дастурхонига қўйилган. Зотан, бошқа мевалар ҳам хилига қараб – АҚШдан (олма), Жанубий Америка (олхўри, қулупнай, узум), Миср (анор, апельсин), Туркиядан (нок, шафтоли) ҳар куни келтирилади. Ана сизга

бозор иқтисодиётининг бир кўриниши-ю, халқаро савдо алоқаларининг ташкил қилиниши.

Очигини айтганда, йўғон донали Чили узуми менга маъқул келмади: катта-катта кўкимтир ва юмaloқ, шираси ҳам унча эмас. Биз тилни ёрадиган ва олтингек товланадиган узумларга ўрганганмиз. Ифторлик давомида биздаги, масалан, Асаканинг найча узумларини кўз олдимга келтираман. Қани энди, Қуёш бобонинг иссиқ нурини эмиб етилган узумларимиз ва бошқа меваларимиз халқаро савдога чиқса, жумладан, арабистонликларга, ватандошларимиз дастурхонига ҳам етиб келса... Бошқа юртлардан келтирилган узумлар-у турли мевалар бизники билан рақобат қила олмаслиги аниқ. Илоҳим, ўшандай кунларга етказсин.

Ифторлик ниҳоятда самимий ўтди. Ватандошларимиз суҳбати яна она-юртимиз, мустақилликдан мамнуният, уни ҳеч нарсага алмаштираслик ҳақида борди. Ўлтириш тунги соат 12 гача давом этди.

Таровиҳ намозидан сўнг хайрлашиб, Макканинг тунги бозорини айландик. АҚШ, Ливан, Мексика, Эрондан келтирилган меваларни, Испаниядан келтирилган ўрик ва олхўриларни ҳам татиб кўрдим. Бизнинг олтин рангли, новвот таъмли узумларимиз, субҳони, қандак ўрикларимиз аъло даражада эканига яна иқрор бўлдим. Иншооллоҳ, Президентимиз олиб бораётган ташқи иқтисодий сиёсат туфайли боғбонларимизнинг ҳалол меҳнатлари билан етиштирилган ширин-шакар мевалар бошқа мамлакатларга, Саудия Арабистонига ҳам етиб боради ва боғбонларимизнинг даромади ҳам ортади. Ўшандай кунга етиб келамиз. Фақат бизнинг ишбилармонларимиз, тадбиркорларимиз Президентимизнинг доно ташқи сиёсатини тўғри ва кўнгилдагидек амалга оширишга кўмаклашсалар, ёз ойлари ички истеъмолимизни заруратда Ҷи ортиқча қоплаб ётган меваларимиз жаҳон бозорига чиқса, бундан қанчадан қанча фойда келар эди. Ифторликтан қайтгач, Макка бозоридан чиқиб, шулар ҳақида ўйлаб кетдим. Ишбилармонларимизда жаҳонга чиқиш тажрибаси етишмаётгандек. Сабр қиласиз, албатта, тажриба ҳам ортади.

Эртаси ўтиб, индинига Маккада истиқомат қилувчи яна бир ватандошимиз Ҳабибулло Назиржон ўғли ифторликка таклиф қилди. Олдинги бобда у кишини таништириб ўтган

эдик: Андижоннинг эски шаҳаридаги собиқ «Тахта кўприк» маҳалласида туғилган, Маккада истиқомат қиласи. У киши яхшигина ишбилармон. Шу билан бирга, Ўзбекистонимиз истиқололини севинч ёшлари билан қулоч очиб кутиб олганлардан. Мамлакатимиз келажаги ҳақида ажойиб фикр-мулоҳазаларга бой одам.

Ифторликка ўғли Одилжон, укаси – физик профессор Раҳматулло Назиржон, ходими Собиржон «ҳисобчи» Намангоний ва пойтахт Риёздан кўёвлари билан яна икки киши таклиф қилинган экан. Ифторлик дастурхони ҳалигидай – ниҳоятда мўл-кўл солинган. Маишат асносидаги суҳбатимиз мавзуи, бир гал боғдорчилигимиз, шарбат меваларимиз атрофида айланди. Ҳабибулло аканинг фикрича, Андижон меваларини, хусусан, узумларини Арабистонга олиб келиб сотиш мумкин. У киши 1991–1992-йиллари Ватанга келганида, Андижон туманидаги собиқ «Известия» мевачилик давлат хўжалиги базасида консерв заводи қуриб, Арабистонга куруқ ва хўл мева чиқариб сотиш режасини таклиф қилган. Бироқ айтишича, унинг бу таклифи нима сабабдандир, поёнига етмай, ярим йўлда қолиб кетган. Ифторлик давомида гапни шу мавзуга бурган эдим, Ҳабибулло ака менга қараб:

— Андижон соҳибкорларини Ўзбекистонимиз мустақиллиги туфайли бадавлат бўлишини ўйласангиз, ўша «совхоз» ҳақидаги менинг режамнинг амалга ошишига ёрдам беринг, — деди-да, бу масалага нуқта қўйди. Мен Андижонга қайтгач, буни албатта суринтиражагимни айтдим. Бу – 1997 йил 19 январь оқшоми эди<sup>4</sup>.

Кейинги кунлари ифторликни қаторасига уч кун Ҳарами шарифда ўтказдим. Биздаги ва умуман, одатдаги ифторлик тартибларидан фарқли ўлароқ, шаҳарнинг барча масжидларида ҳам қисқа муддатга ифторлик дастурхони ёзилади. Ҳарамнинг ўзида эса шом намозига келган миллионлаб зиёратчиларга намоз олдидан енгилгина дастурхон солинади: кичик елим идишларда мўл-кўл қилиб хурмо тортилади, замзам сувлари, чой ва арабча қаҳва берилади, холос. Маҳалла масжидларида эса нон ва иссик овқат ҳам тортилади.

Ҳарамда шомга аzon айтилиши биланоқ, барча елим дастурхонлардаги хурмо билан «офиз очади» ва замзам, чой ва мўъжазгина идишларда қаҳва ичади. Эътибор берсам, ҳар ким ўнтагача хурмо ер экан. Ушбу ифторлик 5 дақиқа давом этади,

холос. Сүнгра хизматчилар елим ва қаттиқ қофоз стаканлар-у хурмо қолдиқлариниң дастурхонларга ўраб зудлик билан ийғишириб олишади ва шу билан, қарабсизки, намозга жой очиласи, ифторлик тугайди. Бир-бирларига ёт бўлган одамларнинг ўша 5 дақиқа давом этган ифторлик асносидаги дўстона ўзаро муомаласи, беозорлиги ва самимийлиги кишининг ҳавасини келтиради, ўйга толдиради.

Кейинги кунлари маҳалла масжидларидан биридаги ифторликни ҳам кузатдим: илтимосимга кўра, мени бир маҳаллага олиб бордилар. Бу ерда қоида шундайки, иқтидорли кишилар навбати билан масжидда ифторлик дастурхони ёзадилар. Юқорида айтилганидек, хурмо ва чойдан ташқари, овқатлар ҳам тайёрлашади. (Рўза кунлари масжид айвонида газли қозон-ўчоқ қурилади). Масжидга кирганки одам аввал «офиз очиб», сўнг намозга туришади-да, намоздан кейин маҳсус тайёрланган дастурхон атрофида ўлтириб, бетакаллуф ифторлик қилиши мумкин. Бир-бирларига мутлақо бегона ёшу қари худди эски танишлардек, суҳбатлашиб ўлтираверадилар. Таклиф қилиш, меҳмонни кутиб олиш ва биздагидек, келгандарга мулозамат қилиш бу ерда одат эмас, муомала – табиий ва самимий.

Ўттиз кунлик рўза давомида ҳар куни ҳарамда ҳам, маҳалла масжидларида ҳам ифторлик дастурхони ёзилади. Фақат фарқи шундаки, Ҳарамда давлат томонидан ташкил қилинади, масжидларда эса бадавлат кишилар навбати билан дастурхон ёзадилар. Мадинада бўлганимда Ҳарам ичини ифторлик дастурхони ёзиш учун бадавлат кишилар бир неча ўн метрдан «бўлиб олишганларини» айтишди. Бу ерда ҳам бир ватандошимизнинг ифторлик дастурхонида бўлдим. Тартиб худди Маккадагидек. Аммо озроқдан нон ҳам қўйилган.

Икки йил давомида Рамазон ойини Арабистон сафарида ўтказган бўлсам, бу ердаги ифторликларни ўзимиздагига қиёсладим. Маълумки, бизда ҳам маҳаллаларда ҳар ким савоб учун деб ифторлик қиласи. Бироқ ифторлик масжидда эмас, хонадонда ўтказилади. Шунингдек, бизда ҳам ифторлик тайёргарлигига катта эътибор берилади – дастурхон жуда қуюқ солинади. Кўпинча ифторликдан сўнг нон-у сомса ва қўйилган мева-ю шириналардан «насиба» деб туғиб ҳам берадилар.

Саудия Арабистонида эса бундай одат йўқ – керагича еб-ичиб кетилаверади. Маккада кузатганим – маҳалла масжид-

ларидаги ифторликларда менга таажжубли түюлган одат шу бўлдики, ифторликдан сўнг қолган барча таомларни – нонлар-у оғзи очилиб чала ичилган салқин ичимликларни пўчоқлар билан бирга ўша елим дастурхонларга ўраб, ташлаб юборадилар. Қолган меваларни тақсимлаб бериш ёки ихтиёрий равиша олиб кетиш бу ерда одат эмас. Бу – ислом таълимоти бўйича ҳам бориб тургани исрофгарчиликдир. Илгариги сафаримизда тўйларда ҳам бунга эътибор берганимизни ёзган эдим. Бир куни танишим, давлат хизматчиси Машраб қориникида ифторликда бўлганимда, бундай исрофгарчилик ҳақида тортинмасдан гап очдим. Маълум бўлдики, бу одатдан ватандошларимизнинг ўzlари ҳам норози – хижолатда эканлар. Бироқ Машраб қорининг айтишича, кейинги йиллари тўйларда ортиб қолган таомларни давлат таъминотида турадиган етимхоналар, боқувсиз қариялар ва кар-соқов, кўзи ожизлар истиқомат қиласидиган муассасаларга олиб кетиш тартиби ўрнатилган. Маъмурчилик, серобчилик туфайли пайдо бўлган бу исрофгарчилик одатидан ватандошларимизнинг ўzlари ҳам хафа.

Ҳарами шарифдаги ифторликларда ҳам маҳсус идишларда қолган хурмоларни данагу пўчоқлар билан қўшиб, тез йиғишириб сладилар ва «суфралар»га ўраб ташлаб юборадилар. Агар улгурсангиз, бирор қути хурмо олиб қоласиз, аммо «олинг» деб илтифот қилиш йўқ. Олсангиз – айб ҳам саналмайди. Солинган «суфра» – дастурхонларни айтмайсизми. Эни 65–70 смли, биз «салафан» дейдиган, четларида «аҳлан ва саҳлан» («хуш келибсиз») – деган ёзуви бор чиройли дастурхонлар йиғиширилиб олинади-да, ҳаммаси тўпланиб, ахлатга қўшиб ташлаб юборилади. Ўттиз кун рўза ичи ҳар куни шу одат. Бу, албатта, Саудия Арабистонининг бадавлатлигидандир. Лекин бадавлатлик, тўқин-сочинлик исрофгарчиликни келтириб чиқармаслиги керак. Бу хусусда ватандошларимиз билан фикр алмашдик. Улар ҳам камина мулоҳазаларига дилдан қўшилишди.

Шу билан бирга, яқин ўтмишимиздан баъзи таъналарни ҳам эшилдим: биз кимлигимизни унугиб қўйиб, фақат қоринни ўйлаб, ўзимизда ҳам тўй-маъракаларда ошиб қолган ошу сомсаларни ташлаб юборишимииздан улар хабардор экан. Ошиб қолган бурда нонларни, ҳатто, қора бўлкаларни дўконлардан сотиб олиб, ҳайвонларга берганимиз ёдимга

тушиб, ўзим ҳам бироз хижолат чекдим. «Тўқлиққа шўхлик» деб шуни айтсалар керак-да. Ахир, ўшанда ҳам мусулмон эдикку! Хайрият, бу одатларимиздан эндиликда воз кечдик.

Баҳсимиз мавзуси ифторлик ҳақида бўлгани сабаб, шундай хуносага келдимки, биздаги ифторлик одатимиз ҳар ҳолда маъқул экан. Бизда ҳеч нарса исроф бўлмайди. Дастурхондаги неъматларни «эҳсон» маъносида кўнгилдан чиқарилиб, меҳмонларга тортилса, ўз йўлида бу ҳам менимча, тўғри.

Илгари караҳт бўлиб қолган миллий урф-одатларимиз, мана, истиқолимиз туфайли тикланмоқда. Диний эътиқодимиз ҳам шукур қилайлик, мустаҳкамланмоқда. Муқаддас Рамазон ойи давомида маҳаллаларда ифторликлар ҳам бўлмоқда, дастурхонимиз тўкин-сочин. Мустақиллик берган маънавий неъматларни айтмайсизми.

Шу билан бирга, эътиқодимизни янада мустаҳкамлаш учун Пайғамбаримиз (с.а.в.) ватанидаги айрим ҳаётий жиҳатлардан, бошқа ибраторумуз одатлардан ўргансак ёмон бўлмайди. Аммо бугунга келиб пайдо бўлган баъзи ноҳуш одатларга танқид кўзи билан қарашга тўғри келади. Саудия Арабистонидаги ватандошларимизнинг айрим урф-одатларини кузатар эканман, ўзимизнинг анъанавий одатларимиздан фахрланиш ҳисси янада кучайди менда.

### **3-§. Машраб қорининг шахсий музейи**

1995 йилги сафарим чогида Маккада юқорида таъриф берилган тўйлардан бирига таклиф қилишди. Таклифни мамнуният билан қабул қилдим. Тўйхонада ватандошлар билан суҳбатлашиб ўлтирганимизда дўстлардан бири менга: «Домла соҳиб, Машраб қори келди, хўп гаплашадиган олим одам, айни сизбоп, юринг, таништираман» – деди-да, биздан нарироқда ўлтирган оқ сариқдан келган, бошига ола қизил рўмол ташлаган, қотмагина одам ёнига олиб борди: «Қори, танишинг, мамлакатдан келган<sup>5</sup> олим ҳамюртимиз», – деди. Қори билан қадрдонларча қулоқ очиб кўришдик ва у кишини ҳам мен ўлтирган жойга олиб келиб, ёнма-ён жойлашдик. Ўлтирганлар – Сафоҳон, Тўраҳон, Абдуғаппор ва яна бир қанча танишлар у кишига илтифот кўрсатиб, ўринларидан турдилар. Сафоҳон aka мени у кишига обдон таништира кетди:

– Машраб қори, домла Сайфиддин соҳиб муҳожиратга чиқиб

кетган оталаримиз тарихини ёзишга бел боғлабдилар. У кишига марҳамат кўрсатсинглар. Биз ҳам албатта, қараб турмаймиз.

Машраб қори ростмона ўрнидан туриб, таъзим қилди ва тавозе билан «бош устига, хуш келибдилар» – деб яна ўлтириди. У кишининг оталари мулла Исомиддин қори Андижоннинг «қибла томони»даги (Машраб қори ибораси) «Ойшахоним» маҳалласидан бўлиб, муллолар ва бадавлатларга нисбатан ҳукуматнинг сиқуви авж олиши билан жон сақлаш учун 1931 йили хотини ва бир ёшли чақалоқ Машрабжонни олиб, кўп қатори, Ватандан чиқиб кетган. «Ўлим йўли» бўлган Кошгар йўлларида тортган азоблар ҳамон ёдида.

Кошгар, сўнгра Кашмирдаги йўқчиликлар, Афғонистондаги қўл учida ўтказилган тирикчилик ва ниҳоят, Саудия Арабистони... Отаси Маккай мукаррамага келиб, жон таслим қилди. Эндиғина қориликка ўқиётган Машрабжон онаси қўлида етим қолди. Ватандош бухорийлар кўмагида ўқишни давом эттириб, Куръони каримни ёд олди. Мактабда ўқир экан, 12 яшарлигига ёқунинг истеъоди намоён бўлди. Мактабни тутатгач, давлат курсларига ўқишига таклиф қилинди, сўнгра уни хорижга жўнатдилар. Ва ниҳоят, олий маълумотли муҳандис касбини эгаллаб, «Идораи таълимия» деб аталмиш давлат муассасасида меҳнат фаолиятини бошлади.

Билим доирасининг кенглиги, хоҳ диний, хоҳ дунёвий илмдан бўлсин, ҳар қандай мавзуда ҳам мантиқ ва далилнинг кучлилиги билан суҳбатдошининг бутун диққатини ўзига жалб қилиб олади, олимлик қобилияти дарҳол маълум бўлади.

– Эртага иш билан қисқа сафарга кетаман, сиз, азиз меҳмонни, бир ҳафтадан сўнг ўзим топаман, – деди-да, маълум фурсат ўтгач, олдинги жойига бориб ўлтириди.

– Бу киши доимо давлат иши билан банд, хайрият, сизга вақт ажратадиган бўлди, – деб қўшиб қўйди Сафохон ака. Аммо ўлтирганлардан биронтаси иш жойини ва лавозимини аниқ билмас экан. Айтишларича, давлат олдидаги хизматлари учун орден ҳам олган.

Бир ҳафта- ўтгач, турар жойим бўлмиш «Анжан боғча» мудири Аббосхон мени чақиришиб, «Сизни Машраб қори сўраб, телефон очди, кечқурун хонада кутиб ўлтиринг, келади», – деди. Мана, бугун 10 январь. Шомдан сўнг, вайдасига биноан Машраб қори келди, кўришдик ва машинасида каминани ҳовлисига олиб кетди. Ҳовлиси Макка

шаҳрининг шундоққина марказида экан. Катта ҳовли ўртасида олти хонадан иборат уй. Унинг ертўла (подвал) хоналари ҳам бор.

Дастурхон атрофида чой ичиб, хўб суҳбатлашдик. Мезбон «Овқат тайёр бўлгунча, сизни музейга олиб кираман», — дедида гилам поёндоз тўшалган зинапоя билан пастки — «подвал» хонага тушдик. Биринчи қават неча хонадан иборат бўлса, пастда ҳам шунча хона — ҳаммаси музейдан иборат экан. Мен мамлакат бўйлаб ҳамда Бобур изидан Афғонистон, Эрон, Ҳиндистон ва Покистон бўйлаб қилган сафарларимда кўп музейларни, жумладан, уй-музейларни ҳам кўрганман. Бироқ шахсий музей кўрганим ёдимда йўқ. Машраб қориники — ўзи ташкил қилган шахсий музей. Макка шаҳри тарихини, Байтуллоҳ тарихини ва Арабистонда Саудийлар сулоласининг ғалабасини акс эттирувчи анвойи ёдгорликлар ва айрим хужжатлар даврма-давр қўйилган.

Мана, Макка шаҳрининг VI—VII асрлар тарихига доир хужжатдан кўчирма. Куфий ёзуvdаги Қуръон оятларидан маҳсус ишланган чарм матога ёзилган нусхалар. Ислом динининг тарқалиши тарихига оид хужжатлар, умавийлар, аббосийлар халифалиги давридан қолган айрим буюмлар, муқаддас Замзам суви қуиладиган, X асрда ясалган чоққина сопол кўзачалар... Бу кўзачаларнинг таги ясси-япалоқ эмас, балки «найзасимон» учли қилиб ишланганлиги менда таажжуб уйготди. Музей эгасининг айтишича, сув қуилган кўзачалар ерга қуийлмаган, балки муқаддас Замзам суви ҳурмати баландроқдаги кўза қорни сифмайдиган маҳсус тешик токчаларга жойлаштириб қўйилган.

Музейнинг навбатдаги иккита хонаси кейинги даврларга бағишлиланган: ўрта аср кийимлари, сопол ва мисдан ясалган рўзгор анжомлари, жанг асбоблари, араб аёлларининг тақинчоқлари, қадимий пуллар... Қуръони каримнинг мен кўрмаган ноёб қўллёзма нусхалари киши диққатини янада ўзига тортади.

Музейнинг иккита хонаси 1932 йили Абдул Азиз ибн Сауд раҳбарлигига қилинган инқилоб ғалабасига ва мамлакатнинг ундан кейинги тарихига бағишлиланган. Ана шу йилдан Саудия Арабистонининг мустақил, ягона мамлакатга айланишига асос солинган, тараққиёт янги изга тушган. Мана, ўша йиллари дастлаб ишлатилган қора рангли қўполгина телефон аппарати, бесўнақай радио карнайлари ва бошқа оврупоча буюмлар. Музейнинг маҳсус хонаси Арабистон — Америка («Арамко»)

нефть компанияси тузилган 1944 йилдан кейинги даврға бағишиләнгән. Ушбу компания тузилгач, мамлакат тараққиётида рүй берган иқтисодий ва маданий ривожланишлар, ўзгаришларни акс эттирувчи экспонатлар қўйилган. Арабистонга келтирилган дастлабки енгил автомашиналарнинг кичик моделлари ҳам қўйилган. Ҳижоз ўлкасининг (ғарб) Нажд ўлкасига нисбатан (шарқ) иқтисодий тараққиётда илғор эканини кўрсатувчи ҳужжатлар ҳам бор. «Ал-Қибла» газетасининг мамлакатни биринчи марта телефонлаштириш ҳақидаги мақола босилган сони қўйилган. Мутаассиб диний ташкилотлар бу янгиликларга қарши чиққанини кўрсатувчи суратли ҳужжатлар ҳам бор

Тараққиётнинг бу рамзий белгиларини кўриб, мутаассиб радикал исломий таълимотларнинг тараққиётдаги янгиликлар — умуман прогрессни тан олмайдиган илдаоларини эсладим ва мезбоним Машраб қорига бу ҳақда савол қилдим. Қори томошани вақтинча тўхтатиб, хона ўртасига ўрнатилган диванга ўлтиришни таклиф қилди-да, ўзи ҳам ёнимга ўлтириб, Арабистоннинг XX аср 30-йиллари тарихига диққатимни жалб қилди.

Унинг айтишича, 1932 йили Саудия Арабистони подшоҳлиги эълон қилинганидан сўнг унинг биринчи раҳбари Абдулазиз ибн Сауд фан-техника янгиликлари, жумладан, телефон ва радио каби техника воситаларининг мамлакат тараққиётидаги аҳамиятини яхши тушунганд. Ҳўжалик ва ҳарбий эҳтиёжлар учун эса автотранспортнинг роли бекиёс. Аммо мутаассиб диний оқимлар янгиликларга тиш-тирноғи билан қарши бўлган. Шунда подшоҳ доно сиёsat юргизган: бу соҳада илғор фикрли бўлган Макка уламолари билан мутаассиблар ватани бўлмиш Нажд уламоларини учраштириб, уларни муросага келтирган. Шу тарзда мамлакатга техника воситаларининг кириб келишига имконият яратилган. Шунга қарамай, фаламислар 1935 йили келтирилган дастлабки юк машинасини ҳайдовчиси билан қўшиб, кўчада ёндириб юборган эканлар. Бу қўнгилсиз воқеани эслатувчи ҳужжатлар ҳам музейга қўйилган.

Бу мутаассибликтининг нақадар бемаънилигини эслаб, Машраб қорининг ўзи ҳам кулиб юборди. Дастлабига наждлик уламолар ва айрим ҳижозликлар ҳам техника ривожига тиш-тирноғи билан қарши бўлишган. Самолётга ҳам «шайтон

кашфиёти» деб қарашган. Машраб қори ислом ақидапаастларининг кулгили фаолиятларидан айрим латифанамо воқеаларни айтиб берди – роса кулишдик.

– Кўриб турибсизки, дунёда техника тараққиётисиз асло яшаш мумкин эмас, – деб ўрнидан турди мезбон ва музейнинг сўнгги хонасига ўтдик.

Ушбу хона Машраб қорининг сафарлар чоғида чет мамлакатлардан олиб келган ёдгорликлари ва бошқа совғалар билан безатилган. Булар ичida қўлда тўқилган чоққина иккита ажойиб Эрон гилами дикқатимни тортди. Гилам 1,5x1,75 метр катталиқда бўлиб, ниҳоятда гўзал ишланган. Унинг қимматини оширадиган яна бир сифати шунда эдики, атрофига Умар Хайёмнинг қўйидаги машҳур рубоийси тўқилган. Унинг ўзбекча таржимасини келтирамиз:

Кекса, ёш-ҳаётга ҳар кимки етар,—  
Ҳаммаси изма-из, бирма-бир ўтар,  
Бу дунё ҳеч кимга қолмас абадий,  
Кетдилар, кетамиз, келишар ва кетар.

(Шоислом Шомуҳаммедов таржимасида)

Гиламнинг яна бирига ҳам Хайём рубоийсидан ёзилган. Менга қизиқ туюлгани – Машраб қори рубоий тўқилган ушбу гиламларни музейнинг чиқиш эшиги ёнига осиб кўйган. (Бу – дунё, ҳаётнинг омонат эканини яна бир эслатиб кўйиш учун қилинган.) Мезбоннинг айтишича, гилам жуда қиммат туради. Эрон тарихининг 2,5 минг йиллигини тасвирловчи бир гиламини аллақайси фарб мамлакатидан келган меҳмон қўярга-кўймай, 1 млн. 200 минг риёл бериб олиб кетган.

Саудия Арабистонига уч марта илмий сафар қилган бўлсам, ҳар борганимда, албатта, Машраб қори музейини атайлаб кўраман ва ҳар сафар ўзим учун бир янгилик кашф қиласман. 1996 йили мен ҳам музейга бир совфа олиб бордим. Ота-бобомиз кийган бир тарихий ҳаккар кафш ҳадя қилдим (ёғочдан ишланган ва ота-боболаримиз лойда маҳси билан киядиган ёғоч пойафзал). Қори ниҳоятда хурсанд бўлди ва музейнинг ўз авлодига бағишлиланган маҳсус бурчагига қўяжагини айтди.

Кейинги борганимда музейга кириб, ҳаккар кафшга назарим гушди: унинг остига араб тилида «қадимда туркистон-тикларнинг лой кўчаларда киядиган оёқ кийими» деб ёзиб

қўйибди. Ушбу музейга бухорийлар авлоди буюмларидан ҳам тарих учун намуна қўйилганидан мамнун бўлиб чиқдим ва Машраб қорига:

— Бу — боболаримиз айтганидек, ўтган кунингизни унутмай, эски чорифингизни қуритмай яшаётганингиздан нишонадир, — деб ҳазиллашдим. Қори менга Англиядан келтирилган ва маҳорат билан ишланган уч бўлакли ажойиб ҳасса совға қилди.

Ўша 1997 йили сафардан қайтиш чоғимда дўстим Машраб қоридан Саудия Арабистонида таълим ва ҳалқ маорифи ҳақида адабиётлар топиб беришни илтимос қилдим. У киши илтимосни мамнуният билан қабул қилдилар. Қайтганимдан олти ой ўтгач, Жидда шаҳрида истиқомат қилувчи божалари Абдулҳамид Махдумдан (биз у киши ҳақида юқорида ёзганмиз) мен истаган мазмундаги олтига китоб бериб юборибди. Барчасига араб тилида «Професор Сайфиддин Абдужалилга» деб ёзилган. Уларни ва ноёб ҳассани дўстимдан ёдгорлик деб кўз қорачиғидек ҳамон асраб юраман.

---

<sup>1</sup> Биз кейинги кунлари қолган ошлар «тақдири» билан қизиқдик. Айтишларича, тўй ва бошқа маросимлардан сўнг ортиб қолган овқатларни тўплаб, «999» рақамга телефон қилинади. Махсус автомашина келиб, уларни олиб кетади ва хайрия ҳисобида турадиган (кўзи ожизлар, кар-соқовлар уйлари каби) муассасаларга тарқатади. Умумий тартиб шундай. Аммо одамлар бунга риоя қиласаларни ҳақида шикоятлар ҳам эшидик.

<sup>2</sup> 2001 йили АҚШ га борганимда, бундай тартибга иккинчи марта дуч келдим.

<sup>3</sup> Абдулляжон Туркистоний—Андижондан ҳижрат қилиб, Фулжада туриб қолган машҳур Аҳмадбек ҳожининг набираси.

<sup>4</sup> Андижонга қайтгач, шу масала билан вилоят ҳокимининг биринчи ўринbosари ҳузурида бўлдим ва ватандошимиз режаларини тушунтирдим. У киши масала билан шугулланишга ваъда берди.

<sup>5</sup> Ватандошлар Ўзбекистондан борганиларни «мамлакатдан келган» дейишади.

## ХОТИМА ЎРНИДА

XX асрнинг 30-йилларида умуман Россия империяси бўйича мулкдорлар ва зиёлиларнинг Ватанини ташлаб, муҳожиратга кетиб қолиши таъкидланганидек асосан, 1917 йили Россияда рўй берган давлат тўнтариши билан боғлиқдир. Совет тарихшунослигида бу ижтимоий ва сиёсий ҳодисага моҳиятан эътибор берилмади, масалага холосона ёндашилмади, унинг натижалари бузиб талқин қилиниб, муҳожиратнинг туб сабаби очиб берилмади.

Тадқиқотчиларнинг бу масала юзасидан кейинги йиллардаги хulosалари шундан иборатки, 1917 йилдан сўнг ўрнатилган совет ҳокимиятининг жамиятда ҳаётий томири бўлмаган, унинг янгича давлат тартиб-қоидалари мажбурий тарзда турмушга татбиқ қилинганд<sup>1</sup>. Бунинг оқибатида, Россия ва унга тобе ўлкалардаги даврлар синовидан ўтган ҳаётий тартиблар зўравонлик билан бузилган. Шунинг учун ҳам большевизм ўрнатган давлат тузуми ва тартиботлари жамият тадрижий тараққиётининг узвий давоми эмас, балки ҳукумат зўравонлигининг оқибати бўлди<sup>2</sup>. Большевизм эса тарихий заруратликни даъво қилди-ю, аммо амалда бунинг акси бўлиб чиқди.

Сталиннинг «айрим олинган мамлакатда социализм ғалаба қилиши мумкин» деган ва гўё кучайиб борадиган синфий кураш ҳақидаги сохта назарияга асосланган зўравонлик сиёсати амалга оширилиб, кўплаб жиноий ишларга қўл урилди: 30-йиллардаги ижтимоий-сиёсий парокандалик ва шаҳид кетганлар ҳам шунинг мудҳиш оқибатидир. Stalinнинг «қулоқларни синф сифатида тугатиш» ҳақидаги сиёсати ҳам ўша зўравонлиknинг бир кўриниши эди. Мана шу зулмкор сиёsat иқтидорли ватандошларимизнинг унга қаршилик кўrsatiш маъносида муҳожирликка кетиб қолишига сабаб бўлди.

Маълумотларнинг кўrsatiшича, 1917 йилгача Туркистондан кетган муҳожирларнинг сони-ҳисоби деярли олинмаган. Асосий муҳожирлик оқими Россияда 1918—1920-йиллардан, Туркистонда энг оммавий тус олган даври эса 1930 йилдан бошланди. Йирик мулкдорлар ва ўз даврининг зислилари Ватанини ўз хоҳишларига қарши бўлса ҳам тарк этдилар — зўравонлик билан ўрнатилган сиёсий тузум уларни шунга мажбур қилди.

Саудия Арабистони ҳукумати ўзбек муҳожирларини коммунистик ғояга асосланган совет давлати сиёсатидан безиб келганлар деб, хушрўйлик билан қабул қилди ва буюк муҳаддис Имом Бухорий ватандошлари деб, уларга «бухорийлар» номини берди, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлadi. Бухорийлар, асосан, Маккаи мukаррамада, Мадинаи мунавварада, кўпроқ Тоифда, қисман Жиддада, озроқ Абҳода ва Риёзда ўрнашиб қолдилар.

Ватандошларимиз, гарчи ушбу мамлакатда мустаҳкам ўрнашиб қолган бўлсалар ҳам, ноҳақлик билан ўрнатилган шўро тузумини тезда емирилишига ишонч боғлаб, Ватанга қайтиш умиди билан яшадилар. Афсуски, советлар ҳукумронлиги уларнинг умидини пучга чиқарди, ноҳақ тузум узоққа чўзилиб кетди. Хусусан, Иккинчи жаҳон урушидан сўнг Ватанга қайтиш орзуси сўна бошлади ва улар аста-секин ўзга юрт табиатига, ҳаёт тарзига кўнига бошладилар. Лекин бегона юрт бўлишига қарамай, ўзбекчилик одатларини тарқ этмадилар. Қайси шаҳарда бўлса ҳам, ўзларининг жамоаларини ташкил қилиб яшадилар<sup>3</sup>.

Саудия Арабистонидаги ҳаммаси бўлиб беш ой давом этган илмий сафарларимиз давомида ватандошларимизнинг турли ижтимоий қатламларига мансуб кўплаб танишлар орттиридик. Улар билан турли суҳбатлар ва учрашувлар ўтказиб, меҳмондорчилигу, тўйларида бўлдик, мусибатларida қатнашдик, ватандошларимиз кундалик ҳаёти билан яқиндан танишдик. Шунга амин бўлдикки, бухорийлар ўз аждодларидан мерос қолган ва ўзлари билан бирга олиб келган миллий маданият анъаналарини авайлаб сақлаганлар. Араб халқи билан ёнма-ён яласалар ҳам, миллатга хос урф-одатларни, ўзбекона ҳаёт тарзини эъзозлаб келмоқдалар, ўз эътиқодларига содик қолганлар.

Ватандошларимизнинг ҳозирги авлоди шуни эслайдиларки, 1950–1960-йиллари ҳам муқаддас Каъбани тавоғ қилаёт-гандарнинг кўпчилиги оқ салла ўраган ўзбеклар эди. Улар бошқалардан ажralиб турар эдилар. Буни кузатган ҳукумат вакиллари мамнун бўлишар ва хурсандчилик билдиришарди<sup>4</sup>. Уларнинг савдо-сотиқ ишларига, олимларининг диний муассасаларга ишга киришларига, ҳунар соҳибларининг дўконлар очиб ишлашларига расмий изн берилган.

Лекин шунга қарамай, ватандошларимиз, юртга қайтишга, советлар ҳокимиятининг муқаррар барбод бўлишига умид

боғлаб яшаганлар ва муҳожирлик ҳәётини «омонат» деб билганлар. Шунинг учун ҳам Сталиннинг ўлимини хурсандчилик билан кутиб олишган ва митинглар ўюштиришган. Кўпчилик ватандошлар Саудия Арабистони фуқаролигини қабул қилишмаган ва юртга қайтиш умидида яшаган. Бундайлар ҳозиргача Арабистон паспортига эга эмаслар. Бу ҳол эндиликда улар ҳәётий шароитларини бироз қийинлашувига ҳам сабаб бўлмоқда.

Ватандошларимиз биринчи авлодининг муҳожирликка кетганига, мана, 70 йилдан ошди. Халқимиз ва Ватанимиз тарихи учун қуонарлиси шундаки, улар ўтган йиллар давомида ўзлигини, миллийлигини ҳамон сақлаб келмоқдалар. Миллий урф-одатлар, она тили уларнинг кундалик ҳәётида устувордир. Маккада истиқомат қилувчи Юсуф ака 10 яшарли набирасига ўзбекча гаплашишни ўргатган. «Анжан боғча»нинг мутасаддиси Аббосхон оқсоқолнинг ўнга яқин набиралари ҳар куни кечки пайт ўзбекчалашиб, беркинмачоқ ўйнайдилар. Бундай мисолларни кўплаб учратиш мумкин.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, Арабистон жамиятида маҳаллий халқ билан уйғунлашиб кетишни осонлаштирувчи ҳәётий омиллар: тил муҳити, тарбия ўчоқлари, мактаб ва олий таълим, ниҳоят, сиёсий тузум – буларнинг кундалик ҳәётдаги доимий таъсирига қарамай, ватандошларимиз миллий ўзлигини сақлаб қелмоқда.

Америка Кўшма Штатларидаги муҳожирлар ҳәётини ўрганиш шуни кўрсатадики, АҚШга кўчиб кетган рус муҳожирлари иккинчи авлоддан бошлабоқ маҳаллийлар билан уйғунлашиб, ассимиляция бўлиб кетганлар<sup>5</sup>. Ватандошларимизда бундай ҳолат учрамайди, улар миллийликка қаттиқ риоя қилишади. Улар Покистон, Ҳиндистон, Афғонистон, Эрон каби эллардан бўлса ҳам ўз уруғдошлари-миллатдошлари билан қуда-андада тутинадилар. Кейинги вақтларда Ўзбекистон билан ҳам қиз олди-бердилар бошлангани диққатга сазовордир. Ватандошларимиз ўзининг бағрикенглик, саховатлилик, меҳмондўстлик, сабр-бардошлилик ва меҳнатсеварлик каби миллий фазилатларини йўқотмадилар.

Ватандошларимизнинг ўтган ота-оналари фарзандларига Ватанинни унутмасликини, ўзбекчилик белгиларини авайлаб сақлашни васият қилганлар. Шунинг учун ҳам уларнинг иккинчи авлоди бу ерда туғилиб ўсган ўз фарзандларига ҳам

кatta оталари васиятларини уқтиришган ва уларга ўзбекчилигимиз анъаналарини ўргатишган.

Аммо шу нарса ҳам аён бўлмоқдаки, айримларда ўз кучига, ҳамжиҳатликка ишонмаслик, тақдирга тан бериш, борига кўниши, лоқайдлик майллари устунлик қила бошлади. Буузоқ йиллар орзу қилинган Ватанга қайтиш умидининг айрим кишиларда сўниб боргани оқибати эди.

Ватандошларимизнинг ҳозир ўрга мактаб ва олий ўқув юртларида ўқиётган ёки авжи меҳнат фаолиятини бошлаган тўртинчи авлоди (яъни бу ерда туғилган фарзандларининг фарзандлари) ҳаётида муаммолар пайдо бўлаётганининг ҳам гувоҳи бўлдик.

Улар араб мактабларида ўқиб, йиллар ўтган сари маҳаллий турмуш шароитларига мослашиб бормоқдалар. Оиласа эса, отоналарининг таъсири кучли, она тилини ва ўзбекона одатларни ҳурмат қиласидилар. Шунга қарамай, улар фақат этник бирликни сақлаш билан кифояланмоқдаларки, сұхбатларимиз чоғида бу ҳолдан шикоятлар эшилдик. Кўзи очиқ зиёли табақага мансуб бухорийлардан бўлмиш Мўминжон Исмоилжон бу ҳақда шундай дейди:

— Фарзандларимиз шу ерда туғилиб ўсдилар, оиласи бўлдилар. Аммо мени бир ўзбек сифатида бошқа савол қийнайди: Маҳмуд Қошғарийдан қолган, замонлар синовидан ўтган ва сайқал топган она тилимиз нима бўлади? Фарзандларимиз, набираларимиз фақат уй шароитида ўзбекча билади, холос...

Яна бир ҳушёр ватандошимиз Ҳабибулло Назиржоннинг фикрича, мамлакатда барчага бир хилда яратилган шароит фарзандларининг маҳаллий араб ҳаёти билан уйғуналашиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Тоифдаги сұхбатда шоир Тошқин шундай деди:

— Ўфилларим ўзбекчани яхши тушунадилар. Аммо ўзбекча саволларимга араб тилида жавоб қайтарадилар.

Ҳа, уларнинг жон кўйдириб қайғурганларича бор. Ватандошларимиз ўз фарзандларининг тарихий тақдирини, маънавий келажагини ўйлайдилар. Бу масала тарихчи сифатида, албатта, мени ҳам ўйлантиради.

Айрим зиёли ватандошларимиз миллат тақдирини ўйлаб, ушбу мамлакатда туғилиб ўсган ўзбек ўшларини оталар Ватани — Ўзбекистонимиз билан узвий алоқалар ўрнатиши

имкониятларини мұхокама қилишади, сұхбатларда баъзи таклифлар ҳам киритмоқчи бўладилар. Масалан, уларнинг фикрича, нима бўлганда ҳам, она тилини унутмаслик керак. Зеро, тил – миллат рамзи, унинг руҳиятидир. Президентимиз Ислом Каримов айтмоқчи, «Она тили – бу миллат руҳидир. Ўз она тилини йўқотган ҳар қандай миллат ўзлигидан жудо бўлиши муқаррардир»<sup>6</sup>.

Шунинг учун, ватандошларимиз фикрича, Ўзбекистондан маҳсус ўқитувчилар чақириб, болаларга ўзбек тилини ўқитишни ташкил қилмоқ лозим. Она тили ҳақидаги уларнинг қайгуларига менинг ҳам қўшилгим келади. Чунончи, Олмонияда яшайдиган турк ёшлари асл маданияти ва тилини унутиб юбормасликлари учун катталар ғамхўрлик қилишиб, турк оиласлари болаларига текинга тил ўргатадилар<sup>7</sup>.

Ватандошлар ҳаёти билан яқиндан танишиб шундай холосага келдикки, хорижда миллий яхлитликни муҳофаза этиш, бироз бўлса-да, заифлашган. Фарзандларда бунинг учун зарур бўлган иммунитет етарли эмас. Шунга қарамай, ота-оналар миллийликни сақлаб қолишга интиладилар. Тоиф, Риёз, Жидда ва Макка шаҳарларида ўтказилган сұхбатларда фарзандларнинг тақдири ҳақида сўз кетганда, сұхбатдошларимиз бир хўрсишиб оладилар. Мулоқотлар чоғида фарзандларнинг ота-оналари Ватанига муҳаббатини ошириш, уларнинг «ўқ томири»дан ажralиб қолмаслигини ўйлаб, баъзи фикр ва таклифлар билдирадилар. Бу таклифларнинг энг асосийлари, ватандошларимиз фикрича, қуйидагилардан иборат:

Бухорийларнинг тўртинчи авлодига мансуб ёшлар учун мустақил Ўзбекистонимизга саёҳатлар уюштирилса; улардан ўқувчи ёшларни танлаб, Арабистонда ўта иссиқ ёз ойлари мавсумида (таътил даврида) мамлакатимизнинг сўлим гўшаларидаги лагерларда ўзимизнинг фарзандларимиз билан бирга дам олишлари ташкил қилинса (бу тадбирнинг моддий томони ватандошлар ҳисобидан бўлиши мумкин); Ўзбекистон телевидениесининг Саудия Арабистони учун маҳсус эшиттиришлари ташкил қилиниб, унда Ўзбекистонимиздаги янгиликлар билан, унинг хуш ҳаво, гўзал манзаралари билан доимий равишда ватандошларимиз таништириб борилса; мұхбирларимиз бориб, ватандошларимиз ҳақида, уларнинг орзу-армонлари, эзгу ниятлари-мақсадлари тўғрисида маҳсус эшиттиришлар уюштирасалар; ватандошларимиз

фарзандлари Ўзбекистонимиз олий ўқув юртларига ҳам келип ўқисалар ва ҳоказо.

Уларнинг барча таклифлари Ўзбекистонимиз билан доимий алоқани узмаслик орзуси билан боғлиқдир. Бу таклифларни эшитар эканмиз, биз шу нарсадан мамнун бўлдикки, таъкидланганидек, бухорийларнинг тўртинчи авлоди ҳам ўзлигини унутмаган, ўзларини «ўзбек» деб билади ва шу миллатга мансублигини ич-ичдан ҳис қиладилар. Гарчи арабча мактабларда ўқисалар ҳам, ўз тарихий ўтмишини унутмаган. Бу, албатта, яхши фазилат. Бу омил, ўз навбатида, халқимизнинг ва ўзбекча туркий тилнинг тарихий томири ўтмишда узоқ асрларга етиб боришини исботлайди. Шу сабабдан бўлса керакки, ватандошларимиз ҳаётида бошқа миллатларда учраб турадиган «ота-болалар муаммоси» йўқ.

Бухорийлар қиссасига якун ясар эканмиз, умид қиласизки, ватандошларимиз ва уларнинг фарзандлари ҳам она-Ватан – Ўзбекистонимизнинг мустақиллик туфайли қўлга кири-тилаётган ижтимоий ва маънавий неъматларидан, албатта, баҳраманд бўладилар. Зоро, Президентимиз айтганларидек, «чет эллардаги ўзбеклар... иқтисодий, маданий ва бошқа муносабатларни йўлга қўйишда жонли боғловчи бўғин бўлиб хизмат қилишлари мумкин»<sup>8</sup>.

<sup>1</sup> Ахисзер А.С. и др. Большевизм – социокультурный феномен (опыт исследования). Вопросы философии, 2002, 5, стр.64.

<sup>2</sup> Волкогонов Д.А. Триумф и трагедия. (Политический портрет И.В.Сталина). В 2-х книгах. Кн. I, часть I, М.,«Агентство печати и новости», 1989, стр. 193–200.

<sup>3</sup> Иногомов С. Саудия Арабистони Подшоҳлиги. Тошкент, ФАН, 1999.

<sup>4</sup> Жиддада истиқомат қилувчи Абдулҳамид Махсум хотирасидан.

<sup>5</sup> Нитебург Э.Л. Русские в Америке–интеграция или ассимиляция? «Этнографическое обозрение», М., 2001, 6, стр.82–100.

<sup>6</sup> Ислом Каримов. Миллий истиқлол мағкураси – ҳалқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. Тошкент, Ўзбекистон; 2000. Б. 23.

<sup>7</sup> Фулом Карим. Олмония таассуротлари. «Жаҳон адабиёти», 2002, 1-сони, январь. Б. 162.

<sup>8</sup> Каримов И. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Асрлар, Тошкент, 1996, 1-жилд, 60–61-бетлар.

## **ИЛОВАЛАР**

**Чуқур ҳамдардлик  
Ўзбекистон Республикаси Президенти  
Ислом Каримов Жаноби Олийлариға**

Жаноби Олийлариға ва ватандошларимизга етган кўнгилсизликни эшитиб, кўп мутаассир бўлдик. Сиз Жаноби Олийлариға суюқасд қилган душманларингизнинг ёмон ниятларидан Аллоҳнинг инояти ила саломат қолганингиз билан табриклаймиз. Ҳаётдан кўз юмганларни Аллоҳ раҳмат айласин ҳамда жароҳатланган юртдошларимизнинг тез фурсатда шифои комил топишини Яратгандан сўраб қоламиз. Аллоҳ Сиз Жаноби Олийлариға узоқ умр беришини ва дилингизда қандай яхши тилакларингиз бўлса, Аллоҳнинг ўзи ўша тилакларингизга етказишини, душманларингиз буткул йўқолишини Жаноби Аллоҳдан тилаймиз.

Жаноби Олийларининг ҳур деб эълон қилган мустақил Ўзбекистон давлати дунё тургунча туришини, унинг байроғи абадий барқарор ҳилпирашини, Ўзбекистон халқининг мустақиллиги мангу бўлишини ва ҳеч замон нотинчлик кўрмаслигини Жаноби Аллоҳдан илтижо этамиз.

Ўзбекистон тинчлигини бузувчи, халқи ўртасига фитна солувчи бузгунчилар ҳукумат ва халқ олдида юзлари қаро, ўzlари ер билан яксон бўлсин.

Камоли эҳтиром билан,

Сафохон тўра Жалолхон ўғли Марғилоний,  
Мўминжон Исмоилжон ўғли Андижоний,  
Саудия Арабистони Подшоҳлиги.  
(«Халқ сўзи», 1999, 4 марта)

## **Яна Саудиядан мактуб**

Ўзбекистон Республикаси давлат делегациясининг 1997 йил 14–16 январь кунлари Чехияга расмий сафари пайтида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов «Озодлик» радиостанцияси муҳбирларининг саволларига жавоб берган эди. Мазкур сұхбат «Озодлик» радиостанцияси орқали бир неча тилларда әшиттирилиб, хорижий тингловчилар орасыда катта қизиқиш уйғотди.

Сұхбат чөғида Президентимиз томонидан билдирилган фикр ва мулоҳазалар «Би-би-си» радиостанцияси каналлари орқали ҳам әшиттирилди ҳамда унинг матни мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларида чоп этилди.

Мазкур мусоҳаба муносабати билан юртимизга турли хорижий мамлакатлардаги радио тингловчилардан, жумладан, бу давлатларда истиқомат қылувчи ватандошларимиздан ҳам кўплаб мактублар келмоқда.

Ана шундай мактублардан бири Саудия Арабистонида яшовчи бир гуруҳ ватандошларимиз томонидан йўлланган бўлиб, қўйида унинг матни эътиборингизга ҳавола қилинмоқда.

«Улуғ Тангри номи ила.

Аҳли басийрат ўзбеклар, айниқса, ғурбат диёrlарида, ватансиз ва эгасиз эзилганлар, Ислом акани жуда ҳам олий миллий шуурға соҳиб деб биладилар. Улуғ Тангрига шукурки, вақт ва замон ижобига кўра ҳақиқатлар зоҳир бўлмоқда. Ислом аканинг амаллари, ҳар бир қадамлари алоҳида-алоҳида Ватан ободлиги ва миллат тинчлиги учун улуғ хизмат бўлиб, дурафшон сўзларининг ҳар нуқта-нуқтаси муҳлис ва вафоликдир, миллатига ифтихор ва гавҳардир. Албатта, шундай улуғ раҳбаримиз бўрлиги билан қувонамиз ва фаҳранамиз.

1997 йил 29 январь, чоршанба кун соат 19.15 да «Би-би-си» Лондон радиоси форс тилидаги дастурининг «Жомижаҳоннома» деган бўлими Ислом аканинг мусоҳабасини Олмония «Озодлик» радиосидан нақл қилиб тарқатди. Мазкур нашрияда азиз-раҳбаримизнинг ўзбек миллати учун сўзлаган муҳим ва баҳолик бўлган сўзларини форсчага чивириб бердилар.

Муҳтарам раҳбаримиз Ислом ака ўзбек миллатига оталигини билдириди ва событ қилди. Ўзбек миллатига жафо келган ҳолда бетафовут қололмаймиз, дедилар. Қирғизистон, Қозогистон ва Афғонистондаги ўзбекларни зикр қилиб, ҳар дарду

аламларига шерикмиз дедилар. Худога шукурки, ўзбек миллатига ота топилди, эга топилди ва бошлиқ топилди.

Биз, Саудия Арабистонида яшовчи ўзбеклар, Худо шоҳид, нақадар хурсанд бўлдик, нақадар умид ва орзулар юрагимизда яшнади ва нақадар улуғ раҳбаримизга сўйги юракларимизда топилди.

Шул сабаб биз, Саудия Арабистонида яшовчи ўзбеклар, Ислом акадек мушфиқ ва меҳрибон раҳбаримиз борлигига қувондик. Ва чин юрагимиздан уларга итоат қиласиз ва ҳар буйруқларини ўзимизга вожиб деб ҳисоблаймиз.

Охирида шунни таъкидлаймизки, яшасин Ислом ака! Яшасин ўзбек миллати! Гуллаб яшнасин Ўзбекистон! Ҳилпирасин доим осмонда Ўзбекистон байроби!

1. Мұхаммад Салим ҳожи Насриддин.
2. Абдулҳамид Мұхаммад Али.
3. Мұхаммад Козим Мұхаммад Ақбар.
4. Абдураҳмон Ҳамид (Деҳқон).
5. Абдулбоқий Мұхаммад Рози .
6. Мұхаммаджон Зухриддин.
7. Мұхаммад Ақбар Акромжон.
8. Нурмуҳаммад ҳожи Мусо.

(Жами 22 киши)

(«Халқ сўзи», 1997, 5 марта)

## Аҳмадали Тўлқин билан сұхбатдан лавҳалар

Ватан ва истиқлолдан гап кетганда, Аҳмадали Тўлқин ҳар гал ҳаяжондан кўзи ёшланиб, овози бўғилиб қолади. Уни тинглаган кишида ҳам сўз билан ифодалаб бўлмайдиган ҳаяжон пайдо бўлади.

«Ватанда бўлаётган улуғ ишлардан ҳайратдамиз, — деб гап бошлиди у, — Аллоҳ бу йўлда курашаётган барча жигарбандларимизни кўрисин. Кўп азиз ва муҳтарам Президентимизнинг Саудия Арабистонига келишларини эшигтан барча туркистонликлар Жиддага оқиб келаверди. Ҳар бир ватандошнинг кўзидан дув-дув ёш қўйиларди. Жумхур Раисимиз бошлиқ меҳмонлар денгиз бўйидаги мана шу кўп қаватли меҳмонхонада яшади — деб узоқдаги 10 қаватли бинони кўрсатди Аҳмадали ака. — Бу бино тепасида эса, озод ва мустақил Ўзбекистон байроғи ҳилпираб турарди. Бундай баҳтили учрашув бизнинг тушимизга ҳам кирмаганди. Президентимиз Жаноблари неча кун шу қўноқхонада яшаган бўлсалар, ўн минглаб туркистонликлар ҳар тарафдан келиб, кеча-ю кундуз байроққа тикилиб, термилиб, сигиниб кетдилар. Беш вақт намозни Каъба билан баробар озод Ўзбекистонимиз байроғига ҳам қараб ўқидик. Аллоҳга беадад шукурлар бўлсинким, биз ҳам энди дунёнинг етук миллатлари сафига қўшилар эканмиз, деган фикрда кечалари мижжа қоқмай чиқардик. Эндиликда энг муҳим вазифа — миллий бирлиқ, ота-боболаримиз амал қилиб келган ҳаёт ва ахлоқ-одоб тартибларини тиклаш, пешонамизга битилган мустақилликни камолга етказиш учун курашмоқдир».

Аҳмадали Тўлқин Президентимиз билан учрашувда сўзлаган экан-менга тўрт вараққа битилган ўша сўз матнидан нусха берди. Маълум бўлишича, бир нусхасини ўша йили Ўзбекистонга ҳам бериб юборган. Мана, ўша кутлов сўзининг матнида битилган қалб нидоси:

### Кутлов сўзи

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийм

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва барокотуҳ.

Алҳамдулилло, вассолату ало Расулиллоҳ ва олиҳи ва алайҳи васаллам.

Жаноби Олиймақом Ислом Абдуғани Каримий ҳазратлари! Мустақил Ўзбекистон Президенти ва кўп қимматли азиз ҳамсафар йўлдошлари, азиз меҳмонлар! Бу муқаддас Ҳарамайни-Шарифайн Подшоҳ Фаҳд бинни Абдул Азиз Оли Сауд ҳазратларига меҳмон бўлиб келганингиз учун кўп суюндик ва қувондик! Хуш келдингиз! Аллоҳ таоло бу зиёратингизни қабул ва муборак этсин! Омин!

Президент ҳазратлари! Ижозат беринг, сўзимизни шундай бошлайлик: Эй, истиқлол қаҳрамони, келинг, Сизни бағримизга босайлик! Бутун миллий фуруримиз билан, ҳаяжонланган виждонимиз билан Сизни елкамизга кўтарайлик! Бугун биз учун буюк байрамдур! Юртимиз ва мусулмон халқимиз етмиш йилдан буён золим, диктатор худосизлардан тортган азоб-уқубатдан, тарихида мисли кўрилмаган қоронғу жиноят панжасидан қутилармикан, бундай кунни кўрармикимиз, деб юракларимиз эзилар эди.

Бу ҳасрат ва армон билан минглаб буюкларимиз ватансиз, бўйни букик, юзи кулмасдан дунёдан қўзи очиқ кетдилар! Оҳ, Ватаним, оҳ, Ватаним, деб жон бердилар!

Буюк миллий орзу ва армонни 1991 йилнинг 31 август куни бўйнингизга қилич ва кўкрагингизга пулемёт қадалғон ҳолда букилмас миллий ироданғиз билан дадил туриб, бутун дунёга Ватан истиқдолини эълон этдингиз! Мустамлакачилик ва диктаторлик Ўзбекистонда битди, Ўзбекистон мустақил, ҳур, ҳурматга лойиқ тенг ҳуқуқли бир давлат, дедингиз.

Бу муносабат-ла бугун кўп улуғ бир хотирани эслатиш мажбуриятидамиз. У ҳам бўлса, марҳум ҳурматли отангиз Абдулғани акамиз Сиз туғилганда ва ўшандай қирғин-маъюслик чоғида юрагининг тагида сақлаган умиди илиа Сизга муборак Ислом отини ҳеч бир оқибатдан қўрқмай қўйган. Ана шу муқаддас истиқлол қаҳрамони жанобингиздир. Эй, Абдулғани ака, умидингиз гуллади, руҳингиз шод бўлсин, жойингиз жаннатда бўлсин, омин! Аллоҳ таолонинг қурдати ва инояти билан, дунёни титратиб турган давлат муз тоғи каби ҳуррият қуёши остида эриб йўқ бўлиб кетди. Бу ҳодиса илоҳий бир мўъжизадур. Чунки қон тўкилмасдан, юрт бузилмасдан истиқтолга эришиш ҳеч бир мантиқ ва ҳисоб қоидаларига мос келмайди. Бу истиқлол бизга илоҳий бир хабар, яъни ҳадядир.

Жанобингиз, лутфан ижозат берсангиз, ўз турмушимиздан бир оз маълумот берсак.

Бундан етмиш йил илгари юртда рўй берган босқинчилик, уларнинг қонхўр биродаркуш жаллодлари ва виждонсиз ватанфуруслари юритган зулм ва террорларга чидай олмай четга қочиш бошланиб кетган. Жаннатмисол Ватандан, хеш-қавмдан ажралиб, муҳожир дарбадарлардан бир қисми бош яланг, паришон ҳолда Саудия Арабистонига келдик. Подшоҳ Абдул Азиз бинни Абдурраҳмон Оли Сауд раҳматуллоҳи алайҳ бизга кўксини очди. Бизга омон берди. Уй қилиш учун Тоиф шаҳрида ҳаммамизга ер берди, бошимизни силади. Кўз ёшимиzioni артди. Аллоҳ жойини жаннатда қилсин, омин, ё Раббил оламин! Ундан кейин мамлакат таҳтига ултўргон подишоҳлар ҳам биздан лутф ва қарамини дариф тутмадилар. Аллоҳ раҳмат айласин!

Болаларимиз ва қизларимиз бошланғич мактабни то олий университетни ва ҳатто, хорижда ҳам давлат ҳисобида битириб, кўплаб дўхтири ва муҳандисларимиз етишди. Шу давлатнинг бизга берган ёрдами билан уй-жой, тижоратхона, фабрикалар эгаси бўлдик. Ва кўпчилигимиз Саудия Арабистони ватандошлиғига қабул қилиндиқ. Бу – биз учун бир шарафдир! Аллоҳ таоло бу давлатни барқарор, тинч, омон сақласин, омин!

Ғадор Саддом Ҳусайн Кувайтни паймол қилганда, Саудия Арабистони давлати Кувайтни кутқазиша бутун имконияти билан ўнг жабҳада турди. Ўзбекистон давлати учун дўстлик қўлини узатган содик ҳамкор шу Саудия Арабистони давлати бўлишига иймонимиз комилдир. Аллоҳ таоло мусулмонларни бирлаштирсин. Ўзи барча нифоқ ва оғатлардан қўрисин, омин!

Жаноб Президент ҳазратлари! Жидда билан Тошкент орасида ҳаво йўлларини очишингиз биз учун буюк совғангиздир. Ва айни вақтда, бу ила борди-келди алоқалар мусулмонлар орасида дўстлик ва ҳамкорликни кучайтириб юборади. Бу хилда олиб борилган тўғри сиёсатингиз билан қутлаймиз! Наманган минтақасида пишқириб чиққан мой\* Ўзбекистон халқи учун Парвардигор ҳадясидир. Аллоҳ баракот берсин, омин!

Ўзбекистон халқини фитна ва фасоддан Аллоҳ сақласин!

Жаноб Президент ҳазратлари! Биз ич юракдан умид қиласизки, Ўзбекистон, Қозогистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон жумҳуриятлари аҳил бўлишини орзу қиласиз. Чунки ҳаммамиз бир буюк Туркистон миллатимиз. Худойимиз, Пайғамбаримиз, қибла-ю масжидимиз, тилимиз ва қонимиз бирдир.

Мустамлакачилар маҳаллий лаҗжадан, тил ва қабиладан  
миллат яратиб, сиёсий фойдаланган.

Жаноб Президент ҳазратлари! Мамлакатимиз мустақил  
бўлди. Озодлик ва эркинлик йўлига тушган халқимизга бизнинг  
энг олий ҳис-туйғуларимизни етказинг. Бизга кўп қимматли  
вақтингизни бериб, қувонтирганингиз учун раҳмат!

Аллоҳ таоло ҳамиша йўлдошингиз бўлсин, омин!  
Вассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва барокотуҳ.

(«Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1992, 16 июнь)

---

\* Мингбулоқда очилган нефть кони назарда тутилмоқда.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Мұхтарам Президент жаноби олийлари

Саудия Арабистонидаги барча ўзбек ватандошлар номидан таваллуд кунингиз — муборак 65 ёшингиз билан табриклаймиз.

Сизга Аллоҳдан сиҳат-саломатлик, оиласынгизга осойишталик, Ватан равнақи йўлидаги хайрли фаолиятингизда баракотлар тилаймиз.

Муборак ҳадиси шарифларда айтилишича, Аллоҳ кишига қанчалик улуғ ёш ато этса, унга шунча кўп ўз неъматларини ёғдиради. Умрингиз узоқ ва Аллоҳ неъматларига тўла бўлсин.

Эҳтиром ила:

Сафохон Сайид Жалолхон Тўра Марғилоний

Абдулҳамид Махсум

Мелибек Исҳоқбек Тошкандий

Аҳмад Али Тўлқин

Абдураҳмон Абдуқаҳдор хўжа Туркистоний

Тўрахон Сайид Жалолхон

Аъзамхон Сайид Жалолхон

Файзулло Махсум

Мўминжон Исмоилжон Андижоний

Олимжон Исмоилжон Андижоний

Мусохон Сайид Умрон

(«Ҳалқ сўзи», 2003, 7 февраль)

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Бисмиллоҳир раҳмонир роҳийм

Ассалому алайкум муҳтарам Президент Жаноби олийлари!

Ўзбек халқининг асрий орзуси, юртимиз мустақиллигини кўролмайдиган бир гурӯҳ фитначиларнинг жиноятлари ила Ўтра Осиё гавҳари – Фарғона водийсида, хусусан, Андижонда амалга оширилган мамлакат ва халқа қарши содир этилган кўнгилсиз воқеалардан боҳабар бўлиб, изтиробга тушдик.

Аллоҳнинг каломи – Қуръони каримда: «Фитна – қотилликдан ёмонроқ жиноятдир», – дейилган. Бу мудҳиш кимсалар ҳам фитнага, ҳам қотилликка қўл урдилар.

Андижон халқи ҳеч қайси замонларда фитнага аралашмаган. Ҳеч шубҳа йўқки, ушбу хатти-ҳаракатга аралашиб қолганлар мамлакат душманларининг ташқаридан туриб қилган алдовлари ҳамда бебурд ваъдаларига учганлар.

Ўзбек миллатимиз бошига синов тушганида ўз Йўлбошчилари атрофида жипслалиб, ҳар қандай мушкулотни Аллоҳнинг ёрдами ила ҳал этиб қелган. Яратган Парвардигоримиздан сўраймиз, муҳтарам юртдошларимизни даъват қиласизки, бу сафар ҳам Сиз – Жаноби олийларининг атрофингида жипслалиб, шум ниятли кишиларнинг мақсадларини амалга оширишга асло йўл қўйилмагай, иншооллоҳ.

Аллоҳ Ҳақ субҳаноҳу таолодан гўзал Ватанимиз – Ўзбекистонни ёмон кўзлардан, турили хил оғатлар, бало-ю кулфатлардан ўз паноҳида асранини сўраб қоламиз.

Сиз муҳтарамга, Президент Жаноби олийлари, барча эзгу амалларингизда Яратгандан мадад бериб туришини илтижо қиласиз.

Эҳтиром ила,

Саудия арабистонилик ўзбек ватандошлари номидан:

Сафохон ибн Жалолхон Тўра Марғилоний,  
Тўрахон Аъзамхон ибн Жалолхон Марғилоний,  
Мелибек Исҳоқбек Тошқандий,  
Хуршидбек Олимбек Тошқандий,  
Абдураҳмон Хўжа Туркистоний ва бошқалар  
Маккай мукаррама шаҳри,  
2005 милодий йили, 16 май.

(«Ҳалқ сўзи» 2005, 24 июнь)

## МАДИНАЛИК ТАРИХЧИ ОЛИМ

Биринчи бор муқаддас ҳаж сафарига борганимда (1992 й.), Мадинаи мунаавварада мени ватандошларимиздан Мубашширхон Косоний деган олим билан таништирилар. Самими күришдик. Түғримда салласи ва узун күйлаги устидан кийган камзули ўзига ярашиб турган, ёшлари олтмишдан ошган оқ сариқдан келган ориққина киши табассум билан каминага тикилиб турибди. Қўлидаги қалингина китобни менга узатди ва «жанобингизни тарихчи деб эшиздим, ушбу асаримни тортиқ қилмоқчи бўлдим, қабул қилгайсиз», – деди. Китоб «Ўрта Осиё тарихи» деб аталиб, араб имлосида, Мадина шаҳрида 1989–1990-йиллари чоп қилинган экан. Миннатдорчиллик билдириб, дарҳол варақларига кўз югуртириб чиқдим.

Аввало муаллиф ҳақида. Мубашширхон Сулаймонхўжа ўғли Косоний Наманган вилоятининг Косонсой туманида 1928 йили туғилган. Оталари фикқ илми бўйича забардаст олим бўлган. Комфирқанинг машъум «қулоқ сиёсати» жорий қилингач, 1930 йили Мубашширхоннинг отаси Сулаймонхўжа ҳам Косонда ҳибсга олинган. Тошкентнинг Бекобод туманига сургун қилинган. Кейинчалик эса, 1933 йили отиб ташланган.

Етим қолган 5 ёшли Мубашширхон тоғаси Саид Абдулаҳад қўлида қолган. Тоғаси оиласи билан бирга Косонсойдан Тожикистон томонга кўчишиб, тоғли қишлоқларда бир қанча муддат беркиниб яшашган. Қанча дарбадарликлардан сўнг Афғонистоннинг Қундуз шаҳрига бориб ўрнашганлар. Улар йигирма йилча Қундузда истиқомат қилдилар, Мубашширхон бу орада тикувчилик ҳунарини ўрганди. Тоғаси майдо савдо ишлари билан шуғулланди. Гоҳо Ҳиндистонга ҳам қатнаб турдилар. Ниҳоят, Жаҳон уруши тугагач, тоға-жиян Саудия Арабистонига кўчиб келдилар ва Тоиф шаҳрида ўрнашдилар. Бу орада Мубашширхон рўзгорли бўлди – марғилонлик Абдулатиф ҳожи деган ҳамюртининг Фотимахон исмли қизига уйланди.

Мубашширхон ҳунарманд бўлишига қарамай, эҳтиросли илм толиби ҳам эди. Ҳусусан, тарих китобларини севиб ўқир, Ватан тарихини ўзига хос тарзда мушоҳада қилар эди. Арабистонда Ибн Ямин домла исмли таниқли мударрис қўлида қўшимча таълим олиб юрди.

Мубашширхон 1984 йилдан бошлаб мустақил равишда она-Ватан тарихини ёзишга киришди. АҚШ университетларининг кутубхоналарида ўлтириб, Ўзбекистон олимларининг ишлари билан танишиди.

Беш йилда икки жилдан иборат «Ўрта Осиё тарихи» китобини ёзиб тугаллади. Китоб Асир шаҳри волийси (ҳокими) ҳомийлигида 1990 йили Мадина шаҳрида чоп этилди.

«Ўрта Осиё тарихи»нинг биринчи ва иккинчи жиллари қадимги давр ва ўрта асрларга бағищланниб, археологик тадқиқотлар, жумладан, Ўрта Осиё ва Ўзбекистон археологларининг илмий ишларидан кенг фойдаланилган. Турон заминининг энг қадимий даврига қисқача тўхталган. Сўнгра арабларнинг келиши ва ислом динининг тарқалиши, Чингизхон босқини, Соҳибқирон Амир Темур давлати ва шайбонийларнинг Мовароуннаҳрни эгаллашигача ўтган даврни қамраб олади. Муаллиф бир ярим минг йиллик катта даврни маҳсус бобларга ажратиб, халқларимиз тарихий ўтмишини кенг маълумотлар асосида батафсил ёритган.

Китобнинг учинчи жилди шайбонийлар давридан бошланиб, то XX асрнинг 70-йиллари охирида бошланган Афғонистондаги воқеалар тафсилотини ўз ичига олади. Ушбу жилдда муаллиф бу воқеаларга маҳсус тўхталар экан, афғон халқи бошига тушган шўриш савдоларни ҳам алам билан қаламга олади ва СССРнинг тажовузкорона ҳаракатларини қаттиқ қоралаб ёзади.

Муаллиф 1917 йилги давлат тўнтаришидан сўнг Қўқонда ташкил топган ва тарихда «Қўқон мухторияти» деб ном олган мустақил Туркистон давлатининг Қизил армия томонидан мажақлаб ташланганини изтироб билан ёзади. Унинг таъкидлашича, Фаргона ва умуман, Туркистондаги кўплаб иқтидорли кишилар ва уламолар, ўз даври зиёлиларининг Ватанни тарк этиб, хорижга чиқиб кетишларига, жумладан, шу мудҳиш воқеа ҳам сабаб бўлган.

Асарнинг Афғонистонга бағищланган бобида биз хабардор бўлмаган муҳим тарихий воқеалар ҳам баён этилган. Масалан, Иккинчи жаҳон урушида Германия қўшинлари 1942 йил қишигача ғалаба кетидан ғалаба қилганида Афғонистонда, муҳожирликда яшётган, сиёсатда кўзи очиқ бир гуруҳ ватандошларимиз Туркистонни СССРдан мустақил қилиш умидида яширин ташкилот тузганлар. Ушбу ташкилотга Тароз

(Жамбул) шаҳридан муҳожирликка кетган олим Сайид Мубаширхон Тарозий бошчилик қилган.

Бироқ машҳур Сталинград жангидан сўнг маҳсус разведка органлари томонидан ташкилот аъзоларидан 70 га яқин киши ҳибсга олинган ва қамалган. Ҳибсга олинганлардан кўпи қамоқҳоналарда ўлиб кетган. Ташкилот бошлиғи Сайид Мубаширхон Тарозий бир неча муддат қамоқда ушлаб турилгандан сўнг Афғонистондан бадарға қилинган.

Биз тилга олган уч жилдлик «Ўрта Осиё тарихи»нинг муаллифи олим Мубаширхон Косоний 1995 йилдан бошлаб, Тошкентда яшади ва асарнинг тўртинчи жилди устида иш бошлади. Бироқ 1998 йили ишни тугатиш арафасида дардга чалиниб, Тошкентда вафот этди.

Шундай қилиб, Ўрта Осиё тарихининг сўнгги – тўртинчи жилди қўлёзма ҳолда қолиб кетди. (Қўлёзма марҳумнинг Маҳмуджон исмли ўғли қўлида сақланади. У Тошкентда истиқомат қиласди.)

Тарихчи ҳамюртимиз Мубаширхон Косоний ўз Ватанига қайтиб вафот қиласди. Уни Тошкентдаги машҳур «Шайх Зайниддин» қабристонига дағн қилдилар. У кишидан Ватан тарихига бағишлиб ёзилган ўша уч жилдлик йирик асар ёдгорлик бўлиб қолди. Асарни араб имлосидан замонамиз алфавитига кўчириб нашр қилиш ва ўрганиш келгусидаги хайрли вазифалардандир. Зеро, бу китобда тарихимизнинг кўп даврлари манбалар асосида ўзига хос равища ёритилган ва муҳим хуносалар чиқарилган.

### «Ватандин яхши ёр бўлмас»

Саудиялик ватандошимиз Абдуллажон Туркистоний рафиқаси Шарифахон опа билан бирга яқинда она юртига ташриф буюришди. Бу дилқаш ва мўътабар инсонларнинг отабоболари асли Андижондан бўлиб, қатағон йиллари Саудия Арабистонида паноҳ топган. Ватандошларимиз республикамида қарийб бир ой меҳмон бўлдилар. Шаҳар ва қишлоқларимизни бориб кўрдилар. Одамлар билан дилдан суҳбатлашдилар.

Тўй баҳона, улар ҳалқ артисти Ҳалима Носирова билан ҳам учрашиб, анча мулоқот қилдилар, турли мавзуларда қизиқарли суҳбатлар бўлди. Кўйида ана шундай суҳбатлардан айримлари билан танишасиз.

## Абдуллажон ака ҳикояси

Минг түқиз юз олтмиш түртинчи йилнинг ёз ойлари эди. Бир куни ойнаи жаҳонни Миср каналига уладим. Шунда овознигор туркистонлик машҳур хонанда Ҳалимахоним Носирова раҳбарлигига бир гуруҳ санъаткорлар Қоҳирада концертлар намойиш этаётганликларини эълон қилиб қолди. Бу хушхабардан бениҳоя ҳаяжонга тушдим. Чунки Ҳалимахонимнинг довруғи Саудияга етиб келган, хушваз опамизнинг муборак овозлари битилган лаппаклар, ленталар ватандошлар ўртасида қўлма-қўл эди. Ўша куни туни билан кўзимга уйқу келмади. Ҳар қандай зарур ишимни бир четга қўйиб, эрталаб Қоҳирага учишга аҳд қилдим. Менинг бу қароримни эшишиб, рафиқам Шарифахоннинг ҳам юраги эзилди. Лекин на илож – қўлида чақалоги бор. Боз устига ҳаво ниҳоятда иссиқ.

Хуллас, эрталаб тўғри Жидда қўналғасига йўл олдим. Етиб борсам, аксиға олиб, Жидда – Қоҳира маршрути бўйича қатнайдиган тайёра ярим соат аввал учига кетган экан. Қўналга бошлигининг олдига кириб, ҳолатимни тушунтириб, қаттиқ илтимос қилдим. Шунда у Қоҳирага бошқа рейс бўлмаслигини айтиб, «агар тайёрадаги 140 ўриннинг пулини ўзим тўлайман десангиз, марҳамат, қўшимча рейс ажратишим мумкин», – деган жавобни қилди. Ўша дамда ватандошлар билан дийдор кўришиш, уларнинг муборак овозларини тинглаш ҳамма нарсадан устун эди. Рози бўлдим.

Қоҳирага келиб, ўзбек санъаткорлари концерт қўяётган театр биносини суриштириб топдим. Ватандошларимиз куни кечаки охирги марта концерт намойиш этишган экан. Юрагим эзилиб, кўзларимдан ёш чиқиб кетди. Мен ўша дамда, тайёранинг йўл харажатларини бир ўзим тўлаб келганимдан заррача пушаймон бўлганим йўқ. Бир олам орзу-армонлар билан шунча йўл босиб, юртдошларимнинг дийдорини кўролмай, афсус ва надоматлар билан қайтар эканман-да, деган изтиробли ўй-хәёл жону жаҳонимни ўртаб юборди.

Ўша куни Қоҳирада араб дунёсида машҳур бўлган яккахон хонанда Ум Кулсум концерт намойиш қилаётган экан. Саҳнага бир чиқишида олти соат тўхтовсиз қўшиқ айта оладиган бу дилбар аёл Европа мамлакатларида ҳам машҳур эди. Мен ўзимга бирор таскин-тасалли бериш умидида 50 долларга чипта олиб,

театрга кирдим. Ум Кулсумнинг жозибали қўшиқларини берилиб тинглаяпман-у, лекин хаёлим ватандошларимда.

Хонанда бирор соат куйлагач, бирдан мўъжиза рўй берди. Хонанда бугунги концертга Ҳалима Носирова раҳбарлигидаги бир гуруҳ туркистонлик санъаткорлар ҳам ташриф буюришганлигини айтиб, саҳнадан пастга тушди. Биринчи қатордан жой олган туркистонлик санъаткорларга таъзим қилгач, Ҳалима опани бағрига босиб, кўлларидан ушлаб саҳнага олиб чиқди. Мен беихтиёр ўрнимдан туриб, беш-олти қадам олдинга юрдим. Туркистонлик муслималарнинг тимсоли бўлган бу мўътабар аёлга бутун вужудим билан термуларканман, қуиилиб келаётган кўз ёшлиаримни тўхтатолмасдим. Марҳаматини дариф тутмай, ноумид қўймаган Парвардигорга қайта-қайта шукроналар айтардим.

Мен қулай фурсат топиб, туркистонлик санъаткорлар ҳузурларига бордим. Уларга ҳамроҳлик қилаётган таржимондан рухсат сўрагач, Ҳалима опага яқинроқ бориб: «Ассалому алайкум, хуш келибсизлар. Сизларга Саудияда истиқомат қилаётган минглаб ватандошлардан, муслималардан салом олиб келдим», – дедим. Ҳалимахон опа ўзбек тилида мурожаат этаётганимни кўриб, хурсанд бўлиб: «Раҳмат, юртдошларимизга бизнинг ҳам саломимизни етказинг. Насиб этса, Саудияга ҳам бориб, концерт намойиш этармиз. Ватандошлар билан дийдор кўришамиз – деган умидимиз бор», – дедилар таъзим билан.

Саудияга руҳим кўтарилиб, қушдеск енгил тортиб қайтдим. Ватандошларга учрашув тафсилотларини фаҳрланиб, ҳикоя қилиб бердим. Шарифахон «ота-онам туғилиб ўсган жойларни бир кўрсам; туркистонлик аёллар билан тўйиб сұхбатлашсам, армоним йўқ эди», дея кўз ёши қилди.

## Шарифахон опа ҳикояси

Минг қатла шукур, орзуимга етдим. Менинг ота-онам асли-андижонлик эканлар. Ўзим эса Саудиянинг Тоифи шариф деган шаҳрида таваллуд топганман. Қизалоқлигимда волидам туғилиб ўсган юртлари ҳақида сўз очганларида ҳамиша кўз ёши тўкардилар. Онам Андижоннинг оқар сувлари, беҳаду беспоён боғ-роғларини кўп таъриф-тавсиф этардилар. Волидамизнинг: «Нури дийдаларим, она юртимизга қайтиш балки насиб

қилмас. Лекин умид қиласизки, ҳали яхши кунлар келади. Ўйлар очилади. Ўшанда Ватанга, албаттга, боринглар. Хешу ақраболаримизни қидириб топинглар», — деган сўзлари юракларимизда муҳрланиб қолган. Шу боис, ота-онам юртига боришни, ватандошларимиз билан дийдор кўришишни ақлимни таниганимдан бўён орзу қилардим. Дарҳақиқат, Қоҳирага боролмай қолган куним хун-хун йифлаб, Ватан тупрогини кўзга суртишга муюссар этишини Аллоҳдан астойдил сўраганман.

Лекин гапнинг рости, Саудияда истиқомат қилаётган туркистонлик муслималарнинг турмушлари оғир десам, ношукурчилик бўлади. Дини исломда аёлга ниҳоятда ҳурмат-эҳтиром билан қаралади. Туркистонликлар орасида муҳтоҷликда кун кечираётган оила йўқ. Биз, аёллар, факат уй ишлари, фарзандлар тарбияси билан машгулмиз. Бу — муслималар ўйин-кулгудан, сайд этиб ҳордиқ чиқаришдан маҳрум экан-да, деган маънони билдирамайди. Тўй маросимларида аёллар учун алоҳида жой ҳозирланади. Биз, муслималар совға-саломларимизни хонадон соҳибасига топшириб, дастурхон атрофида суҳбатлашамиз. Мусиқа тинглаймиз, ўйин-кулгу қиласиз.

Дам олиш кунлари оиласидан бўлиб Жидда шаҳри яқинидаги баҳаво жойларга, денгиз бўйларига чиқамиз.

Саудияда муслималар учун алоҳида мактаблар, олийгоҳлар бор. Аёллардан муаллималар, шифокорлар кўп. Мадрасаларнинг пештоқларига «Илм олиш ҳар бир муслим ва муслима учун фарздир», деган муборак ҳадис битиб қўйилган.

Биз, мана бир ойдирки, Ватандамиз. Ўтган кунлар ичida жуда кўп аёллар билан суҳбатлашдим, катта таассурот олдим.

### **Ҳалима Носирова ҳикояси**

Ватанга шунчалик меҳр-муҳаббат қўйганлигинги учун раҳмат, синглим ва иним Абдуллажон. Қоҳирага концерт қўйгани борганимиз худди кечагидек ёдимда. Ватандошларимиздан бир йигит биз билан саломлашгани ҳам эсимда қолган. Ўшанда Сиз, айни навқирон ёшда бўлгансиз. Мана, орадан қарийб 30 йил ўтибди. Шу боис Сизни дафъатан таний олмаганим табиий.

Ўшанда хорижий мамлакатларда яшаётган кўплаб ватандошларимиз концертизига ташриф буоришган эди. Уларнинг ҳар бири бизни меҳмонга таклиф этишарди.

Суҳбатлашиш иштиёқида юраклари эзиларди. Биз муҳожир юртдошларимиз билан бир даврада ўтиришни, дилдан гаплашишни жудаям хоҳлардик. Лекин ўша йиллари ҳозиргидек эркинлик қаёқда.

Ум Кулсум билан дийдор кўришиш шарафига баҳтли бир тасодиф шарофати билан мұяссар бўлганмиз. Ўшандаги Ўзбекистонга қайтишимизга бир кун қолган эди. Қоҳирадаги муҳташам бинолардан бирида Ум Кулсум концерт намойиш этаётганинги эшлиб, бормоқчи бўлдик. Чиптанинг нархини суриштириб билсак, ўрта қатордаги ўриндиқларнинг ҳар бири 30 доллардан экан. Тарвузимиз қўлтиғимиздан тушди. Чунки ўша пайтларда хорижга концерт намойиш этиш учун бораётган санъаткорларга арзимаган пул бериларди. Ҳар биримизда эса 20 доллардан бор эди, холос. Ниҳоятда афсусландик. Таржимонлардан кимдир буни ҳукumat бошлиқларига етказибди. Шунда Миср Президенти Жамол Абдул Носир жаноблари ҳар биримизга 100 доллардан ҳамда театрнинг биринчи қаторидан 17 ўринни ажратишибди. Шунақаям хурсанд бўлдикки, сўз билан ифодалаш қийин. Агар Президент жанобларининг ҳимматлари бўлмаганда, Сиз билан ҳам кўришмаган бўлардик, иним Абдуллажон.

Қоҳирада турган кунларимизда содир бўлган яна бир воқеа ҳам бир умр юрагимга муҳрланиб қолган.

Қайтишимизга 3–4 кун қолган эди. Бир куни либосларимдан бирини ювиб олмоқчи бўлдим. Шунда истиқоматгоҳимизда хизмат қилиб юрган ходимлардан бири «опажон, сиз уринманг, ўзимиз поклаб берамиз», деди соф ўзбек тилида. Маълум бўлишича, бу қиз Қоҳирадаги ватандошларимизнинг қизларидан экан. Астойдил илтимос қилаётганини сезиб, рози бўлдим. Эртаси куни бояги қиз дугонаси билан хонамга кириб келди. Қўлида иккита янги, ажойиб қўйлак. «Мана булар сизга, опажон», – деди эҳтиром билан узатиб. «Бундай қимматбаҳо кийимларни сотиб олишга пулим йўқ» – дедим хижолат бўлиб. Шунда улар: «Йўқ, бу туҳфа, опажон, биздан туҳфа», – дейишиди бараварига. Нима қилишимни билмай қолдим. Гапнинг рости бироз хавотир ҳам олдим. Лекин рад этсан илтижо билан боқиб турган дугоналар ўксисиб қолишларини сезиб, туҳфаларини қабул қилдим. Ҳар бирини бағримга босиб, раҳматлар айтдим.

Қизлар хонамидан чиқаётib шундай дейишиди: «Опажон, либосларингизни бирга олиб келмаганимиз учун биздан раңжимант! Юртимизнинг бўйи келиб турган либосингиз

кўзларимизга тўтиё. Ҳаммамиз бир парчадан тақсимлаб оламиш».

Қизларни кузатиб қўйгач, ҳаммамиз йигладик. Ҳозир ҳам Ватан ҳақидаги киноларни кўрсам, хориждаги юртдошларимиз билан учрашсам, ўша қизларнинг маъсум чехраси кўз ўнгимга келади...

Биз – даврада ўтирганилар уларнинг ҳикояларидан ниҳоятда таъсириландик. Менинг хаёлимда эса кечагина китоб вараклаб ўқиганим, «Ватандин яхши ёр бўлмас» сатрлари янги маъно касб этиб, ёдимга тушди...

(«Андижоннома», 1991, 19 октябрь.)

## «Ватан соғинчини бизлардан сўранг»

(ён дафтардан саҳифалар)

Ўша куни севимли газетамиз «Халқ сўзи»нинг 1 сентябрь байрам сонини қўлга олдим-у, нималигини ўзим ҳам билмаган ҳолда, иккинчи саҳифадаги «Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир!» деган фотосуратли ҳабар диққатимни тортди: юрагим ҳапқириб, кўзларимга ишонмайман. Адашаётганим йўқмикин, дея қайта-қайта тикиламан. Йўқ! Бу ўша, камина 90-йиллардан бўён орзиқиб кутган-Сафохон Тўра Жалолхон Тўра ўғиллари!..

Ахир, бу зоти шариф ўзбек адабиётининг ёрқин юлдузларидан бири, XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида ўзбек адабиётининг забардаст вакили, ҳалқ ўртасида «Хожажон қози» номи билан машҳур бўлган Рожий Марғинонийнинг чеваралари-ку!

Шошганимча бебаҳо инсон, қадрдон дўстим, шоир Асқар Маҳкамга қўнғироқ қилиб, воқеани тушунтиргач, бу азиз меҳмоннинг Тошкентдаги манзилгоҳидан тортиб, Ватанда қанча бўлишлари-ю, Марғилонга қачон келишларини аниқлашни тайинлаб, эркаликни ошириб-тошириб ҳам юбордим. Бахтимга ўша куни телефон жиринглаб, Асқар Маҳкам: «Сафохон Тўра Тошкентда 10 кунга яқин бўлиб, бир ҳафтача Ўшга, сўнг Марғилонга борар эканлар», – дегач, яна қуидагини қўшиб қўйди: «Худо хоҳласа, домла. Сиз Тўра билан Марғилонда, албаттa, учрашасиз». Қалбимда қуёш порлагандай бўлди, хайрият!..

19 сентябрь куни Марғилонда Сафохон Тўра билан қайноғалари Муҳаммадхон ҳожининг уйида бўлган издиҳомда севимли шоиримиз Эркин Воҳидов ва таниқли шарқшунос Неъматулло Иброҳимовлар билан биргаликда учрашдим. Меҳмондорчилик асносида Сафохон Тўранинг истиқлол ва Ватан хақидаги пурҳикмат сўзлари, Эркин Воҳидовнинг дилтортар, шоирона замзамалари, Неъматулло аканинг шарқона донишмандликка бой ривоятлари, Умаржон ҳожининг исломий маърифат билан йўғрилган нақллари-ю Осимхон аканинг зарофатга бой ҳангомаларидан ҳаммамиз маству мустағраф бўлдик.

— Домла, аввало, узр, — дея Неъматулло Иброҳимовга мурожаат қилдим. — Камина Сафохон Тўранинг бобокалонлари Хожажон Қози Рожий-Марғиноний ижоди бўйича 70-йилларда диссертация ёқлаганман. Сафохон Тўра у зоти шарифга чевара бўладилар. Иложи бўлса, буюк бобокалонлари шеърларидан ўқиб беришга изн олиб берсангиз...

— Сафохон Тўра Сизнинг бу ишларингиздан бехабармилар?  
- деб сўради Неъматулло ака.

— Афсуски, шундоқ...

Неъматулло ака сұҳбат мароми ва пайтини топиб:

— Сафохон ака, мана бу домулло Муҳаммаджон Мадғозиев бобокалонингиз Хожажон Қози Рожий-Марғиноний бўйича катта илмий тадқиқот ишини қилган эканлар. Домла Рожий-Марғинонийдан шеър ўқиб берсинлар?

Сафохон Тўра кутимаган бу таклифдан ҳайратга тушиб:

— Ҳай-ҳай-ҳай, яхши — кўп яхши, эшитамиз бўлмаса.., — дедилар менга қараб. Камина у кишига ним таъзим қилиб ўрнимдан турдим-да, Рожийнинг вафоти олдидан тазарруъ тариқасида ёзган:

«Нечун жонман, паришонман, сарупо айбу нуқсонман,  
Ёмонман, йўлдин озғонман, на инсонман, на ҳайвонман...»

— матлаъи билан бошланиб:

«Гуноҳим ҳаддин ошди, лек ғуффоринга Рожийман,  
Қиёмат шиддати ваҳми билан тарносу, ларзонман»

— мақтаъи билан тугалланувчи машҳур шеърини ўқиб бердим. Шеър издиҳом аҳлини ҳайрат ва ҳаяжонга солиб, тўлқинлантириб юборди. Ана шу шеър воситаси билан Сафохон

Тўра билан сухбатимиз қизигандан қизиб кетди. Назаримда ўша куни ўзига хос кичик рожиймарғинонийхонлик бўлиб ўтди.

Мен Сафохон Тўра билан хайрлашаётиб:

— Тақсир, бизнинг «Маънавият ва маърифат» маркази Фаргона шаҳар бўлимими ўз ташрифингиз билан файзиёб қиласангиз, улуғ бобонгиз бўйича қилган ишларимиз билан сизни батафсил таништириш имкониятига эга бўлган бўлур эдик, — деб мурожаат қилдим.

— Ташаккур, домла. Сиздан ниҳоятда хурсанд бўлдик. Имкон қадар тезроқ идорангизга бориб, худо хоҳласа, албатта, бафуржа гаплашамиз, — деб сўз бердилар-да, қуидагиларни кўшимча қилдилар:

— Биласизми, иним, энди бир оёғимиз отанинг муқаддас тупроғидан узилмайди. Биз бу кунларни озмунча орзиқиб кутдикми? Гарчи зиё ул — ҳақ вад-дин вад-дунё Амири Кабир ҳазрат Низомиддин Алишер Навоий:

Ватан таркин бир нафас айлама,  
Яна ранжу гурбат ҳавас айлама,

деб ёзган бўлсалар-да, тақдири илоҳийдан қочиб қутулиб бўлмас экан... Истиқоллининг буюк шарофатини қарангки, сизлар энди чет элларга бемалол чиққанларинг каби, биз ватандошларингиз, шулар сирасида камина ҳам, исталган вақтда Ватанга келиб, хоҳлаганча юришим, она юртим ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олишим, хешу ақраболар билан бемалол чақ-чақлашиб юришимга ҳеч ким монелик қилмайди. Лекин киндик қонинг тўкилган тупроқ ҳидига тўйиб бўлмас экан. Ватанга бизнинг кўзимиз билан қарай олсангизгина буни чуқур ҳис қиласиз... Ҳа, жигарларим; Ватан нималигини, Ватан иштиёқи-ю соғинчи, Ватан туйғуси-ю қадрини тақдир тақозоси билан Ватандан айро тушган биз кабилардан сўранг!

Сафохон Тўрадан: — ҳали Ватанда бўлишингиз ниҳоясига етмаган бўлса-да, Сизда катта таассурот қолдирган учрашувлардан бири хақида сўзлаб берсангиз, — деб сўрашганда, шундай жавоб бердилар:

— Мустақиллик байрамининг 7 йиллик тантаналарида иштирок этиш баҳтига мұяссар бўлганлигимни бир умр унуголмайман.

Тошкент, Ўщ, Марғилон ва Андижонда қавму қариндош жигарларим, яқин хешу-ақраболар билан учрашувлар ўтказиб, мен сизга айтсам, кўплаб янги дўстлар ҳам орттиридим. Ана

шундай учрашувлардан бири – Марғилон шаҳрида қайноғам Мұхаммадхонниқидаги издиҳомда юз берди. Шарқшунос аллома Неъматулло ҳожининг воситаси билан адабиётшунос олим Мұхаммаджон домла билан танишдим. Бу киши 70-йилларда катта илмий жасорат билан Марғилонда 40 йил қозилик қылган буюк бобокалонимиз ҳазрат Ҳожажон Қози Марғиноний ижоди бўйича йирик илмий иш қылганликларидан тортиб, жаннатмакон опоқимиз ҳақида кўплаб китобларни нашрга тайёрлаб қўйганликларини айтмайсизми?! Биласизми, ўша куни шундай улуғ инсонга чевара бўлганлигим бошимни янада сарбаланд қилиб юборди.

Бир сўз билан айтганда, камина шу кунларда Ўзбекистондек Ватанимиз, Ислом ота Каримовдек донишманд ва фидойи Президенти бўлган юрт доимо пойдор бўлишини Парвардигори Оламдан сўраш билан бирга, Ўзбекистонни буюк мамлакатга айлантиришдек улуғ мақсадга муносаб ҳисса қўшишни ўйлаб, ёргу ниятлар билан яшамоқдаман!..

**Мұхаммаджон Мадғозиев,**

филология фанлари номзоди, доцент.

(«Фарғона ҳақиқати», 1998, 3 октябрь)

### **Дўстлар иқрори ва эҳтироми**

(Саудия Арабистони матбуотида Ўзбекистон васфи)

Саудия Арабистонига қылган сўнгги (1997 й.) илмий сафаримиз охирида Жидда шаҳрида дўстлар истиқолимизга бағишланган айрим мақолалар тахламасини бизга тақдим қилишди. Барча мақолалар араб тилида, барчаси она Ватанимиз мадҳига, мустақиллигимизга бағишланган. Қуйида Ўзбекистон ҳақида ёзилган айрим мақолаларнинг мазмуни билан муҳтасар таништирамиз.

Аввало шуни айтиш қеракки, Саудия Арабистонида истиқомат қилаётган ватандошларимизнинг барчаси шўро тузумининг емирилишини орзу қилиб, мустақиллигимиз ҳақида қайгуриб яшашган. 1991 йил 1 сентябрь куни мустақиллик эълон қилингач, кўз ёшлари билан бир-бирларини табриклашган ва ўзаро йигин-гурунглар ўтказишган.

Афсуски, ватандошларимизнинг биринчи авлодларидан кўпчилиги бу нурли кунларга етишолмай, дунёдан кўз юмдилар. Лекин уларнинг фарзандларида ҳам Ватан ҳисси ғоятда кучли. Уларни Ватан туйгуси тарқ этмаган. Оммабоп мақолаларда ота юрти – Ўзбекистон жўшқин васф этилади.

Дастлабки мақола «Уккоз» газетасининг «Ислом хабарлари» рукнида 1980 йил декабрь сонида босилган экан (Ислом дини пайдо бўлган дастлабки йиллари маълум кунларда янгиликлар, хабарлар эълон қилиниб, ўша куни «Уккоз» дейилган, яъни хабар, янгилик маъносида. Саудия Арабистони мустақилликка эришгач, шу номда газета чиқадиган бўлди. Мустақил мамлакатларимиз ҳақидаги янги хабарлар ушбу ҳафтганомада тез-тез босилиб туради).

Муаллифнинг куюнчаклик билан ёзишича, Русия зулмидан безиган икки миллион туркистонлик Ватанини ташлаб кетишга мажбур бўлиб, Афғонистон, Покистон, Туркия ва Саудия Арабистонида бошпана топдилар. Ватанда қолган мусулмонлар эса, мутлақ даҳрийликка асосланган ҳокимият тазиёки остида яшадилар. «Коммунистлар ҳокимияти, – деб ёзади муаллиф, – дини исломга қарши 10 моддадан иборат ўз режасини ишлаб чиқди».

Бу моддалар қўйидагилар: 1. Ислом динини таъқиқлаш; 2. Куръон ва бошқа диний китобларни йўқ қилиш; 3. Масжид ва мадрасаларни йўқ қилиш; 4. Диний адабиётлар сотиладиган дўконларни мусодара қилиш; 5. Диний шеърлар ёзиш, намоз, рўза, закот, ҳаж қилишни ман этиш; 6. Бўйсунмаган уламоларни йўқ қилиш; 7. Асосий диний лисон бўлмиш араб тилини йўқ қилиш; 8. Туркистонликларнинг номусулмонларга уйланишини жорий қилиш; 9. Ёшлиар ўргасида коммунистик ғояни ёйиш; 10. Ҳар қандай мусулмоннинг, миллатидан қатъи назар, коммунистик ғояда бўлишига эришиш.

«Ал-Муслимун» журналининг 1982 йил май сонида босилган бир мақолада ҳам Туркистоннинг СССР исканжасида ислом ғояларидан маҳрум бўлиб қолгани ҳақида ёзилган. Нашр этилган маълумотларга қараганда, юртимизда 24 мингта масжид, 600 мадраса бузиб ташланган.

Қўлимиздаги тўпламда мустақил Ўзбекистон ҳақида, Президентимиз Ислом Каримовнинг оқилона ички сиёсати туфайли эркин нафас олаётган халқимизнинг ҳаёти хусусида ва кундалик турмушимизга ислом дини қайтиб келгани

тўғрисида қатор мақолалар бор. Ўша «Ал-Муслимун» журналининг 1992 йилги сентябрь сонидаги бир мақолада СССР парчаланиб, мустабид тузумнинг йўқ қилингани ҳақида гап кетади. Ўзбекистон халқи шўролар истибодидан озод бўлганини олқишлиб, ҳокимият туркистонликлар қўлига ўтганидан мамнун бўлган муаллиф завқ билан шундай деб ёзади: «Туркистонликларнинг азалий нияти амалга ошиди. Улар янгичасига фикрлаш ҳуқуқига эга бўлдилар ва бу кунни шодиёна байрам қилмоқдалар». Мақола муаллифи бу шодиёналар ҳақида жўшиб ёзар экан, ўзини худди ана шу байрамларда қатнашаётгандек ҳис этади. Муаллиф Ўзбекистоннинг истиқболи ва халқаро алоқалари ҳақида, қўшни мамлакатлар билан бўладиган дўстона муносабатларига доир мулоҳазаларини ҳам билдиради.

Яна бир мақолада муаллиф тарихга мурожаат қиласди ва сайёҳларнинг юртимиз ҳақидаги фикрларига тўхталади. Унда таниқли араб сайёхи Ибн Баттутанинг «Ўзбек аҳли ахлоқда мукаррамдир», — деган гапини келтиради, Абу Балхий деган сайёҳ ўрта асрларда Тошкентга келган ва уни таърифлаб: «Шош — ёзда жаннатдир», — деган. Ал-Бустий улуғ Соҳибқирон Амир Темур даврида Самарқандда бўлган ва уни Балх шаҳрига таққослаб, «Дунёнинг жаннати — Самарқанддир», — деб таъриф берган. Ватанимизга ташриф буюрган араб сайёҳлари «Ўзбекистон» калимасига таъриф берар эканлар, «ўзбек»ни ўзига бек, ҳур деб, «стон», «ўстон» сўзини ватан ёки диёр деб изоҳлагани ҳам эслатиб ўтилади.

Муаллиф арабистонлик олимларнинг юртимиз ҳақидаги бу фикрларини келтирап экан, улуғ муҳаддислар ал-Бухорий, ат-Термизийларнинг Ватани бўлмиш Ўзбекистон азалдан ислом динининг ўчоги эди, — деб ёзади ва мустақил Ўзбекистонда диний қадриятларга эрк берилганини дилдан муборакбод этади.

«Ан-Надва» («Нид») газетасида босилган бир мақолада (1993, 15 январь) Марказий Осиёдаги мустақил давлатлардан Саудия Арабистонидаги диний мадрасаларга ўқишга келган ёшлар ҳақида сўз боради. Унда ёзилишича, Саудия Арабистони Подшоҳи озод бўлган жумҳуриятлардан Мадинаи мунаварадаги Ислом дорилфунунида ўқиш учун 21 талабага рұксат берган. Улар ислом илми ва араб тилининг асослари бўйича таълим олишмоқда. Шу билан бирга, мазкур мақолада Бухородаги машҳур «Мир Араб» мадрасасида янги шароитга

монанд ўқишиш ишларини такомиллаштириш масалалари ҳақида ҳам сўз юритилади. Мақолада ёзилишича, мадрасада талабаларга, диний илмлар билан бир қатордә, дунёвий билимлардан ҳам дарс берилмоғи лозим. Шунингдек, мақолада «Мир Араб»даги ўқишиш услубияти ҳақида, зарур адабиётлар, дарслерлар чоп этиш ва бошқа масалаларга ҳам тўхталиб ўтилган.

Жиддада чиқадиган «ал-Билод» («Ватан») газетасида босилган бир мақола (1992, 24 март) мустақилликни қўлга олган жумҳуриятларнинг уламолари билан мулоқотлар масаласига бағишланиб, Ўрта Осиё жумҳуриятларидан муборак ҳаж сафарига келган бир гурӯҳ уламолар билан Саудия Арабистони олимлари ўртасида Жидда шаҳрида бўлиб ўтган биродарлик учрашуви ҳақида ахборот берилган. Муаллифнинг фикрича, бундай мулоқотлар мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга, дўстона муносабатлар ўрнатишга ижобий таъсир кўрсатади.

Яна бир мақола таниқли муҳаддис, ҳамюртимиз – ат-Термизийнинг мамлакатимизда бўлиб ўтган 1200 йиллик юбилейига бағишиланган. Ушбу халқаро тадбир Президент Ислом Каримов имзо чеккан маҳсус ҳукумат қарори билан ўтказилгани алоҳида таъкидланади. Тантанага жаҳоннинг барча мусулмон мамлакатларидан меҳмонлар ташриф буюргани, мустақилликка эришган Ўзбекистонимизнинг номи бутун дунёга танилаётгани эҳтиросли сатрларда баён қилинган. Шунингдек, мақолада ат-Термизийнинг туғилган жойи ва унинг ҳаёти ҳақида араб манбаларидан айрим маълумотлар келтирилган.

«Уккоз» газетасида босилган яна бир мақола (1994, июны) «Ўзбекистон зиёратчилар ва ҳамкорлик қилувчиларни чорламоқда», деган сарлавҳа билан ёзилган. Бунда муаллиф мамлакатимизда ўтмишда ажойиб алломалар етишиб чиққанини, уларнинг номлари бутун жаҳонда ҳурмат билан тилга олинаётганини ғурур билан ёзади. Муаллиф шуни таъкидлайдики, ўлкамиз ўзининг янги даврини бoshлагач, ижтимоий-маънавий ҳаётда, шубҳасиз, яна юксакликка кўтарилажак.

Афсуски, биз Саудия Арабистони бўйлаб сафарда бўялган вақтимизда араб газеталарининг кейинги йиллардаги таҳламлари билан танишиб чиқишига улгурмадик – бунинг

иложи ҳам йўқ эди. Кейинги йиллари Ўзбекистоннинг иқтисодий, ижтимоий-маънавий ҳаётида юз берастган жиддий ўзгаришлар, залворли қадамлардан, мамлакатимизнинг жаҳонда тутган ўрни йилдан йилга барқорорлашиб бораётганидан хабар берувчи бир қатор мақолалар нашр этилгани маълум бўлди.

Саудия Арабистони билан Ўзбекистон ўртасидаги алоқалар мустаҳкамланмоқда. Ушбу мамлакатда элчихонаси ишлаб турибди. Жидда шаҳрида Ўзбекистоннинг Бош консулхонаси фаолият кўрсатмоқда. Тошкент шаҳрида ҳам, Саудия Арабистонининг элчихонаси очилган. Бу ижобий ўзгаришлар чоп этилаётган мақолаларнинг муаллифларини илҳомлантирмай ва тўлқинлантирмай қўймайди, албатта. Биз улардан мустақил Ўзбекистонимиз ҳақида янги-янги жўшқин мақолалар кутамиз.

(«Соҳибқирон юлдузи», 1998, 10 март)

# Саудия Арабистонидаги ўзбек шоирлари ижодидан намуналар

## КОМИЛ АБДУЛЛО АНДИЖОНИЙ-ТОШҚИН

БИЗДЕК БЎЛМАСУН, ё, РАБ

Жаҳонда ҳечким мазлум биздек бўлмасун, ё, Раб,  
Туғулган юртидин маҳрум биздек бўлмасун, ё, Раб.

Жаҳолат оташила ёндириб амволу амлокин,  
Рақиблар комига матъум биздек бўлмасун, ё, Раб.

Ҳавойи нафсга учраб, хоби ғафлат бирла тобора,  
Жаҳон тарихидин маҳрум биздек бўлмасун, ё, Раб.

Диёрин тарқ этиб ёвға, кезиб оламни саргашта,  
Китоби ибрата марқум биздек бўлмасун, ё, Раб.

Чекиб дарди фироқин севгили қавму қариндошин,  
Ҳамиша маъюсу мағмум\* биздек бўлмасун, ё, Раб.

Аламдин сийна чоку, нори фурбатда жигар бағри,  
Куюб, эриб мисоли мум биздек бўлмасун, ё, Раб.

Таманнойи ягонам буки: биздин қолган авлодлар,  
Омон! Бебаҳт, толеи шум биздек бўлмасун, ё, Раб.

Илмсиз, тарбиятсиз, маърифатсиз, меҳру шафқатсиз,  
Адоват заҳрила масмум\*\* биздек бўлмасун, ё, Раб.

Қатори одамиятдин ололмай мавқеи лойик,  
Куролмай ҳур ҳаёт, маҳкум биздек бўлмасун, ё, Раб.

Тазарруълар билан сендин бу камтарин Тошқин,  
Жаҳонда ҳеч ким мазлум биздек бўлмасун, ё, Раб.

1976 йил, Тоиф шаҳри

\* Магмум — ғамли, ғамгин.

\*\* Масмум — заҳарланган.

## ФУЗУЛИЙ ҲАЗРАТЛАРИНИНГ

«Шифойи васл қадрин ҳажр ила бемор ўландан сўр,  
Зилоли завқ-шавқин ташнаи бедор ўландан сўр»

матлаъи ила бошлигадиган шеърига

### НАЗИРА

Ватан қадрини биздек беватан афкор ўландан сўр,  
Азоби гурбат ичра жондин безор ўландан сўр.

Бузуб ўз ошиёнин, ёндириб нори жаҳолат-ла,  
Бизингдек дарбадар, ҳар жойга борса хор ўландан сўр.

Туғулган юртининг неъматларидан баҳравар бўлмай,  
Туганмас меҳнату, дарду, балога ёр ўландан сўр.

Қисиб бўйнин ҳамиша, ёлбориб бегона элларга,  
Кўролмай кимсадин бир марҳамат, бемор ўландан сўр.

Тиласан воқиф ўлмоқ ҳолидин синган кўнгилларни,  
Насиби дўстлардин таън ила озор ўландан сўр.

Баҳор айёмида гул нашъасин билмайди ҳар булбул,  
Ки бир банди қафас, ё марҳами гулзор ўландан сўр.

Ҳаётнинг маънисин, Тошқин, на билсун миллати жоҳил,  
Жаҳонда хуш яшаш қайфиятин ахрор ўландан сўр.

1986 йил, Риёз шахри

### САЛОМИНГГА

(Мустақиллик эълон қилингач, шоир Ватанга келиб,  
Тошкент телевидениесида ўқиб берган)

Қўлум кўксимда келдим, севгили юртим, саломингга,  
Ўпай тупроқларингни, таъзим айлаб эҳтиромингга.

Кучоқ очдинг, тараҳхум бирла бошим кўкка еткурдинг,  
Килай ҳамду сано бу илтифоту эҳтиромингга.

Онолиғ меҳри бирла бағрингга олдинг, карам қилдинг,  
Фироқинг ўтида йилларча ўртантан гуломингга.

Ҳамиша күнглим ичра изтироб бор эрди қайғунгдин,  
Софинчу иштиёқ-ла мунтазир эрдим паёмингга.

Шукрлар айлайин такрорки, васлинг насиб бўлди,  
Севиндим бош қўйиб остонаи қутлуғ мақомингга.

Танимга сифмадим эълони истиқололингни тинглаб,  
Санга ёрдамчи бўлсун Тангри касби эҳтишоминга.

Мунаvvар қунларинг келмоқда, халқим, шод бўлғайсан,  
Ҳуррият машъалидин нур етгай тийра шомингга.

Умидим, орзуим булки, энди сарф этиб эмгак,  
Санга хизматлар этсам, ҳисса қўшсам интизомингга.

Қуёшлиқ осмонинг садқаси бўлсин дилу жоним,  
Ки, жондин мустаъидмен\* хизмату, ҳар илтизомингга.

Мен ундоғ ошиғингменким, менингга тенг эмас ҳаргиз,  
Жаҳоннинг ийди Наврӯзи сенинг бир ибтисомингга\*\*

Қовушмоқ-ла элу юртингга, Тошқин, тоза жон топдинг,  
Қониб сипқар, бугун тўлди шароби васл жомингга.

1991,  
20 сентябрь, Тошкент

\* Мустаъид – тайёр.

\*\* Ибтисом – табассум.

# МИНХОЖИДДИН МАХДУМ ФАМГИН-ХУРРАМ\*

## ИЛТИЖО

Худоё, сақда ўлмоқдин Ватан озод бўлгунча,  
Ўша золим қизиллар дунядан барбод бўлгунча.

Жаҳонни тўлдириб ёлғон сўз билан алдаб,  
Кутулса эл ва юрт ундан кулиб обод бўлгунча.

Қозоқ, қирғиз, татар, тожику ўзбек билан уйғур,  
Бўлинмасдан ҳама бир турк бўлиб, бир зот бўлгунча.

Замонлар аҳли Туркистонли азалдан қаҳрамон эрди,  
Кетиб бошдан қизил чанглар ўтиб барбод бўлгунча.

Тикиб ўз байроғимиз шер йигитлар юрса устида,  
Қочиб душман чидолмай ичлари фарёд бўлгунча.

Ватанни қутқазиб ёвдин, тикиб байроғимиз кўкка,  
Кўриб шундай улуғ кунни дилим кўп шод бўлгунча.

Фалакнинг чархи айлангай, билинг, бир ерда турмайди,  
Бу Фамгинлик кетиб биздан бу дарслар ёд бўлгунча.

1980 йил, Тоиф шаҳри

---

\* Шоир Ватан мустақиллиги йилларидан сўнг «Хуррам» тахаллусини олган.

## ТУРКИСТОН

Бизни Туркистон жаҳоннинг энг гўзал бўйтонидур,  
Аҳли Туркистонга берган Тангрининг эҳсонидур.

Тўрт фасл ўз вақтида бир-бир салом айлаб ўтар,  
Ҳар фаслнинг роҳати инсоннинг гўё жонидур.

Кўк либос кийган баланд тоғлар кўзингни тиндирап,  
Бунда милён чорва-ю қаймоқ, асал, айронидур.

Шарқираб тоғ устидан ширин суви ўйнаб тушар,  
Кимки ичса дардига, бешак, унинг дармонидур.

Не учун кўпdir қизил гул деб таажжуб қилмангиз,  
Юрт учун жонин фидо қилган шаҳидлар қонидур.

Унда чиқмиш марду майдонлар жаҳонни титратиб,  
Шарқу Farbni қўлга олган қаҳрамон майдонидур.

Ул Бухорий, Ибн Сино ҳам Улуғбеклар чиқиб,  
Унда одам, одамият, илму ахлоқ конидур.

Ўша жаннат дунёда, албатта ул ер бўлғуси,  
Аҳли хурми, ё париму – деб жаҳон достонидур.

На емак, киймак нехуд, олтинга ҳеч муҳтоҷ эмас,  
Хилма-хил маъданга марказ, дунёning бой конидур.

Дунёда ҳар нарса бўлса-унда мавжуд, кам эмас,  
Пахтадин тоғлар яраттан жун, ипак дехқонидур.

Танбал эрмас, ҳалқи меҳнаткаш, унинг ахлоқи хуш,  
Мискину бечора, тил, ҳам етим ғамхонидур.

Унда чиққан эрди кўп шоир, адиблар вақти ила,  
Фурқат-у Жўлқун; Навоий ҳамда ул Авлонийдур.

Ғамгининг киндик қони томган эди ул ерлара,  
Ё ўларманму, қоларманму дебон ҳайронидур.

1988 йил, Тоиф шаҳри

# МУҲАММАД АКБАР МАРГИЛОННИЙ ҲАМДАМ

## ОЗОДЛИККА ЧАҚИРИҚ

(Она юргимиз, қаҳрамон халқимиз шўролар асоратида  
қолган йилларда ёзилган шеър)

Биродарлар, келинг бир қўл бўлайлик,  
Ватан ҳақида бир чора кўрайлик,  
Қизил душманга бир ҳамла қиласлик,  
Ватанни ё олайлик, ё ўлайлик,  
Бу йўлда жон бериш қанча чиройлик.

Ватан ҳақида бегамлик гуноҳдир,  
Ватан хоинларин руҳи сиёҳдир,  
Ватандин ҳар киши юзин ўгирса,  
Билинглар: дину дунёси табоҳдир\*,  
Табоҳкорларни элга танитайлик.

Ватансиз кун кўришни фойдаси йўқ,  
Фарибликда юришни фойдаси йўқ,  
Қўниб ҳар бир тиканни шохисига,  
Ватан деб лоф уришни фойдаси йўқ,  
Ватан таҳририга ҳиммат қиласлик.

Кечакундуз Ватан бизни чақиргай,  
«Келиб озод қилинглар» – деб бақиргай,  
Қани биздан чиқиб бир марди майдон,  
Қизилларни уриб, ҳайдаб қочиргай,  
Зўравонларга зўрни кўрсатайлик.

Ватан бе жонфидолик қўлга келмас,  
«Фариб»деб кимса бизни кўзга илмас,  
Агар фафлатда дунёдин кетармиз,  
Худойим бизга ҳаргиз раҳм қилмас,  
Бу фафлатдин, туринглар, уйғонайлик.

На бўлди бизга, оламга тараалдик,  
Палахмон тошидек ҳар ён отилдик,  
Бизи бир кимса ёд этмас жаҳонда,  
Фаромуш дафтари ичра битилдик,

Бу бадбахтликка бир чора кўрайлик.  
Худо рози эмас афъолимиздин,  
Амалга ошмаган аҳволимиздин,  
Ватанни тарқ этиб, эсдин чиқариб,  
Паришонликда юрган ҳолимиздин,  
Худони, Ҳамдамо, рози қилайлик.

1983 йил, *Мадинаи мунаввара*

\* Табоҳ – маҳрум бўлиш.

## АЗИЗ ЎРТИМИЗ ЎЗБЕКИСТОННИНГ МУСТАҚИЛ БЎЛГОНИ ХУСУСИНДА МУХАММАС

Жаҳон айвонида жаннат мисоли, Ўзбекистоним,  
Ҳаёт гулзорида тоза ниҳоли, Ўзбекистоним,  
Ҳама юртдошлар сенда хаёли, Ўзбекистоним,  
Худодин тинчлик сенга суволи, Ўзбекистоним,  
Илоҳо, бўлмасин мулкинг заволи, Ўзбекистоним.

Замонлар ўзгалар дастида сен доим асир эрдинг,  
Назарга илмаган кимса сени, мулки ҳақир эрдинг,  
Ўзингда симу зар мавжуд туриб беҳад фақир эрдинг,  
Таҳассун топди ҳолинг, элни ҳоли Ўзбекистоним,  
Илоҳо, бўлмасин мулкинг заволи, Ўзбекистоним.

Сени дунёда давлатлар фаромуш айлаган эрди,  
Чарофингни ситамгарлар хомуш айлаган эрди,  
Бериб ҳалқингга турли заҳри беҳуш айлаган эрди,  
Кесилсин бу ситамгарларни боши, Ўзбекистоним,  
Илоҳо, бўлмасин мулкинг заволи, Ўзбекистоним.

Бугундин сўнгра душманнинг аёғи сенга етмайди,  
Юракдин ҳайдалиб кетган илмни доги кетмайди,  
Умидим шулки, аввалдек ҳалқим гафлат этмайди,  
Фидо ҳалқингни сенга жону моли, Ўзбекистоним,  
Илоҳо, бўлмасин мулкинг заволи, Ўзбекистоним.

Азиз фарзандларинг дилдан сенга хизмат қилур энди,  
Сени ўз жонидин ортиқ кўриб ҳурмат қилур энди,

Очиқ кўксинда эркинлик билан роҳат қилур энди,  
Ошиб ҳар соҳада касбу камоли, Ўзбекистоним,  
Илоҳо, бўлмасин мулкинг заволи, Ўзбекистоним.

Ёруғ дунёда Ҳамдамни қариб бу боши юксалди,  
Ушал соатда ёғий номи бағрингдан чиқарилди,  
Сурулган ҳолида кўкси палидидин итарилди,  
Яна қайтиб келишга йўқ мажоли, Ўзбекистоним,  
Илоҳо, бўлмасин мулкинг заволи, Ўзбекистоним.

1991 йил, *Мадинаи мунаввара*

## ЁҚУБХЎЖА МАҲЖУРИЙ АНДИЖОНИЙ

Ё, РАБ!

Жудо ҳеч ким ватандин чор-ночор ўлмасун, ё, Раб!  
Ватан ҳажрида йиглаб мен каби хор ўлмасун, ё, Раб!

«Ватансиз» деб кишилар таънасига дуч келиб доим,  
Бўлиб душман таънига сазовор ўлмасун, ё, Раб!

Тамоми фитналардан соғ бўлсун ул Ватан аҳли,  
Ўзинг сақла уларни, зори афёр ўлмасун, ё, Раб!

Тириклик лаззатидан баҳра олсун ҳурлиги бирла,  
Куруқ туҳмат жазосига гирифтор ўлмасун, ё, Раб!

Бутун бойликларин сарф айласин ўз эҳтиёжига,  
Ғалат сарф айлабон бир нон учун хор ўлмасан, ё, Раб!

Халойик кўнглини жазб айлаган таълифлари бирлан,  
Танилган илм эли обрўйи бекор ўлмасун, ё, Раб!

Киши ҳур сўзласа, ёса – саодат бундан ортиқмас,  
Рақобат шиддатидан тарки афкор ўлмасун, ё, Раб!

Жафо-ю жабрким Маҳжурий чекти ўз ҳаётида,  
Буларким, боз тақдирингда такрор ўлмасун, ё, Раб!

1972 йил, *Тоиф шахри*

## ХУҚУҚ

Бормисан оламда эй, инсонни зор этган ҳуқуқ,  
Йўл уза ташлаб ғарибни зўр билан кетган ҳуқуқ.

Сендан айрилгач бўлибмиз олам ичра дарбадар,  
Баъзи бадбаҳтлар сени мол ўрнига сотган ҳуқуқ.

Ҳар эшикда парча нон янглиғ тилайдурмиз сени,  
Нотавонларни гадо шаклинда тарқатган ҳуқуқ.

Бир қаро куч бирла ўйнар, бизни номаҳрам санаб,  
Хўрламоқда, чекламоқда қулга ўхшатган ҳуқуқ.

Ўз элини тутди хўп кучлик кишилар завқига,  
Қақшатиб бечорани, зўрларни яшнатган ҳуқуқ.

Биз ҳам инсонлик ҳуқуқин «дод» леб қилсак талаб,  
Моддаларга қайд бўлган, банд кўрсатган ҳуқуқ.

Биздан олган йўқ эди, модда «қайдидин» асар,  
Эмди қайтди-банд бўлиб, бизларни қақшатган ҳуқуқ.

Тегди Маҳжурий қўлига бу ҳуқуқдин бир қалам,  
Бу қаламга шарт қўйиб маҳдуд сўзлатган ҳуқуқ.

1980 йил, Тоиф шаҳри

## АҲМАДАЛИ ТЎЛҚИН

### МУСТАҚИЛ ЙОРТИМНИ КУЙЛАЙМАН

(Ўзбекистон истиқололининг икки йиллигига)

Узоқдан шеър бўлиб жондан азиз байрамни қутлайман,  
Ёши иккига тўлган мустақил байроқни қутлайман.

Яша, эй, қаҳрамон халқим, яашашга сен-да лойиқсаң,  
Бугун хурсанд, бугун обод бу ёш Туронни қутлайман.

Бу кунги камчилик, ташвиш чидашга арзир, эй, халқым,  
Баҳори мустақиллик – Темур бобомни қутлайман.

От әмди у ёт пулни, юрут ўз танга-ю сүмни  
Бугун құдрат ва борлық сиздадур, юртимни қутлайман.

Умидим – навқирон, күчлик, ақллик баҳтиёр ёшлар,  
Бўлинг аскар, кўринг юртни, юракдан сизни қутлайман.

Муборак ўлка бу доим, етишган кўп улуғ зотлар,  
Жаҳонга нур сочиб ўтган улуғ аждодни қутлайман.

Жаҳоннинг жаннати ўлкам, буюк қўрғон, саройимсан,  
Бу Сирдарёдек тошқин жаннатим, водийни қутлайман.

Биҳамдиллоҳ, бу кунларга эришдик, орзу армонга,  
Худойим сақласин юртим, Президент Исломни қутлайман.

*1993 йил, август, Жидда шаҳри*

## **ҚОР-ЁМФИР ХАЁЛИДА**

Кўкда қалин булутлар гуллур-гуллур ёғмоқчи,  
Тўғонланган анҳорлар тўлқинланиб, тошмоқчи.

Чақмоқ чақар ялтираб, ёмғир ёғар шолдираб,  
Ёғсин, ёғсин ёмғурлар – сойлар тўлиб оқмоқчи.

Ёққан ёмғур сувини тўйиб иксин боғчамиз,  
Ғунча-ғунча бу гуллар булбул бағрин ёқмоқчи.

Қору ёмғир ёғавер, далаларга сепавер,  
Бугдойзорлар ичидагуллолалар унмоқчи.

Жилгаларда ўтлашган кўзи, тойчоқ ўйнашур,  
Шабнам тушган майсалар салқинлашиб турмоқчи,

Баҳор боши гул байрам, ўриқ, олма, гул бодом,  
Қизлар терар бойчечак, йигитлари тақмоқчи.

Туркистоним – жаннатим, қор-ёмғириңг ҳасратим,  
Порлоқ қүёш нурида күнгил қуши учмоқчи,

Норин дарём секин оқ, Балиқчимга аста боқ\*,  
Ой булогинг сувидан ташна юрак ичмоқчи.

*1994 йил март, Жидда шаҳри*

## ХУШ КЕЛДИНГИЗ

(Эркин Воҳидов жанобларининг  
Саудия Арабистонига ташрифлари)

Ўзбекистон булбули, Эркин Воҳид, хуш келдингиз,  
Марҳабо, юз марҳабо, минг марҳабо, хуш келдингиз.

Ул улуғ юртдан салому совғаларни келтириб,  
Бу муқаддас ўлқага ё, марҳабо, хуш келдингиз.

Тонг отиб, кун чиқди юртда, ҳар тарафга нур сочиб,  
Ул қаро кунлар кетиб, ашъор ўқиб хуш келдингиз.

Каъбатиллоға кириб, бошни қўйиб айланг дуо,  
Ўзбекистон халқи Сизни йўллаган, хуш келдингиз.

Равзаи покига кирганда дегайсиз ё, Расул,  
Ал-Бухорий, Термизийдин салом, хуш келдингиз.

Эй, Худоё! Сен ўзинг сақла Ватанни тинч-омон,  
Борди-келдига очилиб йўл, ватандош, хуш келдингиз.

*1993 йил феврал, Жидда шаҳри*

---

\*Шоир Андижон вилоятининг Балиқчи туманида таваллуд топган.

# АБДУСАЛОМ ҚОРИ ХҮҚАНДИЙ

## МИЛЛАТИМ

Барча Туркистон эли мазлум-мусулмон миллатим,  
Овчи душманлар аро юрти бўлинган миллатим.

Ўйлагил, боболаринг Хисрав ҳужумини тўсиб,  
Аскари Эронни чўлга сархун этган миллатим.

Савти ислом наърасига айтди «лаббай» ул замон,  
Мингча-мингла молу жонин назр қилган миллатим.

Илми тафсиру ҳадису фикҳда олимлари,  
Ал-Бухорий, ҳам Сарахсий, аҳли Журжон миллатим.

Илми ашъору маъоний, ҳам ақоид баҳрида,  
Мотуридий бирла усти аҳли бўстон миллатим.

Термизий, Саккоки-ю, аллома Тафтазон каби,  
Ан-Носий, ҳам Замахшар кўйида хон миллатим.

Ул Самарқанду Бухоро тинглаган олимларин,  
Исмини тўплашта ожиз ҳар бир инсон, миллатим.

Ибн Сино тиб улумига ёзиб қонун сани  
Ҳандаса, жабру ҳисобда ёзди ихвон миллатим.

Мир Али ҳам Кўрагон, Манғиту Сомонийлари,  
Кечти шоҳу хону султон, неча хоқон миллатим.

Тупроғингда бор унум, қайсисин билмам, ёзай,  
Манбаи олтин, кумуш, бойликлара кон миллатим.

Чўлларингни отини дунё «Беҳишти» қўйдилар,  
Етти наҳру минг бўлакка ҳақли дехқон миллатим.

Юммагил халқим, кўзингни, ўйла ким авлодисан,  
Бу музаллат, бунча хорликда әзилган миллатим.

Ушбу тавсифи Саломий миллати, юрти учун,  
Озгина шарҳу баён эй, аҳли эҳсон миллатим.

1998 йил, *Мадинаи мунаввара*

**ШОИР АБДУРАҲИМ УЧҚУННИНГ  
САУДИЯ АРАБИСТОНИДАГИ  
ВАТАНДОШЛАРДАН ҲИРСИ ДУНЁГА  
БЕРИЛИБ, ВАТАН ҚАДРИНИ ТУБДАН  
АНГЛАЙ ОЛМАЙ ЮРГАН БАЪЗИ  
ЁРОНЛАРГА ҚАРАТА ЁЗГАН**

**ҒАЗАЛИ**

Эй, муҳаббатсиз, Ватан шавқида иймонинг ғалат,  
Тил учида айлаган ул аҳди-паймонинг ғалат.

Бесарупо юрмак ила топмадинг беҳбудлик<sup>1</sup>,  
Топмасанг Исо дами дардингга дармонинг ғалат.

Тутмайин бир риштани лофу шиҷоатдан на суд?<sup>2</sup>  
Жаҳл аро берган сени ҳар гуна<sup>3</sup> курбонинг ғалат.

Барча абнойи Ватан<sup>4</sup> ҳар ён паришон юрсалар,  
Фурбат айёмида соглан кўшк-айвонинг ғалат.

Фотиҳи дунё ўлан обову аждодинг сени  
Маърифатсиз зиллат<sup>5</sup> айёмида юргонинг ғалат.

Лола бағрин кўрсатиб қилмиш баҳора арз-ҳол,  
Очилур гулгун чечак, махмур<sup>6</sup> юргонинг ғалат.

Ҳар тарафдин булбул айлар наъраи «Лотайъасу»,<sup>7</sup>  
Бу насимий субҳидам бебаҳра қолғонинг ғалат.

Бўлмагил мағрури инъоми ажузи пийразор<sup>8</sup>  
Гул дебон лангар солур, бўйнингни қўйғонинг ғалат.

Етти даврони қамар кел, ҳамдаму ҳамроҳ бўл,  
Йўл озиб ҳайрон чопарсан, турфа жавлонинг ғалат.

Иш қилиб ҳиммат билан, бирликда ҳозирлик керак,  
Оқибат фурсат ўтиб кетганда армонинг ғалат.

Ўт қўйиб ҳар ёндин, истибодд багрин доғладинг,  
Жаҳд қил Учқунча, бу ҳоли паришонинг фалат.

<sup>1</sup>Беҳбудлик — осойиштаклиқ

<sup>2</sup>Суд — фойда

<sup>3</sup>Ҳар гуна — турли, ҳар хия.

<sup>4</sup>Абнойи Ватан — Ватан ўғлонлари

<sup>5</sup>Зиллат — жаҳолат.

<sup>6</sup>Махмур — беихтиёр.

<sup>7</sup>Лотайъасу — умидсизланманг

<sup>8</sup>Ажузи пийразор — кўхна дунё.

## МАҲЖУРИЙ-АНДИЖОНИЙНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ АРТИСТИ БЕРТА ДОВИДОВА ҲАҚИДАГИ ФАЗАЛИ

### БЕРДАХОН

Мақомларимиз учун қилган хизматингизни тақдирлаб, армуғон тақдим қилиш учун тубандаги шеърда исмингиз ҳарфларига тазмин этилмиш байтларимдан зиёда бир нарса ижод этолмаганим учун ҳадямни қабул қилиш билан хусусий ёки умумий бўйсинг, номимни сўрмасдан куйламоғингиз тиласи или шеъримни баён этаман.

*Муаллиф*

Бўстони дил гулин шохида, эй булбул нишон,  
Чекмасин булбул дами, танбур ила сен чек фифон.

Юзи гул, овози булбул, шеваси куйи мақом,  
Чек наво, мен назмдан гулдаста айлай армугон.

Дамбадам сайр эт кўнгиллар гўшасини соз ила,  
Ҳасрату ғам топмасин дилларда тутмоққа макон.

Ҳайкалим наққошидек рангимни гулгун этмасанг,  
Дарди фурқатда бўлибдур ранги рўйим заъфарон.

Холи ҳиндусини таъриф айласа Зебуннисо,  
Духтари ибрини дерман тўтийи ширин забон.

Эй, муғаний, туз бу дам шаҳноз, гулёрга мақом,  
Куйласин овозаси тутган замину осмон.

Нагма бирла ҫавтни жўр айлабон Маҳжурийга,  
Айлагил бир кечаси сайри само узра равон.

1986 йил, Тоиф шахри

Бурҳон Бухорий

## ВАТАН ТҮЙФУСИ

(насрий шеър)

I

Эй, менинг азиз Ватаним! Мана, яна бир ўғлонинг бағрингга етиб келди. Севинчдан у она бағрига отилган гўдакдай, қучоғингга отилди. Аммо шуниси ажабки, бу фарзандинг кўзи сенинг нурингни эмиб очилмаган, қўллари тупроғингни пайпаслаб эмакламаган, жажжи қадамлари сенда атак-чечак қилмаган, ўлкаси ҳавойингни тортиб нафас олмаган. Аммо у сенинг фарзандинг эди.

Эй, Ватан! Сен, аввало, ўзингда мана шу «Ватан» деган маънони жамлаб, бағримга туйғу бўлиб ўрнашиб олдинг, кейин мисоли осмондаги нурдай вужудимни қопладинг, шу тариқа бадан-баданимга сингиб кетдинг, қонимга қўшилиб, унга ўз муҳрингни босдинг. Шу тариқа сен ўз табиатинг – шаклингни менга ва мен орқали болаларим чехраларига бердинг.

Аммо шуни ҳам айтайки, мен умрим бино бўлиб, сени кўрмагандим, ҳатто, сени нималигингни билмагандим ҳам. Лекин буёгини ҳам айтай, – мен қаерда бўлмай, сен доимо мен билан бирга эдинг. Мана, энди мен бағрингдаман, туғилиб ўсиб кўрмаган Ватаним кучогида, хаёлинг оғушидаман.

Хаёл сураман, тарих қандай қилиб уйғонишини тасаввур қилишга уринаман. Мана, тарих жасадимни бутунлай эгаллаш учун аста-секин уйғониб, қулоч ёзиб, мен билан кўришмоқда. Шунда кўз олдимда Лев Толстойнинг «Уруш ва тинчлик» асари қаҳрамони Наташа пайдо бўлади. Ўша лавҳада Наташа ўзи ўрганмаган ва билмайдиган рақсни ўйнаётгандай бўлади. У нозик қўллари билан худди қадимий ажойиб ритмга қўл силкитиб рақсга тушаётгандай эди. Ахир, Наташа ўзи

олдинлари ўйнамаган рақсни қандай қилиб ижро этяпти, деб сўраб ўтирунган. Аслида, Наташа ўйнаётгани йўқ, балки унинг томирларидаги қон ўйнаётган эди.

Мени қандайдир шавқ чулгаб олган эди, лекин мени ўз домига тортаётган бу шавқнинг нималигини билолмаяпман. Чунки мен бошқа бир Ватанда туғилиб, яшаб келдим, унга меҳр-муҳаббат қўйдим, унинг шавқи устухонимгача сингиб кетди, унга берилдим, дарёларига шўнгигиб, сувларини сипқардим, жим кўчаларидага адашиб, тентираб юрдим. Кипригим билан ўша бегона Ватан адирларини силадим, унинг ҳаёти, алифболарининг ҳамма-ҳамма томонларини ўрганиб чиқдим.

Лекин мен бир нарсани билолмаётибман, дунёда шундай нарсалар ҳам бўлар эканки, инсон ўз-ўзидан тўлғаниб, қўзғалиб ҳам кетар экан. Шунда мени кўрган одамлар қўлини бигиз қилиб менга ишора қилдилар-да: «Қара, яна у аслига, ўзбеклигига тортди», деб шивирлашиди.

Мендаги бу шавқ, севинч умри қанчага чўзиларкин, буни мен билолмайман. Ҳар қалай, ўзим ва болаларим кўринишини ўзида мужассамлаштирган бобом ўз хотира ва шавқларини менга мерос қилиб қолдириб кетган бўлиши эҳтимол.

Мен худди қалдирғочлардай бўлдим. Чунки одатда, қалдирғоч тогу адирлар ошади, уммонлар кезади, бир юртдан иккинчисига бориб қишлияди, лекин унинг болалари дунёга келгач, ҳали кўрмаган боболари инларига тўппа-тўғри учиб келади. Улар худди бу инга минг-минглаб марта учиб келиб, қўниб ўрганиб қолганга ўхшаб кетади. Мен ҳам энди шу қалдирғочлардай боболарим Ватани бўлмиш бу юртни кўмсаб, учиб келгандай бўлдим.

Эй, менинг азиз Ватаним! Шавқнинг ўзи жўнгина бир сўз, холос. У шабнам билан чўмилиб, камалак билан қурийди, раҳону жамбизорлар билан атиранади, миллионлаб булбуллар нағмасини эшитади-да, худди асалари минглаб гуллардан нектар йигиб келгани каби мисоли ажиб бир сирни ўзида жамлайди.

Ахир маъшуқига муштоқ киши учун ёри билан илк бор дийдор кўришув, дастлабки тонг қандай маъно касб этишини билиб бўлармикан?! Ёрга етишиш баҳтига мұяссар бўлсанг-у, ёринг ўзи ухлаб ётган бўлса\*.

Ҳа, кечака кечалигини қиласди. Зотан, муштоқ кишига кечака

биринчи тонгдан олдин жуда ҳам узун кечади, ҳар он, сониялар жуда секин, худди судралаётгандай оҳиста юради.

Мана, мен тепа қаватда тикка туриб, тамшангандай унга термуламан. Лекин мен бу ерларни биринчи бор, шунда ҳам яна қоронгулик оғушидаги күриб турибман, қүёш унинг қайси томонидан чиқишини ҳам билмайман.

Аммо сен, эй, менинг Ватаним, мана қаршимда намоён бўлиб, кўз ўнгимда буюк ва ажойиб, сир-асрорга тўла бўлган мўъжиза сифатида гавдаланиб турибсан.

## II

Эй, менинг азиз Ватаним! Кўча-ю хиёбонларингда кезмоқдаман, теварак-атрофга олазарак боқаман, термуламан, баъзан эса хаёл оғушидаги қаёқларгайдир кетиб қоламан. Яна бир сесканиб оламан-да, кўзларимни катта-катта очаман, қаршимда нима рўпара келса, беихтиёр шунга қарайман, бутун вужудим билан унга бериламан, худди суқим киргандай анграйиб, тикилиб қоламан. Лекин одамлар менга эътибор бермаётгандай туюлади. Бу ҳол мени баъзан қийнаб, баъзан даҳшатга солади. Улар менинг бу ерга келганимни билишмаётгани, юрагимни худди қинидан чиқиб кетаётгандай гуп-гуп ураётганини эшиштмаётгани мени ҳайратга солади! Мен кўча-кўйларда ўткинчи одамларнинг ҳамма-ҳаммаси билан гаплашгим, уларнинг ҳаммасини қучоқлагим, ҳатто ўпид олгим келади. Оёқ остимдаги ерни эса яна ҳам чуқурроқ ҳис қилгим, деворларини силаб кўргим келади. Ростдан мен Ватандаманми? Лекин бу ҳислар мени умуман ҳали истиқтолга эришмаганимиздан енгил койиниш қанчалар ўз домига тортмасин, мен ўзимни тишишга тутинаман, оҳиста-оҳиста қадам ташлаб, яна кезишга бошлайман.

Шунда бир томонлама бўлган севгини эсладим. Бир ёқлама севги қанчалик қийин, лекин ундан ҳам қийини шуки, ҳеч ким ошиқ одамни сезмайди! Ахир, ёри ёнбошида бўлса-ю, у буни пайқамаса! Ахир, у билан кўришмоқ, қучоқлашмоқ шавқи буни қанчалик қийнаётганини билса эди! Мен хаёл дарёсига чўмаман\*.

Секин-аста отамнинг бу ерларда юрганлари кўз олдимда гавдалана бошлайди, кейин унинг руҳи этимга ўрнашиб оладида, мен билан бирга тепамда ҳам, вужудимда ҳам, ўнг-у

сўлимда ҳам, ҳўв ана рўпарамда ҳам кезишга тушади; сўнг севги ранг-баранг товлана бошлайди, у худди дараҳт соясини омонатга – қарзга олиб тургандай ажид манзара яратади.

Кўз олдимда отам эмаклаётгандай, у худди атак-чечак қилиб кетаётгандай, унинг юриши, югуриши, мактабига китобини қўлтиқлаб кетиши, сабза мўйлабини силаши, бураши гавдаланади; ана, гўдак отам, ана ўсмир, йигитлиги ва мусофирикдаги қария. Шу лаҳзада саксон ёшлик отам умри бир лаҳзада кўз олдимдан лип этиб ўтиб кетади.

Энди билаяпман, тарих – бу китобда ўқиётганимиз воқеалар ёки хотираларда эслаб қолинадиган нарса эмас, балки у отамнинг ўзиdir, балки у тарих – ожизлиги, куч-ғайрати, севги-муҳаббати, қайфу-фами ва орзу-тилакларига тўла бўлган инсоннинг ўзи бўлиши мумкин! Мана шундай инсонларнинг ҳаёти жамланиб, тарихий китоблар яратилади.

Мана, энди тушунсан, Ватан муқаддас бир маъно касб этар экан. Шунинг учун юнон ёзувчиси Казантзакс «Исо янгитдан салибга михланмоқда» романида ватанларидан жудо бўлиб, ватангадоликка тушган юнонлар ўзлари қувилган ердан аждодлари хокини оёқ ости бўлишини истамай, уларнинг гўрларини кавлаб, тупроғи ва суякларини қопга солиб, кўтариб юришган ва ўзлари қаерга борса, аждодлари қолдиқларини ҳам ўша ерга элтганлар. Чунки билсак, аждодлар хоку суяги-юнонларнинг руҳи бўлиб қолган экан... Мана шунинг учун бўлса керак, неча йиллардан бўён хорижда яшайдиган бир ҳамشاҳаримиз Ватанин кўмсаганида, ўзида доимо олиб юрган бир сиқим Ватан тупроғини ўпиб қўяр, шу билан кўнглига таскин берар эди. Мана шунинг учун ҳам ўша ватандошим вафот этганида қабрининг бош томонига ўша тупроқни сепиб қўйишни васият қилган эди. Мана шунинг учун ҳам Ҳинд императори бўлган Бобур Ватанидан Ҳинди斯顿га олиб борилган қовунни еб, йиглаб юборган эди. Зоро, буларнинг ҳамма-ҳаммасида Ватан муҳаббати, Ватан меҳри бор. Чунки унинг маъноси илдиз отиб бадан-баданингга, суяк-суягиннга сингиб кетар, доимо ўзини эслатар, қўмсатар, узоқлашсанг йифлатар, кўришганингда шодлатар, кўнгилни жонлантирас, этингдаги қонни юргизар, тилингни равон қиласар, бор-йўқлигиннга гувоҳлик қиласар экан.

Чунки у Ватан, аждод авлодларнинг хоки-туроби: кўзи, боши, қўли, юзи, кафти, эти, боболаринг, боболарингнинг боболари...

Мана шунинг учун ҳам Ҳабашистон биринчи марта мустақилликка эришганда, боболар хоки бегона юртга бориб қолмасин ва у ерларда оёқ ости бўлмасин деб, кемага миниб жўнаб кетаётган ажнабий аскарлари этигидан чегарада лоютупроқларни сидириб олиб қолишган экан. Чунки бу Ватан тупроғи ва унинг ҳақида ўйлаш Ватан туйғусининг натижаси эди.

Ватан мана шундай улуг,  
Ватан мана шундай қутлугдир.

1980 йил, октябрь

*Араб тилидан* **Абдусодик ИРИСОВ** *таржимаси*

---

\* Муаллиф Тошкентта кечаси учиб келганига ишора.

\*\*Бўлажак истиқолни соғиниш, орзу қилиш.

## **Кудратиллохон Ҳакимхон тўра ўғлиниң “Хижрат тарихи”дан лавҳалар (1918–1960-йиллар)**

Муаллиф ҳақида:

Кудратиллохон 1901 йили Андижон вилоятининг ҳозирги Асака туманига қаравали Тоштепа қишлоғида зиёли оиласда туғилган. Отаси Ҳакимхон тўра насаб жиҳатидан Офоқ Хожа авлодидандир. Отаси Кудратиллохонни ёшлигида Андижон шаҳридаги Сомеъ халфа деган нуфузли муллага ўқишга беради.

1917 йили бошланган инқилобдан кейинги бесаранжомлик йилларида «босмачилар» 18–19 ёшли Кудратиллохонни котибликка олиб кетишган. 1920 йили Жўрахон тўра деганинг қизига уйланган. Бир неча йил Шермуҳаммад қўрбоши билан бирга юрган.

Шўро ҳукумати томонидан «босмачилар» тугатилгач, Кудратиллохон ўз қишлоғига қайтиб, ўқитувчилик қилган. Аммо «ЧКчилар томонидан тозалаш бошланганида» 1927 ёки 1928 йили қамоқча олинган, бир йилдан сўнг шартли равища озод қилинган.

Кейинчалик «қулоқлаштириш сиёсати» туфайли Қудратиллохон иккинчи марта қамалган. Тўралардан бўлгани ва «босмачиларга хизмат қилгани» учун судланиб, отувга ҳукм қилинган. Аммо отасининг муридлари қамоқдан қутқазиб, Қошгарга қочириб юборганлар.

Қудратиллохон Қошгарда муаллимлик қилган ва Пахтаобод қишлоғидан (Андижон) бориб қолган Хўжахон ҳожи деганинг Муруватхон исмли қизига уйланган (1933). Бу орада Туркияда ҳам бўлиб, Абдулҳамид Чўлпон билан танишган. Қошгарда Шарқий Туркистоннинг мустақиллиги учун бошланган озодлик ҳаракатларида фаол қатнашган.

1935 йили бир неча оила Афғонистонга кетишган. Аввал Бадаҳшонда, сўнгра Ҳонобод шаҳрида икки йил истиқомат қилишиб, 1937 йили оиласи билан Кобулга кўчган ва Кобул – Қундуз ўртасида тижорат билан шугулланган.

1941 йили Германия СССРга ҳужум қилганда кўзи очиқ бир гурӯҳ ўзбек зиёлилари, жумладан, Қудратиллохон ҳам машҳур Мубашширхон тўра Тарозий бошчилигида СССРга қарши маҳфий ҳаракат Кенгashi тузганлар. Кейинчалик Кенгаш фош бўлиб, унинг фаоллари қамоқقا олинган. Қудратиллохон тўрт йиллик қамоқ муддатини ўтагач, Афғонистондан Покистоннинг Равалпинди шаҳрига кўчиб келган ва ўшлиқ Абдураҳмон ҳожининг тўқимачилик фабрикасида ишлаган.

1954 йили Пешоварга, 1956 йили Бағдодга кўчиб келишади. 1957 йили Иорданиянинг Аммон шаҳрига кетишади. Қудратиллохон шу ерда ором топади ва шерикликка дўкон очиб, савдо қила бошлайди, ўғиллари Неъматиллохон, Ҳидоятиллохон ва Отоуллохонлар ҳам шу ерда ўқишга жойлашадилар, оила ором топади. Ўртанча ўғли Ҳидоятиллохон мактабни битиргач, Измир медицина институтига ўқишига юборади (ҳозир у Жидда шаҳрида хирург).

Бироқ Қудратиллохон бу ерда узоқ яшолмади, жигар хасталиигига учраб 1969 йили Аммонда – мусофириклида 68 ёшида вафот қиласди. Ака-укалар 1970 йили Жидда шаҳрига кўчиб кетадилар. Юқорида айтилганидек, Неъматилло ва Ҳидоятилло оналари Муруватхон ая билан бирга Жиддада истиқомат қиласдилар. Сингиллари Мұҳаррамхонни шу ерда наманганлик Сайфулло дегангага турмушга узатишади.

Қудратиллохон ҳижрати тарихи Қўқон мухторияти мағлубиятидан бошланиб, 1960 йилгача бўшдан кечирган воқеаларни ўз ичига олган. Ёднома ҳужжатли қисса шаклида ёзилган бўлиб, хорижда қолиб кетган кўпчилик ватандошларимизнинг номлари тилга олинган ва муаллиф муҳожирликда бўшдан кечирган аянчли воқеалар баён этилган.

Ушбу қўлёзма-ёднома «Ҳижратдан асар» деб аталиб, олти фасл (боб)дан иборат. Биз асадан қисқартмалар олиб, асосан унинг мавзуга дахлдор қисмларини баён қилмоқдамиз. Баёнда муаллифнинг иншо услубини имкон қадар сақлашга ҳаракат қилдик.

## ҚУДРАТИЛЛОХОН ТЎРА

Бисмиллоҳир раҳмонир роҳийм

Ушбу асар ҳижрат хосиятидан кўз билан кўриб кечирган тунларимдан бир ёдномадир.

### БИРИНЧИ ФАСЛ. ФАРБИЙ ТУРКИСТОН ВА ФАРГОНА ВИЛОЯТИДА БЎЛГОН ВОҚЕАЛАР ТАФСИЛОТИ

Мен Фаргона вилоятидаги Асаканинг Тоштепа деган мавзеида таваллуд топиб, болалик йилларим, тарбиям ва таҳсилим шу ерда ўтган. Аввал Андижонда, сўнгра Хўқандда мадрасада эканимда Мухторият ҳукумати тузилиб (1918 й.), ҳар бир шаҳарда инқилоб бўлишга турди. Хўқанд мухторияти иш бошлади.

Мужоҳид фидойиларимиздан бўлмиш—Хўқанднинг Бачқир қасабасиндан Катта Эргаш ва Кичик Эргаш деганлар чиқиб, бу янги ҳукуматнинг фойдасига қуроллари билан яхшигина файрат кўрсатдилар.

Орадан тўрт-беш ой ўтгандан сўнг Тошкент тарафидан бир миқдор рус коммунистлари Хўқанд шаҳрига келиб, марҳум Худоёрхоннинг қалъасида бўлмиш оқ рус аскарларига кўшилдилар ва уларга: «Биз ва сизлар бир рус миллатиданмиз, мусулмонларга ҳаргиз таслим бўлмаймиз», деб янги Мухторият ҳукуматига муҳораба эълон қилдилар. Тахминан икки ойча муҳораба давом этди. Кўп қурбонлар бўлди.

Афсус, мусулмонлар ўртасидаги ноиттифоқлик ва руслар қўлида янги ўқ отар қуроллар кўплиги сабаб бўлиб, янги Мухторият аскарлари мағлубиятга дучор бўлди, ҳукумат аъзолари ҳар тарафга ўзини олдилар. Маълум фурсат ўтгач, Кичик Эргаш файрат қилиб, эски шаҳарга иккинчи марта ҳужум қилди. Бахтга қарши кўп баҳодир мужоҳидларимиз шаҳид бўлди. Бу мусибатга чидай олмаган Катта Эргаш 150 та йигити билан Хўқанддан Шаҳрихонга келиб, ундан юриб Булоқбоши орқали Ўшга келди ва мужоҳидларимиз Холхўжа Эшон, Охунжон, Қобил қўрбоши деганларни бирлаштириб, 500 нафар аскар тўплади.

Бу мужоҳидларимиз такроран Хўқандга ҳужум бошладилар. Бу орада барча шаҳарлардан халқлар розилиги билан қўрбошилар сайланди. Марғилондан Муҳаммад Аминбек, Андижондан Маҳкам ҳожи, Намангандан Омон полвон, Тошлиқдан Шермуҳаммадбек ва Нурмуҳаммадбек, Ўшдан Холхўжа эшон, Асакадан Аҳмад полвон ва ҳоказо — Фарғона вилоятининг ҳар бир шаҳридан ўшандай фидойи мужоҳидларимиз бош кўтардилар. Улар 1919 йил бошидан 1923 йилгacha озодлик жангларини давом эттиридилар. Мужоҳидларимиз (Аллоҳ раҳмат қиласиң) дин, миллат, Ватан учун фидокорона курашиб ўтдилар, коммунистларга қарши кураш майдонида событқадамлик билан турдилар ва душманни саросимага солдилар — улар бошидан аклини кеткиздилар, гоҳо ғалаба ҳам қозондилар. Улуғ Туркистоннинг истиқололи деярли қўлга олинган ҳам эди, аммо...

Нима сабабдан бўлса бўлсин, аммо марҳум мужоҳидларимиз мағлубиятга дучор бўлишиб, Туркистоннинг катта вилояtlаридан бўлган гўзал Фарғонамиз малъун ва мардуд қизил коммунистлар қучогига тушиб қолди. Бундай кунларни кўриш бечора мазлум Туркистон мусулмонларига гўё жаҳаннам бўлди.

Ҳар бир асрда Аллоҳ таоло бандаларига шарафли улуғ кунлар ва улуғ неъматларни насиб қиласар экан. Аммо қобилияти бор мунаvvар табақалар, тажрибакор кишилар вақтни бекор ўтказиб, қўлга келган неъматни бепарволик билан барбод бўлишига сабаб бўлганлар. Ҳокимиятлик билан маҳкумиятликнинг фарқига борган зотлар «албатта бу иш вақти соати билан вужудга чиқадур» деган бир хомхаёл билан азиз Ватанни рус коммунистлари қўлига тушиб кетмогига сабаб бўлдилар.

1924 йилдан бошлаб бечора мазлум ва маъсум туркистонликлар бошига анвои зулмларни, инсон қўрмаган азобларни солдилар. Қани энди бу золим, қонхўр коммунистлар қаршиисига бирон киши чиқиб, майдонда туриб, ўқ отса! Бечора муҳоҳидларимиз ҳайрон бўлишиб, атрофларга кетишга мажбур бўлдилар. Қўлга тушганлари эса йўқ қилинди.

Бир куни мени сиёсий идора ходими Асакага чақириб: «Сиз ва акангиз Иноятиллохон лашкарбоши Аҳмад полвонга фатво берган кишилардан экансизлар. Унинг сизда эллик дона яширган қуроли бор экан. 24 соат ичинда бизга топширинг, йўқса оғир жазолар берилур», – деб дўқ урди ва қишлоқдан чиқмасликка тилхат олди. Мен иложсиз эдим. Хорижга кетмоқдан бошқа чорам йўқдир, деб Қошғар томонга кетишга жазм қилдим.

Шундай ширин чашмалари, дарёлари, асалдан ширин мевалари бор, мени кўкрагида тарбият қилган жондан азиз Ватанимни ташлаб чиқмоқ навбати охир мен бетоле, бебахтга ҳам етиб келди – мажбур бўлдим. Асака шаҳридан маҳфий чиқиб, бир кечада Андижонга келдим. Шаҳарнинг «Эскилиқ» маҳалласидаги Абдулвосит бойвачча деган диёнатли, дили соғ танишимниги қўниб, бир неча кун жон сақладим. Дўстимнинг онаси Ҳалима ача кўп ақлли аёл эди, менга: «Замон экан, гоҳ мундоғ бўлиб, паришонликка дучор бўлур экан. Иншооллоҳ, яхши бўлиб кетур. Бу кўрган кунларимиз соатига Аллоҳ таоло ажри азим ато қилфай. Бу кулфат, ғам ҳаммага баробар келди. Сиз улуғ кишиларнинг фарзандларидансиз, сабрдан бошқа чора йўқ», – деб кўзидан ёш тўкиб, насиҳат қилур эди.

Икки кун ўтгач, кечқурун дарвоза тақиллади. Ҳалима ачам «ўғлим келди», – деб ўйлаб дарвозани очса бир ёт йигит: «Асакадан бирор келиб, Қудратиллохон тўрамни қидириб юришибди, айтиб қўйинг, эҳтиёт бўлсинлар», – деб огоҳлантиргани келган экан. Ўша кунлари бирон қадрдонникида бир кундан зиёда туриш хавфли эди.

Шу кеч шом намозини адо қилибөқ, Ҳалима ачам ва ўғли Абдулвоҳиддан ижозат олиб, Андижон шаҳрининг «Чўқроқ» маҳалласида истиқомат қилувчи Муҳаммад Насриддин Саркор хонадонига келдим (саркор волидамизга хеш бўлар эди). Насриддин Саркор ҳам ҳижратга чиқиб кетишни маслаҳат берди. Ўша соатдаёқ бу ҳақда Асакага – уйга хабар қилдим.

Шуни таъкидлаб ўтишим зарурки, 1925 йили Фарғона вилоятининг Андижон, Марғилон, Хўқанд, Шаҳрихон, Асака шаҳарларидан таҳминан 150 нафарга яқин мунаввар табақалардан катта бир маҳфий ташкилот таъсис этилган эди. Раҳбарлари андижонлик марҳум Убайдуллоҳон ҳожи саҳроф, Убайдулла хўжа, Усмонжон Саркор ва Орифбеклар эди. Асакадан Сайид Аъзамхон тўра, Амин Асомий ва Амин Соҳибийлар 1930 йилга қадар Ватан озодлиги йўлида яхшигина хизмат қилдилар. (Баъзилари эса қўлга олиниб, Сибирга сургун қилинди.) Мен ҳам ўша ташкилот кишиларидан эдим, кетмасам қамалишим муқаррар эди.

Яна бир қадрдоним Мухаммаджон ака менга бир Қошғар чакмони ва телпаги кийгизиб, кўзда ёш билан Қошғарга кузатиб қўйди. Ўш орқали Модига, ундан Фулчага бордик. Бу ерда эски қадрдонлардан Иброҳимжон ҳожи ака ва Мирзакарим ака билан топишдик ва бир кун тунаб, Сўфиқўрғон йўлига тушдик. Йўлда яна бир кун тунаб, эртасига чошгоҳда Сўфиға кириб бордик. Бу ерда шўро одамлари бир гуруҳ фарғоналикларнинг моллари-ю пулларини тафтиш қилаётганлари устига биз бориб қолибмиз, бизларнинг ҳам боримизни ва пулларимизни олишди, ўзимизни қўйиб юбордилар.

Шу куни машҳур Терак Довон қўрғонига келиб тушдик. Йўл мashaққати, хавф-хатар, озиқ-овқат танглиги тинкамизни куритган эди. Бир амаллаб нон-чой тановул қилиб, хуфтон намозидан сўнг яна йўлга тушдик. Тизза бўйи қор кечиб, тунда Кафку деган мавзега келдик. Бу ёғига йўл бошловчи ёлламасак бўлмас экан. Ўн икки нафар бўлиб йўл бошловчи қирғиз билан гаплашиб, қор кечиб юришда давом этдик. Рус чегарачи аскарларига чап бериб, Кўксувга кирмасдан тоғ тепасига қараб юрдик ва «Икки кизак» деган довон орқали ўтиб, яна асосий йўлга тушиб олдик.

Туни билан юриб, нонуштада ҳам тўхтамай, чошгоҳ бўлгандага тоғ тепасидан тушаётган эдик, қирғиз йўлбошчимиз «қимиirlамай ерга ётинглар» деди. Мен ва ҳамроҳим Кўчкорхон ҳаммадан орқада эдик, ётдик. Дупурлаган от туёгининг овози эшитилди, рус чегарачилари экан. Йўлбошчимизни ушлаб олиб, калтаклай кетишли. Калтак азобига чидаёлмай писиб ётган одамларни кўрсатиб берди. Барчасини тутиб Кўксув аскархонасига олиб кетдилар. Ўша соатда қор ёғаётган эди,

Аллоҳ таолонинг илтифоти ва раҳмати билан бир-иккимизни қор тагида кўрмадилар. Бир катта тош панасида беркиниб ётдик. Тепамизга бир метрча қор ёғди. Чегарачи аскарлар бир вақт итларини олиб келишди. Биз – икки киши қор остида нафас чиқармай ётибмиз. Бешта отлиқ аскар уч марта тепамизга келиб қараб турди, итлар бошимизга, оёғимизга келиб ҳидлади, аммо билолмадилар. Шу заҳоти Кўксув аскархонасидан урилган занг овози эшитилди. Шундан сўнг аскарлар итларини олиб жўнаб қолдилар. Омон қолганимиз учун Аллоҳ таолога бандалик шукрини қилиб, бироз ором олдик.

Эрта саҳар йўлга тушдик, аммо йўл йўқ – ҳаммаёқ қалин қор. Олдимизда катта тоғ, ёнидан бир дарё ўтган. Биронта жонзотдан нишона йўқ. Бир халтада озроқ кулча ва шакарли толқон қолган холос. Қайси томонга юрсак нажот бўлади, билмаймиз?! Озроқдан нон едик-да, кетидан қор чайнадик ва намоздан сўнг Яратганга таваккал қилиб тоғ тепасига қараб юрдик. Уч чақиримча юрган эдик, қор кўкракка чиқди, юрмоқнинг иложи йўқ. Вақт эса намози асрга етди, кулчаларимиз тугади. Илгариги аҳдимиздан қайтиб, кун юриш томонга – катта дарёниң оқимига қараб юришга қарор қилдик: ўшанда Кўксув қоровулхонасига борсак, тоғларда совуқдан ва очликдан ўлгандан кўра рус коммунистлари қўлига тушсак, ҳар ҳолда тирик қолармиз, деб фикр қилдик-да, йўлни ўзгартирдик.

Ўн қадам босиб нима бўлди-ю, орқага қарадим. Узоқдан бир от ва икки нафар пиёда одамнинг қораси кўринди. Тўхтаб турдик. Аср вақтида кўринган одамлар шом вақтида олдимизга етиб келишди. Чорва савдогарлари экан. Уларга очлигимизни айтиб, пулга нон сўрадик. Ёши каттароғи:

– Овқатланиб ўлтирмай, тезроқ юринглар – рус қоровулларининг айланиб келиш вақти яқинлашмоқда. Кетимиздан юрсанглар, уч соатда довон тагига етасизлар. Тоғ тепасига шўро байробги тикилган, у ёғи Қошғар ҳудуди. Ярим тунгача тоғдан ўтиб олсанглар, марра сизларники, йўқса... – деди-да жўнаб кетишли.

Биз, ҳамроҳим Кўчқорхон билан ҳайрон бўлиб, бир сония тўхтаб қолдик. Корин оч, ниҳоятда чарчаганмиз, вақт эса тобора хавфли дамларга яқинлашмоқда. Саросимага тушиб, ўшалар кетидан тоғ томон йўлга тушдик. Кўрқинчда шундай суръат билан юрдикки, ярим кечагача босадиган йўлни қеч соат

ўнларгача босиб ўтдик. Чегарадан эсон-омон ўтиб олдик ва Қошғарга тобе ерларга оёқ босдик. Аллоҳ таолога шукрлар келтириб йиғладик.

## И К К И Н Ч И Ф А С Л . ШАРҚИЙ ТУРКИСТОНДАГИ ВОҚЕАЛАР БАЁНИ

Ўшанды 1932 йил февраль ойининг қайси бир куни эди, ёдимда йўқ, Фарбий Туркистон билан Шарқий Туркистон чегараси бўлган Симхонага келдик ва бир кун дам олдик. Бу ерда Андижоннинг Қошғар қишлоғидан бўлмиш (ҳозирги Пахтаобод туманининг Уйғур қишлоғи – С.Ж.) Ҳайиткул дегани учратиб қолдим. У Қўқон мухторияти вақтида Исройл қўрбошининг ёнидаги энг ишончли, баҳодир йигитларидан эди. Эртасига у билан бирга Қошғар томон йўлга тушдик.

Учинчи куни Қошғар шаҳрининг Кум дарвозасига тушдик. Асакалик Мулла Қодирохун деган мадрасада бирга таҳсил кўрган дўстим шу ерда бўлиши керак эди. Илтимос билан одам юбориб, у кишини топтириб келдим, кучоқлашиб кўришдик, кўз ёши қилдик. Бироз ҳасратлашгач, бирга Қошғар шаҳрига кирдик. Шаҳарнинг ийдоҳ масжидида андижонлик олимларимиздан машхур Сайид Муҳиддин маҳдум ва яна бошқа улуғ зотлар бор эканлар – уларни зиёрат қилдим. Фарғоналик бошқа ватандошларимиз билан ҳам кўришдик. Сўнгра акам Иноятиллохонга мактуб ёздим. (У киши мендан илгари ҳижратга чиқиб, Қошғардан бир кунлик йўл – «Султони Акам» деган қишлоқда эканлар. Эртасига икки киши келиб, мени шу қишлоққа олиб кетдилар.)

Ўша кезлари Қошғар нотинч экан. Шаҳарга қайтмасдан ушбу қишлоқда олти ойча турдик. Марҳум қиблагоҳимиз, умуман боболаримиз, Шарқий Туркистон миллатига қилган маънавий-маърифий хизматлари туфайли биз ака-укаларга мусофирилигимизни билдиришмай, кўп вафодорлик қилдилар – моддий таъминотда камлик кўрмадик. Ақамнинг розилиги ва маслаҳати билан пиrimиз Офоқ хўжа ҳазратларининг мозорларига бориб, Заҳириддин Шайх хонасида икки кеча ётдим ва хатми Қуръон қилдим. Сўнг Қошғарга жўнадим. Шаҳарнинг машхур олимларидан Собит маҳдум сұхбатларига мушарраф бўлдим. Фарғона олимларидан ҳожи Абдулкарим Охун Андижоний, Муҳаммад Карим қози Ўший ва бошқа

кatta-кичик аҳли илмлар ва тожирлар билан суҳбатлар қуриб бир ҳафта Қошғарда туриб қолдим.

Мана, Фарғонадан ҳижрат қилиб чиққанимизга ҳам беш ой вақт ўтди. Бу фурсатда уйғур мужоҳидлардан машҳури Темур Сижонак, Али Ҳожим деганлар аскар тўплаб, Ўримчидан чиқиб Кучор ва Оқсув шаҳарларини чинийлардан тортиб олганлиги маълум бўлди. Ҳалқ бундан хурсандлик изҳор қилишарди. Афсуски, бу озодлик бир йилга ҳам етмасдан қўлдан кетди. Шаҳарлар чинийлар тасарруфига ўтиб кетди.

Қошғар Шарқий Туркистоннинг жаннатмисол гўзал тарихий, илмий ва тижорат шаҳри эди. Фарбий Туркистоннинг Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Ҳўжанд, Қўқон, Андижон, Марғилон, Наманган, Ўш ва бошқа шаҳарларидан келган аламзада ва ситамдида мазлум ва мазлумалардан тақрибан 15 минг хонадонни Қошғар ўз бағрига олган эди. Бу икки Туркистон ҳалқи қадим ул-айёмдан буён хафалиги-ю хурсандлиги жиҳатидан бир-бирларига хеш ва пеш эдилар. Фарғона вилояти ҳалқига шўро тузумидан етган мусибат ва кулфат гўё Шарқий Туркистон миллатига ҳам етгандек эди.

Қўқон хони Муҳаммад Алихон даврида Шарқий Туркистонликлар чинийлар зулмига қарши курашга ёрдам сўраб мурожаат қилганида ҳам фарғоналиклар ёрдам аскари юборган эди. (Бу ҳаракатлар 1827–28-йилларда юз берган – С.Ж.). Жаҳонгирхон тўрам бошлиқ Фарғонадан келган ёрдамчи аскарлар уч йилгача чинийларга қарши курашиб, Шарқий Туркистоннинг Ёркентдан Оқсувгacha бўлган қисмини озод қилдилар. Учинчи йилги жангда Муҳаммад Алихон қўшинлари шикаст топиб Жаҳонгирхон тўрам асир олинади ва қўшинлари чекиниб, Қўқонга қайтиб кетадилар. Ўшанда минглаб уйғур оиласлари Фарғона водийсига кўчиб ўтишган.

Шарқий Туркистон шаҳарлари қайтадан чинийлар қўлига ўтиб кетгач, 1933 йил ўрталарида биз Ҳўжа Ниёз Ҳожим ва Собит Абдулбоқий домла бошлиқ Қошғарни ташлаб чиқдик. Ҳўжа Ниёз Ҳожим менга 300 аскар бериб Тошқўргонга бориб назорат қилиб турмогимга фармон берди. (Ҳўжа Ниёз Ҳожим Шарқий Туркистоннинг бир қисми озод қилинганда вақтинча «Раиси жумхур» лавозимига тайинланган эди.) Тошқўргон Русия, Ҳиндистон ва Афғонистон чегаралари туташган нуқта бўлиб, ниҳоятда хавфли ва нозик жой эди. Тошқўргонда 30

минг хонадон бўлиб, одамлари исмоилия таълимотига берилган, бирон-бир ҳадя, эҳсон эвазига инглизгами, рус ёки афғонгами жосуслик қилишлари мумкин экан.

Тошқўрғонга бориб, одамларга қишилик чопон, маҳси, этик, отларига тақа бериб маҳаллийларнинг Булбул Эшон исмли пирини ҳузуримга таклиф қилдим, кўп сұхбатлашдик. (Қўлёзманинг бир неча саҳифаси Шарқий Туркистондаги озодлик ҳаракатининг мағлубияти сабабларига, айrim хоинларнинг кирдикорларини фош этишга бағишлиланган).

Кўп мужоҳидларимиз Чин ҳукумати ташвиқи ва ёлғон ваъдаларига ишониб, таслим бўлдилар. Аммо мен бу ваъдаларга ишонмадим. 1934 йил бошида Қошгардаги Чин ҳукумати вакилидан менга мактуб келди. Унда: «Ҳамма мужоҳидлар биз билан ошно бўлдилар. Сиз ҳам шаҳарга киринг», деб ёзилган эди. Мен Қўқон мухторияти ағдарилишида қизилларнинг ишлатган алдамчилик ваъдаларини билганлигим ва бу хусусда тажрибам борлигидан ҳатто, ишонмадим ва бош уриб бормадим.

Ниҳоят, чинийлар тепамизга ҳужум қилиб келдилар. Жангларда кучларимиз баробар эмас эди, қурбонлар бериб, Тошқўрғондан чекинишга мажбур бўлдик ва Афғонистон чегарачиларига илтимос қилиб, эсон-омон чегарадан ўтиб олдик. Аммо кўп қийналдик, икки кун овқат емадик. Отларимиз ҳам оч эди. Икки-уч кунда 150 та отимиз очлиқдан ўлиб, пиёда қолдик. Қаҳратон қиши, қор бўрон аралаш ниҳоятда кўп ёққан эди, емакка эса овқат йўқ. Шу аҳволда пиёдалаб, Бадахшон томонга юрдик. Бу орада Русия чегара бошлиқлари афғон ҳукуматидан «нега фарғоналик инқилобчиларни чегарадан ўтказдинглар»—деб «допрос» қилишга тушдилар. Қарамоғимда жами 35 нафар аскар ва Фарғонадан ҳижрат қилиб чиқсан ва шаҳид кетган мужоҳидларимизнинг оналари, хотинлари ва фарзандлари — юз нафар киши билан 18 кун деганда Помирдан Бадахшонга эсон-омон етиб келдик.

## .У ЧИНЧИ ФАСЛ . АФГОНИСТОНДАГИ КЎРГАН ВОҚЕАЛАР БАЁНИ

Бадахшонда қўлнимиздаги бор қуролларни топширдик. Ҳаммаси бўлиб мен билан 120 нафар одам келган эди. Бир ҳафтадан сўнг барчамизни Хонобод шаҳрига йўллаб қўйдилар.

Бу ерда Шермуҳаммадхон ва Мұхаммад Олимхон исмли аскарлар бошлиғи ва нойби ҳоким билан танишиб, мұлоқотда бўлдим. Шермуҳаммадхон илгари тижорат ишлари билан Фарғона вилоятига бир неча марта келган экан. Шу сабабли бу томондан келган меҳмонларга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатар экан. Бизларга уй-жой ва зироат учун ер ажратиб берди. Шермуҳаммадхон (Аллоҳ раҳмат қилсин) кўп мусофирипарвар инсон эди.

Бир гал мени Мозори Шарифга юбордилар. Мен бу шаҳарнинг каттаси Гулмуҳаммадхон хузурида бўлдим. У киши мендан Шарқий Туркистонда рўй берган воқеалардан сўради ва мен у ердаги озодлик ҳаракати, оқибатда унинг мағлубиятга учрагани ҳақида маълумот бердим. Гулмуҳаммадхон Мозори Шарифда қолишимни таклиф қилди ва бекам-кўст, осуда ҳаёт кечирмоғимни таъминлашга ваъда берди. Аммо мен Шарқий Туркистондан умидим борлигини изҳор қилдим ва агар ижозат берсалар ижодий иш билан шуғулланиб, вақтинча мусофири бўлиб яшасам, шояд, Қошғар томондан хушхабар келиб қолса, дедим.

У жаноб ўйланиб туриб, бу фикримга қўшилди ва пойтахт Кобулга хорижий ишлар вазири Файз Мұхаммадхон хузурига бориб, рухсат олиб келмоғимни маслаҳат берди. Аммо Ҳонободга қайтиб келиб, ноиб ул-ҳукума билан маслаҳатлашганимда, у киши ҳозирги вазиятда Кобулга бормаслигимни маслаҳат берди. Чунки деди у, – ҳозир вақт нозик, янги рус ҳукумати билан Афғонистон ўртасида иттифоққа келишилган. Бинобарин, менга Шарқий Туркистонга яна боришим учун мадад кучи берилмаса керак, деди. Агар хоҳласам, Қундуздами ёки шу ердами қолишим учун шароит яратиб беришга сўз берди.

Шу маслаҳатдан сўнг мақсадларимни тарқ этишга мажбур бўлдим ва холис бир саёҳат қилиб келиш учун тошкентлик дўстим Яхё қори билан бирга Кобулга жўнадик. Билдикки, бу шаҳарда ҳижратга чиқиб, мусофириликда ҳаёт кечираётган юз нафар оиласи ва ёлғизликда турмуш кечираётган ҳамюртларимиз бор экан. Улардан маълум ва машҳурлари – қўқонлик Тўра домлани, авлиёоталик Мубашширхон тўрамни, тошкентлик муфтий Садриддин домлани, бухоролик Ҳошим Шойиқ афандини, шунингдек, элга машҳур бўлган мужоҳидлардан ака-ука Шермуҳаммадбек ва Нурмуҳаммадбекларни зиёрат қилдик.

Икки кундан сўнг таваккал қилиб, вазири хорижа Файз Муҳаммадхон жаноблари зиёратига кирдим. У жанобнинг ходимлари Сардор Муҳаммад Наимхон билан биргаликда уччовимиз икки соат чамаси суҳбатда бўлдик. Бу жаноблар Шарқий Туркистон истиқолини йўқ бўлганига кўп афсуслик билдирилар. Суҳбат охирида вазир жаноблари бу тупроққа келишимнинг асл мақсадини сўрадилар. Мен Шарқий Туркистон истиқолидан ҳамон умидвор эканимни, бироқ жангларда чинийлар қўли баланд келса ҳам Тошқўронда муҳоҳидларимиз ҳамон курашаётганлари ҳақида, бизлар Афғонистонга бироз нафасни ростлаб олмоқ учун келганимизни айтдим. Маълум бўлдики, рус коммунистлари афғон чегарачилари га бизнинг тўғримизда тазииклар билдирибди. Шу сабаб қуролларимизни ҳам Бадахшонга ташлаб келган эдик. Агар Афғонистон томонидан ёрдам бўлса, бажонидил қабул қилишимизни айтдим. Рус коммунистлари эса, умуман, олами исломга душманлиги аёндир. Нима қилмоқ керак?

Вазир жаноблари бу гапларимни ва мулоҳазаларимни эшитар экан, ўйланиб қолдилар ва ёрдам беришнинг иложи йўқлигига ишора қилдилар. Барча одамларимиз билан Қандаҳорга бориб туришимизни маслаҳат бердилар ва ҳаммани уй-жой билан таъминлашга ва зироат учун 500 жаривер ажратиб беришга ваъда қилдилар.

Мен вазир жанобларининг олийҳимматлик билан изҳор қилган ваъдалари учун миннатдорчилик билдириб, бизларнинг мақсадимиз тинч-осуда ҳаёт кечириш эмаслигини, диний ва миллий дардларимиз борлигини изҳор қилдим. Қолаверса, одамларимиз зироат ишларига моҳир ҳам эмаслар. Вазир жаноблари сўзларимни диққат билан тинглаб шундай дедилар: «Мавлоно Сайид Қудратиллохон, бу хусусда такроран фикрлашурмиз. Мен давлат иши билан Берлин ва Токио сафарига отланмоқдаман, келгунимча Кобулда бўлиб турсинлар».

Вазир жанобларининг чет эл сафари олти ойга чўзилиб кетди. Кунлардан бир кун Кобул шаҳрининг шайхул исломи Соҳиб Шурбозор лақабли ҳазратнинг зиёратларига бордим. Бу зот Шарқий Туркистонга истиқлол насиб бўлганидан фоятда мамнун эканлар. Мендан маҳаллий миллат такроран чинийлар қўлига тушиб қолганини эшитиб, кўп афсусландилар.

Шунингдек, афғон ҳукумати ҳоло бизларга ёрдам беролмаслигига таассуф билдирилар. Ваҳоланки, – дедилар, – бир исломий миллат иккинчи бир исломий миллатга ёрдам кўлини чўзмоғи вожиб эди.

Сўнгра 20-йиллари Пешоварда инглизларга қарши урушда мағлуб бўлиб, амир Амонуллохон ҳузурида истиқоматда бўлган Сайфурраҳмон исмли соҳибнинг зиёратига бордим. Бу зот Кавказдаги мужоҳидлар билан биргаликда саккиз ой қизил армияга қарши курашган, Амонуллохоннинг ғалабага эришувига ҳам ёрдам берган эканлар. У киши ҳозир салкам юз ёшда эканлар, кўп файратли мужоҳид экани сезилиб турар эди.

Чекиниш бўлса ҳам айтайн, Покистон истиқлолга эришгач, 1949 йили оиласи билан Кобулдан кўчиб, Пешоварга борганимда, у киши шу ерда эканлар яна кўришдик, ўшанда 112 ёшда эканлар. Мени кўп сийлаб ҳурмат қилдилар.

Мен Кобул шаҳрида икки йил истиқомат қилдим. Бу орада кўп кишилар билан учрашдим, сухбатларида бўлдим. Бир куни жizzахлик марҳум муфтий Садриддин афанди хизматида турган Маҳмуд Ойқорли деган турк йигити билан учрашиб қолдим. Бу—1934 йил эди. Ўшанда Япониядан бир меҳмон келган экан. Садриддин афанди ва бу йигит билан меҳмон иштирокида бўлган бир сухбатимизда шундай фикр билдирилар: яқин истиқболда СССР тепасига Шарқдан Япония, Фардан Олмония ҳужум бошлайдур ва коммунистларни дунёдан йўқотадур. Шу фурсатгача Фарбий ва Шарқий Туркистон халқлари қўлни-қўлга бериб, иттиходлик риштасини маҳкам тутиб туришлари лозимдир.

Бу учрашувлардан уч-тўрт ой муддат ўтгач, Шарқий Туркистондан ҳаммаслагим Салтанатбек Бахтиёрбекдан менга «яқин ўртада собиқ Бухоро раиси жумхури Усмонхон билан бирга борурбиз», деган мазмунда хат келди. (Салтанатбек турк ёзувчиси бўлиб, Шарқий Туркистондаги озодлик ҳаракатларида Кудратиллохон билан бирга бўлган—С.Ж.).

Бироз фурсатдан сўнг улар Туркиядан Эрон — Ҳирот орқали Кобулга келишди. Кобулда катта бир машварат қилмоғимиз лозимлигини айтиб, Афғонистон вилоятларидағи туркистонлик муҳожирлар вакилларини таклиф қилишни тавсия бердилар. Биз мактублар ёзиб, Андхўйдан каркилик Жумабек Туркман, тошкентлик Минҳож афанди, Мозори Шарифдан Муҳиддин

тўрам, Авлиё хўжам, Собиржон қори, Муҳаммад Али кўрбоши, Худойберди қўрбошиларни Кобулга таклиф қилдик. Шунингдек, самарқандлик мужоҳидлардан Ҳамроқулбек, бухоролик Ҳошим Шойиқ афанди, фаргоналиклардан камина ҳамда Шермуҳаммадбек ва Нурмуҳаммадбек – ҳаммаси бўлиб 14 нафар киши машваратга тўпландик. (Йигилишда кўрилган масалалар мұҳокамаси ва тафсилоти тушириб қолдирилди – С.Ж.).

Умумий қарор шу бўлдики, миллат, Ватан йўлида барчамиз бирлашмоғимиз лозим. Мен Кобулдаги биттагина дўконимни сотиб, оилас билан Каттагон шаҳрига кўчиб кетдим ва бу ердаги ватандошлиларим ўртасида яхши ниятлар билан ташвиқот ишлари бошладим. Бир ойдан сўнг Толқон шаҳрига ўтдим ва асакалик ота қадрдон дўстларимдан Абдулқодир Охунд деганни излаб топдим. (Унинг отаси марҳум қиблагоҳим билан Шарқий Туркистонда Ёқуббек бадавлат замонасида бирга бўлган қадрдон эди.) Унинг хонадонида бир ой туриб, Дарбоз, Кўлоб, Қоратегинлик мужоҳид ва таниқли олимлар билан мулоқотда бўлдим. Эски танишларим – рус коммунистларига қарши бирга курашганларим Зиёвуддин Маҳдум (у киши қизилларга қарши урушиб майдонда шаҳид бўлмоқни орзу қилас эди), Дарбоздан бўлмиш Жалол Маҳдум, Бўронбой Мавлавий ва бошқалар билан учрашдим, кўп масалаларда ўзаро фикрлашдик. Собиқ Аҳмад Полвон лашкарбошининг яқин қариндоши, яхшигина мужоҳид Муҳаммад Алибойни ҳам излаб топдим.

Толқондан Бадахшонга ўтдим ва асли андижонлик қадрдоним Йўлдош қориникига тушдим. Ўз даврининг машҳур олимларидан домла Бузрук Охунд, Муҳаммад Усмон домла, Абдулҳаким Охундлар зиёратида бўлдим, шаҳар катталари билан ҳам учрашдим. Бадахшоннинг ҳарбий бошлиғи Бургут Соҳиб Абдулвоҳидхонникида меҳмонда бўлдим. Уларнинг баркаси умумий мақсадимиз йўлида ёрдамга тайёр эканликларини билдирилар. Қамчибек деган бир қирғиз қадрдон дўстимни Помирга жўнатган эдим, 15 кун деганда ўзига қарашли қирғиз фидойиларини ҳузуримга бошлаб келди. Маълум бўлдики, Катта Помир ва Кичик Помирда Фарбий Туркистон ўлкасидан чиққан мужоҳидлардан тахминан 350 хонадон бўлиб, улар ихтиёрида 300 тача милтиқ бор экан.

Буларни аниқлаб ва атроф туманларга хатлар юбориб турган эдим, Шермуҳаммадбек Кобулдаги марғилонлик калон-

зодалардан Авлиёхон махдум деганин хат билан Бадаҳшонга юборгани ҳақида хабар бўлди. Шермуҳаммадбек ҳам Помирдаги кучларга умиди борлигини ёзибдилар. Авлиёхон махдум ҳузуримда бир неча кун меҳмон бўлдилар. Тахминан уч ой ўтгач, Кобулдан Маҳмуд Ойқорлидан менинг номимга бир хат келди. Хатда ёзилишича, Султонбек ва Усмонбек афанди деган кишиларимиз (булар Туркиядан келганлар – С.Ж.) мен Бадаҳшонга кетганимдан сўнг тушган мақсадли ҳадя пуллардан ҳар бири 50 минг рупийдан ўмариб, Кобулдан Пешоварга чиқиб кетибдилар. Ойқорли хатидаги ушбу жумлалар диққатимни жалб қилди: «Бу пуллар аслида Японияга таҳсил учун борадиган туркистонлик болалар эҳтиёжи учун бўлса, иккинчидан, сизга ўхшаб тоғлар ичида Ватан деб яхши ният билан оғир ва хатарли ишларда бўлган мужоҳидларимизга тайин қилинган эди».

Бу мактубни ўқиб, кўп мутаассир бўлдим, бундоқ ёмон иш-сотқинлик дунёда бўлмас. Аҳволи руҳиятим бузилиб, оилас билан Бадаҳшондан Каттагон шаҳрига келдим. Бу орада Афғонистон ҳукумати идоралари, мени Ватан йўлида қилаётган саъй-ҳаракатларим ҳақида сўроққа тутган кунлар ҳам бўлди. Мужоҳидларимизнинг иқтисодий аҳволида паришонлик бошланди ва мен яна савдо дўкони очишга жазм қилдим.

Бир гал Афғонистоннинг иқтисодий ишлар вазири жаноби Абдулмажидхон Хонобод шаҳрига ташриф буюрдилар. Ушбу шаҳарда истиқомат қилувчи иккі юзга яқин фаргоналик муҳожирларни жам этиб, пахта, пилла, лавлаги каби маҳсулотлар етишириш учун Каттагон вилоятига кўчиб ўтмоқларини бизлардан рижо этдилар. Бу ишларни ташкил қилиш учун тўрт кишини, жумладан, мени ҳам, масъул қилиб тайин этдилар. Боғлонда шакар фабрикаси куриладиган бўлди. Шу муносабат билан 500 хонадон дехқон Боғлонга кўчирилди. Пахта етишириш учун асосан фаргоналиклар жалб этилди. Иқтисодиёт вазири Қундуздаги фабрикани пахтани қайта ишлашга мослаштириш учун каминани фабрика бошлиқларига кўшиб қўйдилар.

Қундуз шаҳрида шу ишларга 200 та муҳожирни жалб этиб, 5 йил ишладим. Бечора Фаргона вилоятидан ҳижратга чиққан ҳамюртларимиз шу ислом мамлакати деб қалбан садоқат билан ишладидар. Ўн йил ичида мусоғир юртдошларимиз Афғонистон иқтисодиётига миллионлаб фойда келтирди. Шу жабҳада авжи

ишлаб юрган йиллар эди, Иккинчи жаҳон уруши бошланди. Тез орада Олмония шўрота қарши уруш очди. Шу муносабат билан Афғонистондаги кўзи очиқ бир гурӯҳ туркистонликлар бу ерда туриб шўро тузумини ичдан емириш тадбири йўлида бир маҳфий жамоа тузиш ишига киришдилар. Тадбирда Тошкент ва Фарғона вилоятларига кишилар юбориб, рус коммунистларининг ўтказаётган зулмига қарши маҳаллий халқни инқилобга кўтириш масаласи ҳам кўзда тутилган эди.

Мужоҳид ҳамфирларимиздан Муҳиддинхон тўра, Абдулаҳадхон қори, Абдураҳмон маҳдум, Абдуҳалил ҳожиларни тўплаб, яна машварат мажлиси ўтказдик. Кўчаларда гап ташувчи хоин кишилар ҳам кўп эди, ниҳоятда маҳфийликда ҳаракат қилинди. Шунга қарамай, Кобулда мишиш кўпайиб, уч-тўрт одамимиз қўлга олиниб, банди бўлдилар. Сўнгра маслаҳатлашиб, Кобулда истиқомат қилувчи авлиёоталик таниқли мужоҳид Мубашширхон Тарозий жанобларини умумий ишимизга раҳбарлик қилишини ўтиниб сўрадик. (У жаноб Афғонистон ҳукумати маориф тизимида хизмат қиласар эдилар). Ўша онлари барчада Олмония Русланияни йўқ этмоғи шубҳасиздир, деган таважжух-ишонч ҳукмрон эди.

Мубашширхон Тарозий жаноблари бу иш фоятда жиддий эканини ва муҳораба ишларида тажрибаси йўқлигини айтибдилар. Олдига боргандар ҳарбий ишларда Шарқий Туркистонда маҳорат кўрсатган Қудратиллохон (яъни камина) ёрдам беради, деб ваъда қилибдилар. Сўнгра Мубашширхон ҳазратлари Бухоро (собиқ) амири Саид Олимхон билан маслаҳатлашдилар. Амир у жанобни Туркистон ишларида ўзининг вакили этиб тайинлади. Шундан сўнг Амир Олимхон қизини Мубашширхон Тарозийга никоҳлаб берди, катта тўй ўтказилди.

Мубашширхон Тарозий жаноблари Афғонистоннинг вазири ҳарбияси шоҳ Маҳмудхон билан учрашиб, бизларнинг Ватан озодлиги йўлидаги мақсадларимизни очиқласига айтибдилар. Шоҳ Маҳмудхон жавобида дебди: «Бу кун дунё юзидағи бани башарларга маълумдирки, Олмония русларни енгмоғи шубҳасиздир. Бинобарин, сизлар ҳам саъй-ҳаракатда бўлингиз. Аммо шошилмасдан, маҳфий иш кўрмоқ яхшидир. Бизлар ҳам таважжуҳда бўлурмиз».

Мубашширхон тўрам вазири ҳарбиянинг бу жавобидан фоятда мамнун бўлиб чиқсан ва ҳаракатга тушган.

АФГОН шаҳарларида истиқомат қилаётган Фарғона мужоҳидларидан Шермуҳаммадбек, Нурмуҳаммадбек каби машхур кишиларимиз билан учрашмоқ учун кўп шаҳарларда бўлдим ва жуда кўпчилик мужоҳидлар билан суҳбатлар қуриб, мақсадларни тушунирдим. Бу сафарларимга бир ой вақт кетди. Аммо ўша онларда Афғонистон ҳукуматининг туркистонлик муҳожирларга муносабатларида бизлар тушунмаган ўзгариш пайдо бўла бошлади, сиёсатда илгаригидек ҳамдардлик аломатлари йўқолиб бораётган эди.

1942 йили қишида Қундузда эдим, бир кечада фарғоналик машхур мужоҳидлардан Муҳиддинхон тўрам ва Абдулаҳадхон қори уччовимизни бир кечада банди қилдилар. Маълум бўлдики, ўша кунлари Кобулдан Мубашширхон ва ўғли Насруллохон Тарозийлар, ака-ука Шермуҳаммадбек ва Нурмуҳаммадбеклар, шунингдек, бошқа шаҳарлардан ҳаммаси бўлиб, 50 нафардан зиёда кишилар қўлга олинган.

Биз – уч бандининг оёғига занжирлар боғлаб, Қундузнинг пахта фабрикасига олиб келдилар. Усмон маҳдум деган қўшним «кўришиб қолсин», деб б ёшли ўғлим Неъматиллони етаклаб келибди. Икки афғон аскари назоратида ўғлим билан беш дақиқа кўришдим, бағримга босиб йиғлашдик. Сўнгра тунги соат 12 ларда Бағлон бандихонасиға олиб келдилар. Бизлар якка-якка тартибда тўрт ой бандихонада ётдик. Кейин маълум бўлдики, муҳожир туркистонликлар орасида «бу ишларни Афғонистон ҳукумати ўрисларнинг амри билан қилган», деган гап тарқалган. (Бошқа манбалардан бизга маълум бўлишича, совет армиясининг Сталинград жангидаги фалабасидан сўнг, СССР ҳукумати Афғонистонга тазиик ўтказа бошлаган – С.Ж.)

Тахминан беш ой ўтгач (1942 йил, июнь) Кобулдан Бағлон нойиб ул-ҳукуматига маҳсус бир хат келиб, унда: «Фарғоналик Қудратиллохон тўра, Муҳиддинхон тўра ва Абдулаҳадхон қорилар ҳукумати Афғонистон ҳузурида гуноҳкор эмаслар», деб ёзилган экан. Мубашширхон тўрам ва ўғли Насруллохон, Шермуҳаммадбек ва яна баъзиларни озод қилиш, аммо бизларни Бағлонда, уларни эса Кобулда ҳозирча назоратда ушлаб туриш ҳақида кўрсатма бўлган экан.

Шу тарзда Бағлонда 32 ой (1942 йил февралидан 1944 йил октябрь ойигача) бандихонада бўлмасак ҳам, маҳсус назорат остида турдик. Юзлаб ҳамюртларимиз бошқа шаҳарлардан ҳар куни келишиб, бизлардан хабар олиб турдилар.

1944 йил ёзида Афғонистон ҳукумати Мубашширхон түранинг (обрў-эътибори туфайли) оила аъзолари билан өзод этиб, Миср мамлакатига муҳожир қилиб чиқариб юборди. Камина Покистонга сифиндим. Шермуҳаммадбек ва Нурмуҳаммадбеклар Туркияга жўнатилдилар.

Каминага оилас билан истиқомат қилишимиз учун Пешовар шаҳрида ҳукумат тарафидан бир сарой ва яна бир жой ажратиб бердилар. Биз ушбу шаҳарда 3 йил истиқомат қилдик.

Баъзи бир нобакор кишиларнинг камина ҳақидаги ҳасад гаплари туфайли Пешовардан Равалпинди шаҳрига кўчдик. Ушбу шаҳарда ўшлиқ Тўқаҳожи деган бир қадрдоним истиқомат қилгучи эди. Унинг Нўймонжон исмли ўғли тижоратда толеи намоён бўлиб, Аллоҳ таоло бир фабрикага қодир қилган экан, камина унинг ва отаси – дўстимнинг ҳимоясида уч йил истиқомат қилдик. Аммо турли сабаблар ҳамда қўлимизда сармоя йўқлиги сабабидан Равалпиндидан Карочига кўчдик.

Йўқчилик оиласиз тинкасини қурилмоқда эди. Дунёнинг ишини қарангки, турмушимизда қийинчиликлар юз берганида каминадан яхшилик кўрган баъзи ошналар ҳам биздан қочдилар, айrim пасткаш кишилар бизга жафо ҳам қилдилар. Бунга сабаб – дунё қўлимиздан кетгани ва тирикликада камбағаллик бошлангани эди.

Айёми ҳижратимизга таҳминан 25 йил бўлган бўлса, кўп зиёда муборак кунларни кўрдим, мудҳиш кунлар ҳам бошимиздан ўтди. Вафолик хотин-рафиқамизнинг собиравлиги, фарзандларимизнинг донишмандлиги тепамизга келган мушкул кунларнинг дафи учун Аллоҳ таолонинг бизларга берган меҳрибонлигидир, деб бир-биримизга тасалли бердик, тақдир бизни Карочига етаклади.

## ТЎРТИНЧИ ФАСЛ. ПОКИСТОНДАГИ ТУРМУШИМИЗ БАЁНИ

Мен ушбу мамлакатга келиш учун Покистоннинг Афғонистондаги сафири мавлоно Абдулқодир соҳиб ҳузурида бўлдим ва ижозатларини олдим. Карочига келганимизда оила ташвиши учун (ўзим, рафиқам ва учта гўдак фарзандим) бир ойга ўртача 300 рупий сарф бўлмоғи бизларга аён бўлди. Аммо бир иш тополмадик.

Пардаи ғойибда нима бор – ёлғиз Аллоҳ таолога маълумдир. Фабрика соҳиби бўлган ота қадрдан Нўмонжон охир-оқибат бизга ёрдам қўлини чўзмади. Яна бир дўстим, хўжандлик Мир Баҳодирбой ҳам бизларга ҳеч илтифот қилмадилар ва Туркия тарафига кетмоғимни маслаҳат бердилар.

Мадад ва нажот излаб Туркияга ҳам бориб келдим. Аммо бир иш чиқариш мушкул бўлди, узоқ турмадим, қайтиб келдим.

Равалпинди шаҳри катталаридан Миён Абдулкарим соҳиб, ҳаким Муҳаммад Ҳасан соҳиб, Мақбул Аҳмад соҳиб, Зоҳид Ҳусайн соҳиб деганлар бизларга қалбан муҳаббатлари зиёда кишилар эди. Уламолардан мавлоно Ғуломуллоҳон соҳиб ва ҳожи Орифуллоҳон соҳиблар билан қадрдонлашдим. Каминада фарзандларни ўқитиш иштиёқи ҳам голиб эди. (Покистонда юз бергани шахсий саргузаштлар, тирикчилик ташвишлари тушириб қолдирилди – С.Ж.)

Ушбу мулоҳазалар билан ва қадрдонлар кўмагида Бағдод сафарига отландик.

## БЕШИНЧИ ФАСЛ. БАҒДОДИ ШАРИФ БАЁНИ

Фарзандларни ўқитиш, миллатга яроқли инсонлар қилиб тарбиялаш ҳамда мусофириликда ўтаётган турмуш тарзимизни мақбул томонга ўзгартириш мақсадида 1956 йилнинг олтинчи ойи биринчисида «попир» кемага ўлтириб, Карочидан Басрага келдик. Яна бир орзуимиз, – насиб этса, шу ердан муборак ҳаж сафарига кетмоқ эди.

АЗият устига азият бўлиб, Покистондан кетишимизга сабаблар кўпайди. Кечаётган ҳаёт ташвишларимиз, муҳожират мақсадлари ҳақида бир кичик рисола ёзиб, Пешоварда чиқадиган «Шахбоз» номли расмий кундалик ахборида бостиридим. Шу тарзда менда саргузаштларим ҳақида хотира ёзиш иштиёқи пайдо бўлди. (Афғонистон ва Покистонда муаллиф холисона яхшилик қилган дўстларининг кейинги вақтдаги бевафоликларига, ҳатто, айримларининг сотқинлик қилганликларига, шунингдек, рафиқасининг икки йил давомида нотоб бўлиб ётиб қолгандаги қийинчиликларга бағишланган саҳифалар тушириб қолдирилди. Муаллиф яхшилик қилган, аммо ундан юз ўгириб кетган одамларни «мальъунлар», «бадбаҳтлар» деб атайди. – С.Ж.)

Дунёда бир инсон йўқлик ва қаттиқликни кўрган бўлса бизларча кўргандир. Шундоқ ҳолда бўлса ҳам сабр қилдик, Аллоҳ таолонинг ёлғиз ўзига илтижо этдик. Ўшандай кунларда баъзи шайтон, мунофиқ ҳамشاҳарларимиз биздан юз ўғирдилар, қасддан ишимизга зарар етказдилар.

Аммо бу ёмон кунларнинг ниҳоясида яхши кунлари ҳам бўлмоғи зарур эди — сабр қилдик. Хафа бўлган онларимда фақат рафиқам тасалли бериб тураган эди. Нотоб бўлиб ётиб қолди, йўқчилик азобини тортди, аммо бирон марта таънашикоят қилмади, ҳасрат-надоматга оғиз очмади, қайтага мени яхши гаплари билан тетиклантириб турди.

Ироқ мамлакати қадим замондин бўён ислом оламига диний ва илмий хусусинда марказ бўлиб келган бир муборак ўлкадир. Бу ерда кўплаб уламои киромлар, авлиёлар, забардаст олимлар ўтгандурлар. Жумладин жаноб ҳазрат Абдулқодир Жийлоний, ҳазрат Имом Аъзам (р.а.), ҳазрат Жунайд Бағдодий (р.а.), ҳазрат Шайх Маъруф Гарузий ва бошқа кўп авлиё ва уламои зул-эҳтиромлар бу ўлкада аёқлари билан юриб, илм ва ахлоқи динийлардан таълим берганлар. Бундай зотларнинг аксари Бағдоди шарифдин, Куфадин ва ё Басрадандир. (Ироқ об-ҳавоси ва халқларининг ҳаёти, шаҳарлар таърифи тушириб қолдирилди — С.Ж.). Тақрибан 7 млн. аҳолидан 5 млн.и мусулмондир. Қолганлари насроний ва арманий қавмлардир.

Ҳижрий 1376 (милодий 1956 йил охири) йили оила афродим билан бирликда Бағдоди шарифга доҳил бўлдик. Ҳижрат йилларим хурсандликни оз ва фурбатни кўп кўрган бўлсам-да, мазкур мамлакатга келиб улуғ зотларни, уларнинг мақбараи шарифларининг зиёратлари насиб бўлганидан кўп мамнун ва масрур бўлдим. Хусусан, жума кунлари ҳар қайси жомеъларда тақрибан юз нафарга қадар ҳофизлар Қуръони азизни тиловат қилурлар. Тажвид қоидалари-ла ниҳоятда хуш овозлик билан ўқурлар. Диний илм ҳақинда ҳукуматнинг ҳам, халқларнинг ҳам зиёда муҳаббат ва шавқлари бордур. Эҳсонлари ҳам ғураболарга зиёдадир. Хусусан, туркистонликларга муҳаббатлари бор, бизнинг юртдан келганларга яхши муомала қиласурлар.

Аммо биз кўп сабабларга кўра Бағдодда узоқ туролмадик...  
(Шу жойдан бир неча саҳифа узилиб қолган).

## **ОЛТИНЧИ ФАСЛ. АММОН САФАРИ**

Хижрий 1376 йил ражаб ойининг 16 синда (милодий 1957 йил 15 февраль) оила афродларим билан мамлакати Ўрдун маркази Аммон шаҳрига келиб тушдик. Икки кун дам олгач, Байт ул-Муқаддасни зиёрат қилдик. Қуддуси шарифда ўзимизнинг туркистонлик машҳур шайх Яъқуб хонасига тушдик (икки ой муқаддам вафот қилган эканлар, ул кишидаң 5 ўғил қолибдур).

Аммон шаҳрининг об-ҳавоси ниҳоятда тоза ва тарбиятлидир. Мавсуми ҳажда оила афродларимни Аммонда қолдириб, ўзим ҳаж сафарига кетдим. Муборак ва муқаддас ҳаж амалларини бажаргач, яна Аммон шаҳрига қайтдим ва тириклик тадоригини кўришга киришдим. (Бир неча саҳифа шаҳар тавсифига, аҳолиси, унинг машғулоти ва эътиқоди, бу ерда ўтган азиз-авлиёлар таърифига бағишинланган. Ушбу воқеалар баён этилгач қўлёзма 130-бетда тугалланмасдан узилиб қолган.)

Муаллифнинг Иордания пойтахти Аммондаги ҳаёти ҳақида ўғли Ҳидоятилло ҳаким ва аҳлиялари Муруватхон аядан маълумот олганмиз. Кудратиллохон Аммонда кичикроқ бир дўкон очган ва оиласи билан бирга 12 йил истиқомат қилган. 1969 йили вафот қилгач, фарзандлари ва аҳлиялари Саудия Арабистонининг Жилда шаҳрига кўчиб келдилар, ҳозирда ҳам шу ерда истиқомат қиладилар. (Китобнинг «Жиддадаги суҳбатлар» қисмига қаранг).

# МУНДАРИЖА

<b>Муқалдима.....</b>	<b>3</b>
<b>I БОБ. Мұхожирада сабаби – ноҳақ тузум.....</b>	<b>9</b>
1-§. 1917 йил октябрь давлат тұнтарыши ва үнинг оқибатлари.....	9
2-§. Машъум «қулоқ сиёсати»нинг жорий қилиниши.....	14
<b>II БОБ. Хайр энди, Она-юрт .....</b>	<b>25</b>
1-§. Мўминжон Исмоилжон ўғли Андижоний ҳикояси.....	27
2-§. Сафохон Жалолхон Марғилоний ҳикояси.....	35
3-§. Ҳабибулло Назиржон ўғли ҳикояси.....	45
4-§. Абдулҳамид Андижонийнинг магнит тасмасига ёзиб олинган хотирасидан.....	58
<b>III БОБ. Саудия Арабистони бўйлаб.....</b>	<b>64</b>
1-§. Саудия Арабистони ҳукуматининг ватандошларимизга муносабати.....	69
2-§. Ватандошлар билан суҳбатлар.....	77
3-§. Ёш олимлар даврасида .....	87
4-§. Тоиф шаҳридаги учрашувлар.....	97
5-§. Жилда шаҳрида .....	109
6-§. Шоир Фамгиннинг сўнгги кунлари.....	120
<b>IV БОБ. Пойтахт – Риёзда.....</b>	<b>128</b>
1-§. Хайр Жилда, қайдасан Риёз.....	128
2-§. Дўстона учрашувлар, ширин суҳбатлар.....	133

<b>V БОБ. Ватан доғида яшаб ўтган олиму фузалолар</b> .....	150
1-§. Сайид Маҳмуд Тарозий-Олтинхон тўра.....	153
2-§. Сайид Мубаширхон Тарозий.....	164
3-§. Сайид Қосим домла Андижоний.....	168
4-§. Муҳаммад Юнус Йўлдош ўғли Наманганий.....	171
5-§. Шайх Абдулқодир Кароматулло Бухорий-Саббоқ.....	174
6-§. Муҳаммад Мусо Фойиназар ўғли Туркистоний.....	178
<b>VI БОБ. Ватандошларимиз хонадонларида.....</b>	184
1-§. Хориждаги ўзбекчилигимиз.....	184
Уй тутишлари.....	185
Тўй маросимлари.....	189
Дафн маросимлари.....	193
2-§. Рамазон дастурхонлари атрофида.....	198
3-§. Машраб қорининг шахсий музейи.....	205
Хотима ўрнида.....	211
<b>Иловалар.....</b>	217
Чуқур ҳамдардлик (ватандошлар хати).....	217
Яна Саудиядан мактуб.....	218
Аҳмадали Тўлқин билан сұхбатдан лавҳалар.....	220
Президентимиз Ислом Каримов жаноби олийларига.....	224
Мадиналик тарихчи олим.....	226
«Ватандин яхши ёр бўлмас».....	228
Ватан соғинчини бизлардан сўранг.....	233
Дўстлар иқори ва эҳтироми.....	236
Саудия Арабистонидаги ўзбек шоирлари	
ижодидан намуналар.....	241
Бурҳон Бухорий. Ватан туйгуси (насрый шеър).....	255
Кудратиллохон Ҳакимхон тўра ўғлининг	
«Ҳижрат тарихи»дан лавҳалар.....	259

**Сайфиддин Жалилов**

**БУХОРИЙЛАР ҚИССАСИ**

Ўзбек тилида

«Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси  
Бош мұхаррир *О.Рахимов*  
Мұхаррирлар *Н.Мұхамедов, Ҳ.Юсупова*  
Мусақхих *У.Инсонбоеева*  
Бадий мұхаррир *А.Умаров*  
Техник мұхаррир *Н.Сорокина*  
Компьютерда сақиғаловчы *Б.Махмудов*

Теришга берилди 30.12.2005. Босишига рухсат этилди 21.04.2006. Бичими 60x84 1/<sub>16</sub>.  
Офсет босма усулида босилди.

Шартли босма табоғи 17,75. Нашр табоғи 17,8.  
Алади 1000 нұсқа. Буюртма № 9. Баҳоси шартнома асосида.

«Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, Тошкент,  
Ақодирий күчаси, 11. Шартнома № 11-26-05.

МЧЖ «Ношир» босмахонасида чоп этилди. Навоий күчаси, 30.

**Жалилов, Сайфиддин.**

Ж 20 Бухорийлар қиссаси: (Муҳожират тарихидан лавҳалар)  
/С. Жалилов; Масъул муҳаррир З.Мунавваров; -Т.:Тошкент ислом  
университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2006. -284 б.

ББК 63.3(5Ў) 622-4



Саўфиддин Жадиев 1947 йылни Андижон габдат ўқитувчилар институты ва 1952 йылни Ўрта Осиё габдат университетининг шарқшунослиқ факултетини имтиёзли сипбом билан битирган. Билоят архивига, сўнгра педагогика институтига ишлабган. 1959 йылни Ўзбекистон ФЛ Тарих институтига ишга келиб. 1964 йылни тарих фанлари номзоди бўлган. 1966 йыл Андижонга қайтиб, шундан бўён педагогика институтига (1992 йилдан - университет) фаролият кўрсатиб келмоқда.

С.Жадиевнинг тадқиқотлари Ўзбекистон, хусусан, Андижон шаҳри тарихи ва Бобуршунослиқ билан бозаси. Унинг қадамига мансуб «Фараона ерларининг сувориалиш тарихи» (1978), «Бобурнинг Фараона габдати» (1995), «Салтанатни тиҷратган қунаар» (1998) қаби монографиялар, шунингдек, 15 китоб ва 300 дан ортик мақолалар чоп этилган. «Бобур ва Юлий Цезар» номдли қитоби Хадъаро Бобур түкоғотига сазовор бўлган.

1995-1997-йиллари Саудия Арабистонида илмий сафарларда бўлиб, у ергаги ватандошларнинг ҳижроти тарихини ўрганди. «Бухорийлар қиссанаси» қитоби маскур сафарлар таассурутни асосига ёзишган.

